

*Шароҳи Раҳим*

**ЧИН  
МУҲАББАТ**


**РОМАН**

*ИККИНЧИ НАШРИ*



**ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ—1960**





*Баринчи боб*

**ЕРИМ, ЯХШИ ҚОЛ!**

*I*

Тонг ёришмоқда.

Тўхта хола ҳовли ўртасидаги сўрига келиб, оппоқ ёстиққа энгашди: «Тур, болам, бир оз гаплашиб олайлик...» Кампир шу қадар секин шивирлаб гапирдики, бу сўзларни унинг ўзигина эшитди. «Ҳай, мен нега уни бевақт уйғотяпман, ним билсин, бу хил уйқу кенжамга яна қачон насиб қилади, бир оз ором олсин» деди-да, сўрига суянди. «Ҳар қалай уйғотай» деди яна она ва ўглининг бошига эгилди, эгилди-ю танг қотди: кўрпанинг ичида ҳеч ким йўқ... Кечқурун тўшалган қарғашойи кўрпа, гулли чойшап устида оқ ўрикнинг эгри шохлари ва қалин барглари орасидан тўкилиб турган тонг ёруғлиги танга сочиб қўйгандек жимирлаб турибди. «Қани Нормат?»

Ҳали яқиндагина Нормат шу жойда қўлларини икки ёнига ташлаб тонг ҳавосини шимириб ётган эди. Ҳали яқиндагина кампир, тандир олдидан қайтаётиб, кенжасининг юзига тикилиб, унинг енгил нафас олиб ётганини ўз кўзи билан кўрган эди.

Унинг кийимлари ҳам йўқ. Кўйлаги ўрик шохида, этиги сўрининг тагида турарди... Энди йўқ... Кетибди... Қаёққа кетибди-а?

Нормат шу тонгда узоқ сафарга — фронтга жўнайди. Кампир уни кузатиш тараддуси билан тун бўйи ухлагани йўқ. У, қайроқ буғдой унидан ёғлиқ патир, сомса ёпди, қатлама пиширди. Норматнинг кийимларини тахлаб, чамадонга жойлади, сўнгра оқ ўрик термоқчи бўлди...

Қуёш секин-аста кўтарилиб, қалин шохлар орасидан мўралай бошлади. Тўхта хола сўрининг кун чиқиш

томонида этик нағалининг янги изини кўриб қолди. Из уни дарча томонга олиб борди. Дарчанинг орқаси анорзор, унинг этагидан анҳор ўтади. Этик изи анҳор бўйида йўқолди. Кампир анҳорга тикилди, нишаб оқаётган сувда ўзининг аксидан бошқа ҳеч нарса кўринмади. «Эҳтимол, Адолатни йўқлаб кетгандир...» Сув оқими томон юрган кампир яна этик изига йўлиқди. Кампир из қидириб боғма-боғ бориб, баланд девор олдида тўхтади. Девор орқаси — Соҳиб қорининг анорзори. Ҳамма ёқ жимжит, фақат онда-сонда булбуллар ноласи эшитилади. У, анорзорга ўтишни ҳам, ўтмаслиқни ҳам билмай, иккиланиб қолди. «Соҳиб қорн кўриб қолса нима дейди, каллайисаҳарлаб боғимда нима қилиб юрибди бу хотин, демайдимиз?»

Шу чоқ узоқдан чинни пиёла жарангидай кулги эшитилди-ю тезда жимиди. «Нормат!..» Кампир деворга бўй чўзиб, ўша ёққа қаради: анорзорда ҳеч ким йўқ, ёнғоқ тагидаги супа бўм-бўш, ишком томонда ҳам шарпа сезилмайди. Шу яқиндаги гулзор хушбўйини ўғирлаб келган шабада гуп этиб димоғига урилди. Ана, Нормат девор тагида, анҳор лабида, қуёш шуълаларига кўмилган қизил гул панасида ўтирибди. У, қаршисидаги атир гулнинг новвот ранг ғунчасига қўл чўзмақда. Она ўзини тутолмади.

— Нормат! Нима қилиб ўтирибсан бу ерда?!

Атир гул тўсатдан силкинди-да, кимдир энгашиб, анорзорга қочди.

Нормат икки қўлини атир гулдан учган «қуш» томпога чўзганича қолди:

— Адолат!..

## 2

— Қаёқда юрибсан, Нормат?— деди, катта кўчада кутиб турган колхоз шофери она-бола қаршисига чиқиб.— Тез юр, кутишиб турибди.

Гўё шофер уни кўчаданоқ олиб кетаётгандек, Тўхта хола ялина бошлади.

— Шошилма, болам, Нормат понушта қилиб олсин! Шофер кўнмади.

— Нонуштани гузарда қиламиз. Вақт зиқ.

Она ўғлининг баридан тортиб, уйга судради.

Норматнинг жиянлари: «Акам фронтга кетяпти» деб, уни излаб, қўни-қўшниларникини кезиб чиқишган

эди. Ҳовли бир зумда болаларга тўлди. Улар бир-бирларига навбат бермай, Нормат акаси тўғрисида чуғурлашмоқдалар. Бири: «Нормат акам аскарликка кетяпти» деса, иккинчиси: «Катта командир бўлгани боряпти» дейди. Яна бир чўғолроғи: «Нормат акам урушга боряпти, Гитлерни ўлдириб келади» деб бошқаларнинг гапини бўлиб қўяди. Шу чоқ катта дарвозадан Эргаш билан Холмат кириб келишди. Эргаш хушчақчақ ва тегишқоқ йигит эди. Айниқса болаларни кўрганда, болаларга ўхшаб кетар эди. Унинг остонадан қадам қўйиши билан болалар баб-баравар Норматнинг Гитлерни ўлдиргани кетаётгани ҳақида чуғурлай бошладилар. Эргаш болаларнинг бирини елкасига уриб, бирининг бурнини чимчилаб, яна бирига: «Бор, кўзингни ювиб кел, кирдан қорайиб кетипти» деб ҳазил қилди. Холмат беғам, одатдагидек салмоқлаб қадам ташлаб айвонга ўтиб кетаверди. Ариқча сувида юзини юваётган Нормат шошилиб артинди-да, Эргашга пешвоз чиқди. Эргаш у билан қучоқлашиб кўришмоқчи бўлган эди, Нормат унинг белидан маҳкам қучоқлади-да, даст кўтариб, уни айвон супасига чиқариб қўйди. Болалар гуриллаб уларнинг олдига келиб, қийқириб муҳокама қила бошладилар. «Кўрдингми, менинг акам полвон!» деди Норматнинг жиянларидан бири. «Пўқалас бўлса урушга олармиди!» деди яна бир бола. «Балли азамат, қойилман!» деди Эргаш ҳам кулимсираб. Тўхта хола оёғи ерга тегмай тараддудда, ҳаллослаб юрибди.

— Хорманг, кампир, — деди Эргаш, белини рўмол билан маҳкам боғлаб олган Тўхта холанинг олдига келиб.

— Бор бўл, болам, кел, гиргиттон! — кампир Эргашнинг елкасига қоқди.

Аввал Холмат, кейин Эргаш айвон олдига келиб, ниманидир гаплашиб қолишди.

Тўхта хола ҳали кўрпаси йиғилмаган сўрига дастурхон ёзиб, қумғонда чой келтирди.

— Утиринглар, чой тайёр. Сен ҳам ўтир, Эргаш, — деди кампир ва икки пиёлага чой қуйиб узатди. Нормат қўлидаги чойни хўплади-ю, ўрнидан турди.

Она Норматнинг бўйига тикилиб қаради. Кечагина мактабга қатнаб юрган бола бугун онанинг кўзига шер йигит бўлиб кўринди. Унинг кифтлари дуркин, кўкраги кенг, билаклари йўғон.

— Шошма, болам, — кампир тандир томонга югурди

ва хокандозда исериқ тутатиб келиб, Норматнинг бошидан айлантирди.

Нормат онасининг ажин босган юзига, ёшли кўзларига термулди. Она ҳаётига чанг солаётган айрилиқ дардида ўртаниб, кўз ёшлари ажинли юзига оқиб тушмоқда. Нормат: «дадил бўл, онажон!» дегандек унга кулиб қаради ва кучли қўллари билан онасининг билакларини сиқди. Ўғлининг ёниб турган кўзлари ўрта-наётган она юрагига далда бўлгандек, бақувват қўллари унга мадор бағишлагандек бўлди. Кампир қаддини ростлади.

— Энди сиз шу ерда колинг,— деди онасига Нормат дарвозадан чиқаркан,— уринманг... Тез-тез хат ёзиб турман.

Кампир индамасдан чопонини бошига ёпиниб, машинага чиқа бошлади. Нормат онасини қучоқлаб, ўпди.

— Жон онажон, шу ерда қолинг!

Кампир ўғлини бағрига босиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Хайр, онажон!

Кампир машинага интилган эди, катта ўғли Холмат уни қўлтиқлаб, уйга бошлади.

Нормат мукчайиб қолаётган онасига қараган эди, унинг кўзига пастак девор орқасидаги қадрдон ҳовли, унинг ўртасидаги якка туп ўрик кўринди. Ўрикнинг барглари беҳисоб исиргаларга ўхшайди. Машина жойидан жилиши ҳамон, гарбга хиёл ёнбошлаб турган анорлар носқовоққа ўхшаш гулларини баланд кўтариб, гўё унинг орқасидан югураётгандек туюлди. Норматнинг назарида «Гулистон» қишлоғининг уйлари, боғлари ҳам машина билан бирга жилаётганга ўхшади. Ҳамма кўчада. Ҳамма унга оқ йўл тилаб қўл силкимоқда. Машина гузарга яқинлашган сари баландликка кўтарилмоқда ва Норматнинг кўзига бутун қишлоқ кафтдек кўриниб турибди. Чап томонда тоғ этаклари, ўнг томонда яшил пахтазор, ўртада қишлоқ. Қишлоқнинг уйлари, катак-катак ҳовлилари, паст-баланд боғлари — ҳаммаси, ҳаммаси Норматга тикилаётганга ўхшайди. Баланд сўри-тоқларда чумак урган чиллакилар, камбарг дарахтлардаги олма ва нашватилар у билан хайр-хўшлашмоқда. Буларнинг ҳаммаси шу қишлоқда ҳаммадан олдин фронтга кетаётган Норматда юрти, ўз чаманлари учун қандайдир фахр ҳисларини уйготмоқда.

Машина қишлоқ чойхонасига яқинлашганда сельпонинг савдо мудирини Бозоров йўлни тўсди.

— Бир пиёла чой ичиб кетинглар.

Бозоров сельпо магазини рўпарасига, ариқ бўйидаги сўрига қизил гилам, иккита кўрпача тўшаб, тўртта пар ёстиқ ташлаб қўйибди. Бозоров азиз меҳмонларни, яхши улфатларни ана шу жойга таклиф қилади.

Нормат узр айтгунча шофер жавоб қилди:

— Соат тўққизда военкоматда бўлишимиз керак.

— Тўққизга анча бор,— деди Бозоров соатига қараб.— Кечиксаларинг военкоматга ўзим айтиб қўяман.

Нормат унинг илтимосини рад қилиб: «вақт зиқ» деган эди, Бозоров: «Бўлмаса, тўхтаб туринглар» деди-да, ариқ устидаги сўрига югурди. Паст бўйли, япалоқ юзли, гўладек юмалоқ Бозоровнинг лапанглаб югуриши Норматнинг кўзига узоқдан гўё тўнғак думалагандек бўлиб кўринди. Бир оздан кейин Бозоров бир қўлида шиша, бир қўлида пиёла билан ҳансираб етиб келди.

— Ма, Нормат, оқ йўл берсин. Яхши ният билан бир пиёладан отайлик!

Нормат кўзини чирт юмиб, пиёлاداгини ичиб юборди.

— Раҳмат, оғайни,— деди Бозоров қувониб,— сўзимни ерда қолдирмадинг.

У, шиша билан пиёлани шоферга бериб, «айлантириб туринг» деди-да, ўзи лапанглаб магазин томонга югурди. Магазин қоровулини чақириб, нимадир деган эди, у бир оздан кейин тугунча кўтариб чиқди. Бозоров тугунчани қўлтиқлаб, тебраниб-тебраниб, машинага интилди.

— Мана, оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўриб, йўлда улфатлар билан баҳам кўринглар. Биз урушга ярамаймиз. Юрак касал. Кўряпсиз-ку, у ердан-бу ерга ўтгунча жоним бўғизимга келди. Қишлоқдан, уй ичидан хотиржам бўл, Нормат, ўзим Тўхта холадан хабар олиб тураман. Ердамимни аямайман.

Нормат Бозоровга тикилиб қаради. Адолатга кўз олайтириб, орқаворатдан гап-сўз қилиб юрган бу ғаламуснинг хушомадидан Норматнинг кўнгли ғаш бўлиб қолди. «Оёғининг олти бўлиши бежиз эмас...»— деб ўйлади-да, Бозоровга ёвқараш қилди. Бунини сезган Бо-

зоров шошилиб қолди. Хайриятки, машина қисқа сигнал бериб, ўрнидан жилди-ю, бир ондан кейин кўздан ғойиб бўлди. Шу чоқ Бозоровга «Гулистон» қишлоғи жуда кенгайиб кетгандай ва шу кенг «Гулистон»нинг ғунчаси — Адолат Бозоровга инъом қилиб ташлаб кетилгандай туюлди.

4

Йигитлар колоннаси военкоматдан чиқиб, катта тош йўл билан станцияга жўнади. Йўлнинг икки бетига тўлиб, фронтга кетаётган қизил аскарларнинг ота-оналари, қавм-қариндошлари борарди. Кўча ўртасида бир хилда қадам ташлаб бораётган аскарлар лейтенантнинг командаси билан ашула бошладилар. Тўхта хола Норматнинг овозини таниб қолди...

— Йигитлар сараси боряпти,— дейишади одамлар ва бир зарбда оёқ ташлаб, равон илгарилаётган сафга ҳавас билан қараб, улар кўздан ғойиб бўлгунча тикилиб қолишади. Еш-ёш қизлар, ўқувчи болалар сафдаги йигитларга гулдасталар узатмоқдалар, узатолмай қолганлар эса, қўлларидаги гулларни аскарлар бошига сочмоқдалар. Эшик олдида чиқиб турган ота-оналар сафдаги йигитларга қараб, бундан бир йил ёки икки йил илгари аскарликка узатган ва хизматни тугатиш олдида урушга тўғри келиб, ҳозир жанг қилаётган болаларини эслардилар. Тўхта хола йўлнинг чап томонида, кенжасидан кўзини узмай, индамай борарди. Тўхта хола бошидаги тугунча оғирлигини сезмас ва терлаган юз-кўзига кўча чанги ёпишаётганини ҳам пайқамас эди.

Лейтенант колоннани станциянинг чап томонидаги саройга бурди. Йигитлар катта қўрғоннинг текис майдончасида терларини артишиб, чангларини қоқишиб, ўзларини тартибга солиб олдилар. Қўрғон ичида нима гаплар бўлаётгани ва кенжа ўғил нима билан машғул экани Тўхта холага маълум эмас. Кузатгани келган кишилар ташқаридаги майдонда казармадан кўз узолмай турибдилар. Норматлар бир неча кун шу жойда яшайди. Шу сабабданми, кекса бир командир чиқиб, кўчаларда аскар болаларини кутиб турган кишиларни уй-уйларига қайтарди. Тўхта хола ҳам қишлоққа қайтди ва бир ҳафтадан кейин, ўғлининг жўнари яқинлаш-



ган куни эрталаб сомса ёпиб, заводга келаётган колхоз аравасида станцияга келди.

— Ўртоқ командир, ижозат этинг,— деб Нормат лейтенант Морозовга кўчада кўз тутиб турган онасини кўрсатди.

Тўхта хола ўз ўглини таниёлмади. Унга ҳарбий форма жуда ҳам ярашган ва бутунлай ўзгартириб юборган эди. Онанинг қаршисида гўё бошқа бир йигит турарди. Унинг овози, кўзигина таниш. Унинг «онажон» деб термулиб туришигина Норматга ўхшайди. Она шошилиб тугунини очди:

— Ол, болам, сомса ёпиб келдим...

Норматнинг кўнгли: «Адолат шу ерда» деб далолат бериб турибди. У атрофга олазарак бўлиб қаради, аммо ҳеч кимни кўрмади. «Эҳтимол, уялаётгандир, эҳтимол, анов кунги воқиядан ранжигандир... Нега шундай қилдинг, онажон, нега Адолатни мендан қочирдинг?..»

Тўхта хола Норматнинг кимпидир қидираётган олазарак кўзларига қараб-қараб қўйди-да, хаёлга чўмди. «Адолатни кутяпти, шекилли... Нега у келмади?.. Нега мен ўзим уни бошлаб келмадим? Айб менда. Мен уларга ҳалақит бердим, уларнинг гапини бўлдим, кенжамнинг бахт қушини учириб юбордим. Келармикин? Келмаса, армонда кетади ўғлим... Ҳовлиқмалигим қурсин мени...»

Норматнинг назарида онасининг кўзлари киртайиб, юзи буришиб қолганга ўхшади. «Ғам тортяпти бечора...»

Кўчада бир нечта қўқон арава тўхтади. Аравалардан тугун кўтарган, қоп орқалаган кишилар тушдилар. Бир зумда кўча атрофлардан келган одамларга тўлиб кетди. Қўнғироқларини жараиглатиб извош етиб келди, ундан Бозоров лапанглаб тушди.

Сўқмоқлар билан станцияга келган Адолат Норматни кўрди-ю, Тўхта холадан уялгани учунми, унинг олдига келолмай турди ва, ниҳоят, йигитнинг кўзи тушиши билан «келдим» дегандек қараб қўйди.

Нормат онасига ер остидан боқди. Тўхта хола ўглининг мақсадини тушунди-да, жазб этган томонга қаради: шойи рўмолчасининг учини тишлаб, Адолат турарди. Тўхта хола ичида «хайрият» деб қўйди.

— Адолат, келинг, қизим, бери келинг,— деди кампир қўли билан имлаб.

Нормат ўрнидан туриб, камарини қаттиқ тортиб гимнастёркасини текислади-да, Адолатнинг олдига борди.

— Келинг.

Адолат бутунлай ўзгариб кетганга ўхшайди, юзи ойдек тўлиб, нақш олмадек қизариб турибди. Бу қиз илгари ҳам шу қадар гўзал эдимиз?.. Нормат уни гўё биринчи марта кўряпти, гўё унинг жони шу қизга, шу юлдузга парвона...

Нормат Адолатнинг юмшоқ қўли, нозик бармоқларини кафти билан силади.

— Сал кеч қолганингизда кўролмай армонда кетардим.

— Амакимнинг қизи идорага телефон қилди. У сиздан кўз-қулоқ бўлиб турган эди...

Сочларини ўйнаб турган Адолат қалин ва узун киприкларини ялт этиб кўтариб, Норматга қаради. Гўё Норматнинг юраги ловиллаб ёниб кетгандай бўлди. Иложи бўлса-ю, Адолатни шу чоқ бағрига босиб, атиргуллар тагида сўраб улгуролмаганларини сўраб олса!.. Вақт зиқ, дақиқалар ғаннмат.

Нормат ўзини ўнглаб олди.

— Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим,— деди у.

-- Нимани?

Адолат ер остидан қиё боқди, бутун вужуди қулоққа айланди.

Нормат қизнинг учқунлаб турган қора кўзларига тикилиб, сўради:

— Кутасизми?

Севимли йигитнинг бу саволи, интизорликда тикилиб турган кўзлари Адолатни ўртантириб юборди. «Ростдан ҳам у кетяптими? Бутунлай кетяптими, қайтиб келади-ми? Қачон қайтади?»

— Кутаман!..

Шу вақт команда берилди:

— Сафланинг!

Нормат Адолатнинг ширмон юзидан ўпди ва она бағрига отилди. Кампир Нормат билан Адолатни қучоқлаб ҳўнграб йиғлаб юборди. Нормат ҳам ўпкасини тутолмади, аммо она бағридан чиқиб, сафга бориб қўшилди.

Кампирнинг олдидан гурс-гурс юриб солдатлар ўтди. Она ёшли кўзлари билан уларга тикилди, кейин куза-

тувчиларга қаради: уларнинг олдида шойи рўмолининг учи билан кўз ёшини артиб, пиқ-пиқ йиғлаб Адолат турарди...

5

Станциянинг биринчи изига қизил эшелон келиб тўхташи билан, яна чўзиқ ва амирона команда эшитилди:

— Вагонларга!

Жангчилар бўр билан номерланган вагонларга чиқишди. Одамлар гувиллашиб вагонларни қуршаб олишди. Қимдир, кекса хотинлардан бири, овозининг борича додлаб юборди. Аммо унинг фарёдини бошқаларнинг хўшланув овозлари босиб кетди. Тўхта хола ўзини босиб, кўз ёшларини ютиб, тақдирга тан бериб тура қолди. Эшелон бошлиғининг сигналидан кейин паровоз буғ чиқариб, чўзиқ гудок берди-да, катта қизил составни судраб кетди. Вагонларга иргитилган гулдасталарнинг кўпи ерга тушди ва уларни териб олган болалар яна вагонлар орқасидан югуришди. Кузатувчилар қўлида рўмолчалар ҳилпиради...

Тўхта хола поезд кўздан ғойиб бўлгандан кейин ҳам темир йўл изларига тикилиб туриб қолди.

— Олсин-у олдирмасин!— деди кампир, икки қўли билан юзини силаб. Кампир чап ёнида оёғининг учи билан ер чизиб турган ғамгин Адолатга боқди.

— Юринг, кизим, кетайлик.

Адолат «майли» дегандай хомуш қаради. Улар ёнма-ён индамайгина бордилар. Адолат йўлдаги ҳар бир тошни санаб, ўй суриб бораркан: «Нега қизларни аскарликка олишмайди? Олишса, мен ҳам бирга кетардим!» дерди ўз-ўзига. Унинг хаёли қизил эшелонга эргашиб кетди...

Қўнғироқларини жаранглатиб етиб келган извошдан Бозоров тушди.

— Оббо, Тўхта хола-ей, Норматни ҳам узатдингиз! Хафа бўлманг, ўғлингиз тегирмондан бутун чиқадиган йигит!

Бу гап Тўхта холага қаттиқ ботди. Кампир Бозоровнинг юзига ғазабли кўзларини тикди.

— Хафа бўлманг, Тўхта хола, кўпга келган тўй,— деди Бозоров, унинг кўнглини кўтариш учун.— Қани энди

бизни ҳам чақирса, биз ҳам фронтга кетардик. Афсуски, бизни олишмайди. «Сен кетсанг, сельпо кимга қолади?» дейишяпти. Мен ўзим сизга қарашиб тураман, кам-кўстингиз бўлса тортинмасдан, менга айтиб тулинг, хола!

Кампир жим. Бозоров хаёлга чўмиб турган Адолатга яқинлашди.

— Қани, Адолатхон, извошга чиқинг, атайин сизни олиб кетгани келдим,— деди у, қизга кулиб боқиб ва қўшиб қўйди:— Дадангиз айтдилар. Агар ташлаб кетсам хафа бўладилар. Тўхта холаманми ҳам бирга олиб кетамиз. Қани, она, извошга чиқинг.

— Извошсиз ҳам етиб оламан,— деди кампир, Адолатга беҳаё тикилиб турган Бозоровни жеркиб.— Юринг, қизим, йўлдан қолмайлик.

Тўхта хола билан Адолат дала йўлига бурилдилар, Бозоров уларнинг орқасидан бир оз қараб тургач, «икки қўлингизни отангнинг ўзи боғлаб беради» деб, ўнг қўли билан жағини силади-да, извошга ўтириб, катта йўлни чангитиб кетди.

## 6

Сельпога пиёда бораётган Соҳиб қори Бозоров извошининг ўз ёнига келиб тўхтаганини кўриб ҳайрон бўлди. Отларнинг туёқларидан кўтарилган чанг Соҳиб қорининг юз-кўзига урилди.

— Извошга чиқинг, Қори ака,— деди Бозоров, чангдан юз ўгириб турган магазин мудирига қараб.

Соҳиб қори қироат билан: «бисмиллоҳу раҳмону раҳим...» деди-да, извошга оёқ қўйди.

— Бир оз кутмабсиз-да, Қори ака. Иссиқда анча уриниб қолибсиз.

— Мен хўжам кутиб қолдимикинлар, деб хижолатда эдим. Шукурки, учрашиб қолдик.

— Мен ҳам сизни маҳтал қилмаслик учун шошилдим.

Извош кўприкдан ўтгач, ўнгга бурилиб, тўхтади. Бозоров Соҳиб қорини сельпо базаси ёнидаги ўз ҳужрасига бошлади. Улар ҳужрага киришлари ҳамон база қоровули эшик олдида пайдо бўлиб, фармойиш кутгандек Бозоровга қаради.

— Қани, дастурхонингизни ёзаверинг,— деди Бозоров унга.

Ҳаял ўтмай дастурхон нози-неъматга тўлди. Сихларда кавоб келгач, Бозоров жавоннинг пастки тортмасини очиб, бир шиша беш юлдузлик коньяк олди.

— Шаробул антахурро, Қори ака. Энг азиз меҳмонга атаб қўйган эдим. Ризқингиз улуғ экан. Шу яқин ўртада фақат сиз ёқасиз менга, Қори ака. Кўпдан бери суҳбатингизни орзу қилиб юрардим-у, фурсат тополмасдим. Қаранг-а, бугунга насиб қилган экан.— Бозоров лиммо-лим қадаҳни Соҳиб қорига узатди.— Қани, олинг, айрилмас дўстликка!

Соҳиб қори қадаҳни қўлига олиб, ўтирган ўрнидан кўзгалди-да:

— Эсонлик бўлсин, тинчлик бўлсин!— деб чўқиштирди.

Шиша бўшагач, Бозоров Соҳиб қорини база омборига олиб кирди.

— Молларнинг сараси сизники,— деди у, ҳамроҳига қараб.— Нима керак?

Соҳиб қори яшиқларга тикилиб қолди.

— Ҳиммат... ҳимматларига боғлиқ...

— Чой... қанд... калиш... танлаб ола бериш, ҳа... фактори ҳам тайёр... Ҳа, айтганча, аямга, қизингизга боп матолар ҳам бор. Уларни бир юборинг, ўзлари танлаб кетишсин. Ўзингизга маълум, уруш молли бир оз сиқиб қўйди. Аммо хотиржам бўлинг, мен сизни ҳодовой товарлардан сиқмайман.

...Соҳиб қори извошга ортилган яшиқлар тепасида ўтириб бораркан, магазинига келгунча ўйлади:

«Бу инъомнинг илони чақмаса гўрга эди...»

*Иккинчи боб*

## ПУЛАТ ИЗЛАРДА

### 1

Эшелон неча соатдан бери тўхтамай, жадаллаб бормоқда. Нормат юқоридаги полкада вагон тешигидан қараб ётибди. Кўм-кўк боғлар, қирғоқларини майса қоплаган ариқлар, паст-паст уйлар орқада қолиб кетди. Бепоён чўл бошланди. Поезд шу қадар елмоқдаки, Норматнинг назарида поёнсиз дашт чир айланиб, телеграф столбалари унга қараб чолиб келаётгандай...

Нормат кимнингдир «мот! мот!» деб қичқирган товшини эшитиб пастга қаради. Вагон ўртасига кўндаланг қўйилган тахтада тўрт киши домино ўйнамоқда, шахматчилар пастки полкада ёнбошлаб ўтиришибди. Эшик олдида бир неча киши тўпланиб тамоша қилиб туришибди.

Вагонни бошига кўтарган гурунг шуларники эди. Норматнинг атрофида ҳам йигитлар ётишибди. Уларнинг баъзилари хат ёзмоқда, баъзилари шифтга тикилиб хаёлга чўмган.

Уларнинг нималарни ўйлаётгани Нормат учун сир, ammo унга фақат бир нарсагина маълум — уруш, жудолик... Ҳамманинг хаёли шу уруш билан банд.

«Қандай бўлади уруш?— деб ўйламоқда Нормат.— Кинолардагидай, милтиқни икки қўллаб ушлаб олиб, «урра!» деб олға ташланавериладими ёки ўтган йили икки ойлик таълим вақтида машқ қилдирилгандай доим душманни қувлаб юриладиган бўлса, нега Қизил Армия чекиняпти?.. Газеталар: «палонча самолёт уриб туширилди», «пистонча танк ёндирилди» деб ёзмоқда. «Уриб туширилди», «ёндирилди», «ўлдирилди»дан бошқа гап йўқ. Шундай бўлса ҳам душман бостириб келмоқда... Нимаси зўр душманнинг? Техникаси зўр, кучи кўп, дейишади... Техника бизда ҳам бор-ку? Еки бошқача техникамикан уники? Кучга келгандачи, кучимиз камми улардан? Уларда саксон миллион — бизда икки юз миллион! Германия харитада бир тишлам бўлса, Совет Иттифоқи бир қулоч! Қандақа уруш бўляпти ўзи? Қачонгача шундоқ давом этади? Наҳотки, душман техникаси бизни ҳам босиб ўтиб, шу ерларгача келади... Худо кўрсатмасин бизга бундай бахтсизликни! Исроилдан сўраймикин? У, уруш кўрган, мендан кўра кўпроқ кўйлак йиртган...»

— Исроил ака, Исроил ака,— деди Нормат, шахмат ўйнаб ўтирган Азимовга қараб.

Азимов қора фарзинни қўлида бир оз ушлаб туриб, тахтанинг оқ катагига тақиллатиб босди-да, «шоҳ» деди. Унинг рақнби шоҳни ҳужумдан мудофаа қилиш учун узоқ ўйланиб қолди.

— Лаббай, дўстим, нима дейсан?

— Бас қилинг ўйинни, дейман. Урушдан гапириб берсангизчи.

— Урушми, уруш ҳам худди шу шахматга ўхшайди.

Пиёда, отлиқ офицер... Майдон... Бири ҳужум қилади, бири мудофаа, бир-бирини аяш йўқ. Ярадор қилади, ўлдиради ёки асир олади... Шахматда ҳам шунақа, лекин бу — ўйин... Фронтда бошқа гап... Даҳшат, ўлиш, ўлдириш...

Унинг ҳикоясини фақибнинг «гарде!» деган ультиматуми кесиб қўйди. У фарзинини ўрнидан кўчирмас, ютқазиб қўяди. Азимова ҳамма нарсани унутиб, бутун борлиғи билан шахмат тахтаси устига энгашиб олди. Шу қарашида у, тахтадаги барча кучларнинг тахминий ҳаракатларини кўз олдига келтириб, ўзининг эҳтиётсиз юриш қилганини ва бу эҳтиётсизлик ўйиннинг тақдирини ҳал қилганини тушуниб таслим бўлди.

— Шахматда таслим бўлиш мумкин, — деди Исроиил Норматга ўгирилиб, — лекин урушда асло мумкин эмас.

Исроиил Норматнинг ўйчан юзига қаради-да: «Урушнинг ташвиши зўр бу йигитда...» — деган фикр кўнглидан ўтди. У бармоқларини ўйната бошлади. Исроиилнинг бармоқ ўйнашга тушганидан Нормат унинг хаёлга чўкканини тушунди. Исроиил бирор нарса ҳақида ўйлагудек бўлса, дарҳол бармоқ санашга тушар ва ўйлаб ўйинга етгунча бармоқларини қимирлатгани-қимирлатган эди. Ҳозир ҳам у бармоқларини бир бошдан қирсиллатиб чиқиб, ўнг қўлининг бош бармоғини қимирлатиб ўтирибди. Бундай пайтларда у ҳеч нарсани эшитмайди, ҳеч кимга қулоқ солмайди: ўзига хос бир бўлак дунёда — хаёл дунёсида яшайди. Ўзининг айтишича, у Финляндия урушида том тагида қолиб шикастланган, кейин шу хил асабийликка мубтало бўлган. Исроиил уруш кўрган йигит бўлса ҳам, ҳозиргидек урушни кўргани йўқ. Нормат унинг хаёлини сочиб юбормаслик учун ўз ўрнига бориб чўзилди-да, анча вақт ўй суриб, ниҳоят, ухлаб қолди. Унинг тушига ҳам фронт кирди. Фронт гўё катта бир шахмат тахтаси эмиш, унинг ҳар бир катагида душман. Фақат бир катагида Нормат ва унинг дўстлари, барча катакларга баб-баравар ўқ отиб: «гарде!», «шоҳ!» деб қичқаришаётганмиш. Кейин улар душманларга ёпирилиб, катакларни ёриб, тахтани синдириб чиқиб кетишибди. Душманлар қўл кўтариб: «таслим бўлдик» дейишибди. «Шахматда-ку таслим бўлдинг, жангда ҳам таслим бўлишинг керак!» деганича Нормат уйғониб кетди. Ту-

шини Исроилга айтиб бермоқчи эди, унинг данг қотиб ухлаб ётганини кўрди.

Нормат саҳарлари от суғоргани ёки қўш ҳайдагани борган чоқларида Адолатнинг уйи олдидан «Дарёларни ёқалаб, ёқалаб ёр келади-ё...» деган ашулани айтиб ўтарди. Ҳозир ҳам шу ашула эсига тушди-да, айтгиси келди, бироқ ҳамма унинг оғзига қараётгандек туюлди, уялди. Йигит шифтга қараб ётганча ширин орзуларга маст бўлди...

«Оҳ Адолатхон, «фақат сизни кутаман» деганинг ростми? Ростлигига ишонаверайми? Сенга ишониш мумкин, лекин одамлар... Одамларнинг оласи кўп. Улар тек турармикинлар? Уртада бурун бўлмаса, у кўзинг бу кўзингни ўяди, дейдилар. Кўзимнинг қорачиги қишлоқда қолди. Уни чўқилашмайди, деб бўладими? Ҳаммадан ҳам Бозоров... Адолат «йўқ!» деб туриб олса, ким уни сочларидан бураб бегонага тутқизолади! Ҳеч ким! Адолат сочидан буратиб қўядиган қизлардан эмас!.. Яна ким билсин бу қизларни! Уларнинг шайтони зўр бўлади, дейишади. Уруш чўзилиб кетадими, ёки тезроқ тугайдими — бу ёғи менга ҳам, унга ҳам қоронғи. Урушдан соғ қайтаманми — буниси ҳам даргумон. Уруш қишлоқни алғов-далғов қилиб юборди Ана шу қоронғилиқ, ана шу нотинчлик Адолатни гангиратиб қўймасмикин? «Фақат сизни кутаман». Бегимхон ҳам Эралига худди шундай деган эди, шекилли. Унинг ваъдасини қайси шамол қаёққа учуриб кетди? Адолатнинг ваъдаси ҳам шамолга учмасмикин? Э, эзма! Нималарни вайсаяпсан, Адолатни синамабмидинг? Адолат Бегимхонга ўхшаб шамолга сўз шопирадиган қизлардан эмас! Мен уни онамга омонат ташлаб кетяпман. Оҳ, онажон, сенга ҳам қийин!..»

## 2

Ана шундай ҳаёт уч кун давом этди. Тўртинчи куни кечқурун вагонларга шам берилмади. Станция ҳарбий комендант «чироғ ёқилмасин!» деди. Эшелон ошпазлари кечаси овқат пиширмаслик ва кечки овқатни ҳам кундузи пишириб қўйиш ҳақида буйруқ олдилар. Паровоз тумшугига иккита пулемёт ўрнатиб, саккиз кишилик наряд юборилди. Ун тўртинчи вагон томига қўл



пулемётни, охирги вагонга иккита станокли пулемёт ўрнатилди.

Эшелон навбатчиси вагонларни айланиб юриб, навбатчиларга ҳаво тревогаси сигналини айтди. Политруklar вагонма-вагон ўтиб, ҳаво ҳужумига қарши чоралар инструкциясини тушунтирдилар. Эшелон навбатчиси:

— Противогазларии осиб олинглар!— деб буйруқ берди.

Рота старшинаси Купенко вагонга кириб, солдатларнинг химпакетларини текширди, сўнгра қопчигининг оғзини очиб, Норматга ниманидир узатди.

— Мана, эҳтиёт қилиб сақла.

— Нима бу?

— Бинт.

Нормат бинтни противогаз халтасининг устки чўнтагига солиб қўйди ва медальонни кўриб, «номаи аъомлимнинг ҳаммаси шунда» деди-да, уни шимиинг соат чўнтагига бекитди. Вагонга взвод командири кириши билан, у ўз жойига бориб ўтирди.

Ҳамма жойлашгач, взвод командири сержант Тургенев отув қуроллари ҳақида такрорий машғулот бошлади.

Тургенев қўл пулемётни ўртага қўйиб, «қани, буни ким бузиб беради?» деган эди, бурчакда жим ўтирган Эмин Ражабов қўлини кўтарди: «Мен бузаман, ўртоқ сержант». Тургенев пулемётни унинг олдига суриб қўйди. Эмин уни шошилиб қўлига олди-да, бир зумда қисмларини ажратиб, газетага териб қўйди. «Қани энди бунинг номларини айтиб бер» деди сержант унга. Эмин ўйламай-нетмай, «бошқаси айта қолсин» деган эди, ҳамма кулиб юборди.

— Бузишдан бошқасини билмайсанми?

— Нега билмас эканман,— деди Эмин,— тузатишни ҳам биламан. Ҳозир йиғиб берайми?

— Йиғишга устасан, буни билямиз, қани, пулемётчи бўлсанг, механизмларини гаприб бергинчи!

— Механизмлариними?.. Механизмларини Ваня гапирсин...

Яна кулги кўтарилди.

— Нега куласанлар?— деди Ваня, жангчиларга қараб.— Пулемётчи мен, у ёрдамчим. Мапа қулоқ солинглар...— У, пулемёт қисмларини бирма-бир қўлга

олиб, уларнинг хусусиятлари, тутган ўрни ва ўзаро ҳаракат бирлигини гапириб берди-да, уларни Эмин Ражабовга узатди:

— Ол, тузатиб, ёглаб қўй.

Эшелон ярим станцияга келиб тўхташи билан машғулот тугади.

Ваня Великанов гармонини олиб, унинг тугмаларини шўх-шўх боса бошлади. Бирпасда унинг вагони олдида солдатлар тўпланиб қолди.

— Нега жим турибсизлар?— деди тўпланганлар олдида келган Черницов кулимсираб.— А ну пляска...

Эшелон комиссарининг енг шимариб ўйинга тайёр турганини кўриб, Ваня гармоннинг тактини ўзгартирди-да, шўх частушкаларни бошлади. Черницов ўртада икки марта айланди, сўнгра Тургеневни ўртага тортди. Тургеневдан кейин икки-уч жангчи ер депсиди ва кимдир лейтенант Морозовни ўйинга тортмоқчи бўлиб унга қўл чўзган эди, Морозов билагидаги қизилини кўрсатиб, эшелон навбатчисиман, деб қутулмоқчи бўлди. Аммо жангчилар бунга кўнмай, уни ўйинга таклиф қила бошлаган эдилар, Морозов соатига қаради-да, уни ўйинга тортмоқчи бўлаётган жангчиларга қараб, овозининг борича қичқириб юборди:

— По вагонам!!!

Солдатлар ғовур-ғувур, шовқин-тўполон билан вагонларга ташландилар.

Поезд йўлида лавом этди.

Эшелон катта бир станцияга келганда, Нормат вагон эшикчасидан бошнини чиқариб қаради. Станция қоп-қоронғи. Трамвайларнинг гувиллашлари, машиналарнинг сигналлари, от туёқларининг дукурлаши ва кишилар ғовурига караганда бу жой катта шаҳарга ўхшарди. Аммо чироғ йўқлиги учун ҳеч нарса кўринмади. Фақат онда-сонда кўк лампочкалар милтиллаб турибди.

— Бу қайси шаҳар?— деб сўради у, вагон филдиракларини ёглаб юрган темир йўлчидан.

— Кўйбишев.

Эшелон бу жойда тўхтаб қолди. Қизил аскарлар эрталаб ҳаммомга туширилди.

Эшелоннинг кўнги тўхташида, вагон тирқишидан қараб турган Исроил Азимов бу станцияни таниб:

— Пенза!— деди.

— Тревога!..

Вагондан вагонга тарқалган бу команда билан ҳамма ўрнидан турди. Самолёт моторларининг овози эшитилди. Бир неча самолёт темир йўл устидан ғарб томонга ўтиб кетди.

— Отбой!..

Булар ўзимизнинг бомбардимончи самолётларимиз эди. Тревога вақтида яшириниб олган жангчи Эмин Ражабов полка тагидан чиқиб жавдираб атрофга боқди. Нормат унинг оқарган юзларига қаради-ю, лекин ҳеч нима демади.

Эмин Ражабов нонвойхонада шогирд эди. Унинг меҳнатга қўйган биринчи қадамини ун элаш, хамир қориш, тандирга ўт ёқиш бўлди. Сарғиш юзи, ингичка қўли, умуман, кўриниши унинг нимжонроқ ўганидан далолат бериб турар эди... У, ҳарбийгача тарбия таълимотини ўтаётган чоғда уруш бошланиб қолгач, Юрьев қисмида қолиб кетди. Полк уруш вақти штатига кўчирилгач, уни тўртинчи ротанинг иккинчи взводига ёзиб қўйдилар. У, бу взводга Нормат билан баб-баравар келди. Уларнинг танишлиги ўша кундан бошланганди.

Бир оздан кейин яна мотор овози эшитилди. Эмин Ражабов ўзини яна полка тагига олмоқчи эди, Нормат ушлаб қолди:

— Дадил бўл, ўртоқ, кемага тушганнинг жони бир!..

### 3

Сўнгги масофани поезд шошилмай ўтди. Кичик-кичик станцияларда ҳам унинг йўлига қизил фонарь кўндаланг бўлаверди. Узун-узун эшелонлар, бири-бирини қувиб етиб, физиллаб ўтиб турибди.

Поезд яна жадаллаб юра бошлади, аммо олдинга ўтказиб юборилган составларга етолмади, аксинча, яна бир неча составга йўл бўшатиб берди.

Нормат атрофни кузатарди. Поезд билан баравар ғарбга кетаётган қуёшнинг сафари тезлашди ва у кесилган қизил тарвуз палласидек ўрмон дарахтларига илиниб қолди. Паровоз шунча тезлаётган бўлса ҳам, унга етолмади. Сал ўтгандан кейин қуёш уфққа ботиб

кетди. Фазога қоропғилик ёйилди. Шу пайт Норматнинг кўзига йўлнинг икки томонидаги ўрмон бепоён кўмир ғарамидек қора ва зим-зиё бўлиб кўринди. Унинг кўзи тиниб, хаёл уни яна уруш фронтларига бошлади... «Тезроқ етга қолсак эди!» Норматнинг назарида, поезд жуда секин юраётгандек, гўё фронт аскара асло муҳтож эмасдек эди. Фронтлардан келаётган хабарларга қараганда, чекиниш давом этмоқда, янги-янги шаҳарлар ташлаб чиқилмоқда. Поезд яраланган Россия ерини кесиб бормоқда. Орқадз бепоён водийлар, чўллар, боғлар, ўрмонлар, экинзорлар, неча-неча обод қишлоқ ва шаҳарлар қолди. Йўлнинг у ёғида ҳам, бу ёғида ҳам Россия, орқа ва олдида — ҳалиги кун ботиб кетган жойгача ва ундан нарида ҳам Россия тупроғи ястаниб ётарди. Душман ана шу бепоён Ватанни топтамоқчи...

«Ўтолмайди! — деди Нормат ўз-ўзича. — Юриб, неча-неча паровозлар чарчади, неча марта алмашилиб, дам олиб, юра-юра шу чоққача пойтахтга ҳам етганимиз йўқ... Россияни жанг билан босиб ўтиш осонми? Осон эмас! Мана, Москвага келдик.»

Нормат вагон тирқишидан қаради: шаҳар зим-зиё. Доимо кулиб турган, чароғон Москва қоронғилатилган. Норматнинг кўзига қора нуқталардан бошқа ҳеч нарса кўринмади.

Вокзал майдонига яқин кўчаларда трамвайларнинг овози эшитилмоқда. Троллейбуслар, енгил машиналар калта-калта сигнал бериб ўтмоқда.

Кремль соати дамба-дам жаранглаб занг уриб, Москва қон томирлари тўхтамай уриб турганидан, Москва организми тўхтамай ишлаб турганидан, Москва ғалаба сари яна 15 минут, яна ярим соат, чоракам бир соат, бир соат олға бораётганидан дарак бериб турибди.

Кўда ялт этиб чақмоқ чаққандек бўлди. Бу — учар юлдуз каби из ёзиб, Москва осмонини душман самолётларидан қўриқлаб турган прожектор эди. Унинг ёруғида Кремлнинг баланд миноралари ялт этиб кўзга чалинди-ю, яна зим-зиё бўлди. Норматнинг кўзига ниқобланган ана шу Кремль ўрмонга, унинг бинолари эса, юксак дарахтларга ўхшаб кетди.

Нормат 1940 йили Бутуниттифоқ Қишлоқ Хўжалик виставкасида қатнашган эди. У Москванинг қудратини

ўша виставкалаёқ кўрган. «Виставканинг ўзи бир олам» деган эди у ҳамқишлоқларига. Нормат виставкада турли нав бугдойларни, саксонтадан туққан наслдор чўчқалар-у, ўн пақирлаб сут берадиган гавмуш сигирларни, бир тонналик новвосларни кўрган. Гўё бутун деҳқончилик дунёси ана шу виставка шахрига кўчиб кирганга ўхшарди. У, шу виставкада Грузия боғбонлари, Калинин канопчилари, шимол кийикчилари, украинлар, белоруслар, сибирликлар, Карелия ўрмончилари, Сахалин балиқчилари билан, бутун СССР билан танишган эди. Ватанимиз бошига қора кунлар тушгандан бери виставка дарвозалари ёпилган. Нормат кўрган одамларнинг кўплари аллақачон милтиқ, автомат ушлаб урушга кетгандилар...

### Учинчи боб

## АДОЛАТНИНГ АҲДИ

### 1

Уруш ташвиши, жудолик ғами ҳар бир хонадонга, ҳар бир кўнгилга ҳокимона кириб келди. Бу кулфат Адолатнинг ҳам уйига кирди, унинг ҳам дилини тирнай бошлади. Норматдан кейин, Адолат ўз аҳаси Олимжонни ҳам фронтга кузатди. Ҳар кун қўни-қўшниларнинг дарвозалари тақиллаб, почтальоннинг бир хил сўзи эшитиларди: «повестка»... Ҳар кунни бирон уйдан кимдир хайрлашгани кирарди. Қишлоқнинг сара йигитлари армияга — Ватан ҳимоясига кетдилар. Норматни военкоматга элтиб қўйган шофер ҳам кунни кеча Адолатларнинг ҳовлиси олдидан охирги марта сигнал бериб ўтди, у ҳам машинаси билан бирга фронтга жўнади. Қишлоқда кексалар, хотинлар ва ўсмирларгина қолди.

Уруш Адолатнинг ҳам йўлини тўсди. У, Москвадаги Ломоносов номли Давлат университетига ўқишга бориш орзусида юрар ва бу ҳақда Нормат билан ҳам маслаҳатлашган эди. Университет қабул комиссиясига ариза юбориб, «филология факультетига қабул қилишни» сўраган эди. Адолат Москвага бориб камол топиш орзусида колхоз ишидан ҳам жавоб олган эди, афсуски орзуси амалга ошмади. Энди эса Адолатнинг

кўзига ҳамма ёқ қоронғи кўринади. Кўчалар жимжит. Ҳеч ким унинг дардини билгиси келмайди. «Ростдан ҳам «Гулистон»да ҳаёт сўняптими?» дейди Адолат ва ўз саволидан ўзи чўчийди.

Мана, «Гулистон»даги чинорлар, сада қайрағочлар қадимгидек гердайиб турибди. Мана, боғдаги анор дарахтлари қуёшдан нур эмиб, гунча тугмоқда, кенг дала-лардаги гўзаларнинг таг шохлари гулламоқда, кўсак тугмоқда, улар саратон оташига бардош бериб, чидам билан пишиб етилмоқда.

Уларга мадад керак, мададкорлар керак.

Ана шу ҳақиқат гўё Адолатни уйқудан уйғотгандек бўлди, уни далага — меҳнатга чақирди.

— Менга иш беринг,— деди Адолат, колхоз раиси Қодир акани кўчада учратиб.

Қодир ака мош-гуруч соқолини силади-да, ўйлашиб қолди. «Бу қизнинг авжи ўқийдиган вақти. Ўқийман деб звеноликни ташлади, Москвага бораман деб фотиҳа олди. Мана энди ўқишдан маҳрум, иш беринг, дейди. Қандай иш берсам экан?»

— Қайси иш маъқул экан сенга? Табелчилик қиласанми?

— Йўқ,— деди Адолат.

Қодир ака ранжигандек бўлиб сўради:

— Табелчилик иш эмасми?

Адолат уэр сўраб жавоб берди:

— Бу ишни бригадир қилса ҳам бўлаверади. Менга мустақил иш беринг.

— Бўлмаса,— деди Қодир ака, бошини қашиб,— идорага ўта қол. Секретарни олиб кетишгандан бери идоранинг эшиги очилгани йўқ. Ўзинг биласан, бухгалтеримиз ҳам икки колхозга хизмат қиляпти.

— Бошқа, оғирроқ иш бераверинг! Ёки ишонмаял-сизми менга? Ёмон кетмончимидим? Ёки звенони эп-ла-мабманми!

— Бўлмаса, кечқурун идорага кел. Бафуржа гаплашамиз.

— Мени даштга юборинг.

— Даштга?

— Ҳа, даштга.

— Норматнинг ўрнигами?

— Ҳа!..

— Жуда соз. Тайёрланавер!

Дашт бригадаси 1939 йили тузилган эди. «Гулисточ» колхози ўша йили эрта баҳорда «дашт» деб аталган аз неча замонлардан бери ишлатилмай ётган бўзда янги ер очди. Бу ерга колхоз ёшларининг ҳаракати билан Пасарикдан чигир билан сув оқизилди. Сув чиқарган ёшлар бир бригадага уюшиб, 1940 йилда шу янги ердан пахтадан юқори ҳосил олдилар, бригада бошлиғи Нормат Жабборов эса, 1940 йили Москвадаги Қишлоқ Хўжалик виставкасига юборилди.

Энди ана шу донгдор бригадир йўқ, бригаданинг энг сўнги звено бошлиғи ҳам кеча қопчигини орқалаб военкоматга жўнади. Ёшлар бригадасида қизларгина қолди.

## 2

Адолат даштга қоқ тушда келди. Қуёш тепада туриб олиб, пастга олов сочаётганга ўхшайди. Ғўзалар анор пўстидек қорайиб, ерга энгашиб турибди. Баъзи жойлардаги ғўзаларни ғумай босиб кетган. «Аттанг...» деди хўрсиниб Адолат, сувсизликдан баргларини шалпайтириб турган ғўзаларга қараб. Ғўзалар гуллаётган пайт. Агар улар шу пайтда суғорилмаса, бригаданинг меҳнати зое кетади...

Адолат пахтазор ёқалаб кета туриб, хуррак овозини эшитди.

— Нима гап? Қанақа иш бу!

Адолатнинг товуши шотут тагида қатор тизиллиб ётган қизларни чўчитиб юборди. Улар секин-аста туришиб, уйқули кўзларини ишқай бошладилар.

— Ким қичқирди?— деди, ариқча ичида чўзилиб ётган жувон бошини кўтариб.

Қизлар бир-бирларига қарашди-ю, Адолатга имо қилишди.

— Ғўзани сел босибдими, депман,— деди-да, ҳалиги жувон яна бемалол ёнбошлаб олди. Қизлар орасида кулги кўтарилди.

Адолат ухлаётган жувоннинг тепасига борди.

— Нима ётиш бу, Бегимхон! Туринг ўрнингиздан! Бегимхон парво ҳам қилмади.

— Нега қичқирасиз, Адолат? Бирор ерга ўт кетибдими?

— Ғўзага ўт кетибди; қаранг, тутақиб ётибди.

— Сув бўлмаса, кўз ёши билан суғорамизми?

— Сув топиш керак. Ҳовучлаб бўлса ҳам суғорамиз. Ёввойи ўт-чи? Ёввойи ўтни йўқотишга кўз ёши керак эмас-ку?..

— Вой, Адолатхон, бизга нега хўжайинлик қиласиз? «Нормат акам бригадир эди» деб керилманг. Нормат ким бўлади ўзи сизга! Оламан деган билан ёр бўлармиди? Ҳолва деган билан оғиз чучийдимми?

Адолат қизларнинг шу хил қарши олишини кутмаган эди, ўзини йўқотиб қўйди. Нима қилиш керак? Секин орқасига қайтиб кетаверсинми? Бу қизларнинг авзойи шундай бўладиган бўлса, Адолатга сўз беришадими? Адолатнинг аҳволини кўрган қизлар бир-бирларини турта бошладилар:

— Адолат тўғри айтади, туринглар, уйқуга ҳам тўйдик.

Аммо Бегимхон ётган ерида чалқанча ёта берди.

— Турмайсизми, Бегимхон!

Бегимхон ўзининг якка қолганини сезиб бир оз бўшашди.

— Нега биз-бизига оласиз, туряпман-ку.

Адолат қизларни ёввойи ўт босиб кетган пайкалга бошлади.

Дашт бригадасининг гўзалари фақат бир марта культивация қилинган эди. МТСдан яна битта «универсал» келади деган овоза чиқди-ю, келмади. Айтишларига қараганда, худди ўша «универсал» ҳам, универсалчи ҳам фронтга кетган эмиш. Бутун бошлиқ колхозда битта «универсал» талаш. Раис: «универсал» кексалар бригадасида ишласин, ёшлар кетмон чопиғи қилаверсин, депти.

Ўз ёнида ғумай юлаётган Адолатнинг қўли қийилиб қонаганини кўрган Бегимхон хохолаб кулиб юборди. Қизлар ҳам пиқир-пиқир кулишди. Адолат гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб, сўради:

— Нима топиб олдингиз?

Яна кулги кўтарилди. Адолат ҳайрон қараб қолди. Кимдир, қизлардан бири: «бас энди, қизлар» дегандан кейингина кулги босилди. Адолат яна ғумай юла бошлади. Ғумай тиғида унинг қўли яна қийилди. Қон оқиб, бармоғи ачий бошлагандан кейин, рўмолчасига кафтини ўраб олди. Шу маҳал яна кулги кўтарилди. Адолат бу сафарги кулгини аччиқ мазақ деб тушунди-да, ғўзага энгашиб, кўзидан дув-дув ёш тўкди. Бегимхон икки чак-



касидаги гажжагини силкитиб, муштларини белига тираб турган эди, Адолат ўшқириб берди.

— Ишингни қилсанг-чи, Бегимхон!

— Мен ишимни билиб қиляпман. Аммо қўлимни қонатганим йўқ. Отолмаган сопқон ҳам этга тегади, ҳам бетга...

— У нима деганинг?— деб Адолат Бегимхонга еб юборгудек ёвқараш қилди.

Бегимхон Адолатнинг ҳозирги ҳолатини кўриш билан 1938 йилда бўлиб ўтган воқиа эсига тушди. Ушанда ҳам Адолат Бегимхонга ҳозиргидек ўқрайиб қараган эди...

Уша йили кузда Бегимхон 7-синфнинг биринчи чорегидан кетиб қолди. Колхоз отбоқари Эрали совчи қўйгандан кейин, унинг отаси Бегимхонни мактабга юбормай қўйди. Бегимхон Адолатнинг энг яқин дугонаси эди. Бир куни Адолат «юр мактабга» деб унинг олдига кирди. Бегимхон кўк қарғашойи қийиқ тикиб ўтирган экан, ўзинг боравер, дегандек ерга қараб ўтираверди. «Нима қилганинг бу?» деди Адолат, таажжубланиб. Бегимхон чокини йиғиштириб, дугонасини кўрпачага ўтқазди-да, патнус тузаб келди. Адолатга бир пиёла чой узатиб, яна қийиқни қўлига олди. Бу ҳол Адолатни ҳайратга солди. Бегимхон бутунлай ўзгариб кетган эди. Адолат ҳайрон бўлиб: «Нима гап ўзи?» деб сўраган эди, Бегимхон сиполик билан: «Қудалар шошираётган эмиш...» деб қўя қолди. Адолат: «Тўй яқинми ҳали?» деб эди, Бегимхон ерга қаради.

— Ўқишинг-чи? Ўқишинг нима бўлади?

— Билмасам. Фотиҳани бузиб бўлмас эмиш...

Бу — унинг узил-кесил жавоби эди.

Адолат сакраб ўрнидан туриб, дугонасининг уйида чикиб кетди. Эртасига улар комсомол бюросида учрашдилар. Бюрода Бегимхоннинг эрга тегаман деб, мактабни ташлаб кетиш масаласи муҳокама қилинди. Адолат мажлисда куйиниб-куйиниб:

— Бегимхонни зўрлаб эрга беришяпти — деди.

— Ёлғон гап! Ўзим хоҳлаб тегяпман!— деди Бегимхон жаҳл билан.— Ўзим хоҳладим! Қишлоқ Советида «хоҳладим» қогозига ўзим қўл қўйдим. Адолатга алам қилмасин!

Адолат икки юзини ушлаганича қолди. Музокара давом этди. Адолат бюро аъзоларининг қизғин гапларини эшитди-ю, аммо улар нима деб, нима қарорга келишганини англай олмади. Охири, «сенинг фирминг-

чи?» деб сўрашганида. Адолат Бегимхондан: «Мактабни ташламасликка сўз берасанми?» деб сўради. Бегимхон Адолатнинг қарашидан кўзларини яшириб, «сўз берман» дейишга мажбур бўлди. Шундан сўнг Бегимхон икки-уч кун мактабга қатнаган бўлди-ю, кейин яна кўринмай қолди. Орада тўй бўлди, сўнгра қайнона, қайнота ўртага тушди. Бегимхон эса, уларнинг измидан чиқишга журъат этолмади...

Шу-шу Адолат Бегимхон билан гаплашмай қўйди. Орадан уч йил ўтди. Мана энди улар яна рўпара келдилар. Бегимхоннинг онаси «куёв чақирди»сини ўтказиши билан, 1939 йили Эрали ҳарбий хизматга кетди. Бегимхон бу йил кузда эримнинг келишига сўяман деб қўй боқиб юрган эди, уруш бошланиб қолди. Эралидан дарак бўлмади. Уч йиллик воқналар Бегимхон хаёлидан турна тизмасидек қаторлашиб ўтди. Гўё Эралининг ҳарбийга кетиши, кейин урушга тутилиб қолиб, ғойиб бўлишининг айбори Адолатга ўхшаб кўринди. Ана шу Адолат гўё ҳозир ҳам унга тинчлик бермаётгандек туюлди-да, Бегимхон тўлиқиб кетди.

— Чақчайма, Адолат! Чақчайган кўзларинг эримнинг бошини еди, энди мени хароб қилмоқчимисан?!

### 3

Адолат кечаси узоқ вақтгача ухлай олмади. Бегимхоннинг ҳақорати унинг уйқусини қочирди: «Унинг эрига менинг кўзим теккан эмиш. Мен унинг бошини еган эмишман...»

Адолатнинг тинчимаётганини фақат унинг ёнида ётган Шакархон сезди. Шакархон ёш жиҳатдан шу ердаги қизларнинг энг каттаси, лекин ҳали эрга чиқмаган эди. У ўзини шу қизларнинг кўз-қулоғи, насиҳатгўйи, деб биларди. Қизлар орасида чиқадиган ҳар хил ғийбат ёки кўнгилхонликка Шакархон ҳукм чиқарад эди. Бегимхон билан Адолат ўртасида юз берган кўнгилсиз воқиа уни ҳам безовта қилмай қолмади. Шакархоннинг ҳам уйқуси қочди. У, Адолатнинг ойдинда ярқираб турган ўйчан кўзларига тикилиб, унинг аламга тўлганини пайқади.

— Нега ухламаяпсиз, Адол?

— Шундай, ўзим... Қаранг-а, қандай гўзал оқшом...

Ҳақиқатан ҳам дала оқшоми гўзал эди. Тиниқ осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. Чап томон адир, қир. Янтоқлар қорайиб, чақмоқ тошлар ойдинда ярқираб турибди. Унг томон кўкаламзор: гўза, духобадек қалин тўшалиб ётибди. Ой шуъласида дарахтлар сояси вазмин-вазмин қимирламоқда. Сув сепгандек жимжит. Онда-сонда полиз атрофидан бедананинг ширали овози келади. Адир томонда чигирткалар чийилламоқда...

— Бегимхон сизни хафа қилганга ўхшайди...

— Мени эмас, ўзини хафа қилди. Биласизми.— Адолат Шакархон томонга ўгирилиб олди,— мени унга ҳар доим яхшилик қилиб келдим. Ўқишингни ташлама, дедим, ёмон бўл, демадим. Эрга тегма демадим, тегавер, лекин вақтида тег, дедим. Бармоғинг ангишвонага тиқилиб, қўлинг чокка ўралиб қолмасин, десам, душманликдан айтмагандирман. Илгари тушунмаган эди, ҳозир ҳам тушунмаяпти. Шундай кунларда кек сақлашга нима-ю, ўч олишга нима!

Бегимхон ёнидаги говур-гувурдан уйғониб кетди. У, пўнғирлаб: «Бировнинг уйқусини бузиб гувурлашга нима бор» деди-ла, чап томонига ағдарилди, яна кўзини юмиб, уйқу чақирди. Уйқу уни босиб кетаётган чоқда сўзининг орасида ўз номини эшитиб қолиб сесканди. «Яна мени ғийбат қилишяпти...» Бегимхон Адолатнинг гапларини эшитиб бўлгач, ўрнидан туриб, кўрпасига ўтириб олди.

— Ҳа, ойимча, эрга теккан бўлсам хўп қипман. ажаб қипман. Эрга тегиб ёмон бўлганим йўқ. Худога шукур, тўй кўрдим, чимилдиққа кирдим, орзу ҳавас кўрдим. Замона бунақа бўлиб кетаркан... Қишлоқда йигит қолмади. Урушдан қайтишадими-йўқми... Анэ. Зебинисо нима бўлди? Бечора чимилдиқ кўрмай қазо қилди. Орзусига етолмай, икки қўли кўксида кетди. Мени ҳам ўшанақа бўлсин, деганмидинг, Адолат?

Адолат ҳам сакраб ўрнидан туриб, кўрпага ўтириб олди.

— Нима демоқчисан?

— Ҳай-ҳай, қизлар, юлишиб кетманглар,— деди Шакархон, Бегимхоннинг қўлидан ушлаб.

— Кўрмайсанми бунн...

— У нима қилибди, ҳақ гапни айтишти.

— Ҳақ гап шуми? Эрга текканим унга малол келибди? Узи-ку Норматга эргашиб юриб-юриб, қуруқ қолди. Энди аламинни мендан олмоқчи...

— Қуруқ қолганим йўқ,— деди Адолат қатъийлик билан,— истасам эртагаёқ бирга бўламан.

— Бўлиб бўлсан. У қайда-ю сен қайда. Қиз жонинг билан қаергача боралардинг.

— Нима, қиз бола одаммас, деб ким айтди сенга? Қиз бола кимдан кам? Қиз бола сувда сузмаяптими, осмонда учмаяптими?! Қараб тур, шу деганингга албатта бораман!

Шакархон гапга аралашди:

— Ҳай, Адол, қиз болаларни фронтга олмас эмиш. Қизларни ҳам олаверса, даладаги иш кимга қолади?..

Уч қизнинг тортишувидан бирин-кетин бутун шийпов уйғонди. Қизлар бири-бирдан суриштириб, ким нима деганини, можаро нимадан чиққанини аниқлаб олшди. Бегимхон қизларнинг кўпчилиги Адолат томонига ўтиб олганини кўриб, «ҳамманг мени яккалаялсан» деди-да ҳўнграб йиғига тушди. Шакархон уни юпатмоқчи бўлган эди, Бегимхон зарда билан ўрнидан туриб, қизларнинг «ҳай-ҳайига» қулоқ солмай пахтазор томонга кетди...

### *Тўртинчи боб*

## ҲАЗАБНИНГ ТУҒИЛИШИ

### 1

Тўртинчи рота Уздечкино станциясида поезддан тушиб, ғарб томонга юрди. Йўл жуда тикин ва серкатнов. Мотопехота колонналари тўхтовсиз ўтиб турибди. Катта-кичик танклар, оғир тўпларни судраган тракторлар, тачанкалар ўрмаламоқда. Қизил яримой тамғали санитария аравачалари, машиналар... Йўл чанг. Замбараклар устида ўтириб кетаётган жангчиларнинг кўзлари, тишларигина ялтираб кўринади. Ротанинг энг охирида келаётган Норматнинг юзидаги чанг терда лой бўлиб ёпншмоқда. У, пешона терини артиб, шовқин бўлаётган томонга қаради.

Оғир тўпни судраб кетаётган трактор бўзилиб, йўлни тўсиб қўйибди. Унинг ёнидан ўтмоқчи бўлган трак-

тор ҳам тикилиб қолибди... Олдинги позициядан келаётган шоферлар: «тракторингни ол, йўлни бўшат» деб қичқирадилар. Бир зумда катта йўл машиналар ва тракторларга тўлди. Ҳамма ўз машинаси, ўз трактори, ўз аравасини ўтказишга тиришади. Ҳамма ўз гапни маъқул қилади. Йўлнинг кун чиқиш томонидан келаётганлар: «йўл бўшат, биз фронтга бораётирмиз!» деса, ғарбдан келаётганлар: «биз фронтчилармиз, йўл бизники!»— деб ўдағайлайдилар.

— Самолёт!— деб қичқирди, машинада турган ҳаво кузатувчиси.

Булутлар орасида папалаб юрган немис самолётлари шўнғиб тушиб, ваҳима сола бошлади. Тревога эълон қилиниши билан солдатлар дарахт паналарига, ўйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга ётди. Свастикалик учта шўнғувчи самолёт пулемётдан ўқ ота бошлади. Ҳаво ҳужуми Нормат учун кутилмаган ҳодиса эди. У нима қилишини билмай, бошқалар қатори гавдасини ерга ташлади. Бир самолёт унинг қоқ тепасидан учиб ўтди, атрофга дўлдек ўқ ёғилди, қулоғининг тагидан икки-уч ўқ визиллаб ўтиб шу ерда тупроққа қоришди. Самолёт овоан узоқлашиши билан Нормат қўлларини, оёқларини қимирлатиб кўрди: ҳамма ёғи бутун. Шу маҳал яна самолётнинг гувиллаши эшитилди, гўё фашистлар унинг қимирлаганини кўриб қолгандек, яна Норматнинг тепасига ёпирилди. Нормат нима қилишини билмай, атрофига қаради-да, беш метрча иарироқда турган тягач тагига эмаклади. Самолётлар машиналар тўпланган жойга ҳужум бошлаган ҳамон, фронт томонидан келаётганларнинг бири: «огонь!», «огонь!» деб қичқириб пистолет-пулемётдан ўқ уза бошлади. Кейин онда-сонда милтиқ тасир-тусури эшитилди ва қўл пулемёти тилга кирди.

Капитан Юрьев машинасини колонна орқасида қолдириб, ҳаво ҳужуми бўлган жойга югуриб келди. У, йўл бўйларида ётиб олиб, якка-якка ўқ узаётган жангчиларни кўрди.

— Залп! Залп!— деб қичқирди у, йўлнинг чап томонидаги буталар тагида ётган бир группа жангчиларга қараб. Улар капитаннинг командаси билан тепадаги самолётга барча қурооллардан бирданига баб-баравар ўқ уздилар. Самолёт дарҳол тепага кўтарилиб, йўлнинг

нариги томонига ўтиб кетди. Шу вақт ўрта кўчада занжири узилиб, йўлга кўндаланг бўлиб қолган тягач тагидан якка милтиқ овози эшитилди ва кул ранг тутун чиқди. Юрьев тягач олдига борди.

— Кимсан?

— Мен, жангчи Нормат Жабборов...

— Қаёққа қараб отяпсан?

— Самолётга...

— Бу ёққа чиқ!— деди Юрьев, Норматга қараб.

Нормат тягач тагидан эмаклаб чиқиб, гимнастёркасининг тугмалари, шапкасининг козирёги ва хром этигининг қўнжигача ярқираб турган капитанни кўрди. Унинг қошлари чимирилиб бир-бирига туташган, кўк кўзлари ўйнаб турарди. Нормат қисм командирини биринчи марта шундай вазиятда кўриши эди: у ўзини ўнглаб, унга честь беришга шошилди.

Юрьев унинг пешонасига суйкалган автолни, гимнастёркасига теккан қора мойни артиб олишга буюрди, кейин Норматга тикилиб қаради.

— Уқнинг қадрига етиш керак,— деди Юрьев,— самолёт орқангда учиб юрибди, сен булутга қараб ўқ узяпсан.

Шу вақт буталар орасидан жангчи Отступний югуриб чиқди.

— Уртоқ капитан,— деди у, ингичка бўйнини чўзиб честь бераркан,— бу ўзи гўрроқ солдат. Эшелонда ҳам ўзимизнинг самолётларни «мессер»га ўхшатиб, мисимизни чиқарган. Бунини менга топширинг, мен унга...

Бояги самолёт яна тягач тепасидан гувиллаб ўтди. Нормат ўзини панага олди-да, унга ўқ уза бошлади, Отступний унинг ёнида ётиб олиб: «От, отавер!» деб қичқирди. Шу вақт нарироқдан залп берилди, пулемётлар овози эшитилди, қаршилиқ кучайганини кўрган самолёт ҳавога кўтарилганча қайтиб келмади.

Батальон йўлида давом этди.

Нормат ени билан пешона терини артиб, атрофга қаради. Ҳамма ёқда одамлар чумолидек ўрмалашиб юрибди, тош ва шағалга теккан белкураклар тарақлайди. Чуқурликлардан ирғитилаётган тупроқ окопларнинг чап қирғоқларида тоғ бўлиб кўтарилмоқда. Урмондан келтирилган тўсин ва ёғочлардан ер ости бостирмалари тайёрланмоқда. Оқоқ қазинётган жангчиларнинг

орқа линиясида ҳам белкураклар тарақлаб, тупроқлардан тоғ яралмоқда. Мана дарё... Дарёнинг нариги юзида окоп қазийётганлар орасида чоллар, хотинлар ва ўсмирлар ҳам кўринади. Булар умрида қўлига белкурак ушламаган, ҳаётида чумчуқ ҳам сўймаган олим, артист, шоир ва рассомлар, москвалик кўнгилликлар, мўйсафид ишчилар — халқ лашкарлари эди.

«Ҳўҳ-ҳо!..» деб юборди Нормат буларни кўриб. Унинг назарида шу дарё бўйида яна бир катта Фарғона канали қурилаётганга ўхшайди. Фақат канал эмас, балки тўғонлар, шлюзлар, темир-бетон уйлар ҳам бир-йўла ва бирданига қурилаётганга ўхшайди. Онда-сонда миллиқ овози эшитилиб, ракета шуъласи кўришгачдан кейин, Нормат фронтда экапини, бу ерда чанқоқ подийларга сув берувчи, нур берувчи канал эмас, балки ҳарбий истеҳкомлар қавлаиб, ёв йўлига ғов тикланаётганини сезди. «Шунча одам, шунча асбоб-аслаҳа!.. Агар шу куч, бу ҳаракат канал учун ишлатилса... Ҳеҳ-ҳе!.. Мирзачўл тугул, қозоқ саҳролари ҳам пахтазор бўлиб кетар эди» деб ўйлади Нормат. У, йўлдаги ҳаракатлар, от-аравалар, танклар, замбарак тортган тракторлар, учиб юрган самолётлар, машиналар, паровозлар қанчадан-қанча бензин ичиб, автоль, кўмир ютаётганини ўйлади. Қанчадан-қанча тоза металл одамларга отилиб, ерда йўқ бўлаётибди. «Агар бу металл ўз эҳтиёжимизга ишлатилса, қишлоғимиз томлари ҳам тунукали бўлиб, колхозчиларнинг барчаси машинада юрарди!..»

## 2

Юрьев батальони «алоҳида ўқчи батальон» номи билан армия резервида эди. Махсус кўрсатма бўлгунча, «алоҳида ўқчи батальон» Ильичёвқада жанговар-сиёсий тайёргарликни такомиллаштириб, армия қисмларининг жанг тажрибаларини, душман тактикасини ўрганиб, жангларга ҳозир бўлиб туриши керак эди.

Батальон комиссари Черников армия сиёсий бошқармасидан келган янги қўлланмани ўқиб чиққач, буни дарҳол жангчиларга етказишга қарор қилди. Роталарда ҳар кун эрталаб сиёсий ахборот ўтказилар, унда Совет Информация бюросининг ахбороти, фронт ва армия газеталарида босилган жанг ҳикоялари ўқиб

эшиттирилар эди. Бугунги қўлланма сиёсий ахборот савиясини оширишни талаб қиларди. Улуғ Ватан урушида қатнашадиган кучларнинг нисбати, мақсади кун сайин илмий асосда тушунтириб борилиши керак.

Қўлланмада бу масалаларни қандоқ тушунмоқ ва қандоқ тушунтирмоқ кераклиги баён этилган. Совет ерининг бир қанча қисмининг вақтинча қўлдан кетиши, душманининг вақтинча тантана қилаётганлиги — тўсатдан жонина ҳужум оқибати... Қизил Армиянинг вақтинча чекиниши душманининг сон ва техника жиҳатидаги устунлиги, бунинг устига, Европадаги ғолибона урушларда чиниққанлигидан...

Черников бошини қашлаб, ўйланиб қолди. Унинг ўрнида бошқа ҳар қандай кишининг ҳам боши қотиши турган гап эди. Ахир, у яқиндагина, уруш бошланишидан олдин ва уруш бошланган кезларда бошқача гапларни айтмаганмиди. «Бир зарбага уч зарба билан жавоб берамиз! Урушни душман территориясида олиб берамиз!» деган киши Черниковнинг ўзи эмасмиди! Энди у, солдатларга бутунлай бошқа гапни айтиши керак. Айтишга айтади-ю, лекин исботлай оладими? Баҳслашиш вақти эмас. Лекин Черниковнинг виждони ўз қонуни, ўз ҳукми, ўз овозига эга. Бу уруш тасодифий эмас, албатта, бу воқелик осмондан тушгани йўқ. Ер юзида, бир қитъада, кўз олдимизда рўй берди-ку! Фашизм — коммунизмнинг ашаддий душмани. Рим, Берлин, Токио ўқи бизга қарши қаратилган. Гитлер Европани босиб олгач, чегарамизда қўшинларини тўплаб, замбарагининг оғзини байроғимизга қарши тўғрилади. Гафлатда қолдикми? Генералларимиз буни билмасмидилар? Мамлакатимиз поёнсиз, давлатимиз улуғ, халқларимиз ҳамдил, ҳамжиҳат!

Сен, Черников, шуларни айт жангчиларга! Машаққатли, аммо муқаррар ғалабадан гапир!

Кечқурун соат 19 да Юрьев Ильичёвка қишлоғидаги штаб квартирада кенгаш чақирди. Беш хоналик ёғоч уйга рота командирлари, политруклар ва штаб командирлари йиғилдилар. Юрьев нималарнидир ўқямоқда ва имзо чекиб, яна адъютантга узатмоқда. Комиссар ҳозиргина алоқа офицери полк штабидан келтирган оперсводкани ўқир эди.

— Бошлаймиз,— деди комиссар.

Юрьев ишларини тўхтатди.



— Юртимиз огир кунларни кечирмоқда,— деб сўз бошлади Черников.— Ватанимиз ўт ичида. Бутун Европани дабдаба билан босиб ўтган фашизм ҳарбий машинаси катта фронт бўйлаб ҳужум қилмоқда. Қизил Армия чекнаётир..

Командирларнинг кўплари Черниковни илгари ҳам танир эдилар. Черников ҳарбийга келгунча райком секретари эди. Унинг районидан чақирилган запас командирлар турли-туман ишда, у билан тез-тез учрашиб турардилар. Черников ҳар қандай вазиятда ўзини тўта биладиган одам ва минг ўлчаб, бир кесадиған раҳбар бўлаши билан бирга, моҳир нотик ҳам эди. Ҳар бир сўзни ўзига хос оҳангда, таъсирчан қилиб гапироладиган бу кишининг ҳозирги нутқи салобат билан таъсирчан жарангламоқда. Командирлар ундан кўз узмай, унинг ҳар бир сўзини диққат билан тингламоқдалар.

— Бизнинг қўшинларимиз Витебск шаҳрини ташлаб чиқдилар. Белоруссиянинг яна бир шаҳри, дарё бўйидаги шаҳар — саноат шаҳри қўлимиздан кетди. Немис десантчи қисмлари қадимги рус шаҳри Смоленскни босиб олдилар. Душман вақтинча тантана қилмоқда..

Тўртинчи рота командири лейтенант Морозов Черниковга тикилганча қараб қолди. Унинг киприклари намланди.. Лейтенант кўзидан ёш оқиб тушаётганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Морозов эсини танигандан бери ҳарбий хизматда. Уни Қизил Армия вояга етказди. У, Қизил Армияни дунёда энг қудратли, енгилмас армия деб билди ва унга ишонади. Наҳотки, ана шу энг қудратли, енгилмас армия биринчи жангларга бардош беролмай чекинаверса, Совет Ватанининг муқаддас тупроғини фашист этиги топтаб юрса! Морозов бунга сира чидай олмайди, буни ўйлаб, унинг бағри ўртанмоқда. Морозов Смоленскда туғилиб, Смоленскда ўсган. Унинг ота-оналари ўша жойда қолган. Уруш бошланмасдан 15 кун илгари хотини Леля билан ўғилчаси Славикни олиб Смоленскка кетганди. Славикни ёз бўйи ўрмонларда, Днепр қиргоқларида ўйнатиб, кузда, мевалар ширага тўлиб, гарқ пишганда Фарғонага олиб бормоқчи эди, бўлмади. Энди ота-онадан ҳам, Лелядан ҳам хат йўқ. Улар қайси кўчаларда сарсон-саргардон бўлиб юришибди?..

Унинг хаёлини Черницовнинг сўзлари бўлди:

— Душман вақтинча тантана қилмоқда,— деди так-  
роран Черницов.— Қизил Армия вақтинча чекинмоқда.  
Бу чекиниш куч тўплаб қайта ҳужумга ўтиш учун план  
асосида қилиняпти...

Черницов «вақтинча тантана», «вақтинча чекиниш»,  
«қайта ҳужумга ўтиш» деган ибораларни қийналиб  
айтди. Душман тантана қиляпти? Қачонгача, қаергача  
чекинамиз? Қайта ҳужум қаердан бошланади? Бу са-  
волларга унинг ўзи ҳам аниқ жавоб беролмайди. Че-  
киниш плани ҳақида ҳам унда аниқ маълумот йўқ. Свод-  
каларга қараганда, чекнишда ҳеч қандай тартиб йўқ.  
Ҳозирги ҳолатни ифода қилиш учун Черницов ўзича  
«бахтсизлик» деган иборадан бошқа сўз тополмади. Бахт-  
сизлик.

Бизнинг бошимизга тушган бу бахтсизликка хоти-  
ма бермоқ керак. Қон билан, жон билан бўлса ҳам,  
бахтга эришмоқ даркор!

— Душманнинг қўйни пуч ёнғоққа тўла,— деб га-  
пида давом этди Черницов.— Қизил Армиянинг вақ-  
тинча чекинишини у мағлубият деб, ўзининг баъзи  
ютуқларини ғалаба деб гердаймоқда. У, совет халқи-  
ни, совет кишиларининг қудратини, жамиятимизнинг  
ҳаракатлантирувчи кучларини ҳисобга олмай, катта  
янглишди. Халқ: «ё, ҳаёт, ё ўлим!» — дейди. Халқ қўз-  
ғалди. Нима учун кўрашаётганини билган халқ сира ўл-  
майди. Ҳақиқат бизнинг томонда, биз ғалаба қиламиз!

Юрьев сўз олди.

— Душман маккор ва кучли,— деди у.— Унинг тех-  
никаси зўр. Техника бизда ҳам бор, аммо озроқ. Бу-  
нинг устига, баъзи жангчиларимиз ғўр... Мана кечаги  
воқияни олинг. Самолётлар ҳужуми вақтида командир-  
лар тажрибасизлик қилишди, жангчилар шошиб қо-  
лишди...

Юрьев блокнотидаги ёзувларни ўқигач, яна гапида  
давом этди:

— Нормат Жабборов деган солдат бузилган тягач  
тагига ётиб, ҳеч қандай мўлжалсиз, булутга қараб ўқ  
уза берди...

— Нормат кимнинг жангчиси?— деб комиссар сў-  
ради.

— Менинг жангчим,— деди лейтенант Морозов.

Комиссар Жабборовнинг номини блокнотига ёзиб  
олди.

— Душман маккор,— деб такрорлади Юрьев,— у, ҳийла билан тинкамизни қуритмоқчи. Фронт парчала-ниб, ўз чегараси, линиясини йўқотди. Эртага фронт Ильичёвкага ҳам келиб қолиши, Ильичёвка мустақил жанг майдонига айланиши мумкин. Шу сабабдан буюраман: ҳар бир ротадан иккитадан взвод оқол қа-зишга чиқсин. Йўл бўйлари, қишлоқнинг чор атрофла-рида хандақлар қазилсин. Қолган взводлар қуро-л қисмларини ўрганишда давом этсин, отиш машқи ке-ча ва кундуз баб-баравар олиб борилсин. Ҳар қандай кутилмаган ҳодисаларга қарши шайланиб турнингиз!

Немислар босиб олган қишлоқлардан қочганлар Ильичёвкага келишди. Улар қишлоқда тунаб қолишди. Йўл бўйидаги уйга тунаш учун кирган кампир бурчак-да сут ичиб ўтирган қорача йигит қаршисида тўхтади.

— Қаерликсан, болам? Русга ўхшамайсан?— деб кампир кўз ёшларини артиб, унга яқинлашди.— Ота-онанг борми?

Нормат Жабборов ўзининг қаерлик эканини айтди. «Онам бор, сизга ўхшаш онам бор» деди у. Кампир оғир уҳ тортди. Нормат деразадан қараган эди, кўча-даги хотинлар, болалар, чолларни кўрди.

— Мен Гомель областидан келдим.— деб кампир ўзи ҳақида ҳикоя қила бошлади.— Уғлим ҳарбийда. У, ол-тинчи июль куни «Армияга қўшиламан» деб, уйдаи чиқиб кетди. У, кетди-ю икки кундан кейин немислар келди.

— Айланай, у ёқда нима гаплар бор?— уй эгаси кек-са аёл сўради.

— Гап кўп,— бечора кампир хўрсиниб олди.

— Айтнинг.

— Айтмайин ҳам, кўрмайин ҳам, деб эдим. Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди.

Кампир Норматнинг ёнига ўтириб олиб, гап бош-лади:

— Бошимизга тушгунча ўзимиз ҳам бундай гапларга ишонмас эдик. «Немислар ваҳший» дейишди, «фашистлар одамхўр» дейишди, «улар ўғри» дейишди ишонмадим. «Наҳотки, шундай бўлса... Немис халқи маданиятли халқ-ку, православ халқ-ку» дедим. Кейин тушунсам, немис бошқа, фашист бошқа экан. Фашист қишлоғимизга босиб киргандан кейин қилди қилгиликни, қилди қилгиликни... Уйимизга бостириб киришди. «Фрау, фрау» деб чақири-

шади. «Ҳа» десам, «яйик» дейди, «шпик» дейди. Илоё таг-томири билан қуриб кетсин бу газандалар!.. Биринчи кунн уч солдат кирди. Боримни бердим. Яна киришди, яна тухум, ёғ бердим. Бу ажал торткурлар бермаганимга қўйишмади. Учинчи марта кириб, бу уйнинг эгаси борми, йўқми ҳам дейишмади. Сандигимни очиб, қизим Раисанинг тўйи учун атаган бисотларимни олишди. Гўрга тикилгур очофатлар, мол талашиб, сандиқни ҳам синдиришди. Бир манқа солдат автомати билан товуқларимни қириб ташлади. Яна бир солдат: «мени пан демадинг» деб белимга тепди. Кейин автоматининг қўндоғи билан бошимга урганини биламан... Ҳушимдан кетиб қолибман. Урнимдан турсам, бошимдан оққан қон сочларимга ёпишиб, қотиб қолибди... Икки кун деганда уйим шил-шилдам бўлди. Чолим фашистлар Гомелга яқинлашганида окоп қазигани чиқиб, бир ярим кунгина ишлаган эди. Илоё оғзингдан лахта қонинг келгурлар, уни ҳам «сен асир бўлдинг» деб олиб кетишди. Катта ўғлим печканинг тепасида касал ётган эди... Уни «рюсь партизан» деб отиб ташлашди. Бу фашистлар етти пуштигача қирилиб битмас, розимасман!.. Мана бу қизим Раисани эски-тускиларга ўраб, ертўлада сақладим.

Нормат онасининг ёнида ўтирган сочлари жингалак қизга қаради. Оқ юзли Раиса индамай, газабидан чақнаган кўзларини катта очиб ўтирарди.

— Одамхўрлардан дод, дедик,— деб сўзида давом этди кампир,— ҳеч ким эшитмади додимизни. Қизимни ертўладан чиқариб, қишлоқдан қочдим.

— Нондан олинг, овқатдан олинг,— деб уй эгаси мулозимат қилди.

Кампирнинг сира гапи адо бўлмас эди.

— Қишлоқдан ҳамма кетди. Хотин-халаж, ёш-қари — ҳаммаси кетди. Итлар, мушуклар ҳам кўринмай қолди. Қани мақталган армиямиз?— Кампир Норматга қаради.— Қани лочинларимиз? Нега бизни фашистларга ем қилиб қўйдиларингиз?!

Нормат сўзга оғиз очмоқчи эди, эшикдан бир солдат кўринди.

— Сизни комиссар чақиряпти,— деди у Норматга.

Нормат кўчага чиққач, Ильичёвка қишлоғига келган кампирга ўхшаш бечоралардан яна бир нечасини кўрди. Уларнинг юз-кўзлари чанг, ранглари захил, сочлари тўзиган эди. Улар яқиндагина касалдан бош кўтарган дард-

маня кишиларга ўхшардилар. Баъзилари ўтирган ўринларда мудраб қолишибди. Қаторлашиб ётган кексалар ёа гўдақларнинг юзида неча кунлик азоб-уқубат, «қоч-қоч» гамининг доғи кўриниб турарди. Қишлоқ Советининг раиси Борисов шу ерда айланиб юрибди. У жой сўраганларга жавоб қиляпти:

— Ҳамма уйлар солдатлар билан банд...

Улар шу кеча кўчада, йўл бўйида ётиб қолишди. Узоқдан замбараклар ҳайқириғи, снарядларнинг портлаши эшитилмоқда. Аллақерда пулемётлар тасирламоқда.

Қишлоқнинг кун ботиш томонидаги ўрмон бурчагидан якки марта оқ ракета отилди. Қаёқдандир душман самолётлари пайдо бўлиб, қишлоқ устида ва чодир тикиб ётган қочқинлар тепасида айлана бошлади. Биринчи бомба қолхоз отхонасига тушиб, аланга бутун қишлоқни ёритди. Иккинчи, учинчи бомба хаталарга тушди. Бир неча уй ер билан яксон бўлди. Бомбалар бирин-кетин портлаб бутун қишлоқни ларзага келтирди..

Нормат Черницовнинг ҳузурида экан, кўчадаги шовқин-суронни эшитиб турди.

— Ўзбек халқи тинчлик кунларида катта меҳнат жангларини кўрди ва ғалаба қилди. Панама, Сувайш каналлари қурувчиларининг 34 йиллик ишини ўзбек халқи Фарғонада олтмиш кунда бажарди. Ўзбек халқи мард халқ. Унинг катта қаҳрамонлик тарихи бор.

Нормат комиссарнинг нима демоқчи бўлганини тунди. Комиссар: «ана шундай қаҳрамон халқнинг вакили Нормат, сен нега бўшанглик қилдинг» дегандек унга қараб турарди. Унинг йўлда, ҳаво ҳужуми вақтида, довдираб қолгани эсига тушди, баданини муздек тербосди.

— Мен ўзимни урушда кўрсатаман, ўртоқ комиссар,— деди у. ерга қараб.

Черницов мулойим товуш билан гапида давом этди:

— Урушда кўрсатасан, биламан. Лекин урушни билмай туриб, ўзингни кўрсатолмайсан. Агар сен душмани ўлдирмасанг, у сени ўлдиради, дўстларингни ўлдиради, уруғ-авлодингни қиради, Совет Ватанимизни талайди.

— Ўртоқ комиссар...

Унинг сўзи кесилиб қолди. Ҳаво тревогаси бошланди. Черницов босиқ овоз билан:

— Хандақда кирилинг!— деди.

Қишлоқ ёнаётир. Ғарбдан келаётган шабада тутанган жун, куйган гўшт, суяк ҳидларини кўтариб, узоқларга олиб кетмоқда. Қолхоз отхонасидаги отлар, фермадаги сизир-бузоқлар куймоқда, тирик қолганлари даҳшат билан бўқирмоқда.

Нормат яқиндагина сут ичиб чиққан уйни танимади. Бу уйнинг фақат мўриси қолибди. Темир сандиқ ичида куйган бугдой иси анқимоқда. Ертўлада карам, пиёз тутамоқда. Бурчакдаги ойнакли жавон куйиб, кул бўлган.

«Ердам қилинлар!» деган фарёд эшитилди. Нормат овоз чиққан боғчага югурди. Икки хотин инграб ётибди. Жингалак сочлари кўзларини тўсиб турган Раиса икки қўли билан онасининг кўксини ушлаб, йиғлаб ўтирарди. Бечора кампир ер бағирлаб қолибди. Нормат унинг қонсиз, тиришган юзларига қаради: кампирнинг ўнг бетидаги холи ўз онаси Тўхта холанинг холига ўхшаб кетди. Нормат бир сесканди...

— Аравага ётқиз, аравага!— деди кимдир.

Нормат ярадорларни ташиётганлар орасида қишлоқ Советининг раиси Борисовни кўриб, унга кўмаклашди. Борисовнинг кучери беморларни қишлоқ касалхонасига олиб кетди.

Кун чиқди. Аммо Ильичёвка қишлоғи қоронғи: тутун ва кукун кўкка кўтарилиб, қишлоқ ҳавосини бўғиб қўйган. Қишлоқ олдида пайдо бўлган Ўртоқлар мазори: а жафокаш кампирнинг ҳам жасади қўйилди.

— Буларни унутмаймиз!— деди Черников, жангчиларга қараб.

Нормат Черниковнинг ёш филтиллаб турган тиниқ кўк кўзларига қаради. Қалин киприклари куйиб кетгани учунми, милклари қип-қизил гўштга ўхшарди. Доимо кулимсираб гапирадиган хушмуомала комиссар ҳозир дағал ва шиддатли кўринди. Унинг ғазабли кўзлари, қисқа-қисқа сўзларидан Нормат комиссарнинг руҳида қасос ўти алангаланаётганини сизди.

Нормат бугунги воқиялар ҳақида онасига, Адолатга, Эргашга хабар қилмоқ учун ренецга қоғоз қўйиб, қўлига қалам олди.

ДАСТЛАБКИ ХАБАР

1

Кун қайтиш вақтида даштга велосипедда почталъон келди. Қизлар уни ўраб олишди. Уни велосипеддан тушиб, чангини артиб олишига ҳам қўймай шоширдилар:

— Хат олиб келдингми?

— Менга борми?

— Менга-чи?

Почталъон сумкасини очиб, уч бурчак хатни олди, қаламда йўғон-йўғон қирқма ҳарфлар билан ёзилиб, таги чизиб қўйилган жойини кўрсатиб қичқирди:

— Бегимхон, қани битта ўйнаб юборинг!

Бегимхон ўқдек отилиб, почталъон қўлидаги хатга ташланди. Почталъон хатни баланд кўтариб: «ўйнама-сангиз бермайман» деб туриб олди. Бегимхон бир-икки сакраб, унинг қўлидан хатни илиб ололмагач, ўйинга тушди. Унинг оёқ-қўллари ҳаракатда бўлса ҳам, икки кўзи хатда эди. У, қизлар оллидан эгилиб ўтди-да, уват тепасидан бир айланиб, почталъон қўлидаги хатни илиб қочди. Шакархон унинг орқасидан югурди. Бегимхон хатни очди-ю нима ёзилганини ўқий олмади. У хатни бошдан оёғигача шошилиб қарар, ниманидир қидирар, аммо нима қидираётганини ўзи ҳам билмас эди.

— Упқангни бос,— деди Шакархон,— ўқи, яхшилик хатга ўхшайди.

Бегимхон уруш бошлангандан бери эридан хат олмаган эди. Эралининг ҳам, Бегимхоннинг ҳам қариндош-уруғлари ташвишда эдилар. Ким билсин, уруш тўсатдан бошланди, анчайин уруш эмас. У чегарада биринчи ўққа дуч келган бўлиши мумкин, эҳтимол, 22 июнь кечаси учган самолётлар... Ана шу хаёллар Бегимхонни безовта қиларди. «Ун гулимдан бир гулим очилмай туриб, тул бўлиб қолдимми?!» деб ўксинарди у. Шунинг учунми, салгина гап, салгина ҳазил дарров унга тегиб кетарди. Шу қадар зиқ, нозик табиат бўлиб қолгани учун Бегимхон кўп дакки эшитди. Дугоналари: «биргина сенинг эринг фронтдами, бир сенинг эрингдан хат йўқми, нега захарлик қилдасан?» дер эдилар унга. Мана энди кўпдан бери кутилган хат келди. Бегимхон ёш қизчалардек қип-қизариб, хатни бағрига босди. Бу хат унга киши бахт чирогининг сўймаслиги, умид қу-

ши қанотининг букилмаслигидан бир нишона бўлиб кўринди. Хатдаги содда, ёқимли сўзлар, унинг таниш имзоси, дала почтасининг беш рақамли адреси — буларнинг ҳаммаси Эралининг соғ-саломатлигидан далолат бериб турарди.

Бегимхон хатни бағрига босди-да, нафасини ростлаб олиб, ўқишга тушди. Мактуб автори ўзининг камхатлиги, дараксиз кетганлиги сабабларини айтиб, энди тез-тез ёзиб туришга ваъда қилган, хат кутаман, деган ва колхоздаги ишларни сўраган. Ушбу мактубнинг охирида: «Белоруссиянинг Витебск деган шаҳридамиз, Фарбий Двина дарёсида мудофаада турибмиз» — депти.

Бегимхон кечаги можароларни ҳам унутиб, Адолатнинг олдига югурди.

— Адолат, харитангни ол, Витебск қаерда экан?

Қизлар Бегимхонни ўраб олишди.

— Ўқи хатингни, Эрали ака нима депти?

— Менинг акамни кўрмабдими?

— Кимлар билан бирга экан?

Бегимхон қизларнинг саволларига жавоб бермас, унинг хаёли харитада эди.

Адолат сумкасини очиб, ундан букланган харитани олди-да, гўзалар устига ёзиб қўйди.

— Мана, Фарбий Двина...

— Мана, Витебск...

— Қани, қани?

Адолат бармоғи билан Фарбий Двина дарёсининг икки қирғоғига жойлашган шаҳарнинг харитадаги мошдек белгисини кўрсатди. Бегимхон узоқ тиклиб қолди. Унинг кўзлари живирлашиб, қаршисида жора мунчоқлар пайдо бўлди, кейинча бу мунчоқлар катта-катта ҳалқачаларга айланиб, бир оз пилдирғач, йўқолиб кетди. Бегимхоннинг кўз олдига харита эмас, Эрали жонланди. Қандай тотли эди уларнинг турмуши! Эралининг эшикдан қучоқ очиб киришини, доим кўлиб туришини унутиб бўладими! Уша лаззатли ҳаёт қачон қайтади? Қайтадими, ёки ширин хаёл бўлиб қола берадими? Хатда бу саволга жавоб борми?

Бегимхон хатни қайта-қайта ўқиди. Гўё хатда ҳамма нарса ёзилган, аммо дил ўртаниб қидираётган, «палон кунни бораман» деган бирдан-бир гап йўқ эди. «Қачонгача интизор қиласан мени, э, парвардигор?» — деди-да, Бегимхон ҳўнграб йиғлашга тушди. Агар атрофида қизлар бўлмаса, Бегимхон шу чоқ овозининг



борича дод солиб йиғлар, юрагини бўшатиб, оларди. Лекин қизлар уни чуғурлашиб чақира бошладилар:

— Бегимхон!

— Ҳо Бегим!..

— Бегимхон, жон ўртоқ, хатингни менга бер, мен ҳам бир ўқий, жон ўртоқ.

— Сен ҳам куйдирма мени, Бодомхон.

— Хатдаги гаплар Одил акамнинг гапига ўхшайди. Бу гаплар менга айтилганга ўхшайди... Сен ҳаммасини яхши ўқимадинг. Ке, ўртоқ, менга бир кўрсат!

Бегимхон конвертни зарда билан унинг олдига ташлади.

— Ол!

Бодомхон конвертни олди-ю, қўли титраб, кўзи тинди...

— Меники! Менга экан бу хат!

— А!— деди Бегим ўрнидан туриб, кўзларини олайтириб.

— Мана, қизлар, ўқинглар!— деди Бодомхон, уч бурчак конвертни кўрсатиб,— Бодомжонга тегсин, депти. Мана, отамнинг оти муҳрнинг тагида қолипти... Хат ташувчимиз қурсин, доим чалғитгани чалғитган. Бодомхон билан Бегимхоннинг фарқини билмайди.

Бодомхон уватга ўтириб, хатни ўқий бошлади. Унинг кўзидан ёшлари учқунлаб турипти...

Бегимхонни сира сўраманг. У ўзини қаерга қўярини, кимга ёпишиб, кимни юмдалашини билмай, фигони фаллакка чиқди. Ким уни масҳара қилди, хат ташувчининг ишими бу, ёки тангрининг? Еки Адолатлар атайлаб уни йиғлатгиси, кейин кулги қилгиси келдими? Қандай шармисорлик бу!

## 2

Адолат фронтдан хат келганига хурсанд бўлди. Хурсанд бўлди-ю, Норматни, Олимжонни эслаб ўқинди. Акаси Олимжон, севиклиси Нормат икки энлик қоғоз тополмайдими? «Соғмиз, саломатмиз» деб ёзиб юборишдан эринадиларми? Ҳаммага келаётган хат нега Адолатга келмайди? Ахир, фронтга кетганлардан хат-хабар келиб турибди-ку?

Лекин Адолат умидсизланиб, ғамга, кулфатга қул бўлгани йўқ. У хат кутади, газета титади. Адолатнинг

назарида газета — фронтга кетган кадронларнинг коллектив мактуби. Уни ўқимоқ, ўқиб бошқаларга эшиттирмоқ Адолатнинг кундалик иши бўлиб қолди.

Адолат бугун ҳам газетани олиб, қизларга кулиб қаради:

— Утиринлар, фронт хабарларидан ўқиймиз.

Аммо, Адолат нимагадир бугун газетани шошилмай, ютиниб-ютиниб ўқиди. Бодомхон газета хабарларини диққат билан тинглаб ўтирди, Совинформбюронинг бугунги хабарини қайта-қайта ўқишни сўради. Нега? Негаки, унда кўпгина шаҳар, қандайдир станциялар, аҳоли яшайдиган пунктлар, дарёларнинг номи ёзилган эди. Совинформбюро ахборотида жойларнинг номи ҳар куни ўзгариб, янгилашиб туради. Бодомхон қанча эътибор бериб эшитса ҳам, Одил ёзган шаҳарнинг номи чиқмади. «Бизнинг қўшинлар Могилёв шаҳрини ташлаб чиқдилар» — деб ўқиди Адолат ва бу шаҳарни харитадан қидириб топиб, бармоғи билан кўрсатди. Европа сиёсий харитасининг ярмидан кўпини безаб турган қизил ранг — СССР территориясида Могилёв шаҳри денгиз томчисидек кичик бир нуқта бўлиб кўринди. Дастлаб бу кичик нуқтага Бодомхон парвосизгина қаради. Кейин у, ҳар қолда шу кичик бир нуқта ҳам бизники, ўзимизники-ку, деб ўйлади-да, юраги ачишиб, харитага яқинлашди. У Могилёв атрофларини қараб, қичқириб юборди: «Ия, бу Витебскдан бери-ку! Вой, шўрим, душман Одил акамлар турган шаҳарни ҳам босиб ўтипти-да? Одил жоним, қаердасиз?» Бодомхон харитага ёпишиб олиб, гўё ундан севикли эрини қидириб топиб оладигандек, нуқталар, чизиқлар, квадратларни бармоғи билан санаб чиқди. Чегара қаерда. Москва қасрда эканини аниқлагач ва душман Могилёвни олиш учун қанча йўл босиб ўтганини кўргач, Ватан бошига тушган хавфни чуқурроқ сезиб, ҳозиргина қўлига қўнган бахт қўшини ҳам учириб юборгандек ўзини йўқотиб қўйди...

— Москвага яқинлашиб қолишибди-ку... — деди-да, Бодомхон кўзи тиниб, боши айланиб ўтириб олди.

Адолат ҳам кейинги воқиалар қандайдир катта бахтсизликдан хабар бераётганини тушуниб, бўшашиб кетди. Қсйин қизлар унинг оғзига тикилиб, ундан қандайдир хушхабар кутиб тургани учун, ўзини ўнглаб:

— Менинг бир таклифим бор, қизлар, — деди у. ўрnidан туриб. — Фронтдаги жангчиларга совға юбориш

керак. Мева сероб. Ундан кейин каштали рўмолча, ма-  
хорка халтачаси тикиш кимнинг қўлидан келмайди?  
Ҳамма қизнинг бисотида ҳам бундай нарсалар кўпи!

— Рост, қизлар,— деди Бегимхон,— майли, ўзимиз  
камроқ есак ҳам, ўшаларга юборайлик!..

— Совга ҳам юборайлик,— деди Адолат,— ўзимиз-  
ни ишда ҳам кўрсатайлик!

...Адолатнинг «ўзимизни ишда ҳам кўрсатайлик»  
деган сўзлари бригада қизларининг жанговар шиори  
бўлиб қолди. Бригадада ғўзанинг ҳозирги ҳосилини тутиб  
қолиш, мавжуд ҳосилга ҳосил қўшиш учун кураш бош-  
ланди. Аммо, фақат чопиқ билан бу вазифани бажар-  
иш қийин. Гулни кўсак қилиш учун сув керак. Сув  
эса йўқ...

Адолат кечалари ухламай, сувчилар ёнида юрди. У,  
чанқаб, қовжираб турган ҳар бир ғўзага қараб ачинар  
ва тунги сувни шимириб тирилаётган ҳар бир ғўзани  
кўриб қувонарди. Бироқ озгина сув ҳам тақа-тақ тўх-  
таб қолди. «Сув» деб навбат кутиб ётган ғўзаларнинг  
барглари қорайиб шона ташлай бошлади. Шошинч  
чора кўриш зарур бўлиб қолди. Адолат ариқ бошига  
югуриб борди. Қайтарма ариқда сув жилдираб оқар-  
ди. Чархпалак кўрачалари сувга ботмай, парраклари  
айланмай, тўхтаб турибди. Адолат колхоз миробидан,  
правление раисидан ҳам «сувни бошқа ёққа буриб  
юборишди, у ёқда ғўзалар қуриб қолаётган эмиш»  
деган бир хил жавоб эшитди. Адолат қайтарма ариқ  
ёқаларинда парвонадек айланиб, чархпалак кўрачалари-  
даги сувни кўзига суртгудек бўлди. Ариқ суви бир хил-  
да, жимгина, шарпасиз ва шабадасиз жимиллаб оқмоқ-  
да. Ариқ неча-неча метр чуқурликда, уни бўғиб сувни  
буриш мумкин эмас. Иложи йўқ. Сувни кутиш — ҳосил-  
ни кўрга кўмиш деган гап. Нима қилмоқ керак? Ҳо-  
вучлаб келсанг ҳам, пақирлаб ташисанг ҳам, сув топ,  
ғўзани ўлимдан сақла!

«Булоқ! Булоқни буриш мумкин эмасми?»

Дашт бригадаси ерларининг тахминан икки-уч ча-  
қирым жанубидаги Бурганда азалдан бир булоқ қайнаб  
ётарди. Бу булоқдан кетмон сопидек сув отилиб турар-  
ди. Қушлар унинг атрофидан аримасди. Йўловчилар  
ҳам шу жойда дам олиб кетар эдилар. Асрлардан бери  
отилиб турган бу сув ердан чиқиб, ерга сингиб ётарди.  
Нега уни пахтазорга оқишиш мумкин эмас, ..

Адолат кетмонини елкалаб, булоқ бошига борди. Ажриқзор орасида қуёш нурида кумуш жўмракдек ярқираб сув отилиб турибди. Адолат энгашиб, уни тўйганича шимирди. Ҳзи сувга қонгач, гўё ғўзалари ҳам ундан баҳра олгандек қувонди. Сув топилди, оз бўлса ҳам сув... Энди Адолат бу сувни ғўзага олиб бориш йўлини топиши керак. У қапага бориб, қизларни бошлаб келгунча, булоқ боши остин-устин бўлиб кетибди. Қайсиям бир колхоз яйловга катта пода ҳайдаб ўтаётганда, чанқоқ пода булоққа ёпирилиб, уни депсиб ташлабди. Натижада булоқнинг кўзи беркилиб, отилиб турган чашма ер қатламларига сингиб кетибди. Бу ерда гиёҳ ҳам қолмабди. Фақат мол туёқларининг тартибсиз изларигина кўринади...

Адолат бир неча жойни панжаси билан таталади, кетмонда кавлади, аммо булоқ кўзини топа олмади.

«Булоқ суви силқиб кетдимикан?— деб ўйлади Адолат.— Бирор жойдан тешиб чиқиши шарт-ку. Лекин қаердан?»

Бурган булоқ деб аталган бу жилға дашт текислигига яқин жойга келиб, икки ёққа бурилиб кетарди. Адолат дастлаб жилғанинг ўнг, сўнгра чап пайровини айланиб чиқди, қизлар ҳам кетмон билан жуда кўп жойни ўйдим-чуқур қилдилар. Лекин сув отилиб чиқмади. Қош қорайиб қолгач, улар ночор шийпонга қайтишди.

Адолат кечаси билан чанқоқ ғўзалар ташевишида ухломмади, уйқу босиб, кўзи юмилиб кетаётган пайтларида ҳам тушига булоқ кириб, уйғониб кетарди. Фира-ширада у яна жилғага йўл олди. Бу сафар у чап пайровдаги пастқам жойларни қидирди. Унинг кўзига тўсатдан нимадир ярқираб қолди: гажиб ташланган ажриқ таги бўртиб турибди. Адолат ажриқ тагини қўли билан кавлаган эди, бармоғи лой бўлди. «Топдим!» деб қичқириб юборди у. Кетмони билан бир чим кўчирди, аммо сув балқимади. Яна бир кетмон урганда ажриқзордан билқиллаб суюқ лой чиқди-да, кейин кучли тиниқ сув тикка отилди.

— Топилди!

Адолат севинганидан булоққа ётиб олиб, шимириб-шимириб сув ичди, лабларида қолган томчиларни енгил билан артиб, енгил нафас олди. У шу қадар шод эдики, бир ҳовуч сувни олиб, қизлар томонга югурмоқчи бўлди. Аммо булоқнинг топилиши ҳали сувни эгатларга

оқизиш деган гап эмас эди. Бу сув Адолатнинг орқасидан эргашиб борадими, уни олиб бориш учун нималар қилиш керак? Адолат жилғаси айланиб чиқди. Булоқ суви жилғадан нарига бормаи, шу ерда шимилиб кетадигандек туюлди. Эҳтимол, булоқдан чиқаётган тиниқ сувнинг бу ерда хуштори, кушандаси кўпдир: бу сув тоғу тошни тўлдириб юрган қушлар, кавак-кандикларда истиқомат қиладиган жониворлардан ортмас, Йўқ, шундай тиниқ, тоза сувнинг каламуш уясига қуяйлиб, кўкка булғаниб ётишига Адолат кўнмайди. Аммо бу ердан экинзор томонга ариқ тортиш қийин. Баландпастлик кўп. Булоқ жилғаси эса экинзорнинг қарамақарши томонига бурилиб кетган. Адолат ишнинг осон ва тез битадиган томонини ўйлаб, ўйига етолмади.

### 3

— Ҳамма булоққа!— деб қичқирди Адолат қизлар капасига яқинлашаркан.

Қизлар бирдан Адолатни ўраб олишди.

— Сув топилдими?

— Топилди.

— Булоқ кўзини очдингми?

— Йўқ, янгисини топдим. Бошқа жойга силқиб кетибди.

— Тескари жилғами?

— Ҳа.

Бегимхон қўл силтади.

— Овора бўлманглар, довои ошиб сув келтириш қийин.

Адолат қизларга ўз режасини тушуитирди.

— Довон ошмаймиз. Айланма йўл билан олиб келиб, эски изига соламиз.

Адолат кетмонни елкасига олиб йўлга чиқди, орқасидан чувалашиб қизлар жўнашди.

Жилғанинг пастқам жойлари шағал, сағиз эди. Биринчи кун бутун бригада икки юз метр келар-келмас ариқча қазиди.

— Булоқ бурамиз деб ғўзадан қуруқ қолмасак, деди кимдир.

Қизлар бу гапни эшитиб, кетмонга суянишди.

— Чопиқ, чеканка қолиб кетмасмикан?.

— Ҳамма иш муҳим,— деди Адолат, қатъийлик билан,— аммо сув муҳимроқ!

Бригадирнинг шу гапидан кейин ҳеч ким гап қўшмади. Қимдир қўшиқ бошлади, бошқалар қўшилишди...

Эртасига кексалар бригадаси, кейин қўшни бригададан кетмончилар ҳам ёрдамга келишди. Қолхоз хўжалик мудирн бир арава лом келтириб ташлади.

— Йўқотиб қўйманглар. Заводдан тилхат билан олиб келдим,— деди хўжалик мудирн,— районнинг қоғози билан зўрға беришди.

Бешинчи кун деганда ариқча янтоқзор, бурганзор, баланд-пастликлардан ўтиб, эски изига тушди. Тепадан қараган кишига бу ариқча илон изидек эгилиб, букилиб, ўзининг ўқидан ўзи айланаётганга ўхшаб кўринарди.

Булоқ суви ариқчага бурилди. Кетмон дастасидек сув шағални шигиллатиб, тупроқни тўзитиб, илондек билқиб олға интилди. Юз метрча ўтар-ўтмас сувнинг шашти қайтди, бир жойда қалқиб, димиқиб тураверди. Адолат уни киш-кишлаб ҳайдагудек бўлди. Бир оздан кейин пилтадек сув йўлга тушди... Неча-неча йиллардан бери сув кўрмаган адир бўшлиқлари сувни шимиб, оқимини тобора сусайтирарди. Гоҳи жойларда сув кавак-кандикларга, чумоли, каламуш уяларига кириб йўқолиб кетар ва уларни тўлдирмагулча олдинга юрмас эди. Адолат шошилар ва сувни ҳовучлаб бўлса ҳам ғўзаларга етказгиси келарди.

Янги ариқчанинг эрталаб очилган суви пахта майдонига кечқурун етиб келди. Тагидан сув ўрмалаган ҳар туп ғўза тирилмоқда. Аммо туяни чўмич билан тўйдириб бўлмагандай, шунча ернинг ғўзасини шугина сув билан тирилтириб бўлармиди! Тонг отгунча бир танобча ернинг ғўзаси сув ичди. Қирқ гектар ер қақраб ётибди. Бошқа чора топиш керак эди. Бу чорани Шакархон топди.

— Қайтарманинг сувини чиқаришдан бошқа илож йўқ,— деди у Адолатга,— бунинг учун икки йўл бор. Ё ариқни бўғиб, сувни чархпалак билан кўтариш керак, ёки чархпалакни сувнинг нишобига етадиган қилиб бошқатдан қуриш зарур.

Адолатга унинг қайтарма сувини бўғиб чиқариш ҳақидаги фикри маъқул тушди. Эртасига эрталаб қизлар замбил ва кетмон кўтариб қайтарма бўйига келдилар. Қайтарма галахирмоннинг янги ери қирғоғидан тўрт-

беш метрча пастда жилдираб оқмоқда. Чархпалак кўрачалари ариқ ўртасида, сувдан анча баландда шабаданан ҳуштак чолиб беиш, анқайиб турибди.

Бегимхон Адолатга қараб лабини бурди.

— Бу зимистондан сув чиқади, деб ўйлама!

— Нега ундай дейсиз, Бегимхон,— деди Бодомхон, унинг олдига келиб,— сув чиқади. Чиқмаса, чиқарамиз.

Бегимхон чархпалакнинг кўрачасини чертиб-чертиб қўйди.

— Буни занглатиб қўйгунча, илгарироқ шу гапни айтсанг бўлмасмиди, игна билан қудуқ қазиб булоқ чиқаргунча, қайтармани қайтарар эдик.

— Ҳали ҳам кеч эмас!— деди Адолат.— Қизлар, тош териб келинглар. Шакархон кўтарма жойини танласин, Бодомхон, замбилчиларга бош бўлинг.

Қизлар тарқалишиб кетгач, Адолат пастликка қараб ўйланиб қолди. Бегимхон тўғри айтади. Нега илгарироқ ўйламадик шу ишни? Қанча вақт бекорга кетди. Ҳали ҳам кеч эмас. Лекин бўшашма, майда гаплардап қўрқма, сув керак сенга, сув!

Тушга яқин Шакархон танлаган ерга қизлар тош, тупроқ ташлай бошладилар. Кўтарма кўзга кўриниб, сув баландлаб борди. Қизлар шу кунги кечаси билан ухламадилар. Чунки сув димланиб, тўғон тупроқларини ювиб, ялаб турибди, хавф зўр, меҳнат зое кетиши мумкин. Эртаси кечга яқин ариқ тўсилиб, сув кўрачаларга кирди, лекин чархпалак айланмади. Бунинг сири шу эдики, чархпалак сув нишобидан анча нарида қолган эди.

— Бу ишингдан ҳеч нарса чиқмайди, демабмидим!

Бегимхон белини ушлаб, Адолатга терс қараб турибди.

Адолат бир хўмрайди-да, унинг гапини шартта кесиб қўйди.

— Чиқади, дедик, чиқади!

— Қани чиққани? Чархпалакнинг пинагини бузмай туришини қара!

— Бел Шунга ҳам ташвишми? Тоғ Муҳаммаднинг олдига келмагач, Муҳаммад тоғнинг олдига борган экан. Чархпалакни нишобнинг олдига кўчирамиз қўямиз-да.

— Кетмон билан дурадгорлик қиламиз, дегин?

— Нега кетмон билан бўлсин. Ана, пастки бригаддан Холмат акани чақирамиз. Ўзи қурган чархпалакни ўзи кўчириб беради.

Шу кунёқ Холматни бошлаб келдилар. У, қошларини чимириб, суви шовиллаётган нишобга қаради-да, кўтарманинг қирғоғига қозиқ қоқди. Қизлар ҳам бекор турмадилар. Кечаси чархпалак янги жойга кўчирилди ва тонготарда даштга бир жўяк сув равон оқди. Адолат севинганидан Бодомхон билан Шакархонни қучоқлаб ўпди, сўнгра барча қизлар бир-бирларни билан қучоқлаша кетдилар. Холмат қизларнинг бу қувончини кўриб, офарин дегандай, мўйлабини силаб қўйди.

Адолат сувчиларга:

— Шу сув бўлмаса, гўзадан ажрар эдик...— деди.

Адолат беҳад шодлигидан далада кезарди. Сув шимиб яшараётган гўзалар яйрарди. Ун беш кунлик тўлин ой ва саноқсиз юлдузлар чанқоқ гўзалар тагида жимиб оқаётган сувга тикилган Адолатни тамоша қилиб турарди.

\* \* \*

Холмат дашт бригадасидан тўппа-тўғри қишлоққа келди. Қишлоқ сув сепгандай жимжит. Онда-сонда уй деразаларидан чироқ кўрниси, баъзи мўрилар тутамоқда.

Тўхта хола тандирга ўт қўйганга ўхшайди, кўча томонга гоҳ-гоҳ учқун учиб турибди. Холмат онамдан ҳол-аҳвол сўраб ўтай деб остонадан хатлаган эди, укаси Эрматнинг хотини рўпара келди. Тугунини бошига қўйиб, қўлида чойдиши билан кўчага чиқаяпти.

— Далагами?

— Шийпонга кетялман. Августгача далада тунай-миз.

— Онам қани?

— Секинроқ гапиринг, болалар эшитиб қолмасин. Бувим болаларни алдаб, овутиб ўтириптилар. Айтмоқчи, Эргашвой сизни сўраб юрувди, кўрдими?

Холмат келини билан изига қайтди. Уни колхоз партия бюросида Эргаш билан Қодир ака кутиб олишди. Холмат стулларни кўздан кечирди. Кўпгина коммунистларнинг ўрни бўш... Бутун бошлиқ қишлоқда уч коммунист қолибди. Шу бугундан эътиборан Эргаш партбюро секретари эмас, колхоз партгруппасининг ташкилотчиси, Холмат партбюро аъзоси эмас, оддий коммунист. Энди аввалгидек ҳафтада бир марта партбюрога тўпланиш йўқ, уларнинг жойи далада бўлади. Эргашнинг назарида ҳозирги пайтда авангардликнинг



роли ҳам, шакли ҳам ўзгарди. Қолхознинг асосий кучи хотин-қизлар бўлиб қолди ва аста-секин, уруш кучайиб борган сари, бутун иш кексалар, хотин-қизларнинг қўлига қараб қолиши мумкин. Фақат «Гулистон»да эмас, бутун районда, областда, республикада шундай бўлаяпти. Газеталарнинг ёзишига қараганда, завод ва фабрикаларда, муассасаларда ҳам урушга кетаётганларнинг ўрнини кексалар ва хотин-қизлар эгалламоқдалар. Эндиги асосий иш кексалар ва хотин-қизларнинг активлигига боғлиқ.

Нима қилмоқ керак?

Уч коммунист кичкинагина стол атрофида бошини бошига текизгудек ўтириб, ўйга чўмган эди. Ишни нимадан бошламоқ керак?

«Гулистон» қишлоғида партия ташкилоти тузилган вақтдан бери биринчи марта партия йиғилиши музока-раларсиз ўтди. Уч коммунистнинг ҳар бири ўз ўрни, ўз бурчини ҳар қачонгидан ҳам яхши тушунар эди. Бизнинг жойимиз далада, одамлар орасида, дейишди улар. Шу кундан эътиборан Эргаш ҳам, Холмат ҳам, Қодир ака ҳам дала шийпонига кўчиб чиқдилар. Чопиқ тонг-отардан кунботаргача давом этадиган бўлди. Суғориш кеча-ю кундуз олиб борилди. Булардан ташқари, уч коммунист уч участкада туриб олиб, чолларнинг кучи билан кечалари маҳаллий ўғит тўплатиб, далага таши-тиб турдилар. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, колхозда фақат икки коммунист қолди. Холматни ҳам районга чақириб, меҳнат фронтига олиб қўйдилар. У Уралга кетди.

\* \* \*

Ун уч кун деганда Қайтарма ариқда сув кўпайиб, кўтармани оқизиб кетди. Аммо чархпалак аввалгидан ҳам жадал айланиб, кўрачалар даштга мўл-кўл сув тўка бошлади. Чанқоқ ғўзаларни сувга қондириб ол-гач, Адолат шона ташлаб, гул тўқиб юборган ғўза-ларни тириштириш пайига тушди. «Ўғит керак. Анча ўғит керак!» деди у, шип-шийдам бўлиб қолган баъзи ғўзаларга тикилиб. Ғўзалар бир марта ўғитланганича ётарди. Ёзги парваридан даврида чопиқ, культивация ол-дидан солинадиган ўғит солинмади. Бурган булоқ пастлигидаги қўй қийи уч кунга етди, холос. Яхшиси, Адолат раисдан ўз бригадасининг ўғит нормасини та-лаб қилиши керак.

Адолат қишлоққа келиб, идорада ҳеч кимни учрата олмади. У кўчага чиқиб, катта тол тагида ҳайрон бўлиб турган эди, тўсатдан таниш овоз эшитилди.

— Адолат!— деди район томонидан келаётган отлич раис. У бир неча кундан бери ухламаган, ҳорғин кўри-нарди.

— Салом, Қодир ака!

Раис эгардан гушиб, отини толга боғлади.

— Мен кеча даштга боролмадим, каналга одам жўнатдим,— деди раис,— ҳозир райондан келяпман.

— Районда қандай янгиликлар бор?— деб сўради Адолат.

— Ўғит келяпти, ўғит!— деди қувониб Қодир ака.— Ҳукуматимизга балли. Фролт «бер-бер!» деб қистовига олиб турган шундай оғир пайтда ҳам биз деҳқонларни унутмади. Пахтакорларга азот юборибди. Станцияга арава чиқаришимиз керак.

— Бизга қанча берасиз? Тўкилган шоналарни тўлатиб олмасак, ютқизиб қўямиз.

— Бу гал сенга йўқ.

— Нега, биз пахта бермаймизми?

— Сен ҳам пахта берасан, кўп пахта берасан, аммо еринг кучли, янги ер. Азот керак эмас. Фосфор янаги ҳафта келади. Иккинчи чопиқни тамомладингми?

— Йўқ,— деди Адолат хомуш,— гўза ҳам тракторга ўрганиб қолган экан, кетмон билан улгуриб бўлмапти.

Қодир ака ўйланиб қолди. Ўтган йили бу вақтда колхоз далаларида «универсал»лар гумбурлаб, бутун қишлоқни бошига кўтараётган эди. Уруш бошланиши билан МТС ҳам сийраклашиб қолди. «Гулистон»даги трактор бригадасини чақириб олдилар. Мана энди уч колхозга бир бригада...

— Эртага икки «универсал» келади,— деди Қодир ака, от устида бир оз қаддини ростлаб,— ишларимиз анча чаққонлашади.

— Бори-йўғи иккитами? Яна бизга йўқ экан-да?

— Ношукурчилик қилма, қизим. Шундай оғир уруш бўлаётган вақтда бир қишлоққа икки трактор қайтиб келгани— бахт қушининг қайтиб қўлингга қўнгани. Ўйлаб қара. Николай замонида бундай урушда сенга трактор юбориш у ёқда турсин, уйингдаги бузоғингни ҳам бричкага қўшарди. Яхши ҳам Совет ҳакимияти бор экан, ҳам фронтни, ҳам шаҳарни, ҳам

қишлоқни таъминлаяпти. Ҳукуматимизнинг бардошига баракалла, уруш деб шошиб қолгани йўқ, ҳамма ёқни баб-баравар бошқаряпти!..

Бир оз жимликдан кейин Қодир ака Адолатга қараб буздай деди:

— Станциямига янги завод кўчиб келяпти. «Кўчиб келиши биланоқ ишга тушириш керак» деди райком секретари. Ушанга одам сўраяпти.

— Неча киши?

— Бизнинг колхозимиздан беш киши.

— Биз бир киши берамиз. Сувни қизлар эплайди.

— Сувчига тегмайман,— деди раис ва дўпписини чертиб, бошини қашлади,— қизлардан талабгор чиқадими?

— Қизларданми? Нега чиқмасин? Қайси йигитдан кам улар! Чаксаки кетмон билан даштни гуллатган қизлар завод қуришдан қочадими?

— Кунимиз қизларга қолгандан кейин, қизларни юборишга мажбурмиз-да. Майли, бир қизни эртага идорага юбор.

Улар идорага киришди. Ҳисобчи ва бош табелчи ҳарбийга чақирилгач, идорада фақат бош бухгалтер қолган эди. У чойнак кўтариб идорага кирди ва бир пиёла чойни олдига қўйиб, қалин дафтардан бошини кўтармай, нималарнидир ҳисоблашга тушди.

— Сиздан яна бир нарсани сўрамоқчи эдим, Қодир ака,— деди Адолат.

— Хўш, нимайди, қизим?

— Қачонгача шундоқ бўлади?— деди Адолат.— Қачонгача чархлалак кўраларига кўз тикиб ўтираемиз? Туяни чўмичлаб суғоряемиз. Ун уч кунда қовжираб кетди далаларимиз. Катта сой каналини нега тўхта-тиб қўйдингиз?

Қодир ака ўн йилдан бери раис бўлса ҳам, колхозчиларнинг бу йилгидек жонкуярлигини ҳеч қачон кўрмаган. Улуғ Ватан уруши бошланиши билан оддий колхозчилар ҳам, сира кўзга кўринмай юрган «индамас» аъзолар ҳам колхоз раиси олдига турли таклифлар билан кела бошладилар.

— Ким билан кавлайман бу канални? Канал кавлайдиган кетмончиларимни олиб кетишди. Техника жангда. Иложим йўқ. Бугунги гапдан гапир, қизим, канал эртанинг иши.

— Бўлмаса битта арава беринг бизга.

— Ана холос, ана холос,— деди Қодир ака тааж-жубланиб.— Канал қур эмиш, канал қурмасанг арава бер эмиш... Канал қайда-ю, арава қайда? Қандоқ гап бўлди бу, Адолат?

— Бугунги гапдан гапир, дедингиз-ку, сувни ҳовучлаб сепиб, қийни уч чақирим жойдан замбилда ташиямиз. Қизларнинг қўллари қийилиб, беллари букулиб кетди. Ўғит бермзганга яраша, арава беринг-да!

— Арава дейсанми? Нимадан арава ясаб, кимни кўшиб бераман? Арава йўқ. Борларини ўғит ташишга юбордим. Каналга жўнатдим. Учта арава қолган. Та-лаб кўп. Чоллар, биз чолмиз, кам қувватмиз, бизга бер, дейди. Юқори маҳаллаликлар бўлса, биз хотин-қиз бригадасимиз, от-арава бизники, дейишади. Бошим қотиб қолди. «Бер-бер» деган гапни эшитмасам, дейман. Нормат неча йил бригадир бўлди, аммо «палон нарса бер, раис» деганини эшитганим йўқ. Ўша сенга кўрачада ҳовучлаб сув чиқараётган чархпалакка мена ақалли битта мих сўрамаган. Билдингми?

Қодир аканинг бу гапи Адолатни ўйлатиб қўйди. «Норматнинг ўрнида қолганингдан кейин, унинг ўрнини бос, билганини бил, қилганини қил!»— деганими бу раиснинг?

Нега сен Нормат қилганини қилолмайсан? Ўзингни бос, ақлингни росла, кучингни тўпла, Адолат! Масъулиятнинг катта. Шу масъулиятга яраша ишла!

#### 4

Адолат қош қорайганда даштга қайтиб келди. Қизлар далани бошга кўтариб чилдирма чолиб, ашула айтиб ўтиришибди. Адолат қапага кириши ҳамон ашула тўхтаб, қий-чув бошланди:

— Вой шўрим, Адолат, орқангдаги нима? Ерга соладиган ўғитни бир ўзинг орқалаб келдингми?

— Шошма, шошма, ўзимиз оламиз...

— Вой ўлганим яхши, чироқ... Ҳай, бу пилта саватларни нега орқалаб юрибсан, қапада чоркасон қиласанми?— деди Шакархон, хохолаб кулиб.

Адолат бошидаги тугунни, орқасидаги қопчигини ерга қўйиб, Шакархонга қаради.

— Тунов кун фронтга совға юборайлик, деб керилган ким эди, оймча? Тикиб қўйган қийиқча-ю гулдор халтачаларингиз қани?

— Ҳай, Адолат, мени уялтиролмайсиз. Бисотингни кўрсат, Шакар, деб кўринг-чи, ўшанда биласиз...

Адолат қопчигини очди. Унда ангишвонадан тортиб ип, ипакларгача бор эди. Қизлар ўз буюмларини таниб, уни бир бошдан тортқилай бошладилар.

— Вой, мана бу парча сатин меники, дўппилигим.

— Қийиқча қилмоқчи эдим буни...

— Ҳаммангнинг уйингда бўлдим,— деди Адолат.— Ҳаммангнинг пилтасаватинг шу ерда. Кўзи ўтмаганинг чироққа яқин ўтир, кўзи ўткиринг ойдинга чиқ, дунарингни кўрсат ҳамманг!

— Ҳали кўздан қолганим йўқ,— деди Шакархон,— ойдин меники.

— Биз ҳам ойдинда тикамиз.

Кўзда ой қоқ тепага келиб, гўё қизларнинг чокини атайлаб ёритаётгандек, нур сочиб турибди. Атрофда чигирткалар бир-бирига навбат бермай, басма-басга чириллашмоқда. Онда-сонда якка беданаларнинг бит-билдиғи эшитилиб қолади. Қизлар қападан чиқиб, су-пачага тизилишгач, уларнинг гурунги яна қизиб кетди. Қўшиқ учи учига, кети кетига уланиб бораверди. Агар Шакархоннинг ангишвонаси тешилиб, бармоғига нина кяриб кетмаганда қўшиқ тонг отгунча янграши турган гап эди. Шакархоннинг тўсатдан дод солиб юбориши қўшиқни тақа-тақ тўхтатиб қўйди.

— Нинага ҳам дод-войми, Шакархон!— деди Бегимхон, унинг чийилдоқ овозидан нолиб.— Мен сени бирор пойлаб юрган йигит тишлаб олдимикан, дебман.

— Мени пойлайдиганим ҳам, тишлаб оладиганим ҳам йўқ, тузукми! Тишлатиб қўядиган қизлардан эмасман. Пойлаганига тишлатиб қўйганининг бири сенми, оҳ деганингда оғзингдан чўғ тушади...

Бегимхон хохолаб кулиб юборди.

— Ҳушёр бўл, Шакар, оғзимдан чиққан ўт сенга туташмасин, бағринг куйиб кетади.

— Куймайди менинг бағрим.

— Ҳа, додҳо, бағринг тошми сенинг, эркакка ўртап-маса?..

— Эркак шунақа бўладиган бўлса, гўрим кўрсин уни, деганман.

Қизлар бирдан шарақлаб кулиб юборишди.

— Эркакни гўрим кўрсин деганини қаранглар,— деди Бегимхон, унинг қўлидаги махорка соладиган

халтачани кўрсатиб,— духобага зангори ипак билан мана ман, деб номини ёзиб қўйибди-ку, тагин бағри куймасмиш. Халтача фронтга боради. Уни махорка чекадиганга беришади. Махорка чекадиган ўша йигит менинг номимни билиб қўйсин, тезроқ урушни тамомлаб ёнимга келсин, дегани бу! Индамасдан ишини битказадиган Шакарсан сен!..

— Тезроқ урушни битириб келсин йигитлар десам ёмон ният қилибманми?

— Ийи-ийи, бу ойимчанинг гапида туз борми ўзи? Ҳо, Адолат, тузлуқни бер, Шакарга жиндек туз сепиб қўяй, жуда ширин бўлиб кетибди!..

Яна кулги кўтарилди.

— Кулманглар, қизлар, бунинг гапига,— деди жимгина ўтириб, кўк бахмалга пушти ипакдан атир гул тикаётган жувон.

У димоғида гапирар эди. Унинг овози пинғиллаб эшитилгани учун Бегимхон пиқиллаб кулиб юборди.

— Сизни онангиз кулгига туққан экан, Бегимхон. Йигидан гапирса ҳам куласиз, севгидан гапирса ҳам...

— Севгидан гапирялсанми ҳали? Сенга ким қўйибди! Муҳаббатинг бўлса эрдап чиқармидинг?

— Ишқи йўқ эшак, дарди йўқ кесак, билдингизми? Севмадим ман ўша эрни! Бировникида эшакдек ишлаб, кесакдек гезариб юргим келмади. Ўз ихтиёрим билан талоқ хатимни олдим. Нега бетимга соласиз шуни, Бегимхон?

— Бошқани севармидинг?

— Бор эди бир йигит. Қариндошроқ. Ҳарбийга бориб, дараксиз кетди. Эрдан чиққан бўлса ҳам майли, деган экан онасига...

— Уйнашга ишониб эрсиз қолдим, дегин?

— Қандоқ қилай, уруш кимларни тул қилмаяпти.

Бегимхон бошқа гап тополмагандай жимиб қолди. Бошқалар ҳам оғзига толқон солиб олишгандай, индамай қолдилар. Кимнинг дилида нима гап борлиги номаълум. Аммо Адолатни «уруш кимларни тул қилмаяпти» деган гап азобламоқда... Қандай мудҳиш бу жувоннинг гапи... Йўқ-йўқ! Оғзингни юм, тилингни тишла, Адолат, урушга борганларнинг ҳаммаси ҳам ҳалок бўлавермайди, фақат ҳижрон... Чин муҳаббат ўти...

Унинг хаёлини Бегимхоннинг дўриллаган овози бузиб юборди.

— Нега жимиб кетдиларинг, қизлар, оғзиларингга толқон солиб олдиларингми? Ҳай, Адолат, нега индамас бўлиб қолдинг, ёки «муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдингми?»

Муҳаббатдан бошланган гап яна давом этди.

— Шунча ёшга кириб муҳаббат нималигини билганим йўқ,— деди, ипак эшиб ўтирган озгин қиз, Раъно.— Муҳаббатдан гапиришиб, оҳ-воҳ қилишса, кулгим келади. Муҳаббат бор нарсами ўзи, а қизлар? Бор нарса бўлса, нега менга бирорта чўлоқ-мўлоғи бўлса ҳам келиб ёпишмайди? Чиройига ош қуйиб ичармидим? Рўзгоримга яраса бас.

— Ундай бўлса, муҳаббатга мубтало бўла кўрма! Муҳаббат шундай нарсаки, дунёни кўзингга чўғ қилиб кўрсатиб, ўзингни оташга ташлайди. Ишонмасанг, ана, Адолатдан сўра.

Адолат Бегимхоннинг бу гапини мазақ деб тушунди-да, унга хўмрайиб қараб қўйди. Бегимхон унинг жаҳли чиққанини сезиб, гапни Шакархонга ошириб юборди.

— Шакархон опа, муҳаббат нима ўзи, айтиб бериб бу қизга!

— Муҳаббатми?—деб такрорлади Шакархон, ангиш-вонани бармоғидан чиқариб.— Муҳаббат шармандалик!..

Қизлар кулиб юборишди.

— Кулманглар, қизлар. Мен ҳақ гапни айтдим. Ичимда кўмилиб ётган сир эди. Кўпчиликка айтадиган гап эмас ўзи. Майли, иштибоҳ қолмасин сизларда, айтаман. Бундан уч йил бурун, ҳу, апрелда қор ёққан йили, мактабга келган математика муаллимини севиб қолдим. У менга кулиб қараб юрди. Ўзи яхши дуторчи эди. Бир куни ўтиб кетаётсам, мактаб олдидаги сада қайрағоч тағда ўтириб олиб, «Муножот»ни чоляпти. Куйи бирам эшиляптики, ҳар бармоғи остида тор йиғлаяпти. Ўтиб кетишимни ҳам, тўхтаб туришимни ҳам билмай қолдим. У менга қараб кулди-да, яна бармоқларини ўйнатиб, торипи йиғлатиб, бошини тебрата бошлади. Мени чақиряпти, деб ёнига бориб қолганимни биламан, юзимга тарсаки тушиб, қулоғим чинқириб кетди. Кўзимни очсам: «Ҳа, мочағар, нега эримни оғдириб оляпсан, эр ўғриси!» дейди бир хотин. Тек турсам, яна тарсақисини ўнглаяпти. Ер ёрилмади, мен кириб кетмадим. Улим афзал бундан! Сочимдан тортиб,

тупроққа буламоқчи мени у хотин. Муаллим қип-қизариб индамай ўтирибди. Хотини худди Бегимхоннинг тунов куни Адолатга ташланганидақа чўғ бўлиб кетибди. Ҳеч нарсани кўрмайди. Ҳеч нарсани эшитмайди. Қўлидан чиқиб қочдим. Икки ой аммамникида номусдан беркиниб ўтирдим. Муаллим қишлоқдан кўчиб кетибди, деб эшитгач, қайтдим. Неча вақтгача отамга кўринолмай, кўчага чиқолмай юрдим. Шу-шу бўлдики, эркак бетига кулиб қараган кўзимга оқ тушсин, деганман.

Шакархоннинг ҳикояси тугаши билан ой ҳам ботди. Бир зумда қизларнинг каштаси, майин чоклари кўринмай қолди. Ҳасратлашишга жуда қулай фурсат туғилди. Кимнинг дарди йўқ, дейсиз! Ҳар бир қизнинг айтса адо бўлмайдиган қиссаси бор, кези келганда ёрилиб олмаса, қачон ёрилади? Бири севгани ҳақида гапирса, иккинчиси севмагани ҳақида қисса бошлайди, яна бири биринчи учрашувдан сўз очса, унинг сўзи тугамай, сўнгги хайрлашув воқисаси тўғрисидаги ҳикоя бошланиб кетади. Хуллас, бу қизларга қўйиб берса, ҳасрат билан тонг оттириб юбориши ҳеч гап эмас. Адолатнинг ўзида ҳам уч кечаю уч кундузлик ҳасрат йиғилиб ётибди. Қани унга вақт?

Адолат қизларни супадан ҳайдади.

— Бас энди, қизлар, ётинглар, эрталаб барвақт турамин!

## 5

Эрталаб қизлар замбил кўтариб, яна қўй қийи ташлашга тушдилар. Кечаси бошланган суҳбат кун бўйи давом этса ҳам, охирига етмади ва яна неча кеча ойдинда давом этди.

Қизлар: «ана энди чокимиз тайёр» деганларидан кейин, Адолат яна Қодир аканинг олдига борди.

— Битта арава беринг, раис ака.

— Яна аравами?— деди Қодир ака, кўзининг пахтаси чиқиб.— Замбилда ташияпсанлар-ку ўғитни! Замбил қўлини қавартирган бўлса, қонда орқала!

— Далага эмас... Қизлар совға тўплашди. Дашт бригадасидан фронтчиларга.

Қодир ака хурсанд бўлиб кетди.

— Шундай демайсанми, қизим! Бу ишингга арава берсам арзийди. Отхонага кир, аравакашлар чой ичишяпти.



Адолат куннинг иккинчи ярмида қўқон арава устида совға-салом ортиб гузарга келди.

Дашт бригадаси фронтга совға юборяпти, деган гап звеноларга, бригадаларга, бутун қишлоққа ёйилди. Ҳар бир бригада ўз номидан совға ортиб кела бошлади. Эргаш буларнинг ҳаммасини гузарда тўплаб, карвон ташкил қилди. Ҳамма йиғилганда, Эргаш олдинги арава отига минди.

— Кетдик,— деди Эргаш,— раис станцияда кутиб турибди.

Адолатлар араваси ўрнидан жилиши ҳамон, узоқдан бир хотиннинг: «Тўхта, тўхта!» деган овози эшитилди. Бу Тўхта хола эди. У, неварасининг чопонини бошига ёпиниб, қўлида бир халта билан ҳаллослаб келарди.

— Нега меникини ташлаб кетяписизлар?— деди у нафаси бўғизига тикилганича. Кейин, Адолатхоннинг олдига бориб, унга оқ сурупдан тикилган совға халта узатди.— Норматимга тегсин бу халта, жон болам, Норматимга тегсин!

Карвон жўнади. Юкининг оғирлигиданми, ёки гулчаклари ёсираганиданми, аравалар ғирчиллаб, ўз музикаси ўзи билан жадал бормоқда. Кўчада кўринган кишилар бир тўхтаб, қизил алвонга ёзилган: «Гулистон»ликлардан фронтчиларга совға карвони» деган сўзларни мароқланиб ўқийди. Айниқса, болаларни қўяверинг. Болалар узоқ-узоқларгача араваларнинг орқасидан эргашиб, бир-бирига дам шиор, дам совғаларни кўрсатиб, ўзларича нималарнидир чуғурлашиб борардилар. Баъзи болалар Адолатга қараб: «Хў, опа, тўппа-тўғри фронтгами? Узингиз ҳам фронтгами?» деб қичқириб сўрашар. баъзилари: «Мени ҳам олиб кетинг, разведчик бўламан» деса, бошқалари: «Тўхтаб туринг, мен ҳам халтача олиб чиқай, акамга бериб қўясиз» дер эдилар ва чарчагунча аравага эргашиб борардилар. Баъзан болаларнинг соддалигидан катталарнинг соддалиги ошиб тушади. Оналар ёки оталар аравани кузатиб бораётган болаларга: «Опаларингдан сўра, болаларим, бизнинг совғамизни ҳам олиб кетармикин» дер эдилар, араванинг олдини тўсиб: «Бизнинг ҳиссасимизни ҳам қўшиб кет!» деб туриб олар эдилар.

Станцияга боргунча ана шундай бўлди. Станцияда карвонни бир чеккага чиқариб қўйишди.

— Платформа банд, ленинчилардан кейин сизларга навбат тегади.

Навбат келиб, «гулистон»ликларнинг совғаси ҳам вагонга ортилгандан кейин, платформа яқинига яна бошқа колхозларнинг аравалари кела бошлади. Кечки пайт райком секретари келиб, қайси колхоздан қанча арава келганини аниқлагач, совғалар эшелонига паровоз берилди.

Адолат гўё совғаси фронтга етиб боргандек, Нормат унинг рўмолчасига пешона терини артаётгандек ва Адолатни эслаб кулиб тургандек ҳис қилди-да, севинчи юрагига сиғмай уйига қайтди.

«Нега хат ёзмайди менга? Нега?..»

Адолат станциядан уйига етгунча фақат Норматни ўйлади. Кўпдан бери Норматдан хат йўқ. Ундан фақат иккита хат келди. Онаси Тўхта холага: «Машқ қилиб юрибмиз, соғ-саломатмиз» деб ёзибди. У, хатида яна: «Кекса рус аёлининг уйда турибмиз. Менга жуда меҳрибон. Уғлидай кўради»— дебди.

Адолат муҳаббат нима эканлигини энди сезди. Нормат фронтга жўнаб кетгандан кейин, Адолатнинг юраги ғаш бўлиб қолди, унга нимадир етишмаётганга ўхшайди. Қунлар йил каби узоқ кўринади. Фақат Нормат ҳақидаги ширин хаёллар уни юпатади, унга тасалли беради.

Адолат уйига келгач, супачада ўтириб, ширин орзуларга берилди. У, Норматнинг, дадаси Соҳиб қорига ёзган хатиши чўнтагидан топиб олиб ўғирликча ўқиган ва яна ўз жойига қўйган эди. Норматдан Адолатнинг ўзига хат келмади. Қиз кутди, кутди... «Олдин йигит ёзиши керак, кейин қиз... Нега ёзмайди, қани унинг аҳди? У мени севадим, йўқми, ёки бошқа қиз билан танишиб, севишиб қолдим? Қандай бўлса ҳам, совғамни олар, хатимни ўқир».

Адолатнинг юзи дастлаб қизариб, кейин оқариб кетди... У юрак ҳаяжонини босиб, Норматга хат ёза бошлади. Кейин уни хаёл етакладими — у ўзини боғда кўрди. Боғни айланиб, анор гуллари, бодом барглари ни ўйнаб юриб, ариқ бўйидаги атир гул тагига борди. «Шу ерда, худди шу жойда ўтирган эдик...» Норматнинг ҳаяжон билан гапириши, унинг кўзларига умидвор тикилиб туришини эслади. «Нега Тўхта хола бизни қувиб юборди?.. У қувламаган эди шекилли, мен

Ўзим қочдим. Нега қочдим? Утираверсам бўлмасмиди! Нормат акамнинг гапи чала қолди, яхши ниятлари кўк-сида кетди...»

Адолат ариқча сувининг ҳалқа-ҳалқа бўлиб ашула айтиб оқишига тикилиб турди. Қирлардан оқиб тушиб, ариқча сизмай ўтаётган тип-тиниқ сув. Ариқча бўйидаги атир гул, қизил гул, напармон гуллар очилиб ётибди. Қирлардан эсаётган майин шабада ана шу гулларнинг гунчаларини ёзмоқда, япроқларини учириб келиб, Адолатнинг бошига сочмоқда.

Қиз хаёлини кўча дарвозасидан кирган икки кишининг шарпаси бўлди. Уларнинг бири — Адолатнинг дадаси Соҳиб қори, иккинчиси Бозоров эди. Адолатнинг назарида Бозоровнинг бўйи янада пасайиб, қорни тагин ҳам қалпайиб кетганга ўхшайди... Соҳиб қори меҳмонни боғнинг ичкарасига бошлади. Меҳмон икки кўзини қиздан узолмай, юрган йўлида қоқилиб-қоқилиб борарди

— Дастурхон олиб чиқ, қизим,— деди Соҳиб қори, Адолатга.

Адолат ичкари кириб патнус тузаб, дастурхонга ўраб чиқди. Соҳиб қори унинг қўлидан дастурхонни олиб, боравер, дегандек имо қилди. Бозоров Адолатга ютиб юборгудек суқ назар ташлади.

Адолатнинг бошига бир парча муз югуриб чиққандек туюлди. «Ростдан ҳам менинг отам — Соҳиб қорими шу!» деб ўйлади Адолат. Хотинини «номаҳрам кўради» деб кўчага чиқармаган, «овозини номаҳрам эшитди» деб уйда қаттиқ гапиртирмаган, қизини ўғил болалар билан бирга бир партада ўтқизгани учун муаллим билан уришган ота шуми? Нега энди у бўйига етган қизини Бозоровга кўз-кўз қиляпти?..

Соҳиб қори бир вақтлар Гузарбоши мадрасасида таълим олган муллавачча, эндиликда эллик ёшлардан ошиб қолган киши эди. У, мадрасани тамом қилгач, «қори» деб ном олган бўлса ҳам, унга бирор жойда қорилик ёки имомлик қилиш насиб бўлмади. Бунинг сабаблари ҳам бор эди. Аввало, «Гулистон» қишлоғидаги масжиднинг имоми бор эди. Қолаверса, Соҳиб қори ёш бўлгани учун, бошқа қишлоқлардан ҳам уни имомликка чақирмадилар. Кейин у ёзиш-чизиш иши билан шуғулланди; зориққандарга дуои салом ёки ариза ёзиб бериб, шундан чой чақа чиқариб юрди. «Гулистон»

да колхсэ тузилган йили шу колхознинг саркотиби бўлди. Қишлоқда сельпо ташкил қилингандан кейин у ўзини магазинга урди ва ўша вақтдан бери савдо ходими. Соҳиб қори, ўз таъбири билан айтганда, илонга ҳам тилининг учида шакар берадиган киши. Аммо қишлоқ Соҳиб қорини тамагир, очкўз деб билади. Бу жиҳатдан Адолат баъзи дугоналаридан дашном ҳам еди. Лекин Адолат отасига бирор нарса дейишга ботинолмайди. Отасининг бугунги иши уни айниқса ғазаблантириб юборди. Шу сабабдан Адолат дадасининг гапига жавоб ҳам қилмай, боғнинг ичига кириб кетди. Бозоров унинг орқаси тўла майда ўрим қора сочларининг қўнғирларига, чертиб-чертиб қадам ташлашига сеҳрланганча тикилиб қолди.

### Олтинчи боб ТУНГИ ТЎҚНАШУВ

#### 1

Черницов армия қўмондони генерал-лейтенант Погдиннинг штабс-квартирасига Юрьевдан кейин кирди. Генерал Погдин Ҳарбий Совет аъзоси бригадний комиссар Смирнов билан чой ичишиб ўтирарди.

— Уртоқ генерал! Батальон комиссари Черницовман...

— Ўтиринг, ўтиринг,— деди генерал Погдин, унга қўл бериб.

Черницов Юрьевнинг ёнига ўтирди.

Генерал Погдин ўрта бўйли, ёши элликларга бориб қолган киши. Унинг барваста қомати, кенг елкалари, узун қўллари худди ҳарбий хизмат учунгина яратилгандек келишган. Ҳарбий форма унга худди қуйиб қўйгандек. Погдиннинг юзи чўзиқ, бурни қирра, кўкиш кўзлари кулиб турарди. У жангчилар, командирлар билан гаплашганда улардан тик қараб туришини талаб этарди. Бошқаларнинг гапини ҳам кўзни кўзга тикиб туриб тингларди. У, Черницовнинг қизарган кўзларига тикилди:

— Нега кўзингиз қизарган?— деди ва олма гулли пиёладаги чойни хўплади.

— Киприкларингиз, қошларингиз ҳам куйибди,— деб сўз қўшди бригадний комиссар.

— Ут ўчирдик...

Смирнов қовурилган қўзиқоринлардан оларкан, Черницовга кулиб қаради.

— Олинг, қўзиқоринлардан олинг. Ширин. Бундан кейин қўзиқорин пиширишга вақт бўлмас. Ёки, сизлар қўзиқоринга тўйиб олдиларингизми?

Смирнов граждандар уруши давридан бери Қизил Армияда хизмат қилади. Унинг сочи армия хизматида оқарган. Смирнов узун бўйли, қотма, аммо вазмин киши. У камгап, аммо бошқаларининг ҳар қанча узундан-узоқ гапларини ҳам диққат билан тинглайди. Шунга қарамай, Смирнов бугун Черницовнинг камгапроқ бўлишини истади. Черницов жангчиларни витамин билан таъминлаш учун кўрган чораларини гапириб берди.

Генерал Погодин чой ичиб бўлди-да, адъютантидан сўради:

— Нега шу чоққача начштаб келмаяпти?

Адъютант «ҳозир чақириб келаман» деганича чаққон бурилиб, эшикка чиқди.

Армия штабининг бошлиғи полковник Снегов штаб харитасини кўтариб келди.

Снегов гўлага ўхшаб кетади. Семизликдан бўлса керак, бақбақаси осилиб тушган ва гапирганда тез-тез нафас олиб туради. Снегов уйга кираркан, полнинг тахталари унинг қадами остида ғирчиллаб кетди.

— Уртоқ генерал, оператив харита,— деди Снегов, харитани столга ёзаркан.

Генерал Погодин харита устига эгилди.

Снегов аввал Ғарбий фронт штабидан олинган вазият тафсилотини айтиб берди. Душман Москвага уч томондан кирмоқчи. «Марказий», «Шимолий», «Жанубий» группаларининг армиялари бугун эрталаб 80 дивизия билан ҳужумга ўтди. Танк ва мотодивизиялардан йигирма иккитаси катта ҳаво кучларининг ёрдами билан Калинин, Орёл, Тулага қараб бормоқда. Бизнинг Ғарбий фронтимиз душманнинг асосий зарбдор кучи бўлган «Марказий» группаси армияси билан жанг қилмоқда.

Снегов урушнинг бориши тўғрисидаги оператив сводкалар, авиация ва агентура разведкаларининг сўнгги маълумотлари ҳақида ҳам доклад қилди. Штабдагиларнинг кўзлари кўк ва қизил чизиқлар билан

бўялган харитага михланиб қолди. Кўк чизиқларнинг ўткир учлари шаҳарлар, дарёлар ва катта йўлларга санчилиб турарди. Бу — «Марказий» группа қўшинларининг иккинчи октябрда Москвага бошлаган ҳужум йўли эди. Қизил чизиқлар эса, кўндаланг-кўндаланг бўлиб интилиб турарди. Булар — Погодин армиясининг мудофаа линиялари. Кўк стрелкаларнинг шаҳарга, тепаликлар ва катта йўлларга қаратилган найзалари милтиқ найзасидай, ханжар нишидай армия мудофаасига санчилиб турарди.

— Душман уч томондан босиб келяпти,— деди Снегов.— Унинг ўнг қанотимиздаги қисмлари Чайка дарёси бўйига чиқиб, қўшинларимизнинг алоқа йўллари кесиб қўйди. Чап қанотда ҳам аҳвол шундай. Полкларимиз ўртада пона бўлиб қоқилиб турибди... Қўшниларимиз радио сигналларимизга жавоб беришмаяпти. Агар фашист қисмлари Чайка дарёсига чиққан бўлса, биз қуршовда қолган бўлаемиз. Душманни қуршов билан қўрқитиш — фашистларнинг энг севган тактикаси...

Генерал Погодин Снеговнинг елкасига қўл ташлади:

— Фашистлар,— деди генерал ва қутисидан папирос олиб ёнидагиларга узатди, ўзи зажигалка ёндириб, қуюқ тутунини ютиб, лабидан бураб чиқарди,— бутун Европа шаҳарларини бронепоездларда, танкларда, машиналарда саёҳатдагидек кезиб ўтди. Европанинг машҳур қалъалари, катта истеҳкомлари таслим бўлди. Ҳозирча уларнинг техникаси зўрлик қилиб турибди. Улар ўз техникасига ишониб, Россияни ҳам танк устида айланиб ўтмоқчи бўлишибди. Лекин Россия ўзини депситиб қўймайди! Гитлер Москвани етмиш кунда олмоқчи эди. Бугун етмиш тўртинчи кун... Фронт Ҳарбий Советининг аъзоси телефонда: «Ваҳима — душманнинг кўмакчиси» деди, хавф катталигини уқдирди, бардош қилишга чақирди. Ўзимизни қуршатиб қўймаймиз, агар қуршовга қолган чоғимизда ҳам...

Жиринглаган телефон унинг гапини бўлди. Штаб оператив бўлимининг бошлиғи сўнги ўзгаришларни айтди. Генералнинг ранги бироз оқарди-ю, ўзини босиб олди. Фашистлар туширган десант, танкеткалар ва олти оғизлик миномётлар Чайка дарёси кўпригига қараб юрибди. Душманнинг Ельня томонидан чиққан

танк группаси қўшни қисмлар жойлашган заводга яқинлашиб қолибди. Душман самолётларининг ҳужумлари кучаймоқда. Юрьев батальони уч марта бомбардимон қилинди. Аҳвол оғир...

— Тушундим,— деди Погодин,— ҳозир қўмондондан буйруқ олдим.

Юрьев қўмондоннинг буйруғини эшитиш учун ҳозирланиб ўтирарди.

— Армия қисмлари,— деди генерал, папиросини тутатиб,— душманнинг сиқуви билан чекиняпти. Душман ёриб ўтиб, кўприкка етиб олиш учун шошилмоқда. Агар немис кўприкни, паромни эгалласа, дарёнинг ғарбий қирғоғидаги қисмлар қуршовда қолади. Биз дарёнинг нариги юзини мудофаа қилиш ҳақида буйруқ олдик.

— Чекиниш қачон бошланади?

— Кечаси тамом бўлиши керак.

Узоқ гаплашиб ўтиришга вақт йўқ эди, генерал буюрди:

— Хариталарингизни олингиз!

Юрьев ўн олти марта букланган — «бир минглик» харитани чиқарди. Черников кўк ва қизил қалам учларини қаламтарош билан ингичка қилиб йўлди. Генерал айтиб турди, улар шу кунги кечаси қилинадиган ишларни ёзиб олишди. Генерал Погодин армиясининг қисмлари Чайка дарёси бўйига тўпланиши ва эрталаб соат 5 да дарёдан ўта бошлаши керак. Армия қўшинларининг орқасида арьергард қисмлар қолдирилади. Улар дарёдан энг кейин ўтадилар.

— Сизнинг вазифангиз,— деди генерал Юрьевга қараб,— 119-тепаликка маҳкам ёлишиб олиб, Варшава йўлини тўсиб туринг. Душман кўприкни эгаллаш учун десант туширса, ёки унинг танклари фронтни ёриб ўтиб, кўприк томонга юрса, йўлини тўсасиз, энг охириги взвод кўприкдан ўтиб олмагунча, тепаликка ёлишиб турасиз!

Генерал Погодин Юрьевни яхши билади. Юрьев граждандар урушидан бери ҳарбий хизматда. У Москвада ҳарбий академияни битириб, икки йилдан бери алоҳида ўқчи батальонга командирлик қилаётибди. Погодин унга «ўт юракли командир» деб ном берган. Погодин унинг қоматига ҳавас билан тикилиб қолди. Юрьевнинг кенг елкаси ўзига ярашиб, чўзиқ юзи кулиб

турибди. Юрьев генералнинг сўзи тугаши ҳамон честь берди:

— Бажараман, ўртоқ генерал!

— Саволингиз борми?

— Илтимосим бор, ўртоқ генерал. Танкка қарши тўплар батареяси керак. Варшавкада хавф кучли.

Генерал ўрнидан туриб, қўлини орқасига олиб, у ёқ-бу ёққа юрди, кейин Юрьевнинг рўпарасига келиб тўхтади.

— Икки артбатарея ва бир зенит батареяси юбораман. Етадимми?

— Етади, ўртоқ генерал!

— Сизларга ишонаман,— деди Погодин.

Юрьев билан Черников баб-баравар жавоб қилишди:

— Ишончни оқлаймиз!

Генерал-лейтенант бериладиган буйруқни айтиб турди, полковник Снегов ёзди. Погодин имзолагач, Смирновга узатди. Смирнов буйруқдаги қандайдир икки сўзни ўчириб, ўрнига бошқа битта сўз қўшди ва генерал ҳам маъқуллагач, буйруқ тагига исмининг бош ҳарфи билан фамилиясини ёзиб қўйди.

Юрьев билан Черников ўринларидан туриб, «буйруқни олдик» деб қўл қўйишди.

Улар чиқиб кетаётганларида генерал қўл узатди:

— Муваффақият тилайман. Сизларга катта масъулият юкланди,— деди генерал.

Черников батальонга келгунча ана шу масъулият тўғрисида ўйлади. Бу масъулиятгина эмас, катта ишонч ҳам эди. Ватан ишончини оқлашдан ҳам катта-роқ шараф борми!

## 2

Юрьев командирлар билан бирга арьергарднинг бўлажак позициясини айланиб чиқди. Бу жой мудрофаа жанглари олиб бориш учун жуда қулай эди.

Погодин қисмлари чекиниши лозим бўлган йўл қалин ўрмон ичида бўлиб, Чайка қирғоғига келганда 119 тепалигини кесиб ўтар эди. 119 тепалиги Чайканинг чап қанотида бир неча километрга чўзилиб ётди. Бу жойдан тўрт атрофни қўриқлаб туриш мумкин. Бу тепаликнинг мудрофаага қулай бўлган япа бир хусусияти шуки, у қалин ўрмон ичида, атрофи ўйдим-чу-



қурлар, ботқоқликлар билан қуршалган бўлиб, техниканинг бостириб келиши учун қийин, ҳаво ҳужумига ҳам анча ноқулай. Тепадан қараган киши тепаликни ўрмондан ажрата олмас эди. Тепа ён бағирликлари ҳам гўё жангчиларни бомба ёки снарядлардан сақлайдиган блиндажлар учунгина яратилгандек. Фашистлар Юрьев батальони мудофаасига фақат кўприкка олиб келадиган йўлдангина ҳужум қилиши мумкин. Июль, август ва сентябрь жангларининг тажрибаси шуни кўрсатдики, фашист қисмлари ўрмон жангларига чндаёлмайдилар. Агар душман солдати ўрмонга кириб, тепалик гарнизонининг бирор қанотидан атака қиладиган бўлса ҳам, фақат талафотга учраши мумкин.

Йўлга ҳушёр бўл, Юрьев, мудофаангнинг тақдирини ана шу йўл ҳал қилади.

Москва областининг ғарбий районларини Смоленск областининг чегара районига улайдиган ва қачонлардир Варшава деб аталган бу торгина шағал йўл катта қўшинларнинг ҳужум жанги олиб боришига ноқулай эди. Юрьев бу йўлнинг ана шу ноқулайликларидан усталик билан фойдаланди. Унинг мудофаага ўтиши биланоқ биринчи иши йўлнинг икки томонидаги дарахтларни йиқитишдан бошланди. Погодин қисмларининг техникаси ўтиб бўлгач, йўл йўғон дарахтлар ғови билан кўмиляб, атрофларга мина кўмилди.

Бу ерни тепаликдан бемалол кўриб туриш мумкин. Шунинг учун ҳам энг яхши артбатарея ва икки пулемёт йўлдаги ғовларни кўриқлашга қўйилди. Артиллеристлар ва пулемётчилар 119 тепалигининг йўлга яқин бўлган дўнглирида қулай позицияларни эгаллаб, тўпларни, пулемётларни қалин блиндажга ўрнатдилар. Ғовларга яқин жойлардаги йўғон дарахтларнинг шохларида бир нечта автоматчилар пости ташкил қилинди, қулай жойларга пистирмалар қўйилди.

— Йўлни Морозов ротаси кўриқлайди, — деди Юрьев, тўртинчи рота командирига.

Морозов ротаси халқ лашкарлари кавлаб қўйган окопларга икки взводни жойлаб, қолган икки взвод билан танкка қарши мудофаа чораларини кўра бошладди. Юрьев бошқа роталар, артиллеристлар, минамётчилар ва пулемётчиларнинг позицияларини белгилаб бергач, кўприкка келди. Кўприк олдида икки танк турибди.

Танкистлар Юрьевдан ё газоль ёки машина топиб беришни илтимос қилишди. Танкларда ёнилғи қолмабди.

— Газоль ҳам йўқ, машина ҳам,— деди Юрьев,— яхшиси, танкларни мана шу дўнгликка кўминглар. Сизларнинг позицияларингизни «Пўлат қалъа» деб атаймиз...

Танкистлар елкаларини қисиб, иккиланиб турган эдилар, Юрьев Қизил Армия интизоми уставининг тили билан қатъий буюрди.

— Тездан танкларни мудофаага тайёрлангиз. Буюраман!..

Танкистлар танкларидан белкуракларини олиб, йўлнинг икки юзида окоп қавлай бошладилар.

Погодин қисмлари кўприкдан ўтиб олгандан кейин, Юрьев кўприк остига учта фугас, атрофларига мина кўмдириб, уни истаган дақиқада портлатишга ҳозирлаб қўйди.

— Ерга чуқурроқ кирингиз! Ерга қаттиқроқ тиранингиз!— деди Юрьев, жангчиларга. Мудофаанинг биринчи кунидан бошлаб бу сўзлар Юрьевнинг оғзидан тушмайдиган бўлиб қолди.— Биз шу ер учун курашяпмиз, ана шу ернинг кўкси сақлайди бизни!..

Кундузи соат тўртларда немисларнинг учта бронетранспортёри пайдо бўлди-да, йўлда дарахт йиқитиб ғов тиклаётган жангчиларни ўққа тутиб, қайтиб кетди. Бир оздан кейин учта энгил танк пайдо бўлди. Тепаликдаги батарея ўт очиши билан бир танк тутаб, кейин ёниб кетди. Икки танк орқасига қайрилиб, жадал жўнаб қолди. Шу чоқ танклар колоннаси етиб келди-да, йўлда туриб олиб, тепаликка тўп ота бошлади. Тепаликдаги тўплар ҳам жавоб қайтара бошладилар. Йўлнинг аввал ўнг томонида, кейин чап томонида ўн-ўн бешга яқин кўк шинелли солдат кўриниб қолди. Пистирмадан ўққа тутулиши билан, улар ғойиб бўлдилар. Юрьев роталарга телефон қилиб, «хушёр бўлинглар!» деб такрорлаб турди. Кечқурун, йўлдаги биринчи ғовлар олдида бир ротага яқин солдат пайдо бўлди. Улар танк тўпларининг паноҳида ғовларни бузиб, йўл очишга уриндилар. Уч томондан ёғилаётган ўқ ёмғири уларнинг бошини кўтаргизмай қўйди. Кейин улар йўлнинг ўнг томонидан танкларга йўл очиш учун дарахтларни йиқита бошладилар, аммо бадтарроқ даҳшат юз берди: биринчи дарахт йиқилиши билан иккита мина портлаб,

бир неча кишини учуриб кетди. Энди немислар Чайкадан ўтишга бошқа йўл қидира бошладилар. Эфирда немисларнинг рациялари: «Тез бўл!» «Тўхтама!»— деб шовқин кўтарарди. Сўнгра моторларнинг шовқини кучайиб, бир оздан кейин жимлик чўкди.

Эрталаб ҳавони туман босди, сал ўтмай, ёмғир ёға бошлади. Шунинг учун ҳам бугун ҳавода «Мессершмидтлар», «Юнкерслар» кўринмади. Бизнинг самолётларимиз ҳам учмади. Душман ёмғир тинишини кутган бўлса керак. Варшавкада ҳужумга ўтмади. Шу сабабли Юрьевнинг батальони Ильичёвкадан келиб, бутун кун ва кечаси билан тепаликни мудофаага тайёрлади.

Дарёдан ўтиб олган қисмлар халқ лашкарлари тайёрлаган окопларга жойлашди ва бир оздан кейин яна шарққа қараб йўлга тушди. Кейинги икки кун ичида Ғарбий фронтда катта ўзгаришлар юз берди. Погодин қисмларининг чап қанотидан Чайка дарёсини кечиб ўтган душман қўшинлари темир йўл станцияларини ва катта йўлларни жуда тез эгалладилар, телефон ва телеграф симларини узиб, алоқа йўлларини буздилар. Москва яқинидаги кўп шаҳарлар ва темир йўл станцияларига ҳаво десанти туширилди. Самолётлардан тинмай ташланаётган ва бошдан-оёқ иғводан иборат варақаларда душман пропагандаси — «Октябрь ойида Москва олинади ва уруш тамом бўлади, сув ғамла, туз ғамла, уйдан кўчага чиқмай ўтир» деб аҳолига ваҳима солди.

Аҳвол борган сари оғирлашди. Погодин қўшинлари ярим ҳалқа ичида қолди.

Дарёдан ўтилган куни кундузи генерал Погодин фронт Ғарбий Советига чақирилди. У, фронт штабининг опергруппасини илгариги жойидан тополмади, алоқа офицерининг броневигини учратди, холос. Алоқа офицери унга Ғарбий Советнинг қисмларни «тезлик билан Брянск томонга кўчириш» тўғрисидаги буйруғини топширди. Погодин Чайка дарёси бўйидаги ўз қисмига ўрмон ичи, пана йўллар билан қайтди ва машинадан тушиши биланоқ, янги дислокация ҳақида дивизияларга буйруқ юборди.

— Юрьев жилмасин! Буйруқ кутсин!— деди генерал машинага ўтираётиб, мудофаадаги батальоннинг вакилига.

— Есть!

Кўкда саёҳат қилиб юрган ой булутлар орасида қолди. Бутун ўрмон ва кенг далалар қоронғилашди. Фақат жимирлаб оқаётган дарё сувлари йилтилламоқда. Отишмалар ҳам тўхтади. Жимжитлик ҳукм сурарди. Шу дақиқаларда шалоплаган сувгина 119 тепалигидаги жимжитликни бузиб турарди.

119 тепалигини ёнлаб ўтган йўл жангчи Ражабовга таниш эмас. Кимдир уни бир вақтлар Наполеон лашкари ўтган эски Смоленск йўли деди, яна кимдир бу йўл тўппа-тўғри Варшавага олиб боришини айтди. Жангчилар унинг ҳақиқий номини аниқламасданоқ унга «Варшавка» деб ном қўйдилар. Улар шу йўл билан шарққа эмас, ғарбга томон, Варшавага ва ундан ҳам нари — Берлингача боришни орау қилар эдилар. Шу сабабдап юриёвчилар тепаликдан жилмасликка қасамёд этдилар. Эминжон, мана энди, қайилма атрофини қўриқлаб турибди. Унинг назарида тепалик пастидаги ярим оролни айланиб ўтадиган қайилмада қайиқлар сузаётганга ўхшайди.

Ражабов окопи дарёнинг қайилмасида, тепаликвинг чап қанотидаги ўнг қирғоққа жойлашган бўлиб, дарёга жуда яқин эди. Эмин қаради: автоматчи немислар дарёнинг кун чиқиш қирғоғидан, яъни Ильичёвка томондан резина қайиқда шу томонга тўппа-тўғри босиб келяпти...

— Қуршовда қолибмиз... Командирга хабар беришим керак,— деди Эмин.

Ражабов окопнинг нариги четидаги симнинг учини тортди. Взводдан ҳеч ким келмади. Бу сим Эминнинг окопидан тўппа-тўғри взвод блиндажига борарди. Блиндажда шу сим учига зенит тўпининг сариқ гильзаси ва унинг ичига эса темир осиб қўйилган эди. Сим тортилса, гильза жаранглаб, тревога кўтарарди. Бу гал ҳам шундай жаранглади. Аммо взводдан одам келвермади. Қайиқ аллақачон кўздан ғойиб бўлди. Нима қилиш керак? Эмин мудофаа постида, душман рўпарасидаги окопда биринчи марта турибди. Взводдан хабар келмагандан кейин, унинг назарида, кечаги қисмлар каби, унинг ўз взводи ҳам кетиб қолганга, бу жойда фақат Эминнинг ўзи қолганга ўхшаб кўринди.

— Нима қилсам экан?

У, дарёга разм солиб қараган эди, қайиқ иккита бўлиб кўринди. Эмин санади: бир, икки, уч... ўн бир киши... Эмин ўн бир немис орасида ўзини якка сизди. «Отайми отмайми?..» Унг қўлининг бармоғини миятқ тепкисига юбориб, уни босаётган жойида яна тўхтади. У: «взвод кела қолса эди, буларни ушлаб олардик...» деган хаёлда траншеялар билан взводга жўнади.

— Ким келяпти?— Нормат Эминни тўхтатди.

— Мен, мен, Эмин,— деди у.— Кетиб қолганларнинг йўқми, Нормат?

— Жъини бўлдингми, қаёққа кетамиз?

— Немислар келяпти!...

— Маъқул,— деди Нормат.— Дарров орқангга қайт. Немисларни кузат.

— Взвод шу ердами?

— Шу ерда. Тезроқ бор! Тезроқ қайт!— деб такроп-лади Нормат.

Норматнинг сигнали билан сержант Тургенев блиндажларда дам олиб ётган жангчиларни олиб қайилмага келди. Милтиқ овозлари хандақларнинг ичкари-сидаги запас пистирмаларгача етиб борди.

Жангчилар отишма бораётган томонга қараб ўқ уза бошладилар. Кеча қоронғи. Икки юз, уч юз метр наридан туриб отилаётган ўқлар бировга тегдими, йўқми, билиб бўлмайди. Немис разведкачиларига ўқ отаётган Эмин мадад келганини кўриб, қувонди.

— Келингиз!— Ана, фашистлар!..— деб қичқирди у.

Шу маҳал бир ўқ унинг бошидан визиллаб ўтиб кетди. Эмин ётиб олди ва анча вақтгача ўрнидан туролмади. Худди ўқлар уни қидириб юрганга, салгина бош кўтарса, тегиб кетаётганга ўхшади. У яна ерга ёпишди.

— Ким бор?— деди сержант Тургенев, ерда ётган одамга қараб.

Эмин ўз командирининг овозини таниди.

— Мен, менман...

— Яраландингми? Қаерингдан?

Эмин индамай, секин ўрнидан турди.

— Қаерингга ўқ тегди?

— Бошимга... Бошимга тегиб кетай, тегиб кетай деди...

— Тур ўрнингдан!— деди Тургенев жиддий.

Эмин ўрнидан туриб, атрофга қаради. Немислар аллақачон ўз қирғоқларига қайтиб кетган эди.

— Немис қаёқда-ю, сен қаёқда, омон бўл-эй!

Сержант Тургенев урушгача слесарь эди. У, илгари ҳам уруш кўрган. 1939 йили Фарбий Белоруссияни озод қилиш жангларида қатнашган, сўнгра Финляндиянинг Маннергейм линиясига штурм вақтида ярадор бўлиб, уруш тамом бўлган кунлари ҳам Ленинградда госпиталда ётган эди. Тургенев фин урушидан кейин Тошкентга келиб, шу ерда ҳарбийдан бўшаган ва Ворошилов номидаги «Сельмаш» заводида ишлаб қолганди. У ўз ғайрати, жасорати билан ишчиларнинг севимли мастери бўлиб қолган эди. У ўша ердан фронтга чақирилди. Сержант меҳнатда қандай ўрناق бўлган бўлса, жангда ҳам жангчиларга ўрناق бўляпти.

— Нега дарҳол хабар қилмадинг?— деб сўради Тургенев Эминдан.

Эмин сержантнинг кўзларига қарай олмас эди.

— Лапашанг!..

Сержантнинг бу сўзи Эминга жуда қаттиқ тегди. Бунинг ўрнига сержант уни муштраб, милтиқ қўндоғи билан уриб бошини ёргани минг марта афзал эмасмиди?..

У Норматга яқинлашиб, ундан кўмак сўрагандек бўлди.

— Нега мени лапашанг дейди бунинг?..

— Айб ўзингда,— деди Нормат.— Сўкиш эшитмайдиган иш қилсанг, ҳеч ким сени коймайди..

#### 4

Капитан Юрьев тўққизинчи ротадан ахборот олгандан кейин, Черницовнинг ёнига борди. Комиссар ҳозиргина роталарни айланиб келиб, шинелини ҳам ечмай, бир оз дам олиш учун ёнбошлаган эди.

— Душман қутуряпти,— деди Юрьев, шинель остидан бошини чиқараётган Черницовга қараб.

— Нима гап?— Черницов сакраб ўрнидан турди.

— Душманнинг разведка бўлинмаси тўртинчи ротанинг мудофаа майдонига кирипти... Резина қайиқда дарё томондан келишипти.

Черницов қошини чимирганча ўйланиб қолди.

— Демак, душман орқа томонимиздан ҳужум қилмоқчи. Биронтасини ушлашолмаптими?

— Йўқ,— деди Юрьев, қўлидаги қаламини харитага уриб,— немисларнинг сайрини тамоша қилишипти...

— Аттанг, бизга «тил» керак эди.

— Немислар Ражабов пости олдидан ўтган эмиш.

— Мен яқинда постларни текшириб юрганимда, у жангчи шарпани эшитиб, олдимга югуриб келган эди. Ҳушёр солдатга ўхшаб кўринувди...

— Ҳар ҳолда бу яхши хабар эмас,— деди Юрьев, қаламини ўйнатиб.

— Эҳтимол, немислар қисмларимизнинг кетаётганини билиб қолишгандир... Ҳар ҳолда бу яхши хабар эмас...

Черников планшетидан харитасини чиқарди ва генерал Погодин қўйган белгиларни кўздан кечирди.

— Демак, ёв ҳужумга ўтмоқчи. Бизни янчиб ташлаб, катта йўлни тозаласмоқчи... Шошилиш чора кўришимиз керак!

Юрьев билан Черников мудофаа районини айланиб чиқишди.

— Мудофаамиз бўш, орқа томонимиз, қанотларимизда куч сийрак. Ҳар томонга баравар куч қўйишимиз лозим.

Юрьевнинг фикрича, бу тепалик — мудофаа жангларидагина эмас, балки, Қизил Армиянинг бўлғуси ҳужум жангларида ҳам катта роль ўйнаши керак. Бу тепаликдан туриб, дарё кўприklarини, кечувларини кузатиб туриш, ўққа тутиш мумкин. Бу жиҳатдан 119-тепалик жуда муҳим стратегик объект.

Юрьев бешинчи ротани бир батарея билан ғарбий ён бағриликка қўйди. Бу ротанинг чап қаноти жанубий ён бағриликкача чўзилиб, унинг ярмини эгаллаши керак эди. Тепаликнинг шимолий томонига олтинчи ротанинг икки взводи қўйилди. Унинг қолган икки взводи дарё қирғоғига жойлашган бўлиб, пулемёт взводи билан бирга кўприкни мудофаа қилиши керак эди. Юрьев тўртинчи рота билан ПТРчиларни\* батальоннинг чап қанотига — жанубга қўйди. Бу томонда танклар ҳужумини кутиш мумкин эди. Қолган икки ротанинг бири дарё қирғоғига, иккинчиси батальоннинг орқа томонига жойлаштирилди. Юрьев тўпларни шундай қулай жой-

---

\*ПТР — Танкка қарши яроқ.

ларга қўйдики, улар бу жойлардан туриб, зарур вақтларда батальоннинг барча қанотларига, ҳатто мудрофаанинг орқа томонларига ҳам ўт очиши мумкин эди. Батальон миномётчилари икки группага бўлиниб, шимолий ва жанубий қанотларга ташланди. Улар биринчи рота фронтини миналар билан тўсиб туриш ҳақида толшириқ олдилар. Бундан ташқари, ҳар бир группага иккитадан кўчиб юривчи миномёт билан душман тепасига муттасил мина ташлаб туриш мажбурияти юкланди. Взвод, рота ва батальонлар бир-бирларининг позицияларига ёрдам бериб туриш мақсадида ўз мудрофаа районларини қайтадан қурдилар. Жуда кўп хандақлар, ўт очиш нуқталари, артпозициялар бошқатдан жойлаштирилди.

— Ёрга чуқурроқ киришимиз, тепаликка маҳкамроқ ёпишимиз керак!

Юрьевнинг бу фикрини Черницов тўла маъқуллади.

## 5

Черницов тўртинчи ротага нонушта вақтида келди. Жангчилар пана жойларда ўтириб, угра ош ичардилар. Комиссар овқатнинг сифатини суриштира кетди:

— Тами қалай?

— Мазали.

— Етарлими?

— Етарли.

Черницов жангчи Азимовнинг қўлидаги куйик нонга разм солди...

— Старшина!

— Лаббай! — Рота старшинаси Куценко югуриб келди.

— Бундан кейин куйган нон олиб келманг, нонвойхонадагиларга «нонни куйдирма» деб айтинг. Агар ҳар килограммда 50 граммдан нон куйинка чиқса, ҳар куни ротамизда кўп киши нонсиз қолиши мумкин.

— Тушунаман, ўртоқ комиссар.

Комиссар иккинчи взвод блиндажи олдида уграсяга нон тўғраб, хомуш ўтирган жангчи Ражабовни кўрди. Унинг ранги сарғайиб, нимадандир қаттиқ ранжиганлиги билиниб турарди. Черницов унинг ёнига келиб ўтирди-да: «Қалай, бугунги угра ёмон эмасми?» деб сўради.



Ҳамма жангчиларнинг оғзи овқатда бўлса ҳам, кўзи Эминда эди. Нормат комиссарнинг Эминнинг кечаги лапашанглигига қандай ҳукм чиқаришини билиш учун, унинг ҳар бир сўзини уқиб олишга уринди. Эмин ўз олдида ўтирган комиссарга қарай олмай қизарди ва пешонасига чиққан совуқ терни енгги билан артди.

— Қани, ошга марҳамат, ўртоқ комиссар,— деди Эмин, котелогини унинг олдида суриб.

— Раҳмат, мен овқат едим,— деди Черников, Эминга мулойимгина кулиб қараб.

Комиссарнинг у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириши Эминга тасалли берса ҳам, унинг нима учундир кечаги воқиядан гап очмаганига ҳайрон бўлди ва «менинг ишим ҳали буларнинг қулоғига етмабди, шекилли» деб ўйлади. Эмин овқатини еб бўлгандан кейин, Черников сўз бошлади.

— Уйдан хат олмаяпсизми?

— Йўқ. Кўп хат ёздим, жавоб йўқ.

— Уйингизда кимингиз бор?

— Дадам, онам ва икки укам бор. Улар колхозда.

— Менга адресингизни беринг, колхозга ўзим хат ёзаман, уйингиздан хабар олишади.

Эмин «айбимни колхозга ҳам маълум қилади, шекилли» деб ўйлаб, яна ҳам қизарди. Аммо Черников бу ҳақда бошқа сўз очмади. Аксинча, у ўз атрофини ўраб олган жангчиларга траншеядан келаётган икки солдатни кўрсатди.

— Бизнинг батальонимизга бугун яна икки жангчи келиб қўшилди,— деди у.— Улар кадровик жангчилар. Икковини ҳам сизларнинг ротангизга тайинладик. Кутиб олинглар!

Ҳамма траншея билан келаётган икки жангчига қаради. Уларнинг бири йигирма ёшлардаги қотма, хипча йигит эди. Устидаги гимнастёркаси ёмғирда ювилиб, офтобда ўнгиб, оқариб кетган эди. Оёғидаги ботинкаси йиртиқ, обматкаси юлиниб кетган. Иккинчиси қорачадан келган, ўрта бўйли йигит, қора кўзалари ўйнаб турибди. Улар ўзларини кутиб олиш учун саф чеккан жангчиларга салом беришди-да, кимга рапорт беришни билмай, иккиланиб қолишди. Кейин қотма йигит шеригини туртди. Қорача йигит Черниковни кўриб қолиб, дарҳол честь берди.

— Уртоқ комиссар...

Черников унинг нима демоқчи эканини тушундида, дарҳол унга Куценкоини кўрсатди.

— Мана, старшина ҳам кутиб турибди сизларни. Утиринглар, кейин қабул қилиб олади. Қорин қалай? Овқатланасизларми?

— Раҳмат, штабда овқатландик,— деди қорачадан келган жангчи.

Нормат уни овозидан таниб қолди.

— Эрали!— деб қичқирди Нормат. Эрали ҳам ўзини унга ташлади. Ҳамқишлоқлар қучоқлашиб кетдилар. Исроил, Эминлар ҳам у билан бошқатдан қучоқлашиб кўришдилар. Нормат қопчиғини очиб, бугунги норма нони, шакарини ўртага қўйди.

— Қани олинглар.

Жангчилар янги сафдошларини ўраб олишди.

— Қаерларда бўлдиларингиз?

— Қаердан келяпсизлар?

Чегарада фашистлар билан биринчи бўлиб тўқнашган, олтмиш куну олтмиш кеча душман орқасида юрган бу жангчилар фашистларнинг бутун ваҳшийликларини ўз кўзлари билан кўрган эдилар. Эрали ўртадаги майдалаб қўйилган нондан бир бурдасини олди-да, ушатиб оғзига солгач, ҳикоясини бошлади:

— Чегарага яқин жойдаги бир тепаликда уч кун жанг қилдик. Душман тепаликка чиқа олмади. Охири, икки томонимиздан ўтиб кетаверди. Биз яна ўн кун тепаликка қизил байроқ тикиб турдик ва ҳеч қаердан мадад келмагач, Қизил Армия қисмларига қўшилиш учун йўл олдик... Чекиниш кўп машаққатли бўлди. Урмон ичи билан юришга мажбур эдик. Уқ-дори юкланган араваларнинг кўплари ўрмон балчиқларида қолиб кетди. Уқ-дориларни отларга ортиб, қолганларини ўзимиз елкалаб олдик.

Арава тортган, юк кўтарган отлар бўйинларини эгиб, шарпа чиқармасдан борардилар. Полкнинг чекинишидан қайғираётгандек, отлар ҳам кишнамасди. Қадрдон дублар, арчалар, қайинлар ғамгинлик билан бош эгиб орқада қоларди. Урмон қушлари ҳам сайрамасди. Қишлоқлардан оҳу зорлар эшитилар, йўллардан қон ҳидлари келарди.

Полкимиз гоҳ душман қисмлари билан ёнма-ён, гоҳ уларнинг олдида, гоҳ орқасида юрарди. Гоҳо тўқнашиб,

қаттиқ жанглар қиларди. Смоленск яқинида, ана шундай жангларнинг бирида, полк иккига ажралиб қолди. Кейинчалик кичик-кичик группаларга бўлиниб, шарққа йўл олдик.

— Қачонгача чекинамиз?— дер эди жангчилар.

Орқада, ёв қўлида қолаётган ўрмонларга, кенг дала, кўркем қишлоқлар, айниқса у ерлардан кетолмай қолган аҳолининг тақдирига ачиниб, ўртанардик.

Мен чекиниш машаққатига бардош беролмай, полигруддан сўрадим:

— Яна неча кунгача чекинамиз?

— Номасълум,— деди у.

Шу дарё ёқасига келганимизда яна душманга йўлиқдик. Дарёдан ҳар ким ўз ҳолича сузиб ўтди. Мана бу дўстим билан мен дарёдан ўтолмай қолдик. Шу яқиндаги қишлоққа нон сўраб бордик. Раиса деган бир қиз бизни шу тепаликка йўллади...

— Қаёққа? деб сўрасалар айтгани оғиз уялади, ўртоқлар,— деди Эралининг шериги — Ҳусейн,— қаергача ва қачонгача чекинаётганимизни билмаймиз. Одамлар, бизни ташлаб қаёққа борасизлар, дегандай тикилиб қарайдилар. «Қайтиб келамиз!» десак, кўплари: «Тезроқ!» «Тезроқ!» дегандай орқамиздан термулиб қолдилар. Одамнинг бадани живирлашиб кетади...

Ҳусейн Оға ўғли қўшимча қилди:

— Бахтимизга сизларни учратиб қолдик. Бўлмаса қўшинларни қидириб топгунча фиғонимиз чиқар эди. Орқада қолаётган ҳар бир қарич ерга қовурғалар қайишиб кетади. Ҳеч ким ўз еридан чекиниш азобини тортмасин. Бас энди чекиниш! Тўйдик!

Жангчилар жим қулоқ солишди. Черницовнинг хаёлида ҳам аллақандай тушунмовчилик, аллақандай ноаниқ мулоҳаза айланиб юрибди. Лекин ҳозир сабаб қидириданган пайт эмас. Унинг олдида катта масъулият кўндаланг турибди. Яхшиси у, комиссар Черницов, ана шу тўғрида гапирсин.

— Биз чекинмаймиз!— деди у, жангчиларга қараб,— Ватанимизнинг шу бир парча ерини қўриқлаш учун қолдирилганмиз. Биз шу ерда туриб, Москвани мудофав қиляпмиз. Масъулиятимиз катта!

Шу чоқ тепаликнинг шимолий қанотидан бир мина чинқириб келиб ён бағирликка тушди-да, ёрилди, темир парчалар тепадан визиллаб ўтди. Унинг орқасидан

яна икки-уч миға окоплар олдида портлади. Черников миналар ёрилаётган томонга қараб сўзида давом этди:

— 119-тепалик биз учун биринчи ва охирги марра! Шу ерда ё қурбон бўламиз, ёки Москвани сақлаб қоламиз. Шу ерда барчамиз Ватан тупроғига қўшилиб кетсак кетамиз-ки, аммо душманни тепаликка чиқармаймиз. Кўприкни бермаймиз. Бу кўприк ҳужумга ўтадиган қўшинларимиз учун керак.

Черниковнинг сўнгги сўзлари жанчиларнинг қасамёди бўлиб жаранглади. Комиссарнинг хитобига рота жангчилари хор билан жавоб қилдилар.

— Қасамёд қиламиз!..

\* \* \*

Черников жангчилар олдидан узоқлашгач, Эмин Норматга:

— Кеча юрагимни ёрган эдингиз, комиссар индамади-ку?— деди. Нормат унга бир хўмрайиб қаради-да:

— Комиссар айтмаган гапни мендан эшит: агар яна шунақа қўрқоқлик қилар экансан, каллангни оламан!— деди.

— Дашном бераверманг, Нормат ака,— деди Эмин,— ҳозиргина қасамёд қилдим! Қасамхўр эмасман!

*Е т т и ч и б о б*

## СЛАВИК ТҲХТА ХОЛАНИНГ КЕНЖАСИ

I

Тўхта хола Холматни Уралга кузатиб қўйиб, сўрига ўтирди. Уйда ҳеч ким йўқ. Келинлар далада, неваралар боқча ва ясида, ҳовли жимжит. У ўзини эгаси кўчиб кетган ҳовлига кириб қолгандек ҳис қилди.

— Битта Холматимни қолдиришса нима бўларди?..

Холмат Тўхта холанинг тўнғич ўғли бўлиб, қирқ беш ёшларда эди. У отасидан йигирма ёшда қолиб, укаларини қийинчилик билан боққан. Тўхта хола чинакчиликдан йиққан пахтасини кечалари йигирар, чарх олдида тонг оттирарди. Холмат онаси йигирган ипдан кечалари пешма-пеш бўз тўқиб, эрталаб бозорга олиб борар, гоҳ пуллаб, гоҳ нонга алишар ва гоҳо каппонда юриб мардикорлик ҳам қиларди. Холмат Совет ҳокимияти ўрна-

тилгандан кейин ер олди ва икки укаси билан ишлаб, хўжалигини тузатиб олгач, 1929 йили қишлоқда тузилган артелга кирди. Уша вақтдан бери у колхозда. Укасининг бири фронтга, иккинчиси канал қурилишига юборилди. Бугун эрталаб Холматнинг ўзи ҳам жўнади. Қишлоқ Совети раисининг: «Холмат, қалинроқ кийиниб ол, Уралга борасан» дегани кампирнинг ҳамон қулогига. «Уроли қаерда» дейди кампир, лекин ақли етмайди. У одамларнинг гапидан Урал фронтдан узоқ эканини ва тўнғич ўғли у ерга ҳунар ўрганишга кетаётганинигина билади.

Бутун бошлик ҳовлида эркак қолмади.

Тўхта холанинг хўрлиги келиб, болаларининг отаси марҳум Жаббор акани эслаб йиғига тушди. Жаббор ака ўлган вақтларда қора кийиб, аза тутиб юрган чоғларида ҳам у ўзини ҳозиргидек якка-ёлғиз сезмаган эди. Ҳамма унга: «Уч ўғлинг бор, нима ғаминг бор? Йиғлама, болаларингни шукрини қил!»— дерди. Тўхта хола, болаларим отасиз ўксимасин деб, уларни ейиш-ичишдан кам қилмасликка тиришди. Мана, энди уч ўғил ҳам кетди. Улар қачон келишади? Қаерда юришса ҳам соғ бўлишса, қачон бўлса ҳам қайтиб келишса бас. Аммо, она кексайиб қолди... «Дийдор кўришамизми? Кўришамиз, ноумид шайтон!»

Шу чоқ кимдир дарвозанинг ҳалқасини тақиллатди.

— Тўхта хола! Ҳой, Тўхта хола!

— Ҳа болам, келавер.

— Кўприк бошига чиқинг. Чақиришяпти.

— Холматнинг ўрнига ишга чақиришаётган бўлса керак.

Тўхта хола кўчада узоқдан бирин-кетин кетаётган икки кишининг қорасини кўрди. Улар шу қишлоқнинг кексалари эди. Тўхта хола уларга етиб олиш учун шошилди. Аммо қанчалик ошиқмасин, чолларга ета олмади, улар идорага кириб кетишди.

Тўхта хола кўприк бошига келиши билан раиснинг овози эшитилди.

— Юраверинглар, мана бу ёқда гаплашамиз.

Қатта кўчани кесиб ўтадиган ариқ бўйида сершоҳ тол тагига сув сепиб, бордон тўшаб қўйилган эди. Ҳамма шу ерга тўпланди. Баъзилар ёнбошлаб олишган, баъзилар чўкка тушиб ўтирибди. Тўхта хола бир чеккада ўтириб, тўпланганларни кўздан кечирди.

«Ҳеч ким қолмабди. Кексалар ҳам келишибди. Қодирали бу чолларни нима қиларкин-а?..»

— Сизларга маслаҳатим бор,— деб сўз бошлади Қодирали.— Маслаҳатим шуки, мана ўзларингиз кўриб турибсизлар, йигитларимизни фронтга узатдик. Ун киши каналга кетди. Кеча тўрт кишини Уралга жўнатдик. Кўчиб келган заводларга қизларни юбордик, кучимиз озайиб қолди, вазифамиз катта, юкимиз оғир...

— Уша юкингдан пичасини бизга ҳам юклаб қўй, ўғлим,— деди ҳассаси билан ер чизиб ўтирган бир чол.— Кўтарамиз. Кўтармай иложимиз йўқ. Бошга тушса — кўз тортади, дейдилар. Юрт тинч — сен тинч. Юрт бошига тушган кулфат — сенинг кулфатинг. Анойи уруш бўлаётгани йўқ, ўғлим. Ватаннинг вайронаси — умрининг ғамхонаси. Аммо ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Қоронғи кун мангу бўлмас. Ёруғликка чиқиб кетамиз. Уша юкингдан пичасини менга ҳам юклаб қўй, ўғлим, кўтараман!

Унинг гапи қарияларни қитиқлагандек, ҳамма баб-баравар қўзғалди. «Гулистон» кексалари, гўё кечаси билан маслаҳатлашиб чиққандек, бир-бирини қувватлаб гапира бошладилар.

— Бобоннинг тол эккани — ўзига ном эккани,— деди иккинчи қария, ўрнидан туриб.— Ишингни кўрсатавер, ҳол-бақудрат қила берамиз. Дарё сувини баҳор тоширади, одам кучини меҳнат оширади. Ҳукумат бизни аяб, салқинда сақлаётган эди. Офтобга чиқсак, яна елкамиз исийди. Ахир, одамни пўстин эмас, иш қиздиради. Кексаликни унутиб, яна кучга тўлиб кетамиз.

Иккинчи чол гапини тугатар-тугатмас, учинчи чол ўрнидан турди.

— Бир тариқдан бўтқа бўлмас. Мен уйда қолганим билан бўрдоқи бўлармидим,— деди у, соқолларини оғзида ямлаб.— Мени ҳам ёз! Невараларимга бош бўлиб, гўза чопиғига чиқаман. Кетмон кўтаролмасам ҳам, ёввойи ўт юлишим мумкин. Ҳеч бўлмаса, чой қайнатиб бераман уларга.

— Менга ҳам сўз бер, ўғлим.

Қодирали сўз сўраган ўз дадасига ўгирилиб:

— Марҳамат, марҳамат, гапиринг, ота!— деди унга. Ҳамма: «раиснинг отаси, саксонга сакраб, тўқсонга тир-машаётган чол нима дер экан» дегандай унга қулоқ солди.

— Султон суягини хўрламас, дейдилар. Мени суягим ана шу ишда қотган. Отхонани менга бер, бир амаллаб эпларман. Отбоқаринг бардам, бошқа ишга қўй уни.

Бу чол «Гулистон»дагина эмас, бутун водийда «чавандоз» номини олган улоқчи эди. Усиз улоқ қизимас эди. Неча-неча марта от тагида қолиб, неча марта улоқда қамчидан қаншари ёрилиб, қанча марта қовурғаси синиб, бели букилса ҳам, отдан тушмаган эди бу чол. Отхонани унга топширмай, кимга топширади раис? От одамига тушса, олов бўлади, демаганмиди унинг ўзи?

— Мени пахтага ёз, болам,— деди яна бир чол,— ўлсам ҳам пахта ичида ўлай!

Қодирали икки нарсадан беҳад хурсанд бўлди. Биринчидан, бўш қолган жойларни тўлдириш учун катта резерв топилди. Иккинчидан, чоллар кутилмаган даражада активлашиб кетдилар. Саккиз қават кўрпада оёғини узатиб ётган кексаларнинг бел боғлаб далага чиқиши — бошқаларга ўрнак. Колхозни тебратаётганлар ана шу кексалар улғайтирган жигарлар эмасми? Чолларнинг меҳнати унум бермаса ҳам, салобати, маслаҳати унум беради-ку!

— Раҳмат, отахонлар!— деди Қодирали.— Қўйглим тоғдай кўтарилди. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганлари шу. Сизларга суянмасам, кимга суянаман? Аммо, оғир ишда ўзларингизни олдириб қўясизлар. Яхшиси, енгилроқ иш берайлик. Сизларни қариялар бригадаси деб атаймиз. Боғ, сабзавот, полиз сизларнинг ихтиёрингизда бўлади. Маъқулми?

— Қани, бошла, раис!— деди Тўхта хола, ўрнидан қўзғалиб.

## 2

— Тўхтанглар! Тарқалманглар!

Эргашнинг овозини эшитиб, ҳамма катта кўчага қаради. Икки отли автокачка қишлоқнинг ўнқир-чўнқир йўлидан силкиниб-силкиниб келди-да, катта тол тагида тўхтади. Автокачкада бир нечта бола ўтирибди.

Нотаниш қишлоқнинг томи, деворлари ва дарахтига ҳайронликда қараб турган болалар бирин-кетин ўринларидан туриб, уюшган оёқларини ишқалаб ёзиб, ерга туша бошладилар. Эргаш: «кел укам, тўшириб қўяй» деди-да, тўрт ёшлар чамасидаги жажжи қизни бағрига ол-

ди. Кейин бошқалар ҳам болаларни аравадан бирин-кетин тушира бошладилар.

— Буларви нима қилмоқчисан, Эргаш?— деб сўради, оқ соқоли кўксига тушган бир чол.

— Боғча очамиз. Райкомга неча марта ялиниб, колхоздан кафолат, тилимдан тилхат бериб олиб келдим. Энг яхши колхозга берамиз, дейишди. Унча-мунча одамларни яқин йўлатишмади бу болаларга.

— Боғчанг-ку яхши-я,— деди салмоқдор оҳангда ҳалиги чол,— лекин, ҳар ҳолда, ота билан онанинг меҳри бошқа. Бизга бер, болаларимиз қатори униб-ўссин булар!

Тўхта хола рянглари заҳил, кўзлари ич-ичига тушиб кетган болаларга ачиниб қаради.

— Булар кимлар?— деб сўради у Эргашдан.

— Етм болалар,— деди Эргаш,— фронтда ҳалок бўлганларнинг болалари...

Тўхта хола, ўзларининг тақдири нима бўлишини билмай хомуш ўтирган болаларга қараб, кўзларига жиққа ёш олди. «Булар кимга нима гуноҳ қилибди? Қирон келсин ўша Гитлерга!» деди-да, одамларни ёриб ўтиб, чеккада бўйнини қисиб, бир нуқтага қараб ўтирган боланинг олдига борди.

— Юр, болам, мен сенинг онанг бўламан. Сен менинг болам бўласан, хўпми? Хўп де, болам!

Бола кампирнинг сўзларини тушунмаса ҳам, унинг иссиқ оналик меҳридан эриди-да, қувончдан сакраб ўрнидан туриб, кампирга ёпишди. Тўхта хола уни қучоқлаб, ўпди.

— Юр, уйга кетамиз, болагинам!

— Тўхтанг, тўхтанг,— деди қишлоқ Советининг секретари — чўлоқ Мамадали.— Бутун бошлик одамни юр деб, олиб кетиб бўлармиди? Ариза беринг. Ўзимнинг боламдек тарбия қиламан, деб тилхат беринг.

Кампирнинг жаҳли чиқди.

— Оппоқ сочим билан менга ишонмайсанми, болам. Мен сендақа болалардан қанчасини катта қилдим!

— Ишонаман, лекин ҳукуматга «бошим билан жавобгарман» деб тилхат бериб келганман. Болаларни менга бер, менга бер, дегандан кўпи йўқ.

— Сенга ишонган ҳукумат менга ҳам ишонади. Тилимда бол бериб боқаман бу болани. Хўп десанг ҳаммасини олиб кетаман.



— Майли, Морозов сизнинг ўглингиз... шундай дсб ёзиб қўямиз.

— Невараларим қатори ўсаверадилар.

Кампир йўлда кетаётиб меҳмон боланинг жингалак сочларини силаб, аста сўради:

— Отинг нима, болам?

Бола тушунмай, Тўхта холага ҳайрон тикилиб қолди. Хола имо-ишора билан тушунтира бошлади:

— Отинг... номинг... ҳалиги... нима десам экан-а?

Бола тушунди шекилли, жилмайиб жавоб берди:

— Славик.

— Нима, нима?

— Славик.

— Қўй, болам. Тилим келишмайди. Солижон деб қўя қолай, майлими?— Тўхта хола шу гапни айтди-ю, ўйла-ниб қолди.— Нега мен уни ота-онаси қўйган номдан жудо қиларканман? Йўқ, ўз номи билан ўссин, улғай-син!

Тўхта хола уйга келгач, Славикни сўрига ўтқазиб, олдига дастурхон ёзди; сутга нон тўғраб, олдига қўйди.

— Буни еб тур, болам, мен ака-укаларингни боғчадан олиб келамап.

Боғчадан келган болалар уйдаги меҳмон болани кўриб, унга бир оз ётсиниб тикилиб туришди-да, кейин яқинроқ келиб, унинг овқат ейишини тамоша қилишди.

— Катта она, катта она, бу бола ким?— деб сўради Холматнинг ўғли Шерали.

— Уканг.

— Қанақа укам? Бупақа укам йўқ эди-ку?

— Илгари йўқ бўлса, энди бор. Буларнинг уйли фашистлар тортиб олибди. Номни Славик. Менинг кенжа ўғлим.

— Славик? Вой сочлари мунча чиройли! Қўзларини қаранг-а!.. Жуда яхши бола экан. Ке, ўртоқ бўламиз!

Шералининг меҳрибонлигидан кампир жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Славик уканг шунақа чиройли бола. Хафа қилмай ўйланглар, хўпми?

— Хўп, ҳозир тўппончамни олиб чиқаман, фашистларни отиб ташлаймиз,— деди-да, Шерали уйга югуриб кириб кетди.

Тўхта хола боғ бригадасида бир неча кун ишлагандан кейин, бир кун кечқурун Славикни етаклаб Қодиралининг олдига келди ва ундан уч кунга жавоб сўради.

— Йўқ демагин, болам, Эрматни бир кўриб келай. Норматимга боролмайман. Холматимга боролмайман, Эрматимни кўрсатгин, худо хайр бергур, умрингдан барака топкур!

Қодирали, кампир болаларини жуда соғинганини сезиб онага илтифот қилди:

— Эрталаб гузарга чиқинг, станцияга борадиган аравага тушиб кетасиз.

Тўхта хола раисни дуо қилди:

— Умрингдан барака топ, болам илоё ҳам кўрма!

Онасининг юзи-кўзидан қувонч тўкилаётганини кўриб, Славик ҳам севибди. Славикнинг назарида колхоз раиси унинг онасига қандайдир катта нарса илтифот қилгандек ва бу илтифотдан Славик ҳам манфаатдор бўлгандек эди. Қодирали кўзлари кулиб турган Славикнинг икки қўлидан ушлаб:

— Славка, акангни олдига борасанми?— деб сўради. Славик онасига бир қараб олгач, бораман, дегандек бош қимирлатди.

— Бор, ўғлим, бор,— деди раис,— қариндошларингни кўриб, уларга ҳам ўзингни танитиб келасан.

Раиснинг яхши гапидан суюнган Славик икки қўлини чўнтақларига солиб, қизил туфлиснинг учида ердаги майда тошларни тўп қилиб тепа бошлади.

— Юр, ўғлим, тараддудимизни кўрайлик.

Тўхта хола топг отгунча кир ювди, сўрасининг тагини қоқиб, озгина патир ёпди, кейин Славикни жомдаги илқ сувда чўмилтирди. У топг ғира-ширасида тугунини бошига қўйиб, Славикни етаклаб, гузарга жўнади. Катта келин қайнопасининг йўлига чиқиб:

— Йўл узоқ, кун иссиқ, ўзингиз ҳам қийналасиз, Славик ҳам, яхшиси болани менга ташлаб кета қолинг, деди.

— Нега ташлаб кетаман буни,— деди кампир, келинининг сўзини рад қилиб.— Белимнинг белбоғи энди бу. Кўнгллм тўладими бусиз! Акасини кўриб, ёзилиб келади кўзичоғим!

Гузарда аравакаш отини кўприк устида тўхтатиб қўйиб, араванинг ғилдирагига сув сепмоқда эди; Тўхта

холани кўриши билан сувдан чиқиб, пақирни араванинг тагига осиб қўйди-да, кампирнинг бошидаги тугунини олиб, аравага жойлади.

— Аравага чиқинг, хола!

Аравакаш араванинг шотиси, гилдираклари, гупчакларига қизиқиб тикилиб турган Славикка қўл чўзди:

— Ке, шер йигит, сени отга миндириб оламан. Отга минганмисан? Бошингни чайқашингдан от минмаганга ўхшайсан. Ке, мин отга!..

Славик эгарга ўтириб, «мана мен кимман!» дегандек дарҳол онасига қайрилиб қаради-да, чавандозлигини кўз-кўз қилди.

— Йўлингиз бехатар бўлсин, болам,— деди кампир, аравакашни дуо қилиб,— шу етим болаининг кўнглини шунчалик кўтаряпсиз! Илоё болаларингизнинг орзусига етинг!

Славик бир оз «аравакашлик» қилгач, эгарни ҳам, тизгинини ҳам, қамчинини ҳам эгасига топширди. Аравакаш уни тиззасига ўтқазиб олиб, отини қамчилади.

Арава чанг қишлоқ йўлидан чиқиб, катта тош йўлга тушиб олди. Станцияга олиб борадиган бу йўл серқатнов: арава, машинадан кўпи йўқ. Ҳаммасида оғир-оғир юклар. Станцияни таниб бўлмайди. Поезд йўлининг икки томонида аллақандай ускуналар ғарамланиб ётибди.

— Булар нимаси, болам?

— Завод, холажон. Уруш бўлаётган жойдан кўчриб олиб келишибди.

— Ҳай, болам, завод бўлса, шундай тўкиб-сочиб қўядини бунди!

— Бу ерга адаш тушиб қолибди. Пахта заводи ёнига тиклашмоқчи экан, анжанликлар зўр чиқиб, ўша ёққа олиб кетишаётган эмийш.

Пахта заводига яқинлашгач, арава тўхтади.

— Энди тушинг,— деди аравакаш, Тўхта холага қараб,— шу ерда ўтирсангиз, каналга борадиган арава чиқиб қолади.

Аравакаш Славикни эгарга ўтқазиб, ўзи пастга тушди, Тўхта холани аравадан тушириб, тугунини тол тагидаги сўрига қўйди, сўнгра Славикни кўтариб олди.

— Ҳозирча хайр, йигитча!

Тўхта хола атрофга олазарак қараб турган эди, ўрта яшар бир жувон келиб қолди. Сочини иккита қилиб ўриб олган, икки чаккасига гажжак қўйган бу олифта жувон

туғунини сўрига ташлаб бир «ух» тортиб олгач, Славкка қараб бақрайиб қолди. Кейин Тўхта холага қаради, яна Славкка тикилди, дам онага, дам болага қарайверди.

— Уят бўлса ҳам бир гап сўрасам майлими?— деди жувон, ниҳоят.

— Сўранг, ўргулай, сўраганинг айби йўқ.

— Бу бола ўзингизникими, ё...

— Ўзиминки. Кенжа ўғлим.

Жувон бир оз жимиб тургач, яна сўради:

— Исми шима?

— Славик...

— Славик? Кенжам дедингизми? Уғил қилиб олдингизми?

— Уғил қилиб олдим.

— Болангиз турмаганмиди?

— Худога шукур, уч ўғлим, икки келиним, уч неварам бор.

Нотаниш жувоннинг ранги оқариб, ҳасрат дафтари очнлиб кетди.

— Боласизга тангриси ҳам, бандаси ҳам бермас экан. Йигирма йил турмуш қилиб, бола кўрмадим. Фарзанд деса жонимни бергим келади. Бормаган жойим, кўрсатмаган табибим қолмади. Тандирни қизитиб, ичига ҳам кириб ётдим. Электр дўхтирга ҳам кўрсатдим. Пешона экан, бола бўлмади. Бойимни кўп йўлдан уришди, бошқа хотин олиб беришмоқчи бўлишди, мени ҳам аврашди, «рози бўл, хотин олиб беришинг фарз» дейишди. Майли, олсам олиб берай, деб оғиз очиб, бойимдан балога қолдим: «Шунча йиллик рўзғоримга ўт ташлайманми!»— деди у ғазабланиб. Тилимни тишладим. Узганики бўлса ҳам ўғил қилиб олайлик, деган умидда бола қидириб юрибмиз...

— Ўзингиз қаерликсиз?

— Оқтепаликман.

— Районга ариза бердингизми?

— Кечикиб қолибман. Райкомга кирдим. Энг яхши колхозлар болаларни олиб кетишибди. Аризангизни Тошкентга юбордик, меҳмон болалар Тошкентда кўп, дейишди. Яхши ният билан аризамнинг кетидан Тошкентга ҳам бордим. Бола талаш. Бирам казо-казолар бола сўрашиб юрибдики! Менга йўл қаёқда! «Навбатингизни кутинг» дейишди. Навбатимни ўқиттирсам, номимни бир соат

қидиришди. Мен борган кунни бир поезд етим бола келган экан-у тошкентликлар талашиб кетишибди. Қимлар денг? Сатта беш-олтитадан боласи борлар. Ҳафсалам пир бўлиб, «пеионамнинг шўри қурсин, ўгай бола ҳам насиб қилмади» деб йиғлаб-йиғлаб қайтдим. Хат ёзамиз, деб қолишди. Ноумид шайтон. Келиб қолса, мен ҳам болалик бўлиб қоламан, деган умидим бор.

Шу чоқ заводдап бир бўш арава чиқиб, канал йўлига қайрилди.

— Тўхта, болам, каналгами? Каналга бўлса, олиб кет бизин, худо хайр бергур.

Арава тўхтади.

— Чиқиб олинглар.

Тўхта хола тугунини бошига олиб, Славкани қучоқлаб аравага югурди. Аравакаш, кампир аравага чиққунча от устида ҳаёлга чўмиб ўтираверди. Кампирни аравага чиқариб қўймади, Славикни ҳам: «отга миш, шер йигит» демади. «Бегона одам экан бу амаки» деб ўйлади-да, Славик канал қурилишига етгунча онасининг тиззасида унинг бағрига бошини қўйиб, индамай борди...

#### 4

Канал қурилиши урушдан икки ой илгари бошланган эди. Уруш чиқиши билан қурилиш бир ой чамаси тўхтаб қолди. Июль охирида каналда иш яна қизитиб юборилди. Тўхта хола бу ерга келганида август охири бўлиб, авжи қурилиш кучайган пайт эди. У канал қурилишини биринчи марта кўриши. Катта тик ариқ. Икки лаби тоғ-тоғ тупроқ. Тўхта хола аравадан тушиб, каналнинг чап қирғоғига уйиб қўйилган тупроқ тепасига чиқди. Чуқурликда, ҳар жой-ҳар жойда одамлар тўп-тўп бўлиб ер қазимоқда. Узоқдан одамлар чумолиларга ўхшайди. Кампир ҳар қанча тикилса ҳам, Эрмат кўрнмайди. Бошида тугуни, қўлида кенжаси билан Тўхта хола тупроқ уюмидан пастга туша бошлади.

— Ҳорманглар, болаларим! «Гулистон»ликлар борми шу ерда?

— «Гулистон»ликлар андек нарида,— дейишди, кампирнинг саломига алик олган кишилар.

Кампир яна йўлда давом этди. Ҳали топталмаган ҳўл тупроқда юриш қийин эди. Унинг қадами остида тупроқ чўкиб, кампир бир-икки ерда муккасидан йиқилаёзди. У терга пишиб кетди. Кейин Славикни билқил-

лаган тупроққа қўйиб, стаклаб олди. Славик югуриб юраман деб, тупроққа чўкиб, ортиқ юролмай қолди.

— Утир, бир оз дамингни ол,— деди кампир, Славикни бағрига олиб.

Улар энди ерга ўтириши билан, кимдир «она!» деб чақирди. Бу Тўхта холанинг ўртанча ўғли Эрмат эди. Эрмат онасининг келганини қулоқма-қулоқ эшитиб, шу томонга юрган эди.

Кампир ҳориганини ҳам унутиб, ўзини ўғлига ташлади, уни қучоқлаб ўлди, андек йиғлаб ҳам олди. Славик онасининг пега йиғлаётганини тушуполмай, хомуш ерга қараб турарди.

— Бу ким, она?

— Уканг, болам, уканг!

Эрмат онасининг гапига тушуниб, Славикни қучоқлаб олди.

— Ке, катта йигит бўлиб юрибсаими?

Славик Эрматнинг қалин соқол босган япалоқ юзига тикилиб қолди. Таниш одамга ўхшайди... Славик бу кишини қаерда кўрган? «Гулистон»дами? Йўқ-йўқ, боғчада мураббия ўқиб берган эртақдаги одам шу эмасми? Суратини ким олган экан? Уша! Худди ўша паҳлавон шу! Қўллариининг йўғонлигини қара, белини кўр, камар калталиқ қилиб, чойшапни чирмаб боғлаб олипти...

Кампир Славикнинг ҳайрон қолганини кўриб, унга тушунтира кетди:

— Эрмат аканг шу бўлади. Соқолидан кўрқма. Дадаси серсоқол эди. Дадамга ўхшайман деб ёшлигидан соқол қўйган. Кўрқма!

Славик Эрмат акасининг йўғон билакларини ҳавас билан силаб кўрди, кейин тупроқ уюмларини кўрсатиб сўради:

— Мана шуларнинг ҳаммасини сиз кавлаб ташладингизми?

— Йўқ. Озгинасини...

— Нега? Шундай полвон экансиз-ку!

— Бу ерда мендақа полвонлар кўп. Қани юр, шер йигит, қапага кирайлик.

Тўхта хола билан Славик шу кунни канал бўйида, Эрматнинг капасида тунаб қолишди. Она-бола кечаси билан гурунглашиб чиқишди. Славик уларнинг нима ҳақда гаплашаётганини билмаса ҳам, «Гулистон», «Нормат», «Холмат» деган таниш номлар қайта-қайта

тилга олинганини эшитиб ўтириб, ўз-ўзича қувонарди. Кампир аллақандай нотаниш кишиларнинг номини ҳам тилга олди. Бозоров... Адолат... Соҳиб қори... У печундир пиқ-пиқ йиғлаб ҳам олди. Нимагадир Славикнинг ҳам йиғлагиси келиб, ўпкаси тўлиб, хўрсинди. Лекин онасига берган сўзи эсига тушиб, кўз ёшини ютиб, акасининг чопони устида ухлаб қолди.

Кечаси билан она-бола яна нималар тўғрисида гаплашганини Славик билгани йўқ. Аммо эрталаб Эрмат онасини уйга жўнатиш олдида айтганлари Славикнинг эсида қолди.

— Қийин, жуда кийин,— деди Эрмат.— Фронтда бундан ҳам қийин бўлса керак, дебгина ўзимизни юпатыпмиз. Бир неча йигит кетмоини каналга ташлаб, фронтга жўнади. Овқатнинг танобини тортиб қўйишди. Канал чиқариб, сув очасан, янги ерларга пахтадан ташқари шоли, буғдой экамиз, ана ўшанда қорнинг нонга тўяди, деди райондан келган вакил. Кеча-кундуз пшляпмиз. Бу ишдан фронтда жанг қилган осонроқ, она! Мени фронтга юборинглар десам, кўнишмади: «Сен яхши каналчи бўлиб қолдинг, қурилишни тамомлагач, Тошкентга кетасан» дейишяпти. Тошкентга яқин жойда катта канал, электр станция қурилади, деган гап бор. Мени фронтга кетмайдиган қилиб хатга солишибди.

— Худога шукур, болам,— деди кампир, кўз ёшларини артиб.— Ҳеч бўлмаса, сен ёнимда юр.

Агар канал бригадири Эрматни чақириб қолмаганда, она-боланинг гапи адо бўлмасди.

— Хайр, болам, энди биз кетайлик,— деди Тўхта хола ўғлига.— Келган-кетгандан дарак бериб тур, онангни ўртантирма!

Улар эрталаб юк машинада уйга қайтдилар. Эрмат уларнинг орқасидан: «Норматдан хат келса, менга хабар қилинг, она!» деганча қўл силкиб қолди.

### *С а к к и з и н ч и б о б*

## ДАСТЛАБКИ ТУҚНАШУВ

### 1

3 октябрь куни кечаси душман «Марказий» группасининг авангард қисмлари Чайка дарёси бўйига чиқиб, Қизил Армия кучларининг арьергарди билан тўқнашди. Ярим соатча давом этган отишув тўсатдан тўхтади. 110

тепалиги районида кечаси душманинг ҳеч қандай ҳаракати сезилмади. Эрталаб, Москва вақти билан соат олтиларда, бир полкка яқин немис солдати ҳужумга ўтди, аммо бу ҳужум ҳам узоқ давом этмади, отишма яна тўсатдан тўхтади. «Марказий» пруппанинг қўмондони генерал Боок: «Ҳеч қаерда тўхталмай, қаршилиқ қаттиқ бўлган жойни айланиб ўтинглар!» деб буюрган эди. Авангард қисмлар тепалкни четлаб, Юрьев батальонининг икки томонидан дарёни кечиб ўтдилар. Эрталаб етиб келган асосий кучлар ҳам тепаликка ҳужум қилмай, авангард кучлар орқасидан Орёлга етиб олишга шошилдилар. 119 тепалигининг қаршилигини синдириш ва иккинчи эшелон етиб келгунча кўприкни қўлга олиш вазифаси Генрих Грейдер полкига топширилди.

Полковник Грейдер 119 тепалигидаги рус арьергардига атака бошлаш олдидан ундаги кучларни, мудофаа системасини, унинг ўт очиш қудратини ўрганмоқчи бўлди. У, катта гулкўрпага ўхшаган харитани столга ёзиб, унга энгашди. Генрих янги мундирининг чап чўнтаги тепасига қатор-қатор орден ленталари тақиб олган, узун бўйли сўйлоқроқ одам эди. У харитага энгашаркан, қотма юзи жиддийлашиб, қандайдир ташвишли кўринарди.

У, кўк қалам билан ўрдак тухуми шаклида ўраб қўйилган жойга тикилиб турди-да, оқиш сочларини силкитиб, бошини столдан кўтарди.

— Нима қилар экан бу ерда улар? — деди у, ўз-ўзига.

Ажаб, шунча жойни ташлаб келиб энди шу бир парча ерга тирмашиб нима қилар экан улар? Москва яқин. Большевиклар Москва бўсағасида бор кучи билан бардош бермоқчи! Шу бир ҳовуч ерга хандақ кавлаб, юмронқозикдек бурканишидан, улар тепаликни бугун-эрта ташлаб кетмайдиган кўринади.

Генрих яна харитага энгашди. 119 тепалиги тактика жиҳатидан ғоят муҳим тепалик бўлиб, унга рўпарадан ҳам, ён томонлардан ҳам, орқа томондан ҳам атака қилиш қийин эди. Уч-тўрт километрга чўзилган тепалик ҳарбий-инженерлик санъати билан узоқ йиллар давомида қурилган мустаҳкам қалъага ўхшарди. Шу сабабдан Грейдер тепаликни кечаси ва эрталаб разведка қилдирди. Разведка маълумотига қараганда, бу тепаликни бир ҳамла билан қўлга олиш мумкин эмас эди.

Генрих Грейдер Берлин ҳарбий академиясида ўқиб юрган вақтида рус тилини, Россияни ўрганган эди. У



айниқса рус дарёлари, ўрмонлари, ботқоқлик ерларини қизиқиб ўрганди. У ҳарбий-инженерлик санъатининг энг сўнгги янгиликларини эгаллади, айниқса, дарё ва ботқоқлик ерлардан қўшинларни тез ва зарарсиз олиб ўтиш усуллари билан танишди. Грейдер «Барбаросса» плани тўзилаётган чоқлардаёқ «большевиклар Россиясига қарши урушга тайёрман» деган барча офицерларни тўплаб, эсасчи қисм тузди. Мана энди ана шу кучлар ўша планни бугун тарозига солиб кўриши керак.

Грейдер Фюрернинг таваккалчилик тактикасидан ўзгача тактика тадбирларини узоқ ўйлади. У тарозининг икки палласини ҳам баб-баравар кўздан кечириб, шундан кейингина тош қўядиган тактиканинг тарафдори эди. Бу жиҳатдан у ўз тенгқурлари ичида ажралиб турарди, Грейдер 119 тепалигига ҳужум қилишда ҳам ана шу тактикани қўлланмоқчи бўлди. Аммо бу гал унинг планини ҳеч ким маъқулламади. Энди эса иккинчи эшелон яқинлашмоқда. Кўприк зарур, вақт зиқ. Грейдерни ишбилтирмоқдалар. Генрих оёғи тортмаётган жойга қадам ташлашга мажбур.

— Адъютант!— деди у, ёнбошдаги хона эшигига ўгирилиб.

Тугмасидан этигининг қўнжигача ярқиратиб, ёшкна адъютант югуриб кирди.

— Шнапс!

Генрихнинг бир заиф томони шу эдики, ёшлигидан ичкиликка муккасидан кетган эди. Айниқса, бирор нарсдан ранжиса, бошига бирор ташвиш тушса, шишага тикилиб қоларди. Унинг ҳозир тўсатдан ароқ сўраб қолганидан адъютант келгуси жапгнинг шу чоққача ўтган жанглардан оғирроқ бўлишини тушунди. «Грейдер жаноблари бекорга асабийлашмайдилар» деб ўйлади у. Адъютант ўз навбатида полковникнинг ординарецини чақириб топшириқ берди. Сал ўтмай, ичкарига ингичка бўлиб чўзилиб ординарец кирди-да, қўлидаги патнусни столга қўйиб, изига қайтди. Патнусда гулли биллур графин ва платина қадаҳ турарди. Генрих графинидан қадаҳга ароқ қуйиб ичмоқчи бўлаётганда, кўзи Гитлерга тушиб қолди. Грейдер бу уйга кирмасдан олдин унинг адъютанти Дашковка қишлоғининг энг яхши гиламини деворга қоқтириб, тўрға Адольф Гитлер портретини илиб қўйган эди. Гитлер полковникка нима учундир қовоғини солиб, юзини буриштириб қа-

раб турибди. Нега? Нега шоширяпти у? Фурсат, бир оз фурсат бер, Фюрер... Генрих иккинчи марта портретта қараганда Гитлер кулиб турганга ўхшади.

— Хайль Гитлер!— деди Генрих, қадаҳни баланд кўтариб.

У, қадаҳни бўшатиб, яланиб-яланиб, яна қўллари-ни орқасига олди, кнопкани босди, олдида ҳозир бўлган адъютантнинг рапортидан кейингина, бармоғини кнопкадан олди.

— Шнапс!..

Графина бўш эди. Адъютант ҳайрон бўлди. Полковник ҳеч вақт бунчалик кўп ичмаган. Бир графинани бўшатиб, тагин ичмоқчи, «кутилмаган ҳодиса» дегандек, адъютант ағрайиб қолди.

— Янами?

— Менгамас, солдатларга,— деди Грейдер.— Кўпроқ шнапс! Бўлмаса, тепаликка чиқиш қийин!

Атака эрталаб соат роппа-роса саккизда бошланди. Атакани олти оғизлик миномётлар ва артдвизион бошлаб берди. Соат тўққиздан ўн беш минут ўтганда дарё тепасида қоп-қора булутдек самолётлар пайдо бўлди. Полковник Грейдер ўз кузатиш пунктида туриб, стереотруба орқали жангни кўздан кечирди. Олти оғизлик герман миномётлари Грейдернинг энг севган қуроли эди. У Краковни олишда, Витебскка ҳужум қилишда ана шу миномётларга қойил қолган. Шунинг учун ҳам у, генерал Шмидтдан узоққа отадиган замбараклар ўрнига ҳам олти отарларни сўраган эди. Грейдернинг назарида, бу олти отарларнинг йигирма минутлик ҳужуми дарё қирғоғини шудгор қилиб юборади. Урмон орқасидан кўтарилиб чиққан бир группа самолёт 119-тепаликка яқинлашуви билан Генрихнинг ординареци ҳовлиқиб тилга кирди:

— Рюсь... капут...

Генрих нимагадир хурсанд бўлмай, ординареца хўмрайиб қаради.

Бомбардимончиларнинг ҳужуми 15 минут давом этди. Бомбалар зарбидан дарё суви кўтарилиб қирғоққа чиқди, кўкка сачраган сувни шамол чангга аралаштириб узоқ-узоқларга учуриб кетди. Бомбардимончилар қайтиб кетгач, қирувчи самолётлар пайдо бўлди ва бирин-кетин шўнғиганича окоплар тепасида пулемётлардан ўта оча бошлади. Самолётлардан сўнг танклар

ҳужумга кирди. Унинг орқасидан пиёда роталар қўзгалди.

Генрих Грейдер стрелтруба орқали жанг майдонига қаради. 119-тепалик унинг бежо кўзларига катта темир-бетон қалъага ўхшаб кўринди, гўё Грейдер эмас, балки худди ана шу тепаликнинг ўзи ҳужум қилаётганга, унинг ўзини босиб келаётганга ўхшарди.

## 2

Қайилманинг чап ёнидаги окоплар олдида портлаган бомбалар тўртта окопни бир-бирига қўшиб юборди. Уртадаги окопдаги жангчиларнинг бири осмонга қараб чўзилиб ётарди. Қайилма атрофидаги окопларда ҳам уч киши ярадор бўлди. Душман артиллериясининг снарядлари, ҳаво бомбардимони бир неча траншея ва окопни бир-бирига улайдиган йўллари кўмиб юборди. Взвод билан ротани боғлаб турувчи телефон симлари узилиб қолди.

Немис қўмондонлиги артиллерия ва авиация ҳужумидан кейин танкларни ншга солди. Тепалик яқинида тутуни бурқсаб, шиддат билан югуриб келишаётган қопқора танклар кўринди. Нормат танкларни санади: беш... олти... Уларнинг ерни ларзага солиб келиши жуда даҳшатли эди. Танклар орасида пулемётлардан ўқ узиб, мотоцикли солдатлар келардилар. Танк ва мотоцикларнинг овози еру кўкни титратди... Гўё ҳамма ёқни душман танки ва мотоцикли босиб кетган, дарё ёқасидаги батальон олов ичида қолган эди.

Танклар дабдаба билан яқинлашиб келаверди. Олдинги окопда кимдир: «бизни ўраб олишмоқда». деб қичқирди, лекин ҳеч ким унга қулоқ солмади. Бутун батальоннинг ғайрати, жасорати олдида бир-икки ваҳимачининг ноласи нима қила олар эди? Ваҳимачини ҳеч ким қувватламагач, унинг ўзи ҳам ўз сўзига пушаймон еган бўлса керак, жимиб қола қолди.

Нормат танклар ҳужумини кузатиб турди. Олдинда кслаётган танк тўсатдан гир айланди-ю, кўндаланг бўлиб тўхтаб қолди. Қолганлари даҳшат билан ўрмалаб кславерди. Нормат танкка қарши гранатасининг капсюлини солиб, иргитиш учун қўл чўзган эди, кимдир уни тўхтатди:

— Шошилма!

Нормат траншеяда келаётган кишини таниди. У Черницов эди: комиссарнинг шу минутларда бу жойда пайдо бўлиши Норматнинг юрагига мадор бўлди. У яна олдинга, немислар томонга ўгирилди.

— Гранатангиз қани?— деб сўради комиссар, Норматнинг ёнида турган Эмин Ражабовдан.

-- Шеригим гранатага кетган эди, дараги йўқ.

Эмин Ражабовнинг раигги оқариб кетган эди.

— Қўрқяпсизми?— деб сўради Черницов.

— Йўқ, ўртоқ комиссар, қўрқмайман, аммо гранатам қолмади. Танкларнинг кети кўринмайди...

— Анови танкни кўрмаяпсизми?— деди комиссар.— Унга катта радио карнайини ўрнатиб қўйишибди. Танклар юрганда, ўқ отганда, уларнинг шовқин-сурони радио карнайи орқали узоқ-узоқларга тарқалади. Худди ўн-ўн беш танк келаётганга ўхшаб ваҳима солади... Баъзи бир чумчуқ юраклиларни қўрқитиш учун қилинган иш бу!

-- Бизда битта ҳам танк кўринмайди-ку...

Нормат унга: «ваҳима қилмасангчи, Эмин!» демоқчи эди, немислар кўриниб қолди.

— Огоны!— деди Черницов.

Нормат душманга ўқ уза бошлади. Бутун взвод, рота ўқ узди. Душманни яхшилаб қарши олиш пайти келган эди. Танклар орқасидан эргашиб келаётган душман солдатларига икки томондан ўт очилди.

Кимдир, артиллеристлардан бири, 76 миллиметрлик тўпни судраб келиб, Нормат окопининг ёнига ўрнатди: «биринчи танкка оғонь!» деб қичқирди. Тўп командирининг кейинги командаларини мутлақо уқиб бўлмади, артиллеристларнинг шовқини, снарядларнинг портлаши билан Норматнинг қулоғида тўхтовсиз чиққириқ пайдо бўлди. Норматнинг назарида кўкнинг бир парчаси ерга қулаб тушгану ундаги булутлар яна фалакка кўтарилиш учун интилмоқда эди. Тўплар оғзидан отилган ўт парчалари осмоннинг момақалди роғи, чақмоқларига ўхшарди.

«Кўзингни очиб қара, Нормат, сен жанг майдонидасан». Нормат пешонасига ёпишган лой юқи терларини артиб, атрофга қаради. Унинг кўзига ўрмон тутаб қуяётгандек бўлди. Шарқдан, Чайка томондан эсган шабада тутунларни ҳайдагач, яна жанг майдони кўринди... Душман пиёда аскарлари танклардан ажралиб ерга ётиб олибди, бош кўтаролмайди.

Шундан кейин Нормат янада ўзини дадтя сизди. Ўзи ёғдирган ўтдан ер тишлаб ётган солдатларни ўз кўзи билан кўрди. Радио карнайи осиб олган танк тўхтади-да, бир оздан кейин алангалади. Шовқин бўшашди. Эмин ҳам бу манзарани кўриб жилмайди. У кўз билан кўриб, қулоғи билан эшитиб, комиссарнинг айт-гапларига ишонди.

Жанг кечгача давом этди. Ҳужум қилган ташклардан фақат иккитаси орқага қайтди. Қолганлари дарё ёқасида қолди. Мотоцикли солдатларнинг ярмигина орқасига қайтиб кетолди.

Жангдан кейин Черницов яна Эминнинг ёнига келди.

— Ким кучли экан?— деди у, Эминга қараб.

Эминнинг буғдой ранг юзига шодлик нури ёйилди.

— Мард кишидан ўлим ҳам кўрқади,— дедн комиссар,— ўқ ҳам қайтади. Биз бугун, ўлим олиб келаятган танкларга кўндаланг турдик. Ажал биздан қочди. Биз яна ўз окопларимизда қолдик. Ўтган сафар немисларни кўриб ўзини йўқотиб қўйган, тажрибасизлик қилган Ражабов бугун ёмон жанг қилмади. Мана, Нормат Жабборовни олайлик: бир фашистни мотоциклдан ардарди, яна бир солдатни ер тишлади. Бу менинг ўз кўзим билан кўрганларим, холос...

### 3

Черницов штабга келиб, Юрьевнинг тажанг бўлиб ўтирганини кўрди.

— Юқори штаб билан алоқа йўқ. Бомбардимон вақтида телефон симлар узилиб кетибди.

— Радио-чи? Радиони ишга солиш керак.

— Энг яхши радистларимиз ишдан чиқди. Бошқалари «ту-ту-т-ту» қиладн-ю армия штабини тополмайди.

Юрьев тобора тажанглиги ошиб, сўзида давом этди:— Душман дарёдан кечиб ўтибди. Кўприкнинг нариги томонида ҳам немис... Йўл берк! Москва — Смоленск йўли ҳам, биз турган йўл ҳам кесилиб қолибди.

Юрьев папиросини тутатиб қуюқ тутунларини ютаркан, харятадан кўзини олмай, гапида давом этди:

— Демак, батальонимиз қоп ичида қолган бўлиб чиқади...

— Қўмондонликдан буйруқ борми?— деб сўради Черницов.

— Қўмондон: «Тепаликни қўлдан бермангиз!»— деди. Черницов кўк ва қизил қаламлар билан безаб ташланган харитага қаради.

— Душманни бу жойдан ўтказмаймиз. Кечаги жанглар менда ана шундай ишонч ҳосил қилди.

Черницов генерал Погодиннинг айтганларини эслади. Ҳақиқатан ҳам батальон зиммасига катта масъулият юкланган.

— Чекинмаймиз. Охирги томчи қонимиз қолгунча курашамиз! Нима дейсан, Иван Петрович?

— Чекинмаймиз!— деди Черницов.

#### 4

«Хат ўқигани қўл тегмайди» дер эди Нормат. Мана энди бугун у бемалол мириқиб ўқиши мумкин. Батальон душман атакаси такрорланишини кутиб, оғир ва тенгсиз жангларга бардош беришга, ўзи контраатакаларга ўтиб, ёвга оғир талафот етказишга ҳозирланиб турди, мудофаани соат сайин мустаҳкамлай берди. Фашистлар эртаси кун атакани такрорламади. Улар қаттиқ қаршилик кўрсатилган жойларни орқада қолдириб, унинг атрофидан айланиб ўтиб кетавериш билан ўзини юпатди. Хуллас, Юрьев батальони фашист қўшинларининг анча орқасида қолиб кетди.

— Наряддагилардан бошқаларга дам берилсин.— деди Юрьев, тепалик гарнизонини айланиб чиққандан кейин.

Тургенев отделениеси бугун кечаси билан блиндажда дам олиши керак. Аммо ҳеч кимнинг кўзига уйқу келмайди. Ҳар ким ўз иши билан машғул. Нормат бундан бир ой илгари қадрдон дўсти Эргашдан келган хатни ўша кунлари неча марта ўқиган бўлса ҳам, ҳозир яна ўқимоқчи бўлиб, гимнастёркасининг чап чўнтагидаги конвертни олди. Ёмғир сувида ва терда нвиган қоғоз сарғайиб, ҳарфлари ёйилиб кетган. Бу хат Норматга қишлоқдан келган бирдан-бир дарак. Эргаш хатида, Нормат фронтга жўнагандан кейин, унинг ўрнини Адолат эгаллаганини, дашт бригадасига бошлиқ бўлиб, Норматнинг ишини давом эттираётганини ёзган. Адолат Нормат ўстирган ғўзаларни вояга етказиш учун куч аямаётгани хатда алоҳида айтилган. Хатнинг охирида: «Адолат ғалаба билан қайтишингни кутаётир» дейилган.

Нормат фронтга келгандан бери меҳрибон онаси ва қадрдон акаларидан хат олгани йўқ. Шу чоқ Норматнинг хаёли доволар оша кекса онаин, севимли Адолатни қидириб кетди...

«Меваларни йиғиштириб олдимикин, онайн зорим?— деди у. ўз-ўзига.— Узумни узиб олгандир, ёнгоқни келин ойилар қоқишиб бергандир. Беҳнинг иши осон. Анор қийнайди онамни. Анор серташвиш нарса: уз, сарала, ташиб ол, анор тупини ерга кўм... Хотин кишининг иши эмас бу. Шу кунларда ташвиши зўрайиб кетди онамнинг. Акамлар ҳам йироқда. Ҳеч бўлмаса, Эрмат акам уйда бўлганида эди, кампирни букилтириб қўймасди. Қийин, қийин онам бечорага. Менинг ташвишим ҳам еб ташлайди уни! Бундай қарасанг, кимга осон шу кунларда... Адолатга ундаи ҳам қийин. Қипяланғоч қақирда қизларнинг ўзи қолди. Уларнинг гамхўри ҳам ўшанинг ўзи. Қизлар унга қулоқ соладими, ёки энсасини қотирадими? Бегимхонинг ноз-карашмаларига бардош бериб, уни ишга сололадими Адолат? Эргаш, Адолат ишни яхши эплайпти, депти-ку! Бировга сўзини ўтказадиган қиз у! Сўз бермаганини йўлга солиб берадиганлари ҳам бор. Аммо Соҳиб қори билан Бозоровлар унга кишан бўлмасалар бас эди! Эҳ, Адолат, Адолат, ваъданга турибсанми? Бошингни Бозоровлар айлантириб қўйишмадими? «Фақат сизни кутаман!.. Фақат сизни кутаман!..» Ёдингдами шу сўзларнинг? Сеннинг бу сўзларинг ҳозир ҳам қулоғимда жарагглаб турибди. Кут! Фақат чидам билан кут!»

Тўсатдан «салом, ўртоқлар!» деган овоз эшитилди. Бу Черницовнинг танийш овози эди. Жангчилар қатори, Нормат ҳам сакраб ўрnidан турди.

— Салом!

— Ўтиринглар.

Комиссар жангчилар ўртасига келиб ўтирди. У, Тургенев отделениесининг блиндажини кўриб севинди...

— Одам қўли гул. Мана энди олти отари тугул мартери ҳам ололмайдиган бўпти!

— Бу, ҳам уй, ҳам қалъа!— деди Тургенев.

— Тўғри, ҳар бир қарич жойни қалъага айлантириш керак!— Черницов бу сўзларни алоҳида уқтириб айтди ва ҳаммани бир-бир кўздан кечирди.— Бугун кавлаган окопларингизни кўрдим. Агар ҳар куни мана шунчадан кавлайверсаларингиз, 7 ноябргача хандақлар

орқали ер ости йўл билан Берлинга бориб қолишимиз ҳеч гап эмас!

— Берлингача дейсизми?

— Берлингача!

— Демак, энди чекирмаймизми?

Черников мамнун жилмайди.

— Буйруқ бор... Олий Бош Қўмондонлик жангчиларни ташаббусчи бўлишга чақиради. Бу — мен фақат солдатман, деб ўйлама, сғир пайтларда ўзингни генерал деб бил, маршал деб бил, бутун мамлакат учун, жавобгар кишиман деб бил, мамлакатнинг хўжайини сансан, дегани!

— Ҳақ гап шу!— деди Тургенев.— Мамлакатнинг хўжайини ким? Ишчи! Яна ким? Деҳқон! Ишчи ким? Мен, Тургенев! Деҳқон ким? Нормат, Эмин! Давлатни тиклаб, суяб турувчи ҳам, уни кўкларга кўтарувчи ҳам ўзимиз. Унинг нонини еб, тузини ичаётган ҳам ўзимиз. Партия биздан нима талаб қилса ҳам ҳақли!

— Партия: «Тўхта!» деб талаб қилипти. Бу «Тўхта!» нинг маъноси буюк. Фашистлар тўсатдан ҳужум бошлади. Биз мамлакат ичкарисидаги қисмларни чегарага тўплай олмадик. Биринчи кунларда тенгсиз жанглар бўлди. Ҳозир аҳвол бошқача. Ичкаридаги қисмлар етиб келяпти. Бизга ўхшаган сал илгарроқ келган қисмлар душманни тўхтатса, ўша янги қисмлар келиши билан партия: «қўзғал!» дейди. «Ғарбга қараб, фақат олдинга қараб қўзғал!» дейди. Орқамизда Москва турибди. Агар биз гов бўлолмасак, душман найзаси Москвага санчилади. Москва эса мамлакатимизнинг юраги. Юраксиз яшаб бўлмайди!

— Севимли Москва учун бир жон эмас, ўн жон берсам ҳам майлига!— деди Нормат ўрнидан туриб.

— Севимли Москва учун ўлишга тайёرمىз!— дейишди жангчилар.

— Улимдан гапирманглар!— деди Черников ҳар бир сўзини чертиб.— Москва ҳимоячилари ўлмайди! Москва ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли иш турганда, кимнинг ўлгиси келади! Фронтида ўлиш осон гап, аммо биз осонликча ўлмаймиз. Биз осонликча ўладиган кишилардан эмасмиз!

Мен ёшлигимда боксёрликни яхши кўрардим. Ҳавас қилиб тўгаракка кирдим. Тренер менга қўлқош берзётди: «юрагингни сақла!» деди. Машғулот вақтида ҳам, ҳақиқий кураш вақтида ҳам «юрагингни сақла!»



дер эди у. Гоҳ маҳалларда кучли ва бадтарин «душман»га рўпара келиб қолардим. Уриб ҳамма ёғимни шиширарди, бурнимдан қора қон келарди. Аммо юрагимга мушт тегизмас эдим.

Черников чўнтагидан папирос қутисини олиб, секин очди, бир дона папирос олиб, икки томонидан пуфлаб, лабларига босгач, гугурт чақди. Папиросни чекиб бўлгач, унинг сўнишини кузатиб туриб, деди:

— Москва — Ватанимизнинг юраги!

### Тўққизинчи боб

## НОРМАТНИНГ ҒОЙИБ БУЛИШИ

### 1

Нормат блиндаждан чиқиши билан кўкда чалқанча ётиб олган уч кунлик нафис ойни кўрди. Кўкни қоплаб олган саноқсиз юлдузлар қозонга ёпишган учқунлардек йилтираб турибди. Тун жимлигини самолёт моторининг узокдан келаётган бўғиқ товуши бузмоқда. Нормат бир оз қулоқ солиб турди. «Овози таниш, ўзимизнинг совет самолёти!» Нормат осмонга тикилиб, самолётнинг қаердалигини аниқлай олмади. Бир оздан кейин Ильичёвқада, сўнгра қўшни қишлоқларда немис гарнизонларининг зенит тўплари тилга кирди. Ҳавода моторнинг уни ўчди, яна пайдо бўлди, яна ўчди. Нормат блиндаж тепасига чиқиб олиб, зулмат қўйнига тикилиб қаради, диққат билан қулоқ солди. Мотор яна гуриллай бошлади. Бу гал зенит тўпларининг снарядлари тепалик устида портлади.

— Совет самолёти! Ўзимизнинг самолётимиз!

Норматнинг бу овози яқин блиндажларга етиб борди, постлардан ҳам сигналлар келди. Бутун батальон самолётнинг тепаликни қидираётганини билди, душман зенитига чап бериб манёвр қилаётганини тушунди.

— Оқ чойшап олиб чиқинг!— деб буюрди Морозов, ёнидаги жангчи Великанга.

Великан старшина блиндажидан офицерларга атаб олиб юрилган иккита оппоқ чойшапни кўтариб чиқиб тепаликнинг очиқ жойига ёзди. «Т» ҳарфини ташкил қилган оқ сигнал атрофида айланган самолётга қараб штаб томондан кимдир ракета отди. Самолёт душман зенит снарядларидан ўзини панага олиб, баланд кўта-

рилди-да, остки чироғини ёқди-ю яна дарҳол ўчирди. Бу — совет самолётларининг Қизил Армия қисмлари устидан ўтаётганда берадиган сигнали эди.

Жангчилар севинганларидан чапак чолиб, самолётга қўл чўзиб имо қилиб, уни пастга таклиф эта бошладилар. Учувчи буни кўрдими, йўқми, ҳар ҳолда, шу маҳал самолётдан бир оқ нарса узилиб тушди-да, шамолда чайқалиб, пастга интилди. Кейин снарядлар 119 тепалигига интилаётган парашют атрофида ёрила бошлади. Бир оздан кейин оқ шойи сўниб, ғужмайди, сўнгра қорайиб кўринган юк тошдек пастга шўнғиди-да, гурс этиб ерга тушди.

— Қаерга тушди?

— Қаерга?

Кўприк олдидаги постларнинг хабарига қараганда, самолёт ташлаган юк немислар мудофаасининг чап қанотидаги окоплардан бирига тушган. Юрьев бу хабарни аниқлаш учун барча постларга телефон қоқди. Тепалик мудофаасининг шимолий қанотидаги постлар: «парашют бетараф зонага, Варшавканинг нариги ёғига тушди» деб хабар қилдилар.

— Координатини айт!— деб Юрьев телефон трубкасига қичқирди.

— Шохи синган катта қарағайдан ўн метр ғарбда...

Юрьев телефон орқали буйруқ берди:

— Парашют яқинига ҳеч кимни келтирма! Ўша ерни тўхтовсиз ўққа тут!— Кейин у, чап қанотдаги тўплар батареясига, сўнгра минамёт взводига буюрди:— 26/36 районига оғони!

Олдин минамётлар, кейин тўплар тилга кирди. Юрьев мина, снарядларнинг қаерларда ёрилаётганини аниқлашни буюрди.

— Методичний оғони!— деди Юрьев ва ёнидаги Морозовга буюрди:— Взвод олиб бор!

Сўнги командадан кейин снаряд ва миналар навбатма-навбат, сийракроқ, лекин тўхтовсиз портлаб турди.

— Взвод тайёр!— деди Морозов, капитанга рапорт бериб.

Юрьев ўридан турди-да, қўли билан парашют тушган томонни кўрсатди.

— Юк душман қўлига тушмасин. Операцияни шахсан ўзинг бошқар. Ўлжасиз қайтма!

— Есты!

Морозов бир взвод билан парашют тушган бетараф зона томонга жўнади. У, йўлда парашют тушган жойни бинокль билан кузатиб борди. Тўсатдан оптикада немис солдатлари кўриниб қолди. Улар ҳам ўлжани олишга шошилар эдилар. Морозов уларнинг йўлини тўсиш учун қичқириб команда берди:

— Огоны! Огоны!

2

Полковник Грейдер совет самолётидан парашютта ташланган юкни дарҳол штабга келтириш тўғрисида олдинги позициядаги бўлинмаларга буйруқ берди. Капитан Краузе ротаси окопларидан кўтарилиб, ўша томонга эмаклаб кетди. Штабда саросималик бошланди...

— Ўлжа олиндимми?

— Совет самолёти нималар ташлабди?

Грейдер тепаликдаги совет кучлари тўғрисида аниқ маълумотга эга эмас эди ва шу сабабдан қамалдаги совет солдатларининг фронт билан қандай алоқаси борлигини билишга қизиқарди. У самолётдан ташланган юкни ўқ-дори, озиқ-овқат билан бирга, албатта, қамалдаги кучларга бирон қўлланма бўлса керак, деб ўйлади. «Большевикларнинг қўлига тушган ҳар бир ўқ герман империясини яралаши мумкин, совет солдатига бериб қўйилган ҳар бир плитка шоколад бизга қарши қўйилган батарея билан тенг»— дер эди Грейдер.

119-тепаликнинг самолёт орқали мунтазам қисмлар билан алоқа боғлаши айниқса Грейдерга кўрқинчли бўлиб туюлди. Шунинг учун у, бетараф зонага тушган юкни олиш операциясига шахсан ўзи раҳбарлик қилди. У, рота кўзғалиши билан, рация олдида туриб олди. Грейдер:

— Вазиятни айт!.. Нима ҳодиса?.. Вазиятни айт!— деб бақирар ва ҳар сафар бир хилда жавоб оларди:

— Алангада қолдик, қаршилиқ зўр...

Грейдер папирোসини тутатиб, ташвиши зўрлигиданми, адъютантга яна бақирди:

— Шнапс!

Грейдер бир рюмка ароқни ютиб, яна рацияга қичқира бошлади:

— Вазиятни айт!.. Юк олиндимн?

Раця миябрамядан Краузенинг бўғиқ овози эшитилди.

— Жа... жаноб полковник!..

— Дудуқланма, буйруқ бажарилдими, йўқми?.. Уят! Бутун бошлиқ рота битта яшикни қўлга ололмаса, уят!

— Тупроққа қоршиб кетяпмиз...

— Ҳозир танклар боради. Қаттиқ тур, ўлжани берма!

\* \* \*

Капитан Юрьев бестараф зонада икки немис танки пайдо бўлгани тўғрисида хабар олгач, 76 миллиметрлик бир тўпни прямой наводкага қўйишни буюрди.

— Тургенев қаерда?

— 26/36 координатда, душман взводининг йўлини тўсиб турибди.

— Шу координатга яна бир отделенне ташла!

— Есты!

Лейтенант Морозов Тургенев отделениесига ёрдам юборолмади. Унинг чап томонидан ўтган бронетранспортер йўлини тўсиб олиб, Морозовнинг авангардияни ўққа тута бошлади. Иккита танк пана жойдан тўп отмоқда. Морозов яна телефонга келиб, вазиятни Юрьевга гапириб берди. Юрьев аҳволнинг оғирлигини сезиб, тўртинчи ротанинг яна бир взводини жангга солди.

— Битта ҳам патрон душман қўлига тушмасин!

Жанг узоқ давом этди. Парашют тушган жой неча марта қўлдан қўлга ўтди-ю, аммо азбаройи ўтнинг даҳшатида ундаги ўлжани ҳеч ким ўрнидан қимирлатолмади. Юрьев вазиятни ўз кўзи билан кўриш учун олдинги позициядаги взводга келди.

— Ана, ана ўша!..— деди взвод командири Куценко, қўлини чўзиб, ўша ерда ётган икки яшикни кўрсатаркан.

Юрьев окоп ябига суяниб, икки қарағай оралигидан рўпарадаги майдончага қаради. Шохлар синиб, пўстлоқлари арчилиб кетган, ўқ ва снаряддан танаси титилган қарағайлар тагида икки нарса қорайиб турибди. Юрьев биноклни филофига солди-да, Куценкога қаради.

— Олаизми?

— Оламиз! Менга чап томондаги танкнинг унини ўчириб берсангиз бас!

Юрьев телефон трубкасини олиб:

— «Ураган!» «Ураган!» Мен «Москва», мен «Москва» — деб қичқирдида, керакли кишининг овозини эшитгач, буюрди:— Яна бир тўлни ишга сол!

Бир оздан кейин Куценко жангчиларга атакага кўтарилди...

### 3

Капитан Юрьев кўлини орқасига қияб, кузатиш пунктининг блиндажини айланиб юрибди. Морозовнинг телефонда берган хабарига қараганда Куценко взводининг тақдири номаълум. Немислар контратакага ўтиб, взводни ротадан ажратиб қўйган. Узоқ-узоқларда бир қанча вақтгача отишмалар эшнтилиб турди-ю, кейин тиниб қолди. Бу жимлик хатарли эди. Грейдер Морозовнинг энг яхши взводини қуршаб олиб, тор-мор қилиши мумкин эди.

— Батальонни оёққа турғизиш керак,— деди Юрьев, блиндажга кириб келган Черницовга.

Черницов гўё ҳеч қандай хавф-хатар йўқдай, шинелини аста счиб, эшик олдидаги тўсинга қоқилган миҳга илиб қўйди, гимнастёркасининг чап чўнтагидаив майда тишли тим қора тароғини олиб, сочини таради. Кейин, стол ёнига келиб, комбат ёйиб қўйган харитага ўйчан тикилиб қолди. Унинг мунчалик вазминлиги Юрьевга ёқмади. Вақт зиқ, вазият хавфли. Юрьевни безовта қилаётган нарса нега уни ташвишлантирмайди энди? Бундай пайтда салмоқдорлик кетмайди. Нега тушунмайди бунни комюссар? Черницов Юрьевнинг безовта бўлаётганини, тез жавоб кутиб, узоқ пойлаб қолганидан ранжиётганини тушунди. Аммо Черницов командир ўртага ташлаган масалага очиқ-ойдин жавоб беришга тайёр эмас эди. Бутун батальонни ҳозир жангга кўтариш керакми, йўқми, деган масала уни ўйлатиб қўйди. Лекин Юрьевнинг феъли унга маълум. Агар унинг саволига дарҳол жавоб қилмаса, Юрьев ўт бўлиб кетиши мумкин.

— Андек сабр қилайлик, Федор Петрович,— деди Черницов ва яна харитага тикилди.

Юрьев ўзинча «ҳарбий харитадан нимани қидиряпти бу одам» деди-да, чўнтагндан папиросини олиб, тутатиб чека бошлади. Черницовнинг бу ишини у «ортиқча қайсарлик» деб тушунди ва кечагина шинель кийган Черницов, ҳарбийда тиши чиқиб, ҳарбийда балоғатга етган капитанга тактикадан дарс бермоқчи, деб ўйлади. Бу унга алам қилди.

— Нега қайсарлик қиласиз, ўртоқ комиссар?..

Черницов харитадан кўзини олиб, Юрьевга боқди.

— Ўтиринг,— деди Черницов, унга мулойим қараб.— Ўтиринг, вазиятни аниқлаб олайлик.

— Нимани аниқлаймиз, ҳамма нарса аралашиб кетди. Бир взводимиз душманга ем бўлиб ётибди. Уни Грейдер икки оёғининг ўртасига олиб ғажияпти.

Черницов столга хиёл энгашиб ўтирган эди, Юрьевнинг қийналётганини кўриб, ғозланди, унга тик боқиб, қатъий бир вазиятда гап бошлади:

— Аҳвол сиз ўйлагандан ҳам оғир, ўртоқ капитан. Борди-ю, ҳужумга ҳам ўтдингиз, у ҳолда ҳар қадамнигизда минг хил кутилмаган ҳодиса пайдо бўлади. Ҳамма иш чаппасига айланиб кетиши мумкин. Чап қанотимиз ҳам нотинч. Ким билади, Грейдер нима килмоқчи? Қўлимизда ҳеч қандай маълумот йўқ. Батальонни кўтариб ўнгга бурилсангиз, Грейдер чапдан тепаликка чиқиб олади... Унда нима қиласиз? Ўйлаб қадам босиш керак, ўртоқ капитан!

Юрьев ўйланиб қолди. У, Черницовда бутун батальонни, шу жумладан Юрьевнинг ўзини ҳам ушлаб тура оладиган қандайдир куч борлигини сезарди. Бу куч Черницов тарбиялаётган, кундан-кунга кўпайиб бораётган батальон партия ва комсомол ташкилотларининг авангардлигидами, ёки унинг кўп ёшлия яшаб, партия ишида чиниқиб, идрокли, иродали бўлиб етишганлигидами, ҳар ҳолда, Черницов ҳарбий киши бўлмаса ҳам, талбирли киши бўлганидан, Юрьев унинг қудратига ишонарди. Шунинг учун ҳам Юрьев унинг маслаҳатига қулоқ солишга мажбур бўлди.

Юрьевнинг бундан чиқарган хулосаси шу бўлдики, у дарҳол разведка уюштиришга киришди, кузатув пунктларининг хабарларини тўплади, Морозовнинг сўнги маълумотини синчиклаб ўрганди. Шу вақт унинг бахтига партизанлар отрядининг рациясидан хабар келиб қолди. Партизанлар, немисларнинг бир баталь-

онча аскарлар чап қанотдан кўчиб, Ильичёвка орқали шарққа томон йўл олганини хабар қилдилар.

Юрьев югуриб блиндаждан чиқди-да, кузатув пунктидан дурбинда қараб турган Черницовнинг олдига борди.

— Янгиллик! Янгиллик!— деди Юрьев қувониб.— Генерал Шмидтнинг қуюшқони тор келиб қолганга ўхшайди. Чап қанотимиздаги солдатларини Москва фронтга чақириб олибди...

— Бу бизга иснод,— деди Черницов, капитанга маънос тикилиб.

Юрьев бу гапнинг маъносини тушунолмади, Черницовга тикилиб қолди. Ҳозиргина чап қанотдаги ротинчликдан хавфланган Черницов, энди унинг тинчланишидан хафа. Ахир, чап қанотдаги душман кучларининг кетиши батальоннинг операциясини енгиллаштирмайдими?

— Бутун бошлиқ бир батальонни осонгина кетказиб юбордик,— деб афсусланди Черницов.— У батальон Москвага ҳужум қилаётган дивизияларга қўшилиши турган гап. Партизанларга хабар қилиш керак, дарҳол ўша батальоннинг йўлини тўсишсин. Батальонни Москва йўлидан қайтарайлик. Бунинг учун уларнинг назоратига — паромга ҳужум бошлаш керак. Ана шундагина батальоннинг йўлини тўсоламиз.

Немислар 119 тепалиги районидаги кўприкни ололмади, ундан айланиб ўтиш вақтида дарёнинг икки томонида паром-кўприк қурган эдилар. Бу паром уларнинг ўқ-дори, озиқ-овқат ташишга ҳам хизмат қилиб турди. 119 тепалигидаги кўприк олинмаган чоқда ҳам Грейдернинг полки мана шу паромларни партизанлардан, фронт орқасида қолган рус солдатларининг ҳужумидан сақлаши, фронт юқларининг партизанлар районида беҳатар ўтишини таъминлаб туриши мумкин эди. Батальоннинг паромга ҳужум қилиши — Грейдернинг озиғини суғуриш билан баробар эди. Шу сабабдан Черницовнинг таклифи Юрьевга маъқул тушди. Юрьев дарҳол радистга буюрди. Радист партизанлар рақибининг сигналинини такрорлаб, эфирга қичқира бошлади.

Юрьев разведка взводини чақириб, душмanning паром кўприги томонида нима воқеа бўлаётганини, сўнгра капитан Краузе батальони қаерда турганини аниқлаб келишни буюрди. Сўнгра Юрьев учинчи рота

командирга ўнг қанотдаги душман ротасининг жанговар позициясини аниқлашни топширди. Дарё бўйидаги ва катта йўл атрофидаги пистирмаларга кузатув натижасида кўзга чалинган ҳар бир шарпа тўғрисида дарҳол шахсан комбатнинг ўзига телефон қилиб туриш буюрилди. Юрьев Куценкони телефонга чақириб, Морозов взводи билан қўшилиш ҳақида буйруқ берди. Артеллеристлар бошлиғига ҳам телефон орқали: «снарядни эҳтиёт қил, фақат кўзга кўринган мўлжалгагина сарфла!» деди комбат. Юрьев ҳамма бўлинмаларга тегишли йўл-йўриқ бериб бўлгач, эрталабки жангга тайёрлана бошлади.

Тонг отгунча разведкачилар взводдан, қанотлардаги роталардан, кузатув пунктларидан, пистирма постларидан керакли маълумотлар тўплади. Эрталаб соат еттиларда Куценко Морозов группаси билан қўшилгани ҳақида, сўнгра Морозов ротанинг асосий кучларини жамлаб, Краузе батальонининг йўлини тўсиб олгани ҳақида рапорт берди. Бир оздан кейин партизанлар рациясидан ҳам Ильичёвка йўлида бораётган душман солдатларига пистирмалар тўсатдан ҳужум бошлагани ҳақида хабар келиб қолди. Шундай қилиб, эрталабгача Чайка атрофидаги вазият ойдинлашди. Душманиннг асосий қисмлари бу ердан узоқлаб, Орёл, Тула, Серпухов ва Нарофоминскка яқинлашиб қолган эди. Шу сабабдан у ёқда бораётган жангларнинг шарпаси сезилмас, фақат ярим кечада ёки эрта тонгдагина онда-сонда оғир тўпларнинг овози эшитилиб қоларди. Демак, Генрих Грейдер асосий қисмлардан анча узоқда, юрьевичлар билан партизанлар ўртасида қолган. Унинг фронтдан тез ёрдам олиши амри-маҳол. Юрьев дадил ҳаракат қилса бўлаверади.

— Харитада қоронғи жой қолмади,— деди Юрьев Черницовга.

Черницов кулимсираб жавоб қилди:

— Мана энди ишни дадил бошлайверишимиз мумкин.

#### 4

Эрталаб соат 7.30 да Юрьев бир ротани тепаликда қолдириб, қолган кучлар билан душман паромига ҳужум бошлади.



Юрьев тузиб, Черниповъ маъқуллаган жанг планига мувофиқ, Морозов ротаси, пулемёт ва миномёт взводларининг ёрдами билан, душман паромига рўпарадан ҳужум қилиши керак эди. Унинг жанговар ҳаракатини 76 миллиметрлик тўплар батареяси ва миномёт ротаси бошлаб берди. Учинчи рота автоматчилар взводи билан бирга ўнг қанотдан келиб, паром-кўприкларни эгаллаши лозим.

Морозов буюрилган соат ва минутда ҳаракат бошлади ҳамда йиғирма минутлардан кейин: «Паромларни кўриб турибман. Чап қирғоққа артиллерия залпи берилсин!» деб телефон қилди.

Юрьев душман пароми атрофидаги вазиятни аниқлағач, батареяларга тўплардан, миномётлардан залл беришни таққлади.

— Методик ўт очилсин. Снарядлар, миналар эҳтиёт қилинсин!— деди у.

Морозовнинг «паром-кўприкка яқинлашиб қолдим» деган сўнги сигналидан кейин учинчи рота ўнг томондан атакага ўтди. Бу рота паромларга яқинлашиб қолганда ўрмон орқасида пайдо бўлган самолётлар дастлаб Ильичёвка қишлоғини, кейин Чайканинг ўнг қирғоғини пулемётдан ўққа тутди. Икки самолёт келиб паромларга бомба ташлай бошлади. Юрьев батальонининг атакаси, совет самолётларининг ҳужуми, гўё аввалдан келишиб қўйган план асосида олиб борилаётгандек, бир-бирига мос келиб қолди. Бу ҳол Грейдернинг бутун планини ўзгартириб юборди. Унинг назарида, Қизил Армия мунтазам қисмлари генерал Шмидт қўшинларини тор-мор этиб, энди бу ёққа ёпирилиб келаётгандек эди. Генерал галдираб қолди.

— Краузе! Краузе!— деб бақирарди у телефонда.

Краузе унинг овозини эшитмас, телефондан кучли шамолгина ғувилларди.

Грейдер кузатиш пунктига чиқиб, жанг майдонига қаради. Ильичёвкадаги немис омбори ёнмоқда, паром-кўприкнинг чап қанотидаги запас паромлар тутамоқда. Кўприк бутунми ёки мажақлаб ташландими, бу унга қоронғи. Кўприкка икки томондан атака қилинаётганигина аён.

Грейдер армия корпуси штабига рация орқали сигнал бериб, ёрдам сўради. Унга штабдан: паромни ўз

кучларнинг билан сақлаб қолинглар деган қатъий буйруқ берилди.

Грейдерга маълум бўлишicha, Бокнинг асосий қўшинлари ўтган катта йўлда ҳам, асосий кўприк — кечув районида ҳам жанг бормоқда эди. Шмидт қисмлари неча кундан бери олга жилолмай, қаттиқ контракалари қайтариш билан овора. Демак, Грейдерга ёрдам берадиган вақт эмас. Шундай бўлса ҳам, Грейдер бўш келмади.

— Бўлмаса, авнация!— деб қичқирди у.— Биладан, у ерда ҳам қийин, ammo бу ерда ундан ҳам қийин. Юрьев партизанлар билан бирга тепамга ёпирилиб келаяпти, ҳеч бўлмаса бир звено учуриб юборинг!

Рация буюгга жавоб бермади...

Грейдер яна дурбинни олиб, жанг майдонига қаради.

— Краузе! Ёлгончи Краузе!— деб қичқирди у.— Юрьевнинг бир взводи қириб ташлаганинг ёлгон экан. Ана, ўша қирилган взвод эски блиндаждардан чиқиб, қоқ биқинимга соляпти.

## 5

Эрталаб соат тўққиздан ўттиз минут ўтганда иккала рота ҳам кечувнинг чап қирғоғига чиқди. Паромкўприкдан қочиб кетаётган охири солдатлар орасида немис капитанининг мундири кўриниб қолди.

— Битта ҳам фашист Чайканинг чап қирғоғига ўтмасин!— деб қичқирди Черницов.

Кўприкка икки томондан ўқ ёғилди. Черницов автоматнинг дискасини янгиллаб олгач, сакраб баладликка чиқди-да, ўқ уза бошлади. Унинг ўқи тегдими, ёки пулемёт ўтига учдими, Краузе кўприкка муқкасидан йиқилиб, паромга осилиб қолди. Кўприкдан беш-олти солдатгина ўрмалаб ўтди...

Шу вақт ҳавода душманининг икки звено бомбардирмончи самолёти пайдо бўлди. Улар ким қаердалигини суриштирмай, Чайканинг ўнг қаютидаги Грейдер солдатларини, кейин паром кўпригини бомбардимон қилди. Бир оздан кейин ўзига келган учувчилар жаҳл билан чап қирғоққа ёпишди. Лекин қилар иш қилиб қўйилган эди. Паром парчалари, кураклари, тахта ва резиналар сув сатҳида сузиб юрарди.

— Энди ерга чуқурроқ кириб олишимиз керак,— деди Черницов, рота командирларига,— Грейдер бизни бу ерда тинч қўймайди.

— Яшикларни олиб кетайликми?— деб сўради Морозов,— парашютдан ташланган яшиклар шу ерда, Куценко олиб келяпти.

— Қани Куценко?

— Ана, ана!— деди Морозов, сўқмоққа қўл чўзиб кўрсатиб.

Куценко Черницовни кўриши билан югуриб келиб рапорт берди.

— Уртоқ комиссар, буйруқ бажарилди.

Куценко жангчилари икки яшикни судраб келиб, Черницов олдига қўйишди. Иккала яшикда ҳам патрон бор эди.

— Мана, энди Грейдернинг адабини берамиз!— деди қувониб Черницов. Кейин, ҳалок бўлган жангчиларнинг ҳисобини олди-да, Куценкодан сўради:

— Ярадорларнинг ҳаммасини олиб чиқдингизми?!

— Олиб чиқдик. Аммо бир кишини тополмадик,— деди Куценко, афсусланиб.— Яхши жангчи эди.

— Ким?— Черницов ташвишланиб сўради.

— Жабборов Нормат. Жангчи Отступнийнинг айтишича, унинг окопини танк босиб ўтган эмиш... Қндирдик, қидириямиз...

Черницов Куценко взводи жангчилари дам олаётган жойга борди. Улар бўлиб ўтган жангни қизгин муҳокама қилишмоқда эди. Отступний снаряд тегиб узилиб тушган қарағай ёгочга ўтириб, ҳаммага гапини маъқулламоқда. У муболағага шундай берилган эдики, жангдан хабарсиз киши уни бутун бир немис ротасини якка ўзи қириб ташлаб, ўлжани ротага судраб келган деб ўйлаши турган гап эди. Черницовнинг келганини ҳеч ким сезмай қолди. Отступний бўйнини чўзиб, қўллари арра қилиб гапираркан, лаблари дўрдайиб, кўзлари ола-кула бўлиб, кекирдагидаги томирлари бўртиб чиқиб кетган эди. Жангчиларнинг бири ёнбошлаб олган, бири эътиборсизлик билан милтиқ тозаламоқда. Баъзилари Отступнийнинг ҳикоясини бўлиб, лоф жойларига эътироз билдиришарди. Эмин Ражабов жим. У, пўстлоқлари арчилиб кетган қарағайга суяниб, шапкасп билан кўзларини тўсиб, паришон ўтирибди. Исроил Азимов ҳам ғамгин, боши қуйида. Хуллас Норматнинг

йўқолганлиги ҳамма учун оғир ташвиш бўлиб қолгани сезилиб турарди.

Черников жангчилар даврасига кириб келди.

— Салом, ўртоқлар!

Тургенев комиссарнинг овозини эшитиб шошилиб қолди шекилли, ўтирган жойидан сапчиб туриб қичқирди:

— Смирно!

— Вольно, вольно,— деди Черников.— Утиравернинглар. Қани, Отступний, ҳикояни давом эттиринг.

Комиссарнинг бу таклифи Отступнийни рағбатлантириб юборди. Отступний даврадагиларга «кўрдиларингми» дегандек қараб олди-да, автоматни тиззасига олиб, шапкасини тузатиб, гапида давом этди:

— Салгина қолди, танк ёнидаги окопни мажаклади-ю, танкист мени кўрмади...

— Нормат қаерда эди?

— Ўша околда эди. Мен танк билан овора бўлиб қолиб, кузата олмадим. Кейин қарасам, жойида йўқ...

— Мажақланган окопни қарамадингми?— деб луқма ташлади Дронов.

— Бронетранспортёр келиб қолди...

Тургенев Отступнийга хўмрайиб қаради:

— Жабборов яраланди, орқага жўнатиб юбордим, демадингми?

Отступний қўлини бир силтаб, бўйинини чўзди.

— Ажаб гапни гапирасан-да, сержант, тепасидан танк ўтади-ю, яраланмайдими?

Тургенев қўлларини арра қилиб, бўйинини чўзиб, чақчайиб турган Отступнийнинг кўзларига бақрайди-да, қатъий сўради:

— Қани ўша ярадор?

Отступний Тургеневнинг ёниб турган ўтли кўзларидан кўзларини яширишга уринди-ю яширолмади, киприкларни пирпираб, довдираб қолди, ўзини ростлаб олиб, Тургеневга ўшқирди:

— Нега мунча тикиласан, сержант, кўзларимдан нимани қидирыпсан, а?

Тургеневда ҳам, Черниковда ҳам уш айблаш учун асос йўқ эди, аммо Отступнийнинг галдираши уларни шубҳалаштириб қўйди.

## ДАШТДАГИ ҲАНГОМА

I

Куз кирди. Пахта очилди.

— Даштга ҳайда!— деди Бозоров, извошга ўтириб.

Извошчи узун қамчисини бошида баланд ҳаволатиб қарсиллатди-да, отларга қараб қичқирди:

— Қани, боқувда орттирган ҳунарингни кўрсат, лочинлар!

Қулоқ чимириб турган отлар бирдан олға ташланди.

Бозоров даштга туш пайтида етиб келди, узоқдан қизларнинг қорасини кўриб, извошдан тушди.

— Извошнинг чангини арт,— деди у извошчига.— Менга қара, ярақлатиб юбор, хўпми!

— Ҳозир, хўжайин, айтганингиздан зиёда бўлади.

Извошчи латталарини ариқдаги сувга ботириб ишга тушган эди, Бозоров чақириб қолди.

— Шошма, кел, чангимни қоқиб қўй!

Извошчи хўжайиннинг чангини қоқиб, яна ишга тушди. У, кичик банкадан мой олиб, извошини мойлаётганда, Бозоров яна чақириб қолди.

— Этигимнинг креми қаерда?

Барча «тайёргарлик тахт» бўлгач, Бозоров «ландиш» атиридан юзига, сочига, кителининг ёқасига суртди.

— Қани энди, чу де! Менга қара, юганни калтароқ ушла, отлар гажжак бўлиб отилсин!

— Хўп, хўжайин, айтганингиздан зиёда бўлади.

Ҳақиқатан ҳам отлар дала шийпонига Бозоровнинг айтганидан ҳам зиёда бўлиб, кумуш жабдуқларини шалдиратиб, қўнғироқларини жаранглатиб етиб келди. Извош тўхташи билан қизлар югуришиб келиб, ўраб олишди.

— Нима олиб келдингиз?

— Бу нима?

— Чулкиси борми?

— Атиричи?

— Вазелинчи?

Қизларнинг қизиқишларини кўриб, Бозоров қувониб кетди. «Мана энди қўлга туширмасам, қачон туширмам?» Қизлар Бозоровни ўраб олиб: «сотмайсизми?»—

деб қистай бошладилар. Бозоров яшиқларни очиб қўйди: оқ қанд, шоколад, конфет, совун, атир, ула... Буларнинг муаттар ҳиди гуркираб димоққа уриб, қизларни қувонтириб юборди.

Бозоров ўзини бозорга солди.

— Кимга нима берилишини Адолатхоннинг ўзи айтсин.

Адолат пайкалда энгашиб пахта термоқда эди, Шакархон югуриб бориб, уни шийпсига бошлади: «Юр, Бозоров чақиряпти. Ўзинг олмасанг ҳам бизга олиб бер».

Адолат келиши билан Бозоров унга мулозамат қила бошлади:

— Ҳорманг, Адолатхон! Колхозда биринчи бўлиб теримга тушибсиз, табриклайман. Сизга совга олиб келдим. Шуларнинг ҳаммаси сизники. Буюринг!

Адолат извошдаги тансиқ моллар, зеб-зийнат буюмларни кўриб, шуларнинг ҳаммаси бир бригадага тегишли эканига ишонмади.

— Қанчаси бизники?

— Ҳаммаси сизники, яхши қиз,— деди Бозоров, қўлларини қовуштириб.— Етмаса яна келтираман.

— Жуда кўп-ку, бировнинг ҳақи бўлмасин, тагин?

— Йўқ-йўқ, сизники!— деди Бозоров ва қизларга қаради:— Бу кишига кўп мол келтирсак ҳам ёқмайди.

Қизлар бир-бирларига қарашиб, кўзларини қисиб қўйишди.

— Менинг тегишимни бераверинг.— Бегимхон Бозоровнинг олдига келиб, икки қўлини белига тираб, ноз-карашма қилди.

— Вой ўлмасам, ановнинг кўз сузишига қара-я,— деди Шакархон, Адолатни туртиб.

Адолат Бегимхоннинг қилиғига парво ҳам қилмай, қизларга:

— Керакли нарсаларни олаверинглар, қизлар!— деди.

Қизлар извошда келган молларни талай кетдилар.

— Менга атир.

— Менга совун.

— Менгаям...

— Шошманглар-шошманглар,— Бозоров яна Адолатга хушомад қилди.— Энг олдин бригадир олсин. Мана, Адолатхон, олинг: шоколад, конфет, чулки, ула, «Кристалл»...

— Ол, ол!— деди Шакархон.

Адолат қизларнинг қистови билан майда-чуйда олди.

— Пули қанча бўлади?

— Бепул.

— Нега?! Нега бепул бўлади? Олмайман бўлмаса!

— Пулини дадангиз тўлаб қўйдилар. Олмаганингизни эшитиб қолсалар, бетим шувут бўлади. Олаберинг, яхши қиз.

Адолат қўлига олган нарсаларни извошга отиб, пахтазорга кириб кетди.

## 2

Бу гап Тўхта холага етмай қолмади.

Кампир кўпдан бери Адолатни кўргиси келиб юрган эди. Адолатни кўрса, Норматни кўргандай бўлар, юраги андак таскин топар эди. Адолат ҳам кампирни соғиниб юарди.

Кампир қишлоқда, Адолат даштда.

Тўхта хола қизариб қолган беш-олтита анорни рўмолчага тугиб, даштга борди. Адолатнинг юраги севинчдан ёрилгундай бўлди. Қиз ўзини онанинг бағрига отди. Кампир унинг кунда қорайган пешонасидан ўлди, шабадада тўзиган сочларини силади. Бир зумда қизлар уларни ўраб олишди. Бегимхон Тўхта холанинг қўлидаги тутунчани олиб, ўртага ёзди...

— Сизларга атаб олиб келдим, қизларим!— деди кампир ва бир жуфт қўшалок анорни рўмолдан олиб Адолатга узатди:— Буниси сенга, қизим!..

Адолат қўшалок анорни қўлига олиб, бағрига босди.

— Нормат аканг эккан анор бу, болам!— деди кампир.— Қўшалок тугиб, пишаяпти. Яхшиликдан нишона бу, Адолат.

Қизлар рўмолчадаги анорни ёриб, талашиб-тортишиб, емоққа тушдилар. Адолат индамай қапага кириб, қўшалок анорни яшириб қўйди.

Октябрь кунларининг бирида, кечқурун Эргаш Тўхта холадан ҳол-аҳвол сўраш учун Норматларнинг уйига кирди. Тўхта хола ишдан қайтиб, болаларини ўйнатиб ўтирган эди. Холматнинг кичик ўғли Шерали осмонга қараб:

— Учма пойиз, учма пойиз, оппоқ акамни ташлаб кет!— деб қичқирарди. Унинг атрофидаги болалар ҳам осмонга қарашиб:

— Оппоқ ака-юв! Ҳо... оппоқ ака!.. Баққа бир ту-

шинг!..— деб қичқирардилар. Славик болаларга қўшилиб, кўкка қараб қичқиради:

— Нормат ака, Нормат ака, туша қолинг!

— Кела қолинг, данак чақиб қўйдим..

— Туша қолинг, бодом териб қўйдим!..

Шу вақт ҳовлида Эргашнинг тэниш овози эшитилди:

— Салом, она!

— Кел болам, кел!— Тўхта хола ўрнидан туриб, Эргашнинг елкасига қоқди.— Эсон-омон юрипсанми, Эргашвой?

— Даладан келаётиб, сизни кўриб ўтайин, дедим.

— Ажаб қипсан, болам. Сени кўрсам, Норматни кўргандек бўламан, онагинанг айлансин!

Эргаш айёон пешига ўтириши билан, Тўхта хола яна Норматдан гап очди:

— Ўртогингдан хат оляпсанми? Кетганига неча ойлар бўлса ҳам, бизга фақат биттагина хат келди. Ушанга ҳам биркам етмиш кун бўлди. Уйда ҳам, далада ҳам Норматжонимдан хабар кутаман. Эшик тик этса, биров келялтимикан, Норматимдан хушxabар келтирялтимикан, дейман. Дарак йўқ..

— Почтальондан тез-тез сўраб тураман. Норматдан хат келса дарров менга айтади,— деди Эргаш.

— Почтачининг бурни кўтарилиб қолибди. «Хат борми?» десам, «йўқ» деб кетаверади. Қайрилиб ҳам қарамайди. Менинг назаримда у Норматдан келган хатни ютиб юбораётганга ўхшайди.

Эргаш кампирнинг кўнглини кўтаришга уринди.

— Узоқ йўл. Хат неча довондан ошиб, неча поездга тушиб келади. Бизнинг қишлоққа етгунча неча идорага кириб, неча тешикдан чиқади. Хат келаётгандир. Хафа бўлманг.

— Кошки эди, болам, Норматим соғ бўлса, тирик бўлса бас.

Шу гапни айтди-ю кампир рўмолининг учи билан кўз ёшини арта бошлади. Неваралар ўйинни йиғиштириб қўйишди. Улар дам онанинг, дам Эргашнинг оғзига қараб қўйишар, Эргаш гапирганда: «Оппоқ аканинг қачон келишини айтармикин?» деб тикилишарди.

Эргаш Славикнинг жингалак, оқиш сочларини силаркан, онага тасалли берди:

— Нормат соғ. Кеча тушимда кўрдим. От миниб юрибди. Карнай қашқа от устида кўрдим.



— От яхшилик,— деди кампир,— илойим, мартабаси баланд бўлсин!

Эргаш хайралашиб чиқиб кетаётганида, Тўхта хола уни тўхтатди-да, четроққа чақириб, секин сўради:

— Норматни «ўлди»га чиқаришяпти. Қурвондодхо шундай овоза тарқатибди. Қурвондодхога Чуқур кўчадан келган бир хотин айтган эмиш. Суриштирдим. У хотинга ҳам биров айтганмиш. Бир боладан хат келган эмиш. «Нормат деган йигит ўқ еб ўлди» деганмиш... Ҳамма ёқда миш-миш гап...

— Бекор гап!—Эргаш кампирнинг сўзини кесди.— Бирор нарса бўлса, қоғоз келади. Анови отинойларнинг ўғли ҳалок бўлган экан, қоғоз келди. Додавой тўғрисида ҳам «дараксиз йўқолди» деб хат юборишди. Нормат жуда ҳам ўзини йўқотиб қўядиган ландовур эмас!

— Кеча фол очдираман десам, «урушдаги кишини фол кўрмайман» деди отинойи.

— Адолат келиб турадими?—Эргаш гапни бошқа ёққа бурди.

Кампир кўз ёшларини артиб, аччиқ ютишиб олгач, бир хўрсиниб қўйди.

— Кам келади.

— Нега, бориб турибман, деди-ку менга?

— Қиз шўрлик шу кунларда ғамгин юрибди. Ҳар келганда менга ниманидир айтмоқчи бўлиб, оғзини ўпгайди-ю, айтолмайди...

— Отаси эзароқ одам экан... Бўлар-бўлмас гапларга қулоқ солманг, хола!

— Отасини қўявер, анови савдо мудирининг бошини калава қилиб қўйибди. Қори икки гапнинг бирида ўшанинг номини тилга олармиш. «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом» деганларидек, пул чиққан жойга боқадиди-да, у зиқна Қори! Қизини ўша чайқовчига бераман деб ваъда қилган эмиш... Куйиб-куйиб тутупларим чиқяпти. Совчиликка бораё десам, мана бундақа гапларни эшитиб хуноб бўляпман. Бу кунларнинг келишини билсам, Норматни урушга кетмасданоқ бошини иккита қилиб қўярдим. Кўзимнинг тиригида орзу ҳавасини кўрсам дейман, болагинамнинг!

— Албатта орзу ҳавасини кўрасиз. Адолат қизларга: «сочим оқариб кетса ҳам Нормат акамни кутаман»—депти. Кутади. Бир сўзлик қиз.

— Кошки эди... Лекин отасига ишонмайман. Соҳиб қори молпараст, очкўз одам. Уруш бошланиб, ҳамма нарса тарозига тушгандан кейин, у айниқса пулпараст бўлиб қолди. Бозоровдек одам унга куёв бўлса, албатта, Қорининг магазини молга сероб бўлади, куёвнинг нафи тегади-да... Бўлмаса, Қори икки хотин қўйган кишига шундоқ қизини ваъда қилармиди? «Ҳамма йигитлар урушга кетяпти. Қиз бўйига етди. Энди нима бўлса ҳам, ёғлироқ жойга узатиш керак. Уруш қачон тамом бўлиши даргумон» деган эмиш Қори. Кўргани кўзим, эшитгани қулоғим қолмади.

Эргаш дала йўлида кетаётиб: «Ҳамма гап Бозоровда экан-да» деб ўйлади. «Бетамизнинг бети бўлмас, безорининг уяти. Нега Бозоровни уялтириб бўлмайди. Қани Эргаш, маҳкамроқ боғла белингни!..»

### 3

Бозоров Адолатни кўргандан бери бир жойда ўтиролмайдиган бўлиб қолди. У кун ора дашт бригадасига қатнайди. Энди у: «мен қишлоқ советининг вакили бўлиб келдим» деб юрибди. Бригадага боргач, дала ишларини текширган киши бўлиб юради. Ҳар сафар Адолатга дуч келиб: «Дори етадими? Кийим-кечак керакми?» деган бир хил саволларни такрорлайди. Туннов кун «текширишлар» тугагач, бригада бошлиғи «Адолатхонга мукофот» деб яна совға қолдириб кетди. Аммо Адолат Бозоровнинг ниятини сезиб қолгач, унинг совғасини қабул қилмай қўйди. Буни сезган қув Бозоров келтирган совғасини Адолатнинг капасига ташлаб кетди.

— Ана, яна вакил келяпти,— деди қизларнинг бири Адолатга, катта йўл томондан келаётган Бозоровни кўриши билан.

Бозоров бу гал ҳам қўлида тугун билан пайдо бўлди.

— Ҳорманглар, қизлар! Ҳорманг, Адолатхон!

Адолат сурбет Бозоровни кўриши билан ғазабдан қалтиради ва титроғини босиш учун пахта тераверди.

— Мана сизларга,— деди кулимсираб Бозоров,— бригадангиз пунктга ҳаммадан кўп пахта топширгани учун сельподан мукофат.

Адолат гезариб кетди. У ҳеч қачон қилмаган ишини қилиб, ҳеч вақт тилга олмаган аччиқ гапини айтгиси келиб, бошини кўтарди.

— Кетинг бу ердан!— деди жон-жаҳди билан у.— Қаёқдан келган бўлсангиз, ўша ёққа кетинг!

Кутулмаган ғазабга учраган Бозоров нима дейишини билмай, тилсиз, ҳаракатсиз, ёғочдай қотиб турарди.

— Сиз вакил эмас экансиз,— деди Шакархон.— Тезроқ кетинг, бўлмаса, Эргаш акамни чақираман!..

Эргаш Норматнинг жонажон дўсти эканини Бозоров яхши биларди. У анов куни Бозоровни йўлда учратиб: «Пашшахўрда бўлавермай Оёғнингни синдириб қўяман!» деди. Шу сабабдан ҳам Бозоров Эргашнинг номини эшитиши ҳамон секин орқасига бурилди ва бир оз юргач, Адолат пахта тераётган томонга қараб: «сени қараб тур!» дегандек иягини силади-да, катта кўчага юриб кетди. Бегимхон уни тўхтатмоқчи бўлиб белини ушлаб, гажжагини силкилатиб турган эди, Бозоров қайрилиб ҳам қарамади. Бегимхон унинг орқасидан лабини буриб қолди:

— Шу ҳам эркак бўптими!..

Эргаш дашт бригадасига келганда ҳамма қизлар пахта тераётган эдилар.

— Ҳорманглар-ҳо!..

Қизлар индамай пахта теравердилар, фақат кимдир узоқдан «бор бўлинг» деб қўйди. Унинг овози Эргашга зўрға эшитилди. Қизларнинг сукути Эргашни ҳайратга солди. «Бу жимлик бежиз бўлмаса керак» деб ўйлади Эргаш ўзича.

— Нима гап?— деб сўради у, Бегимхоннинг яқинига бориб.

Бегимхон пиқир-пиқир кулиб, ер остидан Адолатга қараб олди-да, «ҳеч» деб қўя қолди. Эргаш ҳайрон бўлиб, Адолатни кўздан кечирди. Адолат нимадандир қаттиқ ранжиган кўринарди.

— Нима гап?

Эргашнинг саволига Адолат ҳам «ҳеч гап» деб жавоб берди. Эргаш қандай сир ўтганини тушунолмамай, ўйланиб қолди. У бир-икки чаноқдаги пахтани териб, Адолатга узатаётган эди, катта йўлда кўтарилган чангга кўзи тушди. Йўлнинг икки томонидаги мирзатераклар орқасида извош кўринди. Бозоровнинг извоши...

Воқна энди унга аён бўлди... «Қочиб юрибди мендан. Қувиб етолмайди, дейсанми?..»

— Хайрлашгани келдим,— деди у Адолатга қараб,— Уралга кетяпман. Ҳамқишлоқларимизга иссиқ кийим, мева-чева олиб боряпман.

— Совға-салом тўплаб берайликми?— деб Адолатнинг чеҳраси сал очилди.— Урал ҳам фронтдай бир жой. Оғир меҳнат fronti.

— Совға етарли. Вақт ҳам зиқ. Баъзи бировлар Уралдан кетамиз, дейишаётган эмиш.

— Холмат акани ҳам кўрарсиз?

— Албатта кўраман.

— Биздан салом айтинг. Ҳа, ундан кейин, сўраб кўринг-чи, Нормат акамдан хат оляптилармикин?

— Хўп, албатта сўраб келаман.

Эргаш кетди.

Адолат бармоқларини чаноққа югуртираркан, яна Норматни ўйлаб ўртанди.

Қачонгача шундоқ давом этади унинг ҳаёти? Бировга кулги, бировга эрмак бўлиб ўтадими унинг кунлари? Ёки унинг пешонасига шулар ёзилганми? Фақат нимадир етишмаётганга ўхшайди унга. Уша етишмаётган нарса нима? Емоқ-ичмоқнинг камлигими? Адолат ҳам эл қатори еб-ичяпти, оч қолгани йўқ. Уни яккалик хўрляяптими? Ота-она шу ерда, эгачи-сингиллар, дугоналар ёнида, нега якка бўлсин у? Яккаликка-ку, якка эмас, лекин ҳимоячиси қани унинг? Отаси Адолатни ҳимоя қилиш у ёқда турсин, бир аблаҳга пулга сотмоқчи. Онаси умрида эрига тик гапирмаган хотин: эрининг измидан чиқмайди, эрининг айтгани — айтган, дегани — деган. Дугоналарининг қўлидан нима келсин, жуда кўп деганда «вой, бечора Адолат...» деб ачинишлари мумкин, холос. Умид Эргашдан. Лекин Эргаш оқинга қарши якка туроладими? Нега ундай дейман? Ота билан Бозоров... Икки кишининг тил бириктириши қандай оқин бўлсин? Кўпик. Эргаш бу кўпикни учириб юборадиган шамол. Аммо, у ҳам мени шуларга ташлаб кетяпти. Қачон қайтади у? Қачонгача чидайман бу азобларга? Бор-э, деб юборсам, бу гап отамга бориб етади. Отанинг юзига оёқ қўйиш осонми? Отага қарши отилиш қўлингдан келадими? Қўлингдан келмаса-чи? Унда сен қул, чўри бўласан, оналаримиз яшаган чордевор насибанг бўлади. Йўқ-йўқ, тобутинг

кўрсин бундай бахтсизликни! Ваъданга вафо қил, Адол! «Фақат мени кутади!» деб юрибди Норматинг. Эҳтимол шу ишонч унинг қалбини илтиб тургандир, эҳтимол, шу ишонч билан у жангга кираётгандир. Со-чинг оқариб кетса ҳам, севганингни кут. Ҳайда Бозоровни ўзингдан нари!

4

Эргаш велосипедга миниб, Бозоровнинг орқасидан қувиб кетди. Отларнинг туёғи, извош ғилдирақларидан кўтарилган чапг кўчани кўрпадай ёпиб турибди. Эргаш чанг булутини ёриб, извошга етиб олишга шошилади. Велосипед гоҳ тупроққа чўкиб, гоҳ тошга қоқиниб, эндигина чўкаётган чангни тўзғитиб бормоқда. Йўлда ҳеч ким йўқ. Йўл бўйидаги ерларда теримчилар юрибди, лекин ҳамма жим, ҳеч кимнинг овози эшитилмайди. Илгари бундай эмас эди. Кўчадан ўтган извошчи, аравакашга ҳам, велосипедчи тугул эшак минган кишига ҳам гап ташлашиб, ҳазил қилмай қўйишмасди бу теримчилар. Энди улар Бозоров извош чоптириб ўтса ҳам, Эргаш велосипедда кўча чапгитиб бораётган бўлса ҳам, қайрилиб қарамайдилар. Қизларнинг қўшиғи ҳам эшитилмайди...

Эргаш Бозоровга қишлоққа кираверишда етиб олди. У, извошнинг олдига ўтиб, йўлни тўсди. Извошчи тизгинни тортиши ҳамон отлар бошини баланд кўтариб, охирги оёқлари билан ерга тираниб, тўхтади.

— Жуда чопқир отлар экан, велосипедни еткизмайди-я!..— деб кулди Эргаш.

— Ишим зарур эди,— деди Бозоров,— қани, извошга чиқинг, Эргаш ака!

Эргаш: «Бозоров билан бўладиган гапни унинг извошида ҳам давом эттириш мумкин, ҳатто қулайроқ бўлади» деб ўйлади-да, велосипедни извошчининг олди-га ўнгариб, ўзи Бозоровнинг ёнига ўтирди. Бозоров унга кенгроқ жой бўшатиб, ўзи бурчакка биқиниб олди.

— Ҳа, Эргашвой ака, қаёқдан келяпсиз, чанглаб кетибсиз?

— Дашт бригадасига борган эдим...

Эргашнинг бу гапидан Бозоровнинг дами ичига тушиб кетди.

— Узингиз қаёқдан келяпсиз, ўртоқ Бозоров?— деб сўради Эргаш.— Узоққа борганга ўхшайсиз, отлар куйиниб кетибди.

— Кўчма савдо билан юрибман. Теримчиларга хизмат. Дастлабки савдони сизнинг колхозингиздан бошласам-ми, деб турибман. Шунга нима дейсиз, Эргашвой ака? Олдингизга кириб маслаҳат олмақчи эдим. Иқболимга ўзингиз учраб қолдингиз. Хизирни йўқласам бўларкан!

— Дашт бригадасидан бошласангизмикан...

— Менга ҳам ўша бригадани яхши дейишди.

— Адолатдан бошласангизмикан...

— Ихтиёр сизларда, Эргашвой ака, қаерга, кимга бер десангиз, ўшандан бошлаймиз...

— Даштдаги савдони биздан сўрамаган эдингизку?— деди Эргаш, газаб чақнаб турган кўзларини Бозоровга тикиб.

— Ҳа, уними?.. Упи ўз ташаббусимиз билан, камоли «Гулистон»га ихлосимиз зўрлигидан. Нормадан ташқари...

— Адолатга ҳам нормадан ташқарими?..

Бозоров тулкилик қилди:

— Ҳа, биринчи бўлиб пахтага тушгани, сўнгра пунктга ҳаммадан кўп пахта топширгани учун...

Эргаш унинг безовталанаётган кўзлари, кўкараётган лабларига разм солгач, сўради:

— Чиройли қиз бўлгани учун эмасми?

— Ҳе, Эргашвой ака-ей, жуда ҳазилкаш йигитсиз-да. Тўғри гапни ҳазилга олиб, шоирлик қиласиз. Узингизнинг Қори акамизнинг қизига, синглимиздек Адолатхонга кўз олайтирамизми? Уят бизга бу ишлар!..

— Уят сизга бу ишлар, Бозоров!— деди Эргаш, Бозоровнинг тер босаётган юзу пешонасига истеҳзо билан қараб.— Уят!..

— Биз уят иш қилмаймиз, Эргашвой ака, хотиржам бўлинг.

— Ишонса бўладими?

— Менга давлат бутун бошлиқ сельпони ишониб қўйибди. Қўлимда миллион сўмлик мол, Эргаш ака. Дунёда одам таниган йигитмиз...

— Шу чоққача таниб келган бўлсангиз эҳтимол, аммо шу кунларда одам танитай қолибсиз. Адолатнинг эгаси бор. Эгасини танимасангиз, танитиб қўяй— жангчи Норматники у қиз!

— Нормат акамни яхши танийман, Эргашвой ака, фронтга ўзим жўнатганман, фронтдан кутиб олиш ҳам насиб қилсин. Тўйида ўзим хизмат қилай...

— Ишонсам бўладими?

— Қасам ичаман...

Эргаш извошдан сакраб тушди-да, велосипедига миниб, колхоз идорасига йўл олди.

### *Ўн биринчи боб*

## ДУШМАН ОРАСИДА ТАНҲО

### 1

Нормат ўрнидан туриб, қаерда ва қачондан бери ётганини билмади. Атроф зим-зиё. У қўллари билан ёнверини сийпалаб кўрди: ҳеч ким йўқ. Наҳотки, дўстлари уни блиндажга қамаб, устидан беркитиб кетишган бўлса? Нега ён ойнадан ёруғ тушмаяпти, нега қора чироқнинг иси димоққа урмаяпти? «Уйқисираяпманми, ёки тушимми?» Нормат енгги билан кўзларини артди, мушти билан ишқалади. Унинг тинган кўзлари бир оз очилиб, атрофдаги нарсаларни пайқай бошлади; дарахт, синиқ арча, тупроқ уюмлари. Нарироқда нимадир қорайиб турибди. Уйми, ёки тошми? Тошга ўхшамайди, уй ҳам эмас. Нормат кўзларини ишқалаб-ишқалаб яна қаради. Танки Душман танки! Нормат сесканиб тушди. Нима гап ўзи? Наҳотки, немис танклари тепаликни топтаб, батальония эзиб-янчиб юборган бўлса?.. Бу фикр унинг хаёлига келган ҳамон юраги орқасига тортиб, нафаси ичига тушиб кетди. Кейин у ўзига-ўзи танбиҳ берди: ёмонликни тилга олма, Нормат, бундай бўлиши мумкин эмас. Сен алаҳлаяпсан. Кошки эди бу ҳодиса воқе эмас, фақат туш бўлса! Тур ўрнингдан, ҳушёр бўлиб атрофга қара-чи!..

У сакраб ўрнидан турмоқчи эди, гавдасини кўтаролмай йиқилди. Унинг чап ёнбошини гўё тегирмон тоши босиб тургандек бўлди; қўли билан секин ушлаб кўрди, аммо қўлига ҳеч нарса урилмади. Кейин оёғини ушлаган эди, қўлига лой ёпишгандек бўлди. Лойми, нима? Қўлини олиб бурнига тутди. Қон! Қон иси... Нормат ана шундан кейингина ўзининг қаерда, нима учун ётганини тушунди. Кундузги жанг, взводдан ажралиб қолиш, ундан кейинги юз берган ҳодиса эсига тушди.

...Парашют... Жанг... Трос улаётганлар қани? Уларни бир томондан Дронов билан Оға ўғли, иккинчи томондан Отступний билан Нормат ҳимоя қилиб, душман йўлини тўсиб туришган эди-кү? Нормат бир оз ўзига келгач, бўлиб ўтган воқияни бирма-бир, равшанроқ эслай бошлади.

— Танк...

Чап томондан қўққисдан пайдо бўлган енгил танк тўппа-тўғри Норматнинг тепасига келди. Нормат ячейкасига ётиб олди. Танкнинг бир гусеничаси ячейканинг тупроғи аралаш Норматнинг чап оёғини эзиб ўтди. Нормат тупроққа кўмилиб қолди. Гусеница зарбидан унинг оёғи қаттиқ уюшгандек карахт эди. Дастлабки паллада оғриқ сезилмади. Норматнинг боши, танаси, қўллари гусеничалар ўртасида қолгани учун шикаст емади. Танкчи Норматни кўрмаган эди. У яшикка трос боғлаётганларни мажақлаб, ўлжани қўлга олишга шошиларди.

Нормат оёғини ушлаб кўриб, унинг уюшганини ячейканинг оғир тупроғи босиб турганидан бўлса керак, деб ўйлади. У бутун кучини тўплаб, танк бостириб кетган тупроқ тагидан суғурилиб чиқишга уринди, аммо тупроқ жуда кўп ва оғир кўринди, кучи етмади. Ёнидаги Отступний йўқ. Нормат бир амаллаб чапга ўгирилиб, гранатасини қўли билан пайпаслаб топди ва Тургеневлар томонга келаётган танкнинг ўнг гусеничасига ташлади. Граната портлаши ҳамон сарғимтир тутун ичида ярқираб гусеница парчалари кўринди. Танк ўнг томонга қийшайиб қолди.

Шундан кейин бронетранспортёр кўринди. Унинг орақасида кўк шинелли солдатлар... Нормат тупроқ тагидан чиқишга уринди. У тобора мадори тугаётганини сезди, кейин баданида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Аммо у қаери оғриётганини аниқ билмади. Шу чоқ шовқин кўтарилиб, нотаниш овозлар тобора яқинлашиб келди. Кўк френч кийган, қора каскали киши шу ёққа келди-да, шохи синган қарағай олдида гурс этиб ерга йиқилди. «Немис!»— Норматнинг дами ичига тушиб кетди. «Демак, қўлга тушдим. Асир... Иснод шармандалик!» Нормат шошилиб брустверга қўл чўзди. Автоматнинг қўндоғигина қолган. У, қўндоққа қаради-да, «эхтимол сен ҳам керак бўлиб қоларсан» деб ёнига суриб қўйди. Граната ҳам йўқ, фақат ўқлар қолган. Яна бир-иккита немис унинг атрофидан югуриб ўтди. Баъзилари йиқч-



либ, яна туриб кетар, баъзилари ётган жойида қимирламай қола берарди. «Мени кўрдими, йўқми? Афтидан, улар мени кўришмади, ёки ўлик, деб ўйлашди. Иложим йўқ. Узимни ўликка солиб ётаверайчи...»

Отишмалар тобора кучая борди. Отишмалар Нормат ётган ердан, узоқлашди-ю, бир оздан кейин яна яқинлашди. Кўк френч, қора каскали солдатлар яна қайтиб ўтишди. «Контратака,— деб тахмин қилди ўзича Нормат,— немислар қочмоқда». Унинг бу секинчи узоққа бормади. Қўлида автомати билан яланг бош бир немис тўппа-тўғри Нормат томонга югуриб кела бошлади. «Мени кўриб қолибди бу ит!..» Нормат бор кучини тўплаб, ёв билан олишувга ҳозирланди. Мажақланган автоматининг қўндоғини ушлаб, ғижиниб турди. Немис Норматга яқинлашиши билан ўзини тап этиб унинг ячейкаси-а ташлади-да, оғзига тупроқ тўлиб, хириллаб ётиб қолди. Немис бошидан яраланган эди. Бор кучини тўплаб жон талвасасида шу жойга етиб келиб, окопга яширинмоқчи бўлганини Нормат пайқайди. Унинг гавдаси Норматнинг тепасига ташланиши билан Нормат сакраб ўрнидан туриб кетди. Унга қаёқдан, қандай куч пайдо бўлганини ўзи ҳам сезмай қолди. Норматнинг оёғи остида чўзилиб ётган немиснинг нафаси тинган эди. Нормат оёққа туришга ҳаракат қилди-ю, яна йиқилди. У ўзининг қаери оғирётганини энди сизди. «Демак, танк эзиб кетган экан-да...»

Жанг тинган. Атроф қоронғи, жимжит. Энди шерикларга етиб олиш керак.

Нормат шунча уринса ҳам, ўрнидан туролмади. Оғриқ тобора зўрайди. Кейин ёнбошлаб олиб, ёнбоши билан судралди. Ун минутча судралиб боргач, чарчади. Эрта қишнинг совуқ нафаси унинг димоғига гуп этиб урди. «Қаёққа кетяпман ўзим?» деб ўйлади у. Нормат шу турган жойини аниқлаш учун чалқанча тушиб, осмонга қаради. Кўкни булут қоплаган, милт этган юлдуз йўқ эди. У яна бироз илгари силжиб, кекса қарағай тагини сийпалаб кўрди. Унинг қўлига ҳеч нарса уринмади. Шу чоқ унинг кўзига узоқдан нимадир ярқ этиб кўринди-ю, яна ўчди. «Чироқми, ракетами? Ракета бўлса ҳамма ёқни ёритиб юборарди. Чироққа ҳам ўхшамайди. Сигналми-кан? Эҳтимол, мени қидиришаётгандир. Ўша томонга силжиганим маъқул».

Нормат анча ергача қорни билан судралиб борди.

Сўнгра чалқанча ётиб олди. Учинчи дам олишида шарпа сезилди. Икки кишининг гаплашгани қулоққа чалина бошлади! «Немислар... бояги сигнал немисларники...» Нормат ер бағирлаб жим ётиб олди. Оёқ товушлари яқинлашиб, унинг ёнидан ўтиб кетди. «Мен немисга қараб кетаётган эканман, нақ бўлмаса, мана мен деб, ўзимни тутиб берар эканман...» Нормат йўлини ўзгартириб, чап томонга бурилди. У немисларнинг бузуқ танк олдида тўхтаганини фаҳмлади. У яна йигирма қадамча ўрмалагач, икки немис унинг тепасига келаётганини сезди. «Булардан қутулиш қийин экан...» Нормат ўзини ўликка солиб ётди. Немислардан бири яқинлашгач, алланима деб ғужурлади-да, унинг тепасига келиб, оёғи билан бир тепиб ўтиб кетди.

Норматнинг хаёлида фашистлар ҳамон унинг тепасида турганга ўхшади. «Мени пойлаб туришган бўлса керак. Грейдер ҳар бир асир учун палон пул, темир крест мукофот эълон қилган. Мени асир қилиб судрашлари мумкин. Асир... Фашизм асири... Қандай мудҳиш! Дўстлар нима дейди? Онамга нима хабар боради. Адолат эшитса-чи? Ёздаги кузатув, она насиҳати, Адолат табасуми, «қачон келсангиз ҳам мен сизники» деган ваъдаси, унга аҳди-паймони, рўта жангчилари олдида ичган қасами!.. Майли, мени оссин, чопсин. Аммо асир тушмайман! Бошимга яқинроқ келса эди, кекирдагидан бўғардим, тишлаб узиб ташлашга қурбим етарди... Афсуски...»

Нормат бемажол ётганича яна хаёл суриб кетди: «Бундай хавф туғилган чоқда большевиклар жаллоднинг болтасини кутмай, ўз-ўзини ўлдиришни афзал кўрган эдилар. Нега мен большевиклар қилган ишни қилмайман? Ахир, улар ўзларини қурбон қилиб, юртни сақлаб қолган эдилар-ку! Сен ҳам от ўзингни, Нормат! Ўзингни ўлдир! Ўлдир! Ҳа, вақтни ўтказма, чаккангни ўнгла, қўндоқ билан ур!.. Барибир ўласан, очликданми, қонсизликданми, қийналиб, хор бўлиб ўласан. Нега бирор-та ҳам ўқни сақлаб қолмадинг ўзингга? Қандай солдатсан, охирги патронни оғир кунингга сақламасанг? Қасамингни унутибмидинг? Қўндоқ билан миянгни қатиғи чиққунча ур! Яхшиси кўзларинг кулфат, разолатни кўрмасдан, шаънинг, номусинг борида, уни юмиб қўя қол!..»

Нормат чўнтақларини титкилаб, ўлимини осонлаштирадиган ҳеч нарса топа олмади. Қўлига синиқ қўндоқни

олиб, унга анча вақтгача тикилиб турди. Унинг кўзига мажақланган қўндоқ ўз эгасини ўлдиришга ожиз, жуда ожиз бўлиб кўринди. Дарахтга урсинми шу азиз бошини? Дарахт узоқ. У, эмаклаб, сербутоқ қора қайин тагига борди. Бутоқларига қаншарини урсинми, пешоасишимми? Эҳ, Нормат, туғилганингда ўз-ўзингни мава шундай қийноқда ўлдиришингни билганмидинг? Туғилмоқ — ўлмоқ деганларининг боиси шуми? Шу қадар калтами сенинг умринг? Йўқ! Авжи яшайдиган вақтинг. «Ўн гулингдан бир гулинг ҳам очилгани йўқ» демабмиди сенга меҳрибон онанг. Орзу ҳавасингни кўрай, демабмиди муштипар кампир. Нега энди сен унинг кўз ёшини оқизиб кетасан? Кўзлари кўр бўлиб кетмайдими шўрлик она сенинг доғингда? Адолат ҳам сени кутяпти. Бағрини ўртаб, қора либосга чулғаб нима қиласан уни? Одам яшаш учун туғилади. Яшашга, бир одамча яшашга ҳақинг бор! Ақлингни ростла, Нормат, ҳаёт курашсиз бўлмайди! Сен биринчи марта қийноққа дуч келдинг, умидсизланма! Ноумид — шайтон. Сен — инсон! Умидсизлик сени инсонликдан чиқармоқчи. Кимга керак сенинг ўлиминг? Душманга! Кимга керак сенинг ҳаётинг? Ўзингга, онангга, севганингга, улуғ Ватанингга! Қайт шайтоннинг гапидан, Нормат, сени ҳеч ким ҳозир, шу жойнинг ўзидаёқ жон бер деётгани йўқ. Яшашинг керак! Орқангга бир қара, дунёга келиб нимани кўрдинг, нима ишлар қилдинг? Ҳеч нарса! Сен яшаш учун туғилгансан. Яшашнинг маъносини биласанми? «Яшамоқ — курашмоқ демакдир! Курашмоқ — ўрناق бўлиб яшамоқ демакдир!»— деган эди муаллимнинг файласуфларнинг ҳикматини баён қилиб. Яшагинг келса, кучингни тўпла, тур, кураш! Қийинчиликка чида! Тур ўрнингдан, Нормат! Қатра қонинг қолгуича кураш! Яшашнинг маъноси—шу. Ҳали даҳшатли жанглар олдинда. Тепиб турган юракни тўхтатма, тур ўрнингдан, Нормат!

Нормат бор кучини тўплаб, ўрnidан турмоқчи бўлди-ю кўзи тиниб, яна йиқилиб қолди.

Аммо асирлик даҳшатли ўлимдан ҳам кучлироқ эди. У, бор кучини тўплаб, чуқурликдан тепаликка тирмашиб, тепаликдан пастликка эмаклаб, судралиб, олдинга сурила берди. Урмон қирғоғига олиб чиқадиган сўнгни ён бағирликда уни жуда ширин тонг уйқуси босди...

## ДИЛ ХОҲЛАМАГАН ТҮЙ МОЖАРОСИ

## I

Эргашнинг Уралга кетиши ҳамон, Бозоров кўпдан бери ўйлаб юрган режасини амалга оширишга киришди. «Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, қёқдан кўради у сени?» — деб ўйлади Бозоров.

— Зўрлик қилаётганинг йўқ, отаси беряпти сенга. Қонуний тўй, қонуний никоҳ. Қиз қўйнингга кирса бас, кейин уни бағрингдан тортиб оладиган қонун қайда! Эргаш ўзининг коммунистларини тергасин. Ким уйланмаяпти шу кунларда? Хотин устига хотин олаётганлар озми районда? Колхоз раислари қўшхотинлик бўлишяпти. Эргашнинг кучи етса, ўшалар билан олишсин. Қўшхотинни — хотин боқиш қўлидан келадиган кишилар олади. Сен, Бозоров, қайси раисдан камсан? Аммо Эргаш ичирган қасамдан қайтиш иложини топ. «Уят бизга бундай ишлар!» демабмидинг? Уят ишми шу? Нега? Уят қолдими шундай уруш кунларида! Ҳар ким қўлидан келганича яшайдиган замон. Бу дунёда ўйнаб олганинг қолади кишига. Оёғингни ўйлаб бос, лекин қаттиқ бос. Соҳиб қорининг эшигига қўйган ҳар бир қадамнинг остонасини тешадиган бўлсин. Қори молпараст. Унинг ёқаси сенинг қўлингда. Ёқасидан қаттиқроқ қис. Унинг бўғизи — сенинг омадинг. Ҳар қандай Эргашга ҳам унинг ўзи жавоб топади. Бўшашма, тараддудни бошла!..

Қиз кўнмасачи? Унинг умиди Норматда. Нақадар сабр-тоқатли қиз экан бу Адолат! Норматнинг хатларини у эмас, мен ўқияпман. Тош эрийди бу хатларнинг ўтига! Аммо Адолат бу хатлардан маҳрум. Агар булардан биронтаси қиз қўлига тушиб қолсами, синмас қанот пайдо қилиб, қуш бўлиб учиб кетади у. Учирма уни, Бозоров, кейин оғзингга пашша қўниб қолаверасан... Норматнинг бедарак йўқолгани тўғрисидаги хат — сенинг бахтинг. Хат ташувчини тақдирла бу ўлжа учун. Хатни кўп ушлама ёнингда, дарҳол тарқат қишлоққа. Адолат энди қучи бўлиб учолмайди, қаноти қайрилди унинг. У сеники. Норматнинг тақдири Қорига маълум бўлган кун — Адолат сенинг қўйингда. Қорининг қарғиши бир эмас, ўнта Адолатни қайиради. Ота рози — худо рози.

Шундай қилиб, Бозоров Соҳиб қорининг ҳовлисига тўй юборадиган бўлди.

Бозоровнинг совғаси келган кун кечаси Холида эридан тўй яқинлигини ва тараддудни тезлатиш кераклигини эшйтиб, ўзини йўқотиб қўйди.

— Дадаси,— деб гап очди Холида,— қизингизни сўратишга Бозоровнинг қандай бети чидабди?

Соҳиб қори одатдагидек хотинига ўшқириб гапирди:

— Сенга ким қўйди, эрнинг ишига аралашини?..

— Умид билан оқ сут берган онасиман, ахир.

— Қиз етилгач, уни эгасига топшириш керак. Бошинга ёстиқ қиласанми уни? Қизинг тенглари икки бола кўрди.

— Берсак ҳам, ўзига муносибга берайлик, дадаси...

— Бозоровдан бошқа ким бор қишлоқда? Оғзингни юм, ишингни қил. Эсингни еб, сен шундай деб турсанг, қизинг нима дер эди?..

— Ҳай дадаси...

— Ҳайиллайверма ҳадеб!— деб Соҳиб қори бадтароқ ўшқирди. Холида жимиб қолгач, гапида давом этди:— Талафнингни кутмасдан тараддудингни қилсанчи!

Холида эрига бошқа гап қайтаролмади. У алламаҳалда ўрнига кириб ётди-ю, тонг отгунча ухлолмай, тўлғаниб чиқди. «Пешонаданми, тақдирданми бу гаплар? Пешонаси шўрмикан бечора қизимнинг. Оҳ, Адолат... Отанга оғиз очолмайди бу бечора онанг. Уруш отангни бадтар айнинтиб қўйди. Бу уруш сени ҳам занжирбанд қилмоқчи. Турмушимизга қалампир сепди бу уруш. Уруш қачон тугайди? Урушдан омон қайтадимиз Нормат? Қачон? Қандоқ қайтади? Чўлоқми, шолми, кўрми, карқулоқми? Абгор бўлиб қайтса ҳам қошки — ёшликда берган кўнгил топишиб кетар. Аммо келмасачи? Келмай қолса, умринг иснодда ўтади сенинг, Холида! Эрингдан сенга кун йўқ, буни билиб қўй. Яхши-си, билганини қилсин отаси. Минг қилса ҳам ота. Кўчада юради, кўпни кўриб, кўпни билади. Бирор нарсага ақли етганидан қилётгандир бу ишни!»

Кеча Бозоровнинг извоши Соҳиб қори ҳовлисига алланималарни ташлаб кетди. Бу хабар оғизма-оғиз кўчиб, чўлдаги Адолатга ҳам бориб етди.

Адолат хирмондаги пахтани четан аравага ортгач, тепасига ўтириб қишлоққа жўнади. Арава гилдираги

тошлоқ йўлда тошдан тошга урилиб, тишга тегадиган даражада бир мақомда ғирчиллаб, Адолатнинг жонига тегди. Адолатнинг боши гўё бир хирмон пахтани сиздирган четандай шишиб, хаёли унинг ораларидан тўкилаётган пахтадай сочилиб кетди. «Отанга ҳақдинг сизмайди,— деб ўйлаб борарди Адолат.— Лекин отаннинг қилмишидан кимга дод дейсан? Иснодга қолмайдими бу ёш бошинг! Ўзингдан чиққан балога — қайга борасан давога? У сенинг қўл-оёғингни боғлаши, сочингдан бураб тортиши мумкин. Отаннинг қўлидан келади бу ишлар. Ота қаҳрини кўтаришга тайёرمىсан? Нега оталар бемехр бўладилар? Нега оталар қизларининг дидига разм солмайдилар? Айниқса, сенинг отанг... Эскилик қули. Онангдан бошқа ғамхўринг, йиғидан бошқа пложинг йўқми?..»

Холида кичик қизи Раънони уйга ётқизиб, эрига жой солгани айвонга чиқди. Шу вақт ҳовлида оёқ товуши эшитилди, Холида, Қори келяптилармикан, деб ҳовлига қараган эди, сўриток тагида, ой ёғдусида Адолатни кўрди. Адолат ҳорғин қадам ташлаб келиб, айвон пешига ўтирди. Она унинг ёнига келиб, қизининг пешонасини ушлади.

— Иссинг борми, қизим!

Адолат қип-қизариб, тўлиқиб турибди. Айвондаги осма фонарь ёруғида унинг қизариб кетган юзи янада товланиб кўринмоқда. Онанинг назарида қизининг юзига қизамиқ тошиб, шабадада сувланиб кетганга ўхшади.

— Ҳай қизим, нима бўлди сенга?

— Ҳеч нарса,— Адолат аясининг бағрига бош қўйиб ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Ким хафа қилди сени, қизим?

Адолатнинг юзи ўт бўлиб, онанинг бағрини ёндирмоқда, кўз ёшларидан кўйлаги ивимоқда. Қизининг ҳасратини тушунган она унинг қалин сочларини, қайноқ пешонасини силай бошлади. Ҳозир унга зигирдек гап ҳам оғир. Унинг юраги яраланган. Унинг дил кўзгусини ота тош отиб синдирди. Юракдан оққан кўз ёшни тўхтатиб бўладими!

— Йиғлама, қизим, тақдир...

Онанинг бу гапи Адолатнинг яраланган қалбига отилган ўқдай бўлди. Унинг суянган тоғи — меҳрибон онаси ўз бағридан узилиб тушган Адолатига шуни

раво кўрдими? Қандай кунга қолдинг, Адолат? Нега она тўнғич қизини жаҳаннамга ташламоқчи? Остин-устин бўлиб кетдими бу дунё? Ким остин-устин қилди уни? Уруш шунча мудҳиш нарсаники, тўрт ой ўтмай, ўқлари бағримизни тешяпти...

— Сизга ишонган эдим. Сиз ҳам...

— Койима қизим, ўзингни бос.

— Мен бошқани севолмайман... Тобутим кўрсин ўша Бозоровни!

Қайси она ўз қизининг кўз ёшини оқизиб қўйгиси келади. Айниқса муштипар Холида. Унинг ўз дарди ўзинга етмайдими? Адолат ҳам у босган тиканни боссинми? Холиданинг ёшлик даврида аёлларнинг кўзи кўр эди, тиканни кўрмасдан босарди. Энди ҳамманинг кўзи очиқ. Адолат кўриб туриб, тиканни босадими! Агар ўша вақтда Холиданинг ҳозиргидек кўзи очиқ бўлиб, тўрт томонни кўрганда, Қорининг чангалига тушармиди!..

— Нима қилай, қизим, иложим қанча?..

— Дадам овора бўлмасин!— деди Адолат онасига.— Эл олдида уялиб қолади... Қизларни зўрлаб эрга берадиган вақт ўтиб кетган!

— Вой қизим, бу нима деганинг?

Адолат онасига бошқа ҳеч нарса демади, ичкари хонага кириб, ўн йил дарс тайёрлаган столида хат ёзишга ўтирди. У тунда алламаҳалгача қалам тишлаб, Норматини ўйлаб, ўртаниб, унга қуйидаги мактубни ёзди:

«Нормат ака, хат кутиб кўзларим нигорон бўлди. Икки энлик мактубингизга интизорман. Вақт тополмадингизми, хат ёзмадингиз, ёки хатингизни бу ердагилар тутиб олиб, яшириб қўйишяптими, ҳар ҳолда, хат йўқ. Хаёлим ўзимда эмас, қулоғим эшикда, кўзим йўлда. Енимда бўлганингизда, дардимни ўзингизга айтардим, зор кўнглимга тасалли берардингиз. Ҳамма бало сизнинг бу ерда йўқлинингизда. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, деганлари рост экан. Нормат ака! Сиз менинг бу сўзларимнинг нақадар очиқ ва аччиқлигидан койиманг. Менинг бошим мусибатда қотиб қолди. Сизни катта ваъдалар билан кузатган кишилар хиёнат йўлига ўтдилар. Сельподаги Бозоровни яхши биласиз. Ўша сурбет, отамни қўлга олган. Отам мени унга сотмоқчи. Бозо-

ровнинг кимлигини билар эдим, аммо, отамнинг бу қадар пасткашлигини билмас эканман... Бу ерлардан бош олиб кетгим келяпти, лекин қаёққа боришимни билмайман. Сизни ўйлаган чоғимда кўзимга ҳеч нарса кўринмайди. Бу оғир ҳолатдан мени қутқазувчи биргина сиз. Эргаш акам Уралда, Олимжон акам фронтда... Уруш ҳаммани ўз ипига ўраб қўйди. Маслаҳатгўйим йўқ. Аммо сиз шунга ишонингки, станциядаги сўзим сўз. Сизга бўлган пок севгимни асрашга ўзимда куч тополаман. Кутинг, кутаман!

Сизни соғинган *Адолат!*».

4

Қишлоқ хат ташувчиси райондан келиши билан тўппа-тўғри Тўхта холанинг уйига борди. Дарвозани тақиллатиб, ҳар кунни хат сўрай бериб жонга теккан кампирни чақирди.

— Мана сизга хат,— деди у.

— Норматданми? Айланай сендан, болам, қани уйга кир, чой ичиб кет!

— Ҳа... Ҳа... Норматдан...— деди хат ташувчи дудуқланиб орқасига қайрилиб кетаркан.

Кампир конвертни ўпди, бағрига босди, кўзларига суртди. У, Норматнинг хатини ҳар гал Эргашга ўқитарди. Энди у хатни кўтариб, бухгалтерга ўқитгани колхоз идорасига йўлга тушди. Гузарда сўрига гилам солиб, пар болишга ёнбошлаб ўтирган Бозоров кампирга гап ташлади:

— Ҳа, Тўхта хола, хат келдими? Соғ-саломат эканми Нормат?

— Худога шукур... Эргашбойга ўқитай деган эдим, бу ерда йўқ, бухгалтер боламга олиб кетяпман,— деди кампир хатни кўрсатиб.

— Адолатхонга ўқита қолмабсиз-да, ҳозир уйига кириб кетди.

Бу маслаҳат кампирга ёқиб тушди.

— Нормат унга ҳам салом айтгандир. Адолатга ўқита қолай. Хурсанд бўлади болагинам,— деди-да, кампир Соҳиб қориникига бурилди.

Бозоров кафтларини ишқалаб, кампирнинг орқасидан чапак чолиб қолди.

— Ана энди тўйни бошласак ҳам бўла беради...



Тўхта хола катта дарвозага кириши биланоқ Адолатни чақира бошлади:

— Отинча қизим-ҳо, ўзимнинг отинча қизим, қанисан?

Адолат уйдан югуриб чиқиб, кампирнинг қўлидаги конвертни олди-да, кичкинагина қайчиси билан қирғоғини қийди.

— Хатига муҳр ҳам бостириптими?— кампир қизиқиб сўради.

— Йўқ...— деди хатни кўздан кечираётган қиз, бирдан ранги оқариб, қўли қалтиради.

Адолатнинг бошига тош урилдими, ёки биров унинг кўзларига қора чиммат тўсиб қўйдими, атроф қоронғилашиб, кўзи тиниб кетди.

— Уқя-чи, қизим, ўқи!— деди кампир ошиқиб.

Қиз ўқиди. Хат қисқа эди. Хатнинг бошида Норматнинг жангда қаҳрамонлик кўрсатгани айтилган. Тўхта хола унинг охирини кутмай, Нормат тўғрисидаги мақтов гапдан қувониб, «ўғлим қаҳрамон бўлибди» дегандек, қаддини ростлаб, Адолатга кулиб қараб қўйди.

Адолат ўқишда давом этди. Бу хат Эргаш билан Тўхта холанинг Норматни қидириб ва унинг тақдирини билиш учун фронтга ёзган хатларига жавоб тариқасида юборилган эди. Хатнинг охирида:

«...Нормат Жабборов, дараксиз йўқолди. Қидираётирмиз»— дейилибди.

Хатга комиссар Черников қизил қалам билан қўл қўйган эди.

«Дараксиз» деган сўзни эшитди-ю, онанинг ҳуши бошидан учди. Адолат ҳам кўзини бир нуқтадан узолмай қолди. Ҳарфлар унинг кўзига дарахтдай йирик кўринди, кейин чумолидай ўрмалай бошлади. Уйдан чиқиб, хатнинг охирини эшитган Холида ҳам бармоғини тишлаганича қотиб қолди, кейин Тўхта холага таскин бермоқчи бўлди:

— Хафа бўлманг, опа... «Қидиряпмиз» депти-ку, топилади. Сабр қилинг. Умидсизланманг.

Тўхта хола айвон олдида ўтириб қолди. У устунга суяниб, куйиб йиғлади. Адолат ўзи нэтироб чекаётган бўлса ҳам, Тўхта холага далда берди:

— Ноумид — шайтон, холажон. Ўзингизни тутинг. Нормат акам топилади!..

Тўхта хола бир аҳволда ўрнидан турди. Адолат уни суяб, кўчага етаклаб олиб чиқиб кетди.

5

Адолат Тўхта холани уйига кузатиб қўйгандан кейин, тўппа-тўғри боққа кириб, ариқ бўйидаги Нормат билан кўришган гулзорига яширинди. Кечгача боғдан чиқмади, ҳеч кимга кўринмади.

Куз ҳавоси илиқ эди. Кечки гуллар очилиб турибди. Кўкда танҳо ой кезмоқда. Ариқ суви Адолатнинг суратини бошига кўтариб, қалқиб, шовиллаб оқяпти. Сув гўё Адолатга ҳамдард бўлиб, мунгли-мунгли куйлаётганга ўхшайди.

Адолатнинг йиғидан қизарган кўзлари шу гўзал гулзордан Норматнинг этик изларини қидириб тополмади. Нормат ҳам шу соатда Адолатни ўйлаётгандир, эҳтимол, яраланиб, азоб тортаётгандир. Эҳтимол, ана шу ой уни ҳам кўриб тургандир, йигит ноласини эшилтаётгандир.

— Бошим қотиб қолди,— деди Адолат ўзига-ўзи.— Нормат акам ҳаёт бўлса эди... Вой, нега мен унинг ҳаётлигига гумон қиламан энди? У тирик!..

Адолатнинг кўз олдида Норматнинг йирик қора кўзлари, кенг елкалари, сокин кулиб боқиши жонланди...

\* \* \*

...Эртаси куни ярим кечада Соҳиб қори дарвозасини кимдир қоқди. Дарвоза олдин секинроқ, кейин кучлироқ тақиллади, кейин, ҳалиги одам дарвозани оёғи билан тепа бошлади. «Ким бўлди бу?— деб ўйлади Соҳиб қори.— Қоровул номимни айтиб чақирарди, хат ташувчи бўлса хатни девордан ташлаб кетарди. Бозоровмикин? Яна маст бўлиб келдимикин?.. Адолат шу ерда. Унинг хулқини кўриб қолса, нима бўлади? Унинг йўлини тўсмоқ даркор...»

Соҳиб қори кийиниб эшикка чиқди-да, ўпкаси оғзига тикилиб, дарвозадан ҳовлиқиб қайтди.

— Холида, Холида, суюнчи бер!.. Адолат, аканг келди!

Адолат дадасининг шовқинини эшитиб, сакраб ўрнидан турди-да, кўйлагини бошига илиб, уйдан ҳов-

лига югуриб чиқди. Айвон олдида Олимжон кулиб турарди.

— Акажон!— деб Адолат унга ўзини отди.

Олимжоннинг фронтдан қайтгани тўғрисидаги хуш-хабар бир зумда қишлоққа ёйилди. Аввал қўни-қўшнилар, кейин узоқ-яқин қариндошлар етиб келишди. Адолат чироғларни ёқиб юбориб, ёнғоқ тагидаги супага жой қилди.

Тўхта хола ҳам етиб келиб, Холидадан кўнгил сўради:

— Олимжон келиб, севишиб қолдингизми, эгачи?

Тўхта хола Олимжоннинг елкасидан силаб, юзидан ўпди.

— Эсон-омон қайтдингми, болам? Қадамнинг қутлуғ келиб, зора Нормат ўртоғинг ҳам келиб қолса!

Ҳамма ёнғоқ тагидаги супага ўтирди. Олимжон Раънони тиззасига олиб, севиб-севиб эркалади.

— Урушдан гапириб бер, болам,— деди Тўхта хола Олимжонга қараб,— душман енгилай дейдими?

— Урушни кўрганим йўқ,— деди Олимжон, бошини чайқаб.

— Нега бўлмаса бир енгинг осилиб турибди?

— Мана шунисига доғман-да, холажон. Хат ёзмаганимнинг сабаби ҳам шу бўлди. Ростимни айтсам, уялдим. Урушга кирмай ногирон бўлганимга хафаман.

— Вой, нега шунақа бўлди?

— Душманга қараб битта ўқ отсам — армоним йўқ эди. Порох ҳидламай урушдан қайтдим,— деб ҳикоя бошлади Олимжон.— Эшелонимиз кечқурун Москва яқинидаги Можайск станциясида тўхтади. Аллақерда йўл тузатилаётган экан, станцияда яроғ-аслаҳа ортган эшелонлар жуда кўп тўпланиб қолган эди. Биздан олдин келган эшелонлар тунда бир бошдан жўнай бошлади. Бизга навбат яқинлашиб қолганда, тўсатдан тасира-тусур бошланди. Вагон ёриғидан бундай қарасам, немис осмонга жуда кўп чироғ осиб қўйиб, тепамизга бомба ташляпти. Командирлар тревога кўтаришди. Мен милтиғимни олиб, вагондан пастга сакраганимни биламан, холос. Кейин ўзимни Москвадаги госпиталда кўрдим. Бомба парчаси ўнг қўлимни узиб кетибди. Тузалганимдан кейин қўлимга милтиғимни қайтариб беришмади, «сен урушиб бўлдинг энди»— дейишди. «Ҳеч бўлмаса, ўқ-дори ташийман, чап қўлим билан

ҳам отавераман» десам, «Йўқ, бўлмайди» деб туриб олишди. Госпиталь комиссари келиб: «Сиз қайсарлик қилаётган эмишсиз, фронт орқасини мустаҳкамлаш иш эмасми, бораверинг, пахта далалари сизни кутиб турибди» деди. Мана, келдим. Уруш кўрмаган инвалидга нима иш берсаларинг, қила бераман!

\* \* \*

Адолат кечаси билан кўз юммади. Кўзлари шифтдаги бир нуқтага тикилиб турса ҳам, хаёли олам-жаҳонни айланиб чиқди. «Ижозат берсалар, ҳозир унинг куролини кўтаргани борардим!..»

Олимжон эрталаб чой ичиб ўтирганда, Адолат ундан сўради:

— Фронтга қизларни ҳам олишадими?

— Олишади,— деди, ҳеч нарсадан хабарсиз Олимжон.— Кеча бир лейтенант шаҳарда бир неча қизни тўплаб, машқ қилдираётганини кўрдим. Улар орасида ўзбек қизлари ҳам бор эди. Ҳарбий кийим бирам ярашибдики уларга... Сочларини турмаклар, пилоткани бостириб кийиб олишибди. Мен уларнинг команда билан қадам ташлашларини анча вақт тамоша қилиб турдим. Йигитлардан сира қолишмайди.

— Қанақа машқ?— деб сўради Адолат қизиқиб.

— Лейтенант қизларнинг қўлига байроқчалар бериб, у ёқ-бу ёққа йўл кўрсатишни ўргатапти. Бундай қизларни фронтда регулировщик дейдилар.

«Ана шу қизлар сафида менга ҳам жой бордир,— деб ўйлади Адолат.— Бахтимни бир синаб кўрайчи?..»

## 6

Эртасига эрталаб дарвоза олдида яна извош қўнғироғи жараёглади. Соҳиб қори пешвоз чиқиши билан кимнингдир «тўй устига тўй бўлибди, Қори ака, мана ўғлингиз ҳам келиб қолибди» деган овози эшитилди.

Адолат келган кишининг товушидан таниди. У, сельпо базасининг қоровули, Бозоровнинг яқин кишиси эди. Қоровул кечагина бир қоп ун, ярим қоп гуруч орқалаб кириб, айвон олдида қўйиб кетган эди. Адолатни қаттиқ титроқ босди. У онасини қучоқлаб, яна йиғлай бошлади.

— Бағринг эзилиб кетди, болам, кечадан бери,— деди она, қизининг елкасини силаркан.

Соҳиб қори извошдан яна нималардир кўтариб кираётган эди, Холида югуриб борди-да, ўрта эшикда унинг олдини тўсди.

— Товутим кўрсин бу сарполарни. Киритмайман уйимга!

— Ййи, ййи, аҳмоғ-эй. Буларнинг ҳаммаси қизингга. Бор, кўйлагни кийдириб, зеби-зийнатини тақиб қўй!

— Ҳеч нарсаси керак эмас. Қайтаринг, дедим, қайтаринг!

Холиданинг ранги оқариб кетган, кўзлари бежо эди. Соҳиб қори унинг бу ғазабини пасайтириш учун бўлса керак, унга паст тушиброқ гапира бошлади.

— Извош кетиб қолди, хотин. Ҳозирча уйда турсин, кейин бир гап бўлар. Мана, ўғлинг ҳам келиб қолди. Орзу ҳавасинг унга насиб этганига шукур қил, нодон хотин!

— Бундай орзу ҳавасдан бир газ гўр афзал менга!

Соҳиб қори хотинининг авзойига тикилиб қарали-да, ўшқирди:

— Йўлимни тўсма, понкўр!

— Шу сарполар ўлигимни босиб ўтиб уйга киради!— деди Холида, остонага ўтириб олиб.

— Бетинг қурсин!— деди Соҳиб қори ғазабланиб.— Эндиги хотинлар эрини таныйдими! Ма, ол буни, сандиғингга солиб қўй!

Холида рўмолининг учини тишлаганича остонада бақрайиб тураверди.

— Нега бўзраясан, олмайсанми буни?!

Хотинидан сазо чиқмагач, Соҳиб қори қўлидаги сарполарни Холиданинг бошидан ошириб, ичкарига отди.

— Йўлимга кўндаланг бўлсин, деб бир ёстиққа бош қўйган эканман мен бу билан. Кўзингни очмасанг, қорачиқларини қовоғинг билан бирга ўйиб оламан, беюз хотин!

Холида қимирламай, остонада тек ўтира берди. Қорининг жаҳли чиқиб, лабини тишлади-да, хотинининг биқинига бир тепди. Холиданинг кўнгли озиб, йиқилиб тушди. Буни кўрган Адолат онасининг бошига югуриб келди.

— Тепманг аямни, дада, бир тепкилик ҳоли бор бечоранинг!.

Қори жанжал чиқмасин деб, қизига ёлворди:

— Онанг ақлдан озибди, қизим, ол, йиғиштириб қўй буларни!

— Дадажон, хўрламанг мени,— деди Адолат,— тириклай ўтга ташламанг!.

Қорининг ғазаби яна тошди.

— Нима деганинг бу, уятсиз? Отага бундоқ гапиришни ким ўргатди сенга?

Соҳиб қори айвондаги қопларга, ҳовлида сочилиб ётган тўёналарга қараб, агар буларни қайтариб берса, гўё унинг бошидан тожи, қўлидан давлати кетиб қолаётгандек, юраги орқасига тортиб кетди.

— Якшанба куни тўй!— деди у биркесарлик қилиб.— Қизнинг изми отада!

— Овора бўласиз!— деди Адолат отасига тик боқиб.

Соҳиб қори яна пўписа қилди:

— Гапимни иккита қилсанг, сендай қизим йўқ! Билиб қўй шуни!

— Майли. Кетаман. Бу зиндондан қутулганим яхши!

Адолат уйдан қандай отилиб чиқиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

## 7

Адолат район комсомол комитетига келиб, «мени фронтга жўнатишлар!» деб илтимос қилди. Комитет секретари унинг қўлидан аризасини олиб, қайта-қайта ўқиғач, «Ватанпарвар қизларнинг аризалари» папкасига солиб қўйди.

— Бориб ишлаверинг,— деди секретарь,— керагида чақиртирамиз.

— Йўқ, мени шу бугуноқ жўнатиш.

Секретарь ўжар қизга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Шу бугуноқ? Яхши. Аммо биз аризаларни бюрода кўрамай, кейин военкоматга ўтказамиз... Бориб ишлаверинг!

Адолат далага қайтиб келиб, хирмонда тунади. Даштдаги қизлар Адолатнинг авзойи бузуқлигини кўриб, кечаси билан фолбинлик қилиб чиқдилар. Бе-

гимхоннинг тили узун бўлиб кетди. Энди у нима деса, дея олади, қани, Адолат унинг оғзини ёпиб кўрсинчи! Адолатнинг тили қисқ. Қани энди оғзини очиб кўрсинчи, ўша майда тишларини қоқиб олади Бегим! Қани Адолат энди уни тергаб кўрсинчи, Бозоровнинг номи-ни эшитиши билан дами ичига тушиб кетади. Ҳолинг шуми, Адолат, даштга келган кунингдаги дабдабанг қани?

Қизларнинг ғийбатига Шакархонгина қўшилмади. У, Адолатга ёрдам қилгиси, иложини топса, уни Бозоров чангалидан қутқаргиси келди. Қандай ёрдам керак унга? Отаси уни оқ қиламан, депти. Адолат ўз уйидан бошини олиб чиқиб кетибди. Бу қизлардан ҳеч нарса-ни сир тутиб бўлмайди!

Бугун Адолат районда юрган вақтида унинг онаси Холида даштга келиб, юм-юм йиғлаб, ҳасратини айтиб кетди. «Сойга ташламаса эди ўзини, ўтга ташламаса эди ўзини» деб йиғлади у. Қўшни қишлоқлардан бирида кимнингдир қизи бевафоликка бардош беролмай, бо-шидан керосин куйиб, ўзини ёндириб юборган эмиш, деган гап тарқалгандан бери, Холиданинг хаёли ўзида эмас. Бутун бир оила тўзиб юрибди...

Шакархон Адолатнинг юрагига қўл солиб кўрмоқ-чи бўлиб, хирмонга борди. Адолат ухламай, ўй суриб ётган эди. «Дарди оғир бечоранинг» деб ўйлади Ша-кархон.

— Адолат, хафа бўлма, оининг ярми қоронғи бўл-са, ярми ёруғ. Ҳаммаси изга тушиб кетади...

Адолат индамай ётаверди.

— Эргаш ака келсин, маслаҳатлашайлик. Сени ёмонга ёндоштириб қўймаймиз...

— Яхшига кун йўқ, ёмонга ўлим йўқ,— деди Адо-лат, пиқ-пиқ йиғлаб.

Шакархон дугонасининг ёнига чўкди.

— Йиғлама, кўз ёшидан фойда йўқ. Отанг ҳайдаган бўлса, бизникига бориб тур. Уйимнинг тўри сеники!

— Раҳмат, Шакархон, яхшилигингни сира унут-майман...

Шакархон Адолатни уйига бошлаб кетди. Икки қиз тонггача фронтдан, севишганларидан сўзлашиб чиқишди.

...Кунлар ўтаверди. Адолат аризасининг оқибатини кутиб юрди. Ҳадеганда жавоб кела бермади. У райком-га, военкоматга яна хат юборди.

Адолат ота қарғиши, Бегимхоннинг таънасидан бош кўтаролмай қолди. Бунинг устига, қишлоқдан келувчилар ҳар куни ҳар хил гап топиб кела бошладилар. Кимдир, Бозоровнинг: «қизнинг ўзи кўнмаса, кўндирадиган тузоғим кўп» деб чиранганини айтди. Яна биров Бозоровнинг: «Шийпонга икки отлиқни юбориб, Адолатни отга ёппа қилиб, Аравонга олиб қочаман, никоҳ кечасидан кейин кўникиб кетади» деган гапини олиб келди. Соҳиб қорининг ўз қизини икки қўлидан боғлаб, Бозоровнинг қўйнига солиб берадиган режалари ҳақида миш-мишлар тарқалди. Қишлоқдан келиб далага тарқалаётган бу хил гап-сўзлардан Адолат тарс ёрилиб кетгудек бўлди. Аммо бу адолатсизлик ҳақида Адолат бирор жойга арз қилишни ўзига эп кўрмади.

У уч кунгача Бозоровнинг «тузоғи»ни, кечаси келадиган аллақандай отлиқларни ўйлаб, ухломмай тонг оттирди. Райкомолга берилган аризанинг оқибати маълум бўлавермагач, тўртинчи кун эрта тонгда яна сўқмоқ йўллар билан районга жўнади.

Райкомолда унинг аризаси военкоматга ўтказилганини айтдилар, военкоматда эса, Адолатни жуда совуқ қарши олишди. «Бригадирни фронтга юборолмаймиз» деди военком.

Адолат отасининг кўзига кўринмаслик учун, қишлоқ ораламай, яна сўқмоқ йўллар билан даштга қайтди. Фира-шира пайтда, шийпонда қовун еб ўтиришган қизларнинг ёнига келди. Уни кўриши биланоқ Бегимхон гап ташлади:

— Нега кечикиб келдинг, Адолат? Мен сени гўшангада ўтириптимикин депман.

— Вой, нега ундай дейсиз, Бегимхон?— қизларнинг бири гапга аралашди.— Бизни тўйга айтмай, гўшангага кирармиди Адол!

— Бошқа гап қуриб кетибдими?— деди Адолат, ўзини босиб. Кейин орадан ҳеч гап ўтмагандек, Бегимхонга тик қараб:— Райондан келяпман,— деди.

— Райондан?— деб қизлар бир-бирларига қарашиб олишди.— Хоҳладимга бордингизми?

— Ҳа, хоҳладимга. Фронтга кетишни хоҳладим.

— Вой-вой, тентак бўлганми бу қиз?— деди Бегимхон, лабини буриб.— Шундоқ иссиқ жойдан эр чиқаётганда, бу нима қилганинг? Мен сен бўлсам, Бозоровга



аллақачон тегиб олардим. Ҳузурингни билмас экансан ўзинг!

— Ҳузурни ўшандақаларга тегишда деб билсанг, бор, тегиб ол! Менинг Ватанга хизмат қилишдан бошқа ҳузурим йўқ!

8

Шакархоннинг уйи қишлоқдан анча узоқда бўлиб, катта ариқ бўйидаги якка қўрғонда эди. «Бу ерда эканимни ҳеч ким билмасин» деди Адолат Шакархонга. Адолат энди даштга ҳам, ўз уйига ҳам бормай қўйди. Қишлоқда: «Адолат Бозоровга тегмайман, деб фронтга кетиб қолган эмиш...» деган гап тарқалди. Кимдир бу гапни ёлғонга чиқаргач, қишлоқдагилар: «Адолатни Бозоровнинг одамлари Аравонга олиб қочган эмиш» деб юришди. Яна кимдир: «Нормат Адолатни самолётда фронтга олиб кетган эмиш» деган гап топиб келди... Бу гап Холиданинг қулоғига етган куни Соҳиб қорининг уйида яна можаро бошланди. Она: «қизимнинг бошига нима кунлар солдинг?» деб эрига осилди. Аламда авзойи бузилиб юрган Қори хотинини тутиб олиб урди. Уртага Олимжон тушди, жаҳл чиқса, ақл кетади, деганларидек, Қори кечагина фронтдан келган инвалид ўғлини ҳам тепиб юборди. Шундан кейингина Олимжоннинг кўзи очилди. Шу дамгача отанинг юзига тик қарамаган ўғил, Соҳиб қорининг қўлидан маҳкам ушлаб, кучининг борича сиқди-да, етаклаб олиб бориб, айвондаги сўрига ўтқизиб қўйди.

— Шу чоққача раъингизга қараб юрган эдим. Энди Адолат учун мен жавоб берай. Бозоровга берадиган синглим йўқ. Тенг тенги билан, тезак қопи билан! Бозоров бир қоп тезак! Адолатнинг тенги Нормат!

Соҳиб қори сўрининг бўшаб турган тахтасини суғуриб олиб, ўғлига ўхталган эди, Олимжон тахтани ҳам тортиб олди... Раъно дод солиб кўчага қочди-да, йўловчи араваларга осилиб, кечга яқин даштга етиб келди. Хирмонда қизлар уни ўраб олишди. «Опанг келмадимми? Қани Адолат? Нега йиғалаяпсан?» деб уни саволга кўмиб юборишди. Қизларнинг бу хил сўроқларидан опасининг чиндан ҳам йўқолганига ишонган Раъно уввос солиб йиғи бошлади. Унга қизларнинг раҳми келди. Шакархон уни юпатмоқчи бўлиб, алдаб-сулдаб қапага олиб

кирди-да, бир қарич «чайнаманг-шиминг»дан снндириб берди, «ўтириб тур, опанг келади» деди-да, яна пахта теришга тушди. Ҳаял ўтмай, қош қорайиб, пахтани кўриб бўлмади қолди. Раъно: «Опам қаёқдан келар экан?» деб хирмондан ҳар томонга қарайвериб, кўзлари тинди. Тўрт томонни кеча зулмати босди. Шакархон этакдаги пахта-сини тўкиб келди-да, Раънонинг қўлидан етаклаб, катта ариқ бўйига бошлади, сўнгра сўқмоқ билан олиб кетди.

— Жон опа, ростини айтинг, қаёққа олиб боряпсиз мени?— деб сўради Раъно, йўлда тўхтаб.— Қўрқяпман.

— Қўрқма. Етай деб қолдик.

Раъно юрагини чапгаллаб, қўрққанидан қалтираб борар эди.

— Мана келдик. Опанг бизнинг уйимизда.

Шакархон Раънони ўз уйига бошлаб кирди.

Адолат Шакархоннинг безатиб қўйган уйида китоб ўқиб ўтирарди. Раъно югуриб бориб, опасининг бағрига отилди ва хафалигини ҳам унутиб, қишлоқдаги мишмишларни ҳикоя қила бошлади:

— Биласизми, опа, сизни Бозоров олиб қочиб кетди дейишди. Аям сочини юлиб йиғлаяпти. Мана мен қидириб келдим. Нега беркиниб олдингиз бу ерга? Тўйдан қочдингизми-а, опа?

Адолат синглисини бағрига босиб, кўзига жиққа ёш олди. Раъно унинг нега йиғлаётганини тушунмаса ҳам, опасига қўшилиб йиғига тушди.

— Йиғлама, Раъно,— деди опаси, унинг бошини силаб.— Сен йиғламайдиган бўлиб ўс. Мен кетаман. Сен қоласан. Менга хат ёзиб тур.

— Қаёққа, опажон, қаёққа кетасиз? Мени ҳам олиб кетинг!

— Сен борадиган жой эмас, фронт.

— Фронт? Фронтда нима қиласиз? Олимжон акамга ўхшатиб, бир қўлингизни чўлоқ қилиб қўяди фронт, борманг опа, борманг!

— Энди бормаи иложим йўқ.

Бир нафасда ювиниб-тараниб келган Шакархон гапга аралашди:

— Нормат Москвадами?

— Москва атрофида. Москва остонасида...

— Тополасанми уни?

— Топаман... Кечалари ухлатмас экан бу муҳаббат ўти. Муҳаббат нима ўзи, билмас эдим. Муҳаббат — ор-

зиқиб кутиш, ўқиниш, ўртаниш экан. Муҳаббат — азоб-уқубат, қийноқ экан. Бегимхон айтгандек, оташ, жаҳаннам экан. Сиз айтгандек, шармандалик экан. Нега бир-бирини севади кишилар? Нега бир-бири учун жон беради, заҳар ичади? Тоҳир билан Зухра, Фарҳод билан Ширин, Лайли билан Мажнун ҳикоялари, энди билсам, афсона эмас экан. Чин севги экан ўшаларнинг севгиси! Мен жоним борича севгимга хизмат қилгани кетяпман. Тирик бўлса — ёнида юрай. Шаҳид ўлса — ёнида ётай. Аҳдим шу!

Адолатни Тўхта хола ҳам қидириб юрган эди. У, Раънонинг изидан бориб, уларни Шакархонлариикидан топди. Адолат унинг бағрига отилиши ҳамон, кампир ўзини тўхтата олмай йиғлаб юборди.

— Йиғламанг, онажон!— деди Адолат, кампирни юпатиб.— Ўғлингизнинг олдига кетяпман. Нормат акам чақиртирипти.

— А? Нормат чақиртирипти?

— Шундай. Нормат акамнинг ёнига кетяпман!— деди такрорлаб Адолат.

— Баракалла, қизим!— деди кампир ўзини дадил тутиб.— Қиз бола бўлсанг ҳам йигитлардай идрокинг бор экан! Оқ йўл берсин сенга, қизгинам!

\* \* \*

Адолатни фронтга жўнатиш маросими қишлоқни иккига бўлиб қўйди. Бир тараф Соҳиб қорига, иккинчи тараф Адолатга ён босди. Соҳиб қорининг тарафдорлари — ўзбекларнинг ота-бобоси амал қилиб келган эски анъаналарнинг ҳимоячилари эди. Улар қиз боланинг иффати, ор-номусини ана шу анъана иплари билан ўлчайдилар. Уларнинг фикрича, отанинг изидан чиққан қиз жазога лойиқ.

Адолатнинг тарафдорлари — ёшлар: унинг синфдошлари, дугоналари. Улар ҳаётга бошқача қарайдиган кишилар. Улар: «қиз бола одам эмасми? Одам бўлса, қиз боланинг орузини ўлдирма!» дейдилар. Шунинг учун ҳам улар Шакархоннинг уйига тўпланиб, Адолатнинг Улуғ Ватан урушига кузатиш маросимини ўтказмоқдалар. Катта дастурхон ёзилган. Қизлар чилдирма чолиб, ашула айтиб, базм қилмоқдалар.

Соҳиб қори ўз қизини бу қадар биркесарлик қиладди, деб ўйламаган эди. У, қиз бола ота-онасига эркалик қи-

лади, йиғлайди, аразлайди, лекин отага барибир тобе бўлади, деб юрарди. У, қизининг фронтга жўнайдиган бўлганини эшитиб, оёғи куйган товуқнинг аҳволига тушди. Элга ҳам кўринмади, уйда ҳам ўтиролмади, ўзини қаёққа қўйишни билмай, аламини яна хотинидан олди...

Адолатни ота уйдан фақат Олимжон билан Раъно кузатмоқда. Адолат сингилчасини эрталабдан бери қучоғида олиб ўтирибди...

Қоқ тушда колхоз араваси Адолатни дугоналарининг қуршовида станцияга олиб кетди.

— Тўхта! Тўхта!— деб қичқирди Тўхта хола, аравакашга қараб:— Нега мени ташлаб кетяпсан? Мен ҳам кузатгани бораман!

Кампир аравага чиқиб қизларнинг ўртасига жойлашиб олгач, Шакархонни қистади.

— Нега жим ўтирибсизлар? Оғзиларингизга толқон солиб олдиларингизми? Чирмандани чолиб, қўшиқни бошланглар!

Бодомхон чирмандасини вадаванглатиб юборди. Шакархон «Яхши бор!» деган қўшиғини бошлади. Кейин «ёр-ёр» айта бошладилар. Қизларнинг ёр-ёрига Тўхта хола ҳам қўшилиб кетди.

— Мана, қизим, йўлингга. Патирини еб бўлгач, рўмолини белингга боғлаб ол, белинг бикир бўлади. Нормат акангга дуо деб қўй, қизим...— деди Тўхта хола станцияга келганда.

Адолат Тўхта хола узатган тугунни илиб оларкан:

— Раҳмат, холажон,— деди.— Нормат акамга албатта сиздан дуо деб қўяман!

### *Ўн учинчи боб*

## **БЕГИМХОННИНГ БЕОРЛИГИ**

### *1*

Соҳиб қори оиласида юз берган ҳодисани эшитган Бозоров дастлаб бунга унча эътибор бермай, «тизгини қўлимда, қаёққа қочиб қутулар эди» деб бепарво юрди. Адолатнинг ҳаракатлари, интилишлари тўғрисида турли миш-мишлар эшитила бошлагандан кейин, «куёв» Соҳиб қорининг олдига борди. Қори уни иззат-икром билан кутиб олди-ю, лекин қизи тўғрисида гап очмади, Бозо-

ров ҳам Адолатнинг қишлоқдан кетиб қолгани ҳақида ҳеч нарса демади. «Қўлингдан учган қушни қайтариб қафасга солиш қийин,— деб ўйлади Бозоров.— Аммо қишлоқда қиз қуриб қолгани йўқ. Далага чиқ, соф ҳа- вода етилиб юрган сўлимлардан бирини танла!»

Бозоров извошга ўтириб далага жўнади.

Даштга кечки салқин тушиб қолган эди. Қирдан куз шабадаси эсмоқда. Қизлар этакларини бошларига ёпиб, хирмондан қапага қайтмоқдалар. Бегимхон бир қо- вунни икки қўлида иргитиб ўйнаб, ўқ ариқ ичидан шўх ашула айтиб келмоқда. Қизлар галасини кўрган Бозо- ров, от бошини ўша ёққа бурди.

— Ҳорманглар-ҳо, қизлар!

Шотут тагидаги супага тизилишаётган қизлар ичида ҳаммадан бурун унга Бегимхон жавоб қилди:

— Бор бўлинг, Бозоров ака!

— Чойларингизни ширинлагани келдим,— деди Бо- зоров.— Мана, бир пакет новвот. Олинглар, қизлар.

Бегимхон сакраб ўрнидан турди-да, Бозоровнинг қўлидан новвотни олиб, катта бир парчасини ўзининг пиёласига ташлади, қолганини қизларга улашди. Бозо- ров атрофга олазарак аланглаб, Бегимхонни гапга солди.

— Синглингиз қанилар?

— Адолатми?— деб сўради, Бегимхон, Бозоровга иш- ва билан қараб.— Вой, хабарингиз йўқми ҳали?.. Нор- мат акасининг олдинга кетди...

Бегимхон гажжакларини силкитиб, оппоқ майда тиш- ларини ярқиратиб сайраб кетди. Бозоров унга қараши билан, Бегимхон ўзини янада қўйиб юборди. Унинг қоп- қора ўйноқи кўзлари Бозоровни маҳлиё қилиб қўйди. «Дарёга қармоқ ташлаган киши илинганни олади-да. Қайси бир балиқчи тўрига тушган лаққани ташлабди. Бегимхон лаққа эмасми?»— Бозоров Бегимхоннинг би- лагидан ушлаб, четга бошлади.

— Бегимхон, сизга бир гапим бор эди, гаплашсак...

— Нима гап экан?

Бегимхон майда ўрим сочларининг учини ўйнаб ту- риб, сўради:

— Айтинг гапингизни!..

Бегимхон билан Бозоровнинг нима тўғрисида пичир- лашганини қизлар ўзларича бичиб қўйишган бўлса ҳам, Бегимхон шийпонга қайтганда ҳеч ким ундан гап сўра- мади, аксинча, Бегимхоннинг ўзи сергап бўлиб қолди.

Тилидан Бозоров тушмади. Бора-бора уятни ҳам йиғиштириб, Бозоровнинг фазилатларини таърифлай кетди. Бозоров аввалданоқ Адолатни эмас, Бегимхонни севиб қолган эмиш. Бозоров Бегимхонсиз туролмайман деган эмиш...

Шу кундан бошлаб Бозоров тез-тез даштга келадиган, гоҳ кунлари Бегимхонни извошга тушириб, қаёқларгадир олиб кетадиган бўлиб қолди. Қизлар бунга олдин парво қилмаган бўлсалар ҳам, Бегимхон ҳаддан оша боргандан кейин, уни ўртага олдилар.

— Шу қилигингни ташлайсанми, йўқми, Бегим?— деди Шакархон, Бегимхоннинг бетига тик қараб.

Бегимхон гўзадан бошини кўтариб, ўсмали қошларини чимириб, бобиллаб берди:

— Қандоқ қилиқ экан? Оғзингга қараб галир! Мен рўзғор кўрган жувонман. Оёғимни қандай ташлашни биламан.

— Бобиллама, Бегим!— деди Шакархон.— Бригадамизга иснод келтиряпсан. Ҳаммамизнинг опамиздек бўла туриб, бегона эркак билан извошга тушиб юришинг яхшими?

— Извошга тушиб нима қилибман? Бозоров акамни бир-икки марта кузатиб қўйсам, нима бўпти? Алам қилдими сенга? Кекчилик ҳам эвида-да!

— Ҳар ҳолда яхши эмас шу ишинг,— деди унга Бодомхон.

— Одамлар нима дейишади?

— Тергайдиган қайнонам йўқ, билдингми, додҳо!— деб Бегимхон таъна қилган Бодомхонга ўшқирди.— Сен менга қайнонаям, кундошам бўлолмайсан. Тергама мени!

— Тергаётганим йўқ, уят, деяпман.

— Бировларнинг ўртасига тушганинг учун ўзинг уял, қақажон. Бетинг эртароқ очилиб кетибди.

Бодомхон бошқа ҳеч нарса демай, пиқ-пиқ йиғлади. «Ҳа, мулзам бўлдингми!..» — деб қўйди ўзинча Бегимхон. Унинг назарида, бригадада энди унга бас келадиган киши қолмади.

\* \* \*

Олимжон далага кечга яқин келди. Қизлар хирмонда тумтайишиб, бир-бирларига тескари қараб ўтиришибди.

— Ҳорманглар, қизлар!

Унга фақат Шакархон жавоб қилди.

— Келинг, Олимжон ака! Бошлиқсиз қолиб, ҳамма ўз ҳолича бўлиб кетди...

— Бугундан бошлаб мен бригадирман,— деди Олимжон.— Дашт бригадаси фронтчи бригада бўлади, деб ваъда бериб келдим.

Бегимхон лабини буриб пўнғиллади:

— Ошиғи кетиб, мошиғи қолган эди, энди униси ҳам жўнаб, чўлоғи келибди...

— Ҳай, нега бундоқ деяпсиз?— деди Шакархон унга эътироз билдириб.— Бошлиғимиз эркаклардан бўлгани яхши.

— Яримта эркак бизга нима қилиб берар эди...

— Лабингни бурма, Бегим. Мен сенга якки чўқиганинга қочадиган қизлардан эмасман, фронтчи йигитман. Энди сен солдатсан, мен командирман. Билдингми? Шу бугундан эътиборан: тур десам, турасан, ўтир десам, ўтирасан! Билдингми?

Олимжон айтганини қилиб, бир варақ дафтар муқовасига «Дала шийпонининг режими» ни ёзиб қўйди. Эрталаб қуёш билан барабар туриш, қош қорайгунча иш. Бир маҳал овқатга танаффус. Овқат ҳам далада бўлади. Тартибни бузганнинг бештадан йигирма бештагача меҳнати қирқилади...

Бегимхон Олимжоннинг қапага ёпиштириб қўйган қонун-қондасини кўриб, лабини бурди.

— Адолатдан қутулиб, касофатга учрадик, шекилли...

## 2

Бозоров бир неча кундан бери даштга келмади. Бегимхон бу ҳолни бригада қизларининг фиққи-фасодидан ва Олимжоннинг бригадир бўлиб келишидан кўрди. У кечқурун, терган пахтасини табелчига ўтказиб, ювиниб-тараниб, Олимжондан жавоб ҳам сўрамай, қишлоққа жўнади. Қишлоқ гузари жимжит эди. Шундай катта гузарда фақат уч ерда: колхоз идорасида, сельпо магазинида ва Бозоровнинг ҳужрасида чироқ ёниб турибди. Бегимхон ҳужра қаршисига келиб, деразадан қаради. Ичкарида ҳеч ким кўринмади. Бир оз кутмоқчи бўлди-ю, лекин нимагадир юраги ҳовлиқиб, шошилиб ичкари кирди. Қип-қизил гилам тўшалган хона ўртасига катта дастурхон ёзилган. Дастурхонда кавоб сихлари, ичиб

тугалланмаган коньяк, вино шишалари турибди: каравотда кимдир хуррак тортмоқда.

— Бозоров... Бозоров ака...

Каравотдаги киши унинг овозига парво қилмади, аммо хуррак пасайиб, кейинча бутунлай тўхтади. Бегимхон унинг елкасидан туртди.

— Бозоров ака, мен... мен келдим. Туринг.

Бозоров кўзини очиб қаради-ю, тепасидаги жувонни танимади шекилли, индамай ётаверди. «Қаттиқ учиб қолибди, бечора» деди-да, Бегимхон уни яна уйғотишга ҳаракат қилди, лекин уйғотолмади.

— Сизни кўргани келган эдим,— деди Бегимхон, маст Бозоровнинг бўйнидан қучоқлаб.

Бозоров гулдиради.

— Мен... м.е. ҳам соғиндим...

Унинг бу гапи Бегимхоннинг енгилтак табиатига ёғдек ёқиб тушди.

— Қачонгача соғинишиб юрамиз, Бозоров ака? Туринг, гаплашиб олайлик!

Бозоров Бегимхонни қучоқламоқчи эди, у ўзини олиб қочди.

— Йўқ, йўқ. Сиз менга номаҳрамсиз. Бошқага қилинган фотиҳани бузмай туриб, менга яқинлашманг.

— Э... кечганман улардан...— деди Бозоров, Бегимхоннинг кўлидан тортиб.

— Қани кечганингиз? Юборган тўйингиз Холида аянинг сандигини тўлдириб ётибди-ку!

— Эртагаёқ қайтариб оламан. Ўшаларнинг ҳаммаси сизга, жонидан...

Бегимхон қувониб кетди: «Ҳаммаси меники... Ҳаммаси менга...». У «номаҳрам» лигини ҳам унутиб, ўзини Бозоровнинг қучоғига ташлади.

### 3

Бозоровнинг извоши Соҳиб қори дарвозаси тагида тўхтаганда, ичкаридан чиқиб келаётган Қори йўлида тўхтаб, ўйланиб қолди. База қоровулининг:

— Қорака, ҳў Қорака!— деган таниш овози эшитилди.

Соҳиб қори «ҳў, лаббай!» деб жавоб қилиши ҳамон, дарвозадан оқсоқланиб, кўлида таёғи билан қоровул кириб келди.

— Анов куни қўйиб кетилган омонатга келдим,— деди қоровул.



Соҳиб қори ятма деишини билмай, энгаси қотди-да, ўсмоқчилади:

— Қанақа омонат?

— Ун, гуруч солилган қоплар.

— Ҳа, ҳа, хўп, хўп, садағанг, ҳозир...— Соҳиб қори ичкарига кириб, бўш қопларни кўтариб чиқди.— Мана, ўша қоплар, садағанг, чангини қоқиб кўйдим. Ун, гуручлар ишлатилиб кетди, садағанг. Келди-кетди кўп бўлди. Қорига тўй келибди деб, узоқ-яқиндан одамларнинг оёғи узилмай турибди.

База қоровули зарда билан қопларни элди-ла, Қори билан гаплашиб ўтиришдан фойда чиқмаслигига кўзи етиб, унинг ҳовлида кўринган хотинига мурожаат қилди:

— Сарполарни олиб чиқинг, ая!

Холида айвонга чиқиб, бисот сандиғига яқинлашган эди, унинг орқасидан югуриб борган Соҳиб қори биқинини чимдилади ва қоровулга эшитдириб: «Қара, хотин, қарагинчи, қизинг ҳаммасини олиб кетмагандир» деди. Соҳиб қорининг ҳозирги чимчилаши бир оздан кейинги катта калтакнинг шабадаси эди. Шунинг учун Холида бисот сандиғи олдида шамдек қотиб қолди. Соҳиб қори: «Нега ўшшаясан, хотин, ёки қизингнинг сирини очгани кўрқяпсанми?»— деб лўттибозлик қилди. Холида ўзини шу ерда, ўз уйда, куппа-кундуз куни бировнинг бисотини ўғирлаётгандай сизди-да, эрининг ҳар қапча ғазабига дуч келса ҳам, сандиқ устидаги кўрпаларни ола бошладн. Соҳиб қори бир-икки бор томоқ қирса ҳам, хотини пинагини бузмади. Бунинг олдини олиш учун Соҳиб қори: «Мунча имиллайсан, қоч нари!» деди-да, хотинини четлатиб, сандиқни ўзи очди ва уни қанчалик тез очган бўлса, шунчалик тез ёпди. «Мана, мана кўрднингми, сандиқда хонаки камзул билан, ўлимлик салламдан бошқа ҳеч нарса йўқ»— деди айвон олдида ҳайрон бўлиб турган қоровулга бақрайиб қараб.

База қоровулининг икки қўлини бурнига тикиб, қуруқ чиқини кўчада кутиб турган Бегимхонинг тепа сочини тик қилиб юборди.

— Вой ўлай, қани сарполар?

— Қоридан бир нарса ундириб бўладими? Ўзи мулоким кўрингани билан, чангалидан чаён ҳам омон чиқмайдиган бургут бу Қори!

— Нима деди?

— Сарполарни Адолат кийиб кетган эмиш.

— Бекор гап! Адолатга тўнкашмасин. Адолат ший-пондаги қутичасини ҳам қизларга ташлаб кетган. Сарполарни ўзи сотиб емоқчи бу хасис Қори!

Бегимхон извошдан сакраб тушиб, ичкарига кирди. Хотинини айвонга ётқизиб тепаётган Соҳиб қори дарҳол ўзини ўнглаб тулкилик қилди:

— Ие, ие, кел, қизим, Бегимхон. Холида, меҳмонга қара!

Бегимхон чойшап ёпиб қўйилган сандиққа тикилиб туриб:

— Бозоров акамнинг омонатларини беринг!— деди.

— Қанақа омонат? Омонат йўқ...— деб Соҳиб қори, ўзини сандиққа ташлаётган Бегимхоннинг йўлини тўсди.

— Бозоров юборган тўй қани? Қайтаринг ўшани, Қори ака!

Соҳиб қори, бетга чопар Бегимхон билан пачакилашиб ўгиргиси келмай, ташқарига чиқа бошлаган эди, Бегимхон уни этагидан судраб, яна айвонга олиб чиқди.

— Нима керак сенга, Бегим?— деб Қори энди ҳужумга ўтди.— Бозоров билан ўйнашгани уялмайсанми? Уял! Уятни билмасанг, бетингнинг терисини сидириб, чирманда қоплаб ол!

Ишнинг чаппа кетишини сезган Бегимхон, Соҳиб қори айтгандек, «бетининг терисини сидириб», бобиллаб берди:

— Оғзингизга қараб гапиринг, Қори ака. Ўйнашдан худо асрасин. Бозоров менинг шаръий эрим.

— Бозоровни эрим дедингми? Бозоров неча хотиннинг эри?!— деди Қори заҳарханда билан.— Энди сени ҳам ҳарамига қўшмоқчимми!? Бор, ўша ўйнашингга бориб айт, сарпо йўқ. У аввал келди-кеттига қилган чиқимимни тўласин!

Ана шу ерга келганда Бегимхон нима дейишини билмай, лабини тишлаб қолди. Аммо бир фикр унинг бошига ялт этиб келди-да, гажжакларини силкитиб, Қорига таҳдид қилди:

— Эргаш акага чақаман,— деди Бегимхон, кўзларини чақчайтириб.— Қори ака қизини орқаворотдан қалинга сотиб еб қўйди, дейман. Қани, парткомга нима жавоб қилар экансиэ!.. Ҳолингизни ўшанда кўраман!..

Соҳиб қори бўзрайиб, беюз Бегимхоннинг орқасидан тикилганча қолди.

ЭРГАШ УРАЛДА

I

Эргаш саккиз кечаю, саккиз кундуз деганда керакли станцияга етиб келди. У вагон деразасидан қараб, темир йўл майдончаларида узун-узун составлардан юк туширилаётганини ва баъзиларига юк ортилаётганини тамоша қилди. Яна бир состав келиб, пассажир поезде билан ёнма-ён тўхтади-да, Эргашнинг стапцияга тушадиган йўлини тўсиб қўйди. Очиқ платформаларда запгор бўёқлари ярқираб танклар турарди. Афтидан, улар эндигина заводдан чиққан бўлса керак, бўёқ иси гупиллаб димоққа уриб турибди. Эргаш вагондан тушиб, икки состав ўртасида бир оз аланглаб тургач, ўз олдида кетаётган кишиларга эргашди ва туннел орқали перронга чиқди.

Узундан-узоқ перронда одамлар у ёқдан-бу ёққа югуришиб юрибди.

Эргаш қаёққа боришини билмай, ағрайиб қараб қолди. Перрон баландликда эди. Энди унга бу жойдан теварак-атроф барала кўринди. Станция шаҳарнинг ўртасида эди. Тўрт томонда баланд-баланд трубалардан қуюқ қора тутун бурқсаб чиқиб, кўкка интилмоқда.

— Металлургия заводи қаёқда?— деб сўради Эргаш, пакгауздан чиқиб келган юкчиларнинг бирини тўхтатиб.

— Қайси металлургия заводи?— деб юкчи ҳайрон бўлиб сўради.

— Қайси бўларди, Уралдаги металлургия заводи-да...

— Уралда нима кўп — металлургия заводи кўп. оғайни!— Юкчининг иши зарур бўлса керак, «ана бу кишилардан сўра» деб, зинадан перронга чиқаётганларни кўрсатди.

Эргаш перронда чамадон кўтариб турган тулки телпакли йигитнинг ёнига борди.

— Металлургия заводи қаерда, биродар?

Бу йигит ҳам ҳалиги йигитдек таажжубланди.

— Қайси металлургия заводи?

— Қайсиси бўларди. Ўзбекистондан келган йигитлар ишлаётган металлургия заводи-да!

— Ўзбекистондан келганлар ҳамма заводда ҳам бор.

Эргаш чўнтагидан конверт чиқариб, телпакли йигитга кўрсатди:

— Мана бу хатдаги адрес...

— Пастга тушиб, 17-автобусга ўтиринг, тўғри олиб бориб қўяди,— деди ҳалиги йигит, конверт орқасидаги завод номерини кўриб.

— Раҳмат, биродар, барака топинг.

Эргаш вокзал зинасидан тушиб, майдонга чиқди. Бу ердаги кўчаларнинг асфальти офтобда ҳовуз сувига ўхшаб тиниқ ярқирамоқда. Троллейбуслар майдонни айланиб ўтмоқда, трамвайлар у ёқдан-бу ёққа физиллаб юрибди. Эргаш шу ерда тўхтаб турган автобусга ўтирди. Автобус обод кўчалардан ўтиб шаҳар чеккасига чиқди. Аммо шаҳар орқада қолиши билан яна янги иморатлар, завод корпуслари кўрина бошлади. Машина дарахтзор ичига киргач, чапга бурилиб, тош йўлга чиқиб олди. Бу ерда ҳам қатор-қатор иморатлар, заводларнинг юксак мўрилари... Гўё заводлар ердан униб чиқаётгандек, трубалари дарахтлар билан бирга ўсаётгандек эди.

— Урал деганича ҳам бор экан,— деб қўйди Эргаш, кенг, чароғон посёлкани тамоша қилиб бораркан.

## 2

Холмат янги ишга анча вақтгача кўниколмай юрди. Бу ерда ҳам ҳарбийча қаттиқ интизом ўрнатилган эди: ҳамма гудок билан уйқудан туради, гудок билан ётади: Кечалари баракда сўзлашиш ман этилган. Бу режим Холматга ёқмади. У, келган куниданоқ туғилган қишлоғини, кенг далаларини қўмсай бошлади. У бир куни ўз шериклари билан бирга: «Қишлоғимизга қайтаринглар, ёки фронтга юборинглар» деб завод раҳбарларига ариза ҳам берди.

Завод раҳбари оғир касб, нотаниш ҳунар жанубдан келган деҳқон йигитларга сингмаётганини сезиб, цехга агитатор юборди. Агитатор аризачиларга Уралнинг Ватан аслаҳахонаси эканлигини батафсил тушунтириб берди. Холмат шундан кейин ариза берганига пушаймон бўлди. Аммо унинг баъзи ҳамроҳлари шундан кейин ҳам «кетамиз»ни қўймадилар.

— Сен кетмасанг, биз кетамиз,— деди Сотти ияги-

нинг учигаги сийрак сарғиш соқолини силаб.— Нариги заводдан уч киши кетибди-ку, нега биз кетолмаймиз?

— Ўзим ҳам кетмайман, сизларни ҳам кеткизмайман!— деди Холмат қатъий.

— Нега?— деб Сотти кўзларини чақчайтириб сўради,— Сен кимсан ўзинг? Сен ҳам бир мардикорсан-да.

— Мардикор, дедингизми?

— Ҳа-да, бу ерга мардикорликка келгансан.

— Йўқ!— деди Холмат, юрагида Соттига нисбатан тошган газабини босиб.— Мен мардикор эмасман. Сиз ҳам, бу ерга келган бошқа ҳамма кишилар ҳам фронт орқасининг жангчиларимиз!

Холматнинг авзойини кўриб, Сотти бошини эгиб, аста:

— Ким эканлигимни билолмай юрибман, ўргатиб қўй,— деди.

— Деҳқон эдингиз, энди ишчисиз. Ана, рус ишчиларини кўрдингизми, ўт ичида чўғ бўлиб ишлашяпти. Ушалардан ўрганинг!

— Ўрганишимга кўзим етмайди. Қўй, жавоб олиб бер, ука, кета қолай. Синглим бева. Эри ўлибди, деб эшитдим. Ахир, фронтга ҳам пахта керак-ку. Нима қиласан мени бу ерда бўйнимдан боғлаб?

— Пахта ҳам ташлаб қўйилгани йўқ.

— Вой биркесар-эй! Бўпти бўлмаса, начальникка ўзим кириб, жавоб олиб кетаман.

Холмат унга тикилиб туриб, калта жавоб қилди:

— Кетмайсиз!

— Кимсан ўзинг, йўлимни тўсадиган?.. Мен билан ишинг нима?

— Ишим бор,— деди Холмат кескинлик билан,— мен коммунистман. Партия мени бекорга юборгани йўқ. Қўйинг кетишни. Сотти ака! Яхшиси, ҳунар ўрганишга бел боғланг. Қани, юринг-чи, ошхонага кирайлик. Мастерим билан гаплашиб кўраман. Эҳтимол сизни ўзига шогирд қилиб олар. Жуда ўткир мастер.

Эргаш Оқтепа районидан келган ишчиларни ошхонадан топди. Улар тушки овқатдан чиқаётган эдилар. Унинг олдида биринчи бўлиб Холмат югуриб келди-да, қулочини кенг ёйиб, бағрига босди.

— Кел-эй, Эргаш, бормисан, ошнам!

Ҳамқишлоқлар Эргашни саволга кўмиб юборишди.

— Бизнинг бола-чақалар омонми?

- Бизникида бўлдингми?
- Хат-хабар олиб келдингми?
- Пахта қалай?

Эргаш ҳамманинг саволига жавоб қила-қила, чамадонини оча бошлаган эди, Холмат чамадонни унинг кўлидан олиб:

— Ётоққа юринглар,— деди ҳамқишлоқларига,— ўша ерда гаплашамиз.

Улар ётоққа боришди. Баракнинг бир томонига зич қилиб каравот терилган, иккинчи томонига икки қават сўри қурилиб, уларга оппоқ ўринлиқ тўшалгач эди.

Эргаш кираверишдаги каравотга ўтирди, бошқалар уни ўраб олишди. У қопини очиб, аввал «гулистон»ликларга, кейин бошқаларга қариндош-уруғ, ёр-биродарларининг совға-саломларини, хатларини улашди. Бир оздан кейин ҳамма ўз ҳолича бўлиб, барак жимиб қолди.

— Жуда соз, жуда соз,— деди Холмат, онасидан олган хатни ўқиб бўлгач.— Хайрият, болалар соғ-саломат экан. Онамнинг Славикни боқиб олгани яхши бўлибди. Бечора кампир... ҳамма ташвиш ўшанинг бошида.

— Менинг отамни айтмайсанми?— деб севиниб кетди Сотти.— Етмиш тўққизга кирди. Буни қаранг-а: «Сенинг ўрнингга далага чиқдим, болам, рўзғорингга ўзим қараб турибман, кўнглингни тўқ қилиб, ишлайвер»— депти.

— Ана, кўрдингизми?— деди Холмат, унга қараб.— саксон яшар чол ҳам сизни: «Уралдан кетма, ўғлим!»— деяпти. Уйдан хотиржам бўлаверинг. Сизни шунча жойга юбориб қўйган ҳукумат бола-чақангизни унутиб қўярмиди?

— Тўғриси, нотаниш касбга қовушмай зериккан эдим. Мана энди бир оз қўлим қовушиб қолди. Холмат этагимиздан маҳкам ушлаб қолмаганда баъзи бирларимиз қочиб кетишдан ҳам тоймас эдик...

— Уралдан қочганга Ўзбекистонда ҳам ўрин йўқи! Эргашнинг бу гапи Соттига қаттиқ ботди.

— Э, мусофир жойда ўлигим қолишини истамайман. Эшикка чиқсам совуқ бурнимни узиб оламан, дейди.

— Шайтонинг зўр сенинг, Сотти! Шайтон сени ҳар куни осмонга олиб чиқиб турибди. Ҳушёр бўл, тепадан ташлаб юбормасин.

Баракда кўлги кўтарилди.

— Энди Эргашдан эшитайлик,— деди кимдир.— Шупча йўл юриб, бизни йўқлаб келибди, раҳмат!..

— Қани, қани, гапириб бер, Эргашвой! Ўзбекистонда нима гап, қишлоғимиз қалай? Ким қолди, ким кетди? Фронтга кетганлардан хат-хабар борми?

— Ўзбекистонда, давлатга мўл-кўл пахта берамиз, деб курашяпмиз. Районда биринчи бўлиб «Гулистон» теримга тушди. Айниқса дашт бригадаси олдинда. Адولاتхон Норматнинг йўқлигини билдирмаяпти, ишши бошлаяпти.

Холмат укасининг номини эшитиши билан Эргашдан сўради.

— Норматдан хат борми?

— Мен сендан сўрамоқчи эдим, қишлоққа анчадан бери хат келгани йўқ...

— Менинг бир отахоним бор, унинг ўғли ҳам фронтда,— деб гап бошлади Холмат.— У бир ойча илгари юборган хатида ўзбекистонлик йигитлар билан биргамиз, менда бир Жабборов деган жангчи бор, деб ёзбди. Отахоним мени чақириб, ўша бола сенинг ака-укаларингдан эмасми, деб сўради. Отанинг ўғли Жабборовнинг фамилиясини ёзибди-ю, отини айтмабди. Мен отахондан Жабборовнинг отини билиб беришни сўрадим. У ўғлига хат ёзиб юборди. Аммо жавоби келгани йўқ. Бугун унинг уйига борамиз, сени у билан таништириб қўяман.

— Яхши...— Эргаш гапида давом этди.— Фронтдан хат келиши сал қийинроқ бўляпти. Аммо Уралдан кўп хат боряпти. Райком секретари мени чақириб, Уралдагиларга бориб айтгин, ҳадеб «мени чақириб олинглар» деган ариза юборишавермасин, деди. Кейин яна шуни ҳам айтиб қўйгинки, деди у, бола-чақалари, уй-рўзгорларидан хабар олиб турибмиз. Улар фронтга кўпроқ қуроли етказиб бериш билан бирга, ҳунар ўрганишсин. Уларни Ўзбекистонга кўчиб келаётган ва республикамизда янги қурилаётган заводлар кутиб турибди.

Ўзбек ишчилар Эргашнинг сўзларини эътибор билан тинглашди. Улардан бири ўзини туюлмади:

— Раҳмат, партиямизга!— деб юборди. Шу чоқ гудок чолинди, ҳамма ишга шошилиб қолди.

— Бориб райкомга айт,— деди Холмат,— фашизм устидан тўла ғалаба қозонгунча, Уралда қоламиз ва Ўзбекистонга уста пўлат қуювчилар бўлиб борамиз!

Кечаси Холмат ишдан қайтгунча Эргаш унинг каравотида қотиб ухлади. Холмат йўлдан чарчаб келган дўстини уйғотгиси келмай, анча вақтгача тепасида турди, ammo буларни уйда кутаётган отахон устасини ҳам кутдириб қўйгиси келмади-да, Эргашнинг елкасидан ушлаб қимирлатди.

— Тур, Тургенев ота кутяпги.

Пўлат қуювчи Тургеневнинг квартираси заводнинг орқасидаги икки қаватлик уйнинг биринчи қаватида эди. Холмат электр қўнғироқ кнопоксини босиши билан, хона ичкарисидан ёқимли овоз эшитилди:

— Кириглар, кириглар, марҳамат!

Булар кирган хонанинг тўрт томонида каравотлар. Уртасида стол. Унинг ёнида одам қисилиб зўрға юради. Уй эгаси изоҳ бера кетди:

— Шунақа тиқияшиб қолдик. Квартирамизнинг икки хонасини кўчиб келганларга бердик. Улар биздан ҳам зичроқ яшайптилар. Босқинчиларни янчиб олгунча бир оз қийналамиз-да. Қани, столга!

Эргаш Холматнинг устаси билан қуюқ сўрашди. Никита Григорьевич Тургенев анча ёшга бориб қолган бўлса ҳам, көксаликка сўз бермаган. Унинг қўл қисилишдан Эргаш сал бўлмаса инграб юбораёзди. Отахон буни сезиб, кулиб қўйди. Эргаш қўлтиқлаб кирган кичкина халтачасини унга узатди:

— Мана бу сизга ўзбек колхозчиларидан совға.

Никита Григорьевич унинг қўлидан халтани олиб, столга қўйди, қайчи билан чокларини сўжиб, ичидагиларини олди.

— У, менинг севган меваларим: ўрик, олма, ёнғоқ... Майизи ҳам бор экан. Буларни кўриб, ўғлим эсимга тушди. Бунақа нарсаларни менга ўша юбориб турарди. У «Сельмаш»да ишлаган, ҳозир фронтда. Сержант.

Уйга чолнинг хотини кириб, меҳмонлар билан қўл бериб кўришди ва тарелкада юпқа қирқилган озгина нон, иккита селёдка, бир оз шажар олиб келиб, ўртага қўйди-да, чой келтиргани чиқиб кетди.

— Уруш рўзғоримизни ҳам бир оз сиқиб қўйди,— деди чол, Эргашга жилмайиб қараб.— Лекин оч эмасмиз. Халқнинг ғайрати дарёдай тошяпти. Уралда қилинаётган ишлар фронтдагидан қолишмайди!



Никита Григорьевич бир дона ўрикни оғзига солдида, гапида давом этди:

— Одамлар ғалаба учун ишляпти. Нижний Тагиллик бир машинасоз ўз жамғарган пулига танк сотиб олиб, фронтга юборибди. Унинг уч ўгли фронтда экан. Қўмондоннинг буйруғи билан учала ўғилдан бир экипаж ташкил этилибди. Ана шу ураллик ишчининг пешона терига сотиб олган танкида унинг ўғиллари Москванини мудофаа қилаётган экан. Кеча газетада уларнинг суратлари босилиб чиқибди.

Эргаш чолдан сўради:

— Танк сотиб олиш мумкинми?

— Мумкин.

— Колхозчиларга ҳам сотиладими?

— Фронтга совға қиламан деган ҳаммага сотилади.

— Демак, биз ҳам колхозимиздан фронтга танк совға қилсак бўлар экан-да?

— Албатта бўлади.

Эргаш Тургенев отанинг фронт ҳақидаги, ўгли тўғрисидаги ҳикояларини мароқланиб тинглади ва унга миннатдорчилик билдириб, Холмат иккаласи хайрлашиб чиқди. Улар баракка яқинлашганларида Холмат ундан сўради:

— Сотти сенга ҳеч нарса демадимми?

— Йўқ. Нима демоқчи эди?

— Унинг дарди зўр. Қишлоққа кетмоқчи. Зўрға ушлаб турибман.

— Бошқалар-чи?

— Бошқалар ғалабагача Уралда қолишга қатъий аҳд қилишди. Фақат Сотти...

— Мен у билан ўзим гаплашаман. Хотиржам бўл!

#### 4

Эрта тонгда завод гудоги Эргашни ҳам уйғотди. У баракдан ишчилар билан бирга чиқиб, шу посёлкада доғи чиққан «ўзбек самовари»га йўл олди. У йўлда бораркан, қават-қават тиканли симлар билан ўралган цехларнинг қўриқчилари ундан пропусқа сўрай бошладилар. У, ниҳоят, «чойхона» ёзувлик баракка етиб келди.

Узун ва кенг баракда катта Тула самовари буғ чиқариб турибди. Аммо ҳеч ким йўқ. Ёғоч уйга ердан бир газча баланд кўтариб тахта терилган, унинг устига қа-

нор қоплардан палос тўшалган. Бурчакда икки кўрпа, бир болиш юмалоқлаб қўйилган. Афтидан, бу — самоварчининг ўриндиғи бўлса керак. Бир оздан кейин эшикдан кимдир ҳарсиллаб кирди-да, қўлтиғидаги ўтинни гурсиллатиб самовар ёнига ташлади ва шу ерда бегона кишини кўриб:

— Келинг, меҳмон, келинг, — деди-да, шошилиб у билан кўришди. — Қайси заводдансиэ?

Эргаш кулимсираб жавоб қилди:

— Янги келдим. Уралда бир кеча тунадим, холос.

— Кеча келиб, бугун зеркиб қолганга ўхшайсиз, — самоварчи кўрпачани ёзиб, Эргашни ўтқизди, ёнига ўзи ҳам ўтирди. — Мен икки ойдан бери шу ердман. Икки ой!

— Икки ойдан бери самовар қўясизми?

— Бе, қаёқда! Чойхона очилганига энди 27 кун бўлди. Бизникилар: карам шўрва ичмаймиз, тўнғиз гўшти солади, дейишган эди, гўшт-ёғни ҳам ўз қўлимизга берадиган бўлишди; қозонда қайчаган чойнинг мазаси бўладими, дейишган эди, мана, чойхона ҳам қуриб беришди. Балли-е, ҳимматларига!

Эргаш, самоварчининг гапини тингларкан:

— Шу ерда ҳам ўзбекчиликни доли-гулига қўйяпмиз, денг? — деб киноя қилди.

Самоварчи қўлидаги пиёлани Эргашга узатгач, алланима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, эшикни елкаси билан очиб Сотти кириб келди. Унинг қўлида Эргаш келтирган кечаги оқ халта...

— Бу нима, Сотти ака?

Сотти изғириндан қотган қўлларини самовар ҳовурига тутди, Эргашни кўрмади шекилли, самоварчининг саволига жавоб берди:

— Урик. Синглим юборибди. Чақа қилиб юрибман...

— Неча пулдан сотяпсиз? — деб Эргаш ўтирган ердан сўз отди.

Сотти Эргашнинг овозини эшитиб, саросимага тушиб қолди.

— Ийи, ийи, сиз ҳам шу ердмидингиз? Ҳе, ҳе... бир оз чойчақадан зориқиб қолган эдим.

— Эрталаб ишга кетмабмидингиз?

— Станцияга бордим. Доналаб сотдим. Бу ерда улгуржи оладиган киши йўқ. Бирйўла қолганини ҳам пуллаб, кўнгилни тўқ қилиб тушамиз-да ишга, Эргаш-

вой ука. Синглим Бегимхон пулсиэ ўтиргандир бечора..  
— Бегимхон... Бегимхон тўқ, ўйнаб-кулиб юрибди.—  
Эргаш самоварчидан сўради:— Чойхўрларингиз қачон  
тўпланади?

— Кун қайтганда, ишдан кейин.

— Яхши, мен келаман.

Эргаш чойхонадан чиқа туриб, Соттига деди:

— Ишга боринг. Ўзбеклар шаънига иснод келтир-  
манг.

## 5

Эргаш чойхонага худди самоварчи айтган вақтда —  
ишдан кейин, кун қайтганда келди. Чойхонага одам сиғ-  
мас эди. Одамлар тўп-тўп бўлиб, гурунглашиб ўтирибди.

— Келинг, келинг, Эргашвой, келинг,— деди само-  
варчи, Эргашни кўриши билан.— Қўлингиздаги нима?

— Сизга совға. Репродуктор. Завод партия ташкило-  
ти берди.

Эргаш репродукторни самоварчига бериб, Соттининг  
ёнига келиб ўтирди.

Эргаш Соттининг бугунги кирдикорини кўпчилик  
ҳукмига ташламоқчи бўлса ҳам, гапни нимадан бош-  
лашни билмай ўйланиб қолди. Чойхўрлардан бирининг:  
«Эргашвой, у ёқ-бу ёқлардан гапириб берсангиз-чи, «Гу-  
листон» чойхонасида айтиб берадиган ҳикояларингизни  
тусаб қолдик» дегани унинг хаёл чигалини ечиб юборди.

— Уралга келаётиб, поездда бир эртак ўқидим,—  
деб гап бошлади Эргаш.— Маъноси бундай: бир полвон  
бор экан, дунёни саёҳат қилмоқчи бўлибди-ю, қишлоқ-  
даги бир донишманд олдига бориб, ундан маслаҳат сў-  
рабди. Донишманд «саёҳатга ҳунар керак» деган экан,  
полвоннинг жаҳли чиқибди. У ўз кучига жуда ишонар  
экан, зўравонлик билан яшаяпман, зўравонлик билан  
саёҳат ҳам қиламан, деб ўйлабди. Донишманд унга:  
«ҳунарсиз кишининг қўли боғлиқ» депти. «Олим илми  
билан ҳурмат топур, ҳофиз хуш овози билан одамлар-  
нинг дилини хуш қилур, ҳунарманд эса кишиларнинг  
ҳожатини чиқарур. Сизнинг қандай ҳунарингиз бор?»—  
деб сўрабди. «Кучим бор» депти полвон. «Қуруқ кучдан  
кун ўтмас» депти донишманд. Полвон унга қулоқ сол-  
май, узоқ сафарга чиқибди. У йўл юрибди, йўл юрса  
ҳам мўл юриб, бора-бора бир дарёга йўлиқибди. Кўп-

рик йўқ экан, дарёдан ўтай деб, қайиқчини чақирибди. Қайиқчи пул сўраса, полвон муштини кўрсатибди. Қайиқчи «ҳап саними!» депти-ю уни қайиққа ўтқазиб, айлантриб-айлантриб, бир чакалакка тащлаб кетибди. Аросатда қолган полвоннинг қорни очибди. Нон сотиб олай деса, бозор йўқ, тортиб олай деса, кимса йўқ. Ов қилай деса, ҳунар йўқ. Охири, саёҳатнинг «с» ҳарфини ҳам кўролмай, қайтиб келиб, донишмандга сажда қилибди...

— Жуда маъқул эртақ экан,— деди, ундан ҳикоя айтиб беришни илтимос қилган ҳалиги ишчи.

— Манманлик билан иш битадими?— деб гап ташлади иккинчи бир ишчи.

Эргаш пиёлани эгасига узатиб, ер остидан Соттига қараб қўйди. Сотти бу қамчин ўзига тегаётганини сезиб, бесаранжом бўлиб қолди. Эргаш сўзида давом этди.

— Худди шундай кишилар орамизда ўтирибди. Ма-на, Сотти акани олайлик. Кимсан Сотти полвон деб, ҳаммамиз ҳурмат қилар эдик. Полвонимиз деб ишониб, Уралга юбордик. Лекин бу киши Уралга келиб, ўз ўрни-ни тополгани йўқ. Келганидан бери ярим умри қайтиб кетиш можароси билан ўтган бўлса, ярим умри туршак-фурушлик билан ўтяпти. Заводдан берилган шакарни ҳам бозорда сотибди. Сотти полвон... Уралга пул тўплагани келибди, бу азамат. Топганини тўнининг пахтасига тўп-лаб тиқаятган эмиш...

— Мен ҳам неча марта айтдим унга шу гапни,— деди Холмат,— ранги хўроздаг-у, ишга чап беради.

— Ҳой, Холмат, юкли хўтк лойга ботиб қолса, кетидан кўтаргин-у, лекин кулма. Билдингми?— деб Сотти Холматга ўшқириб берди.

— Сен лойга ботган хўтикмидингки, сенинг ҳолинг-га кулсам, сен қоқилиб юрган катта эшаксан.

Чойхонада барала кулги кўтарилди.

— Сенинг тилинг тошни ёради, Холмат. Мунча меп-га осилиб қолдинг? Нонимни ўзим топиб еб юрибман. Ўз нонини ўзи топган — Ҳотамга ҳам бўйин эгмас. Би-либ қўй, шуни!

— Емғирсиз булутга ўхшаб хўмрайиб юраверганинг билан иш битадими?— деди Холмат яна.— Ҳалол меҳ-нат қил. Ҳунар ўрган. Ҳунарсиз қайтиб кетишни ўйла-ма, бояги эртақдаги полвондай пахта-ни чиқиб қолади!

Бу ўткир таъналар Эргашнинг тилини янада узун қилди.

— Сотти полвон полвонлигини шу ерда кўрсатмаса қаерда кўрсатсин,— деди Эргаш, Соттини суяб.— Душман устидан қозонадиган ғалаба шу ерда қуйиляпти. Унинг қўрғошини бўлмасанг, нимаси бўласан? Полвон бўлсанг, куч кўрсат. Кучингни билагингда сақлаганингдан на фойда!

Холмат луқма ташлади:

— Ҳақ гап шу. Пўлат ўтда тоблалади!

— Чивин кўплашса филни йиқитади деган гап бор,— деди Эргаш салмоқлаб.— Чумоли бирлашса, чаённинг пўстини титади. Нега кўплашиб Сотти акани эгарлаёлмаймиз? Мени райком юборди. Уралга келганлардан партиянинг умиди катта. Шу умидни оқламаган киши ўз юртига қайси юз билан боради? Мен ана шу гапни айтгани келганман. Мен сизлардан: «Шу умидни оқлаймиз!»— деган чин ваъдани эшитмагушча кетмайман!

— Оқлаймиз! Оқлаймиз!— Чойхонани ишчиларининг шовқини босиб кетди.

## 6

Эртасига завод клуби одамларга тўлди. Никита Григорьевич Тургенев шу ерга тўпланганларга кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб беришга келди. Никита Григорьевич ҳикояни 1905 йил декабрь қўзғолонидан бошлади. Уша вақтда у 22 яшар йигит эди. Баррикада жангларидан кейин чор охранкаси уни тюрмага ташлади. Уни Москва ишчиларининг қайта-қайта такрорланган иш ташлашлари, сиёсий забастовкалари қутқариб олди. Унинг шундан кейинги умри химия заводларида оғир меҳнат билан ўтди. Октябрь социалистик революцияси Петербургда ғалаба қилган куннинг эртасигаёқ Никита Григорьевич Москва ишчилари билан революцион отрядларда бўлди. Москвада Совет ҳокимияти ўрнатилган кундан бошлаб, у социалистик санатни ташкил қилишда қатнашди. Партия уни Уралга юборди.

Герман фашизми совет тупроғига бостириб кирганини эшитиши биланоқ, Никита Григорьевич қўлига қурол олиб, фронтга кетмоқчи бўлди. Аммо унга рухсат бермадилар. Фашист қўшинлари Москва атрофида

яқинлашиб қолган кунларда у айниқса хуноб бўлиб, ғазаби тошиб, кеча-кундуз вақтини заводда ўтказадиган бўлиб қолди. У, ишчиларга: «Душман устидан ғалаба қозониш учун сен бугун нима қилдинг?» деган шior ташлади. Заводда унинг шогирдлари кўпайгандан кўпайиб борди.

Тургенев отанинг суҳбатидан кейин завод клубида ҳаваскорлар концерти бошланди. Уч киши саҳнада ўтириб олиб баян чолмоқда. Шу баянчиларнинг бири — Никита Григорьевичнинг янги шогирди. Шу ёш музикачи (биринчи марта саҳнага чиқиши бўлса керак), тамошабинларнинг салобати босиб, куйни бузмоқда. Никита Григорьевичнинг кўнгли бузилиб кетди.

— Буларнинг ҳеч бири Великановга ўхшамайди,— деди Тургенев.— Баянни ўша чолсин!..

Концерт тугагандан кейин Холмат билан Эргаш Никита Григорьевични уйига кузатиб қўйишди.

— Ота, Великандан хат келгани йўқми?— деб сўради чолдан Эргаш.

— Йўқ, келмади. Мен ҳам хавотирдаман.

— Келиб қолар, отахон,— Холмат Никита Григорьевичга тасалли берди.— Шояд бизнинг Норматдан ҳам хушхабар келиб қолса!

Чол индамади. Аммо уйга кириб кета туриб, Холматнинг қўлини қаттиқ қисаркан, унга шундай деди:

— Холмат Жабборович, эртага ишга барвақт чиқинглар, ғалаба вахтасида туриб ишлаймиз! Ғалаба вахтасида, ҳа!

\* \* \*

Баянчиларнинг муигли куйидан қаттиқ таъсирланган Эргаш баракка хомуш кириб келди. Барак совуқ, деразалар яхлаб қолибди. У ечинди-да, каравотга ётиб, заводдан олган пўстинини устига ташлаб, бошини буркаб олди. У, алламаҳалгача ухлаёлмади. Каравот тахталари биқинига ботди. У кўзларини юмиб, ўзини шунча уйқуга солса ҳам, хаёл ипи чўзила берди. Болалар қишлоқда нима қилишяпти экан? Нормат қаерда, Москва яқинида нималар бўлаётган экан? Никита Григорьевич эрталабдан вахтада турамиз, деди, демак, аҳвол оғир...

Эргашнинг кўзи уйқуга кетар-кетмас, уни завод гудоги уйғотиб юборди. У шошилиб ўрнидан туриб, кара-

вот тагидан пиймасини оларкан, бошини кўтариши билан Никита Григорьевични кўрди. Чол соқолини қириб, янги комбинезон кийиб олган. Унинг чеҳраси очиқ, нимадандир хурсанд.

Тунука умивальникда Холмат ювиняпти. У сочиғини каравотга илиб, орқасига қайрилиши билан, девордаги плакатга кўзи тушди. Плакатда бир жангчи бармоғини ўқталиб: «Сен фронт учун бугун нима иш қилдинг?» деб, унга савол беряпти. Шу жангчи Норматга жуда ўхшаб кетади. Демак, Нормат фронтдан атайлаб, Уралга, акасини кўргани келиб, унинг фронт учун нима қилганини, душман устидан ғалаба қозонишга қандай ҳисса қўшаётганини суриштиряпти!

— Вахтагами?— деб сўради Холмат, коржомасини кияётган Соттидан.

— Вахтага!— деди Сотти.— Мени ҳам Тургенев ота чақириб келди...

Эргаш мамнун жилмайиб, Соттининг елкасига қўлини ташлади.

— Раҳмат, Сотти ака!

— Вахтага!— деди кулиб Тургенев ота.— Ҳамма вахтага!

Бир оздан кейин баракда ҳеч ким қолмади.

Эргаш шу куни Ўзбекистонга жўнаб кетди.

### *У н б е ш и н ч а б о б*

## ПАРТИЗАНЛАР ОРАСИДА

### *1*

Нормат юзига тегаётган мулойим қўлни сизди. Кимдир унинг оёғини боғлаб, пешонасидан силаб уйғотарди. У кўзини очиб, бошида турган икки кишини кўрди. Уларнинг бири ўрта ёшлик, соқоли қирилган, иккинчиси ёш бўлса ҳам, соқол-мўйлаб қўйиб юборган, пахмоқ сочли йигит эди. «Булар кимлар?— деб ўйлади Нормат.— Қандай одамлар? Дўстларми, душманларми?»

Нормат чап тирсагига тираниб, ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, туролмади. Ҳалиги, соқол қўйган йигит кўмак-лашгач, қаддини кўтариб, қарағайга суялиб олди. Кўмакдоши флягасидан унга сув ичирди. Сув ичаркан,

унинг бадани қандайдир ором топгандек бўшашиб кетди. У меҳрибонининг кўзларига тикилиб сўради:

— Ким? Кимсизлар?

— Партизанлармиз,— деди унинг кўмакдоши.— Биздан қўрқма. Менинг отим Руслан, шеригимнинг номи Бульба...

— Отрядга кетамиз,— деди Бульба, Норматга,

— Майли.

Партизанлар Норматни суяб кўтаришди. Нормат бор кучини ўнг оёғига тўплаб, ҳақкалаб юрди. У ўнг оёғида ҳақкалаган сари, чап оёғи сирқираб оғрий бошлади, кўзи тиниб, ҳимоячиларига беҳол суяниб қолди.

— Тўхтанглар... Тўхтанглар...— деди Нормат.— Сизларни қийнаб юбордим.

— Аксинча, биз сени қийнаяпмиз,— деди Руслан.

Шу вақт ўрмон четида шарпа сезилди.

— Немислар келяпти,— деди Бульба.— Бу ердан кетайлик.

Икки бронетранспортёр ғириллаб келиб, уларга яқин қолганда чапга бурилди-да, ўрмонга кириб кетди: уларда курак ва ойболта ушлаган кишилар, афтидан, сапёрлар бор эди.

— Қаёққа кетишди?— деб Нормат шерикларидан сўради.

— Паром-кўприкка,— деди Руслан.— Паромни қизил аскарлар бузиб ташлашган, немислар ўзларига йўл солишга кетишяпти.

Бронетранспортёрлар ғойиб бўлгандан кейин, партизанлар йўлни тезроқ кесиб ўтиш учун Норматни қўлтиқлашган эди, у кўнмади:

— Узим. Узим юраман.

Нормат дарахтга суяниб ўрнидан турди-ю, яна кўзи тиниб, боши айланиб йиқилди, партизанлар уни суяб қолишди.

Нормат бошини кўтариб, катта йўлга қаради. Кўзига дарахтларнинг орасидан кети йўқ колонналар кўринди. Колоннани броневик бошлаб келарди. «Москвага... Ҳаммаси Москвага ҳужумга кетяпти» деган фикр унинг миясига чақмоқдек урилиб, ғазаби қайнади. «Адабини берадиган пайт келди-ю, лекин ожизман. Қани куч, қани мадор?»

Партизанлар Норматни бомбадан пайдо бўлган чуқурликка судрашди ва устига арча шохларини ёпиб,



ўзлари ҳам яширинишди. «Тирнклийн кўмилдим» деб ўйлади Нормат, оғир уҳ тортиб. У анча вақтгача арча игналари орасидан катта йўлга тикилиб ётди. Броневик секинлаб ўтиб кетди. Колонналар ҳамон бир хилда қадам ташлаб ўтарди.

Қош қорайди. Колонналарнинг охири тугади. Партизанлар Нормат ётган чуқурлик тепасидан арча шохларини олиб ташлашди. Ўстидаги юк енгиллагач, Нормат ўрнидан турмоқчи бўлган эди, шериклари: «Ётавер, қачон туришингни ўзимиз айтамыз» дейишди. Партизанлар қарағай шохларини бутай бошлади. «Капа тикишади шекилли, бу кеча шу ерда тунамасак эди» деб ўйлади Нормат ва бир хўрсиниб олди.

— Кел, энди мана бунга ёт,— деди Бульба.

Нормат қарағай новдалари билан арча шохларидан ясалган замбилни кўриб, ўзини тирик мурда қилиб тобутга солинаётгандай сезиб, хўрлиги келди.

— Сизларга дардисар бўлдим...

— Ишимиз зарур,— деди Руслан.— Тезроқ бораб хабар қилишимиз керак.

Нормат суюниб кетди:

— Қисмимга хабар қиласизларми?

— Йўқ, сен биз билан қоласан,— деди Бульба.— Ҳалиги колонналарни кўрдинг-ку. Бутун бир дивизия, Франциядан келяпти. Клязьмага бориб тунаса керак.— Кейин у Русланга деди: — Ке, оғайини суя, кетдик!..

Улар Норматни замбилга ётқизиб, қоронғи ўрмон ичига олиб кириб кетишди.

## 2

— Тўхта! Кимсан?

Партизанлар маррага етгунча неча жойда шу хил хитобни эшитиб, жавоб қилишди. Неча-неча жойда турли-туман кишилар замбилни очиб, Норматни кўздан кечирар, бош чайқаб қўйишарди. Блиндаж ёнида буларни тўхтатган охирги қоровул замбилни ичкарига киритмади. Кўтариб келганларнинг бири ичкарига кириб, бир зумда қайтиб чиқди. Норматни блиндажга олиб киришди. Руслан стол ёнида ўтирган пахмоқ соқолли кишига рапорт берди:

— Варшавкадан Клязьма томонга бир дивизия ўтди. Машиналарида Франция шаҳарларининг номлари ёзилган.

Харитани гугурт чўпи билан ўлчаб, қизил ва кўк қаламларда чизиб ўтирган соқолли киши дарҳол ўрнидан турди.

— Радист!— деди у. Радист югуриб келиши билан буюрди:— Фронтга дарҳол хабар қил, Клязьмага самолёт чақир.

— Отахон!— деди Руслан, яна солдатчасига честь бериб:— Ўрмонда учраган ярадор қизил аскарни ҳузурингизга келтирдик.

Отахон Норматни бошдан-оёқ кўздан кечириб, эшик олдида турган партизанга буюрди:

— Максимни чақиринг!

Бир оздан кейин блиндажга паст бўйли, қотмагина чол кириб келди.

— Ярадорни шифоланг, Максим,— деди унга Отахон.

— Хўп бўлади.

— Раисани чақиринг!— деб Отахон партизанга яна буюрди.

Капага ўрта бўйли, ёшгина қиз кириб, Отахоннинг буйруғини кутиб турди.

— Шошма,— деди Отахон унга,— телефон жириглаб қолди.

Отахон телефон трубкасини олиб, отрядлардан ҳар хил маълумотлар қабул қилди.

— Аҳolidан талаб олинган бисотлар солинган арвалар қаерда экан?— Отахон трубкада аллакимдан сўради.— Совет жангчилари тўсиб олибди, дейсизми? Жуда яхши!

Отахон группаларга айтадиган гапларини айтиб бўлгач, яна Раисага қаради:

— Сенга илтимос бор.

— Марҳамат.

— Аҳоли кўчиб келган ўрмонга бор. Менинг келинимга айт: курак, болта, арра, жами асбобларни йиғсин.

— Буни мен ўзим ҳам қилоламан,— деди Раиса.

— Майли, биргалашиб қилинглар.

Раиса блиндаждан чиқиб кетаётиб ярадорга кўзи тушиб қолди-ю, ўзини тутолмай қичқириб юборди.

— Нормат!

— Раиса!

Немислар Ильичёва қишлоғини босиб олгандан кейин, Раиса партизанлар отрядига қўшилиб кетган эди. Отряд бошлиғи уни разведка взводига тайинлади. Раиса шу атрофдаги қишлоқларга бориб, аҳоли ўртасида варақалар тарқатар, душман ҳақида маълумотлар олиб қайтарди. Нормат уни кўрди-ю Ильичёвадаги бемор кампир кўз олдида жонланди.

— Онанг соғайдими?— деб сўради Раисадан Нормат.

— Вафот қилди,— Раиса кўзига ёш олди-да, блиндаждан югуриб чиқиб кетди.

Максим ярадорнинг билакларини, оёқларини ушлаб кўриб:

— Оёғи синибди,— деди ва партизанлардан илтимос қилди:— Медпунктга олиб боринглар.

Қишлоқда ўттиз беш йилдан бери табиблик қилиб юрган ва кейинги йилларда колхоз амбулаториясида ишлаган бу чол медпунктда Норматнинг синиқ суякларини топиб, пайванд улагандек улади-да, тепасидан ниманидир суркаб, сўнгра оёғини тахтакачлаб боғлаб қўйди.

### 3

Кечаси Норматнинг иссиғи кўтарилди, алланималарни ўзича жавраб чиқди. Санитарларнинг қулоғида унинг фақат бир сўзигина қолди: «Адолат...» Норматнинг суяклари зирқираб оғриган чоғларда Адолат унга ором бағишлагандек, кўз олдидан нари кетмай турарди, кейин онаси, жиянлари, ўртоқлари, дашт бригадаси, бутун қишлоғи кўз олдидан бир-бир ўтарди. Хаёл айланиб-айланиб, яна жанговар дўстларни ёнига—119 тепалигига қайтарди... Нормат бир неча кун блиндаж ёғочларига тикилиб, шу аҳволда ётди. У блиндажда ётаркан, партизанлар ҳол-аҳвол сўраб, хабар олиб турдилар. Раиса ҳам бир-икки марта келиб кетди. «Раҳмат шуларга,— дерди, шифтга қараб ётган Нормат.— Шулар сени ўлимдан қутқариб қолдилар. Аммо қачонгача партизанларга боқим бўласан, Нормат? Урмондаги турмушни ўз кўзинг билан кўриб турибсан. Ҳар бир қултум сув, ҳар бир бурда нон ҳисоб-

лик. Сен уларга оғир юксан. Тур ўрнингдан, оёғингга боғланган тарашаларни улоқтир, қисмингга бор, сени дўстларинг кутяпти, Адолатдан келган хатлар кутяпти, Тур, шифтга қараб ётаверма!»

Нормат Максимни чақириб: «Тез мени ўз қисмимга жўнатинг!»— деди. Максимнинг ҳисобича, Норматнинг оёғидаги гипсни олишга яна бир кун бор эди. Шу сабабдан унинг Норматга насихат қилишдан бошқа иложи қолмади.

— Яна бир кун сабр қил, ўғлим, яна бир кун...

Норматга шу бир кун бир йилга ўхшаб кўринди, Яна бутун бир кун-а... Яна шу блиндаж ёғочларини тун билан ухламай санайдими! Ахир, неча мартадан санайди, бу ёғочларни? Бас шунча ётгани!

— Менга жавоб бермасангиз, ўзим туриб кетаман!— деди Нормат, Максим отага.

Максим қишлоқда табиблик қилиб юрган вақтларида бундай безовта бетобларни кўп кўрган. Максим ана шундай чоқларда, айниқса бетоқат болаларнинг синиғини улаб, чиқигини солаётганда, уларни овунтириб, кўнглини толиб шифолар эди. Норматни тинчлантиришга ана шундай восита тополмасмикан? Уриниб кўр, Максим, йўқса, шунча меҳнатинг чипакка чиқиши мумкин...

Максим Норматнинг ёнига ўтириб, унинг уйқусида кўпроқ тилига оладиган, унга энг азиз бўлган Адолатдан сўз очди-да, Норматнинг кўзларидан кўзини узмай, ундан нималарнидир сўраб, унга ҳамдард бўлиб ўтириб, беморни ухлатиб қўйди. Нормат шу ухлаганича эрталабгача уйғонмади. У эрталаб кўзини очиб, тушидаги севгилисини яна сўроқлай кетди:

— Қани? Адолат қани?

Норматнинг қаршисида Адолат эмас, Максим ўтирди... Нормат уялганидан, яна кўзини юмиб олди.

— Тур энди, туравер!— деди Максим.

Нормат бошини ёстикдан кўтариб, ўтирди.

— Қани энди айт-чи, ўғлим, қандай туш кўрдинг?

— Жуда қизиқ туш,— деди Нормат, кўзларини ишқалаб,— қишлоғим, севгилим тушимга кирибди.

— Хўш, хўш, айта бер!

— Мен худди шу ўрнимда ётган эканман. Адолат самолётда тепамга келиб, кабинадан бошини чиқариб қаради. «Мана мен шу ердман» деганимни биламан...

бир «мессершмидт» ҳаволаб келиб унинг самолётига шўн-  
гий бошлади. Шу он Адолат самолётдан ўзини тепамга  
ташлади... Қучоғимни очиб, ушлаб оламан, деганимда  
уйғониб кетдим... Қарасам, бошимда сиз ўтирибсиз.

— Жуда соз. Энди ўрнингдан туриб, оёғингни бир  
синаб кўр-чи!

Нормат ўрнидан пастга тушиб, оёғини босди... Чап  
оёғи ерга тегиши билан бадани живирлашиб, кўздан  
ёш чиқиб кетди. Кейин у ҳассага таяниб, битта-битта  
юриб, блиндаждан чиқди. Бир неча одим оқсоқланиб  
юрди. Унинг юриши янги тета-поя боланинг биринчи  
қадамларига ўхшарди.

— Мана энди қаёққа борсанг ҳам ўз оёғинг билан  
борасан,— деди Максим Норматнинг елкасига қоқиб.

Нормат ўзини шифолаган чолни қучоқлаб ўпди.

— Энди ижозат беринг, қисмимга кетай!

— Ижозатни мендан эмас, Отахондан оласан. У  
сени кутиб турибди.

Нормат Отахоннинг олдига кира туриб унинг:

— Рига, Рига, Фарғонадан, отанг гапираётир,— де-  
ган сўзларини эшитиб қолди. Сесканиб тушди... «Ме-  
нинг шахрим... Менинг отам? Қайси отам? Таажжуб...»  
Нормат блиндажга кираркан, Отахон ушлаб турган  
ер телефонининг трубкасига ташланмоқчи бўлди. Ке-  
йинчалик, партизанлар бошлиғи махфий код билан  
жанговар топшириқ бераётганини тушуниб, шахтидан  
қайтди.

— Эшитяпсанми, лейтенант? Элликта картошка  
юбор. Аркашага икки қути конфет бер, «Эллик олти»  
билан «Қирқ тўққиз» ўртасидаги бодринглардан беш  
қопини «Лента» томонга жўнат,— деб буйруқ берарди  
Отахон.

— Чақирганнигиз учун келдим,— деди Нормат, Ота-  
хон трубкани қўйиши ҳамон.

— Ўтиринг.

Отахон ўрнидан туриб, Норматнинг ёнига келди-да,  
уни, одати бўйича, бошдан-оёқ кўздан кечирди.

— Яхши... Ҳа, айтгандай, қайси қисмдан эдингиз?

— Эҳтимол танирсиз, Юрьев батальонидан, комис-  
саримиз Черницов.

Отахон Норматнинг ҳужжатларини: «Қизил аскар  
книжкаси» билан номи, адреси ёзилган медальонни  
ўқиб чиқди.

— Бу ерга қандай қилиб келиб қолганингизни биласизми?

Нормат бўлган воқияни айтиб берди.

— Парашютни биз ҳам кўрган эдик,— деди Отахон,— афсуски партизанларимиз яқинлашолмади...

— Ротамиз уни душманга бериб қўймагандир. Жангчиларимиз яшикка ёпишаётганини ўз кўзим билан кўрганман.

— Хотиржам, бўл ўғлам,— деди Отахон кулиб,— юкни сенинг қисминг олди.— Кейин, у Норматга яна бошдан-оёқ раэм солди-да, сўради:— Кўзимга иссиқ кўриняпсан. Қаерда кўрган эканман?.. Ҳа, Ильичёвкада учрашмаганмидик?

Нормат Отахоннинг кўзларига тикилиб қараб қолди.

— Тўхтанг, тўхтанг, қишлоқ ёнаётганида... Эсингиздами, ёнғинни бирга ўчиришмаганмидик?

— Тўппа-тўғри, ўшанда кўрган эканман. Қани, ўтир, гаплашамиз, гап кўп...

Нормат курсига ўтириб, Отахоннинг сўзига қулоқ солди. У партизанлар ҳаётидан гапира кетди. Шундан кейин Отахон Норматга фронтлардаги аҳвол тўғрисида, сеvimли Москва тўғрисида ҳикоя бошлаган эди, блиндажга қўлида боласи билан бир хотин кирди-да, гурс этиб йиқилди. Бола қизил қонига беланиб ётарди.

Нормат сакраб ўрнидан туриб беҳуш хотиннинг юзига сув сепди. Хотин кўзини очиб: «Фашистлар... «мамма» деб йиғлагани учун фашистлар боламни отдилар» деди. Унинг айтишича, кундузи фашистлар ротаси Дашковкага келиб, дам олиш учун тўхтаган. Улар қишлоқ уйларини эгаллаб олиб, ичкилик бошлашгандилар. Шу хотиннинг уйдаги маст немисларнинг шовқинидан уйқудаги гўдак уйғониб йиғлай бошлаган. Боланинг йиғисидан гаши келган бир фашист ўтирган жойидан туриб, автоматини унга тўғрилаган. Гўдак қўрқитганингни биладими? «Кўй, йиғлама» деб ёлворган хотин. Аммо автоматдан потирлаб ўқ чиқиб, бола қора қонига беланиб қолган. «Мана, ўлигини кўтариб қочдим...»— деб йиғларди она. У ҳикоясини тугатаркан, ўзини тутолмай, боласининг устига йиқилди.

— Русланнинг хотини бу,— деди Отахон, сочларини юлиб йиғлаётган онани таниб.

Нормат ҳассасига тираниб ўрнидан турди-да, онанинг бағрида қонга беланиб ётган болага қаради. Гў-

дакнинг жингалак сочлари пешонасига тушиб турибди. Унинг, витриналардаги қўғирчоқларнинг кўзларидек тиниқ кўзлари ҳали дунёда ҳеч нарса кўриб улгурмаганиданми, армон билан катта-катта очилиб ётибди. «Нима гуноҳ қилибди шу гўдак?— деб ўйлади Нормат.— Дунёга келиб нимани кўрди бу кичик кўзлари? Фашистнинг ўқи учун туғилганмиди бу кичик инсон? Яшашга ҳаққи йўқмиди унинг? Нега буни она сутидан маҳрум қилдилар? Курашишга қурби етмас эди-ку бу гўдакнинг? Нега уни гўрга тнқишга шошилди фашист? Қараб туриш етар энди, қараб турсак, уруғимизгача қурутади булар...»

— Қотиллар!..— деди Нормат ғазабланиб.— Ушлаб олиб қийма-қийма қилгим келяпти уларни!

— Партизанлар ўша одамхўрларни қирмай, кимни қирсин,— деди Отахон.— Тағин ана шу фашистлар «Партизанлар қондасиз урушишяпти» деб нолийдилар.

Гўё одам ўлдириш учун қандайдир қоида ёзиб қўйилгандек! Ким, қачон ва қаерда одам ўлдириш қоида-сини эълон қилибди? Уйига кирган ўғрини: «Сени қайси қоида билан дўппаслай?» деб сўраган одам борми, дунёда? Йўқ, бундай афандилар эртакларда ҳам йўқ. Мамлакатимизни босиб олиш, халқимизни қириш мақсадида бостириб келиб, шаҳар ва қишлоқларимизни яксон қилаётган ёвдан: «Сени қайси қоидага мувофиқ юртимдан қувлаб чиқарай» деб сўраб олиш керак эмиш! Фашистлар биз билан рингда боксга тушаётгани йўқ-ку! Ўз қотилини қайси йўл билан жазолаш, қандай қилиб ўз юртини ундан тозалаш халқнинг иши, Халқ қасосчиларининг муқаддас бурчи шу! Босқинчилар юртимиздан чиқиб кетмагунча биз улардан ўч оламиз! Халқ билан урушиш мумкин эмаслигини билиб қўйишсин ўша қутурган итлар!

Борисов телефон трубкасини олиб, штаб бошлиғини чақирди:

— Лейтенант, отрядга тревога эълон қилинг.

Бу ердаги ҳаётни, ҳаяжонни кўрган Нормат кетиш тўғрисида бошқа оғиз очмади.

#### 4

Отахон отряди Дашкўвка қишлоғининг кун ботиш томонидаги қайинзорга тўплана бошлади. Қайинзор икки йўлнинг ўртасида бўлиб, теварак-атрофдаги да-

рахтзорлардан анчагина баландликда эди. Бу жойдан бутун Дашковка, унга кирадиган ва ундан чиқиб кетадиган йўллар бемалол кўриниб турарди.

Бульба Отахон буйруғини партизан постларига етказиш учун кетаётганда, Нормат унга эргашди.

— Мен ҳам бирга бораман.

— Бор, ўғлим, бор!— деди Отахон,— Бульбага ҳамроҳ бўл!

Бульба қайинзорни сўқмоқ йўллар билан айланиб чиқди. Нормат унинг орқасидан бориб, партизанларнинг атакага шайланиб турган кичик-кичик группалари билан бир қаторда, ўт очишга ҳозир у нозир турган пулемёт, минамёт взводларининг позицияларини ҳам кўрди. Норматнинг назарида, бу ерда оддий қуроолларга эга бўлган партизанларгина эмас, мунтазам қисмларнинг бўлинмалари атака марраларида буйруқ кутиб турганга ўхшади. Аммо уларни мунтазам қўшинлардан ажратиб турадиган айирмалар ҳам йўқ эмас эди. Партизанлар ҳозирги замон совет яроғ-аслаҳаларининг барча турлари билан бир қаторда, ов милтиқлар, немис автоматлари билан ҳам қуроолланган эдилар. Уқдорилар ҳам етарли эканлиги кўриниб турарди: баъзилар катта патронтажларини елкасига осиб, баъзилар белига боғлаб олган, баъзилар эса, обоймаларни противогаз сумкаси ёки алоҳида халталарга солиб олган эдилар.

Бульба билан Нормат қайинзордан Дашковка яқинидаги буғдойзорга чиқдилар. Норматга бу ерда ҳар бир бошоқ тагида бир одам ётгандек туюлди. Руслан партизанлари буғдойзор ичига беркиниб олиб, Дашковкани кузатиб ётарди. Разведкачиларга ана шу ерда қишлоқ манзараси очилди: куйган хаталар, вайрона саройлар. Немис солдатларидан баъзилари уйларга похол ташиб киришяпти, баъзилари деразалардан плашч-палатка, кўрпа, чойшапларни қоқишяпти. Сарой олдида солдатлар бир-бирларига сўз бермай шовқин кўтаришяпти. Афтидан, улар қишлоқ самогонидан хийла отиб олишганга ўхшайди. Шулардан икки солдат том орқасига ўтди-да, нима тўғридадир гужурлашиб, кейин икки томонга ракета отди. Ракета ёруғида Дашковка куппа-кундузгидек чарақлаб кўринди, шу билан бирга буғдойзор ҳам кафтдек текис ярқиради. Партизанлар ерга ёпишиб олиб, тепаларига буғдой бошоқ-



ларини тортдилар, бошларига бўтакўз дасталарини тўсдилар. Аммо ракетачиларнинг буғдойпоя билан ҳеч қандай иши бўлмади. Ракеталар сўниб, атрофни қоронғилик босгач, солдатлар яна ғужурлашиб ғойиб бўлишди. Қишлоқнинг нариги чеккасида ҳам икки ракета отилди...

Бир оздан кейин қишлоқ жимжит бўлиб қолди.

— Энди фашистлар уйқуга ётишди,— деди Руслан.

Унинг юрагида ўғлининг қотилидан қасос олиш ғазаби тошди: ўша фашист қўлимга тирик тушса эди, деб ҳаяжонланарди Руслан.

— Битта-биттадан эмаклаб борингиз!— деди Руслан, партизанларга.

Отряд қўзғалди.

— Битта ҳам ўқ чиқарилмасин!— деб буюрди Руслан.

Унинг бу буйруғи қулоқма-қулоқ ҳамма партизанларга етиб борди. Партизанларнинг биринчи қаторлари Дашковка чеккасидаги уйларга яқинлашганда, патруллар гурунглашиб келиб қолишди ва яна ракета отилди. Ракета ёруғида партизанлар қўзиқоринлардек бодраб кўринди, аммо гап билан овора бўлган патруллар уларни кўришмади. Ракета сўниши билан икки партизан патрулларнинг тепасига ташланди. Немислар хириллаб-хириллаб жимиб қолгач, Руслан қўл фонари билан сигнал берди. Партизанлар фашистлар жойлашган қишлоқ уйларига ёпирилдилар.

Нормат Русланнинг кетидан қишлоқнинг энг чеккасида жойлашган Русланнинг уйига кирди. Қираверишда бир солдат автоматини тиззасига қўйганча ухлаб ётган эди, Руслан унинг бошига милтиқ қўндоғи билан бир урди: немис мукка тушиб ётиб қолди.

Руслан ўз уйини танимади.

Ичкари хонада тахминан бир бўлинмага яқин солдат ерга похол солиб ухлаб ётибди. Бўш шишалар, консерва қутичалари, ғажилган суюқлар ерга сочилган. Русланнинг кўзига ўғлининг қони кўринди-да, ғазабдан ёниб кетди, автоматдан бирийўла ўқ узиб, қотилларни ер тизлатди.

Руслан билан Нормат кўчага чиққанларида ўз вазифаларини бажарган партизанлар буғдойпояга қайта бошлаган эдилар.

Русланнинг қўлида қўл фонари яна ярқиради. Отряд шу ондаёқ Дашковкадан ғойиб бўлди.

Эртаси кун Дашковкага немисларнинг жазо отряди келди. «Дашковканинг гўдакларидан тортиб кексаларигача дорга осилсин» деган буйруқ билан келган отряд қишлоқда фашист солдатларнинг мурдорларидан бошқа ҳеч кимни тополмади. Отряднинг ўликларни тўплаб, қайинзордаги қабристонни ёғоч бутлар билан тўлдириб кетишдан бошқа иложи йўқ эди...

— Дашковкадан нишон ҳам қолмасин!— деб буюрди жазо отрядининг бошлиғи.

Ўт қўювчилар кўчани айланиб чиққач, Дашковкани тутунди аланга қоплади... Ана шу тутун ва ўт нчида жазо отряди ўрмонга — партизанлар устига юрди...

## 5

Жангдан кейин Отахон Норматни ўз ҳузурига чақирди:

— Раҳмат, ўртоқ Жабборов, яхши жанг қилдинг!

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!— деб бара-ла жавоб берди Нормат.

Фашистларнинг жазо отряди билан бўлган ннки соатлик жангда, Нормат граната ташлаб, танкеткаларнинг йўлини тўсган эди. Унинг гранатасидан бир танкетка пириллаб ўрнида айланиб тўхтади-да, мажақланди. Автоматчилар танкеткадан ўзларини ташлаб қочган эдилар, партизанлар ўтига дуч келдилар.

Отахон партизанларга ҳикоя бошлади:

— Мен ўзбекларни илгари ҳам кўрганман. Лекин узоқдан кўрганман. Ўтган жаҳон уруши вақтида минглаб ўзбеклар шимолий темир йўл қурилишида ишладди. Тупроқ ишларини ўзбеклар бажарди. Подшо ҳукумати ўзбекларни урушга киритмади, уларнинг қўлига қурол беришдан қўрқди. Орадан чорак аср ўтди... Ўтган йил Қишлоқ Хўжалик виставкасига келган ўзбекларни кўрдим. Уста пахтакорлар экан. Ана энди сени кўриб, ўртоқ Жабборов, ўзбекларга муҳаббатим яна ҳам ошди!— деб Борисов Норматга кулиб қаради-да, ундан сўради:— Сенга нима мукофот берсам экан, ўртоқ Жабборов?

— Мени ўз қисмимга юборсангиз — шу мукофот.— деди Нормат.— Бошим осмонга етади.

— Майли.— деди Отахон,— қисмингга бор, дўстларингни қувонтир.— Кейин у ўз милтиғини Норматга

узатди.— Мана шу рус милтиғи сенга мукофот бўлсин. Бу милтиқ менга отамдан мерос қолган. Мен бу билан биринчи жаҳон урушида немисларга қарши урушган эдим, партизанлар урушини ҳам шу билан бошладим. Милтиқ энди сеники. Шу милтиқ билан Ватанни ёвлардан асраган ота-боболаримиз анъанаси, рус солдاتининг анъанаси сенга — ўзбек ўғлонига мерос бўлсин.

Нормат Отахоннинг милтиғини қабул қилиб оларкан, кўкрагини баланд кўтариб:

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!— деди.

— Черницовга, Юрьевга салом айт,— деди Отахон, Нормат билан қучоқлашиб хайрлашаркан.— Бизнинг ўрмондаги ҳаётимизни, жангларимизни уларга сўзлаб бер.

— Албатта сўзлаб бераман, Отахон!

— Оқ йўл бўлсин!

Нормат партизанлар билан хайрлашиб, блиндаждан ўрмонга чиқди. Блиндаж рўпарасидаги кекса қарағай тагида икки партизан қопчиқларини тагига қўйиб, махорка ўрашиб ўтиришибди. Улар Норматнинг кадрдонлари Руслан билан Бульба эдилаб.

— Қани, юр,— деди Бульба,— ўзимиз олиб келган эдик, ўзимиз кузатиб ҳам қўямиз.

— Раҳмат, дўстлар!..

Уч оғайни қайинзорнинг сўқмоқ йўлларига кириб кетишди.

## *У н о л т и н ч и б о б*

### **ХУШХАБАР**

1

Капитан Юрьев ўрнатган тартибга мувофиқ ҳар бир жангдан кейин взвод ва роталарда жанговар эпизодлар ёзилиб, батальон штабига тақдим қилинар ва жангларда алоҳида ботирлик, қаҳрамонлик кўрсатган кишилар Ҳукумат мукофотига тақдим этилар эди. Бу рўйхатлар баъзида ҳеч қаёққа юборилмаса ҳам, расмийлаштириб қўйила берарди.

Черницов Ҳукумат мукофотига лойиқ топилган кишиларнинг батальон штабида тайёрланган қаҳрамонлик эпизодлари ва характеристикаларини ўқиб, унга қўл қўяр экан:

— Великанов тузалдими?— деб сўради адъютантдан.— Тузалган бўлса, чақириб қўйинг.

Великанов пулемётчи эди. Ваня походларда қўл пулемётини бир ўзи кўтариб юрарди. Иккинчи номер: «Менга бер, мен ҳам кўтарай» деса, унга дискаларни берарди-да: «Иккинчи номернинг вазифаси таъминотчилик, у пулемётга ўқ-дори, пулемётчига озиқ-овқат ташийверсин» деб ҳазиллашарди.

Великанов ўз оти билан Великан — паҳлавон. Узун қайиш камар унинг белига учма-уч зўрга етарди. Шунинг учун ҳам жангчилар уни Ваня Великан деб чақирардилар.

«Ваня Великан навбатсиз наряд олибди. Балиқларни пойлаб, бақаларни қўриқлаётган эмиш» деган гап тарқалди. Бу гапни ким чиқаргани номаълум, аммо ҳамманинг оғзида шу гап.

Воқиа бундай бўлган эди.

Черницов душман паромига ҳужум қилингандан кейин жангчиларни тўплаб, бундай деди: «Душман биздан ўч олиш учун куч тўпламоқда. Бу бир жиҳатдан хавфли бўлса, иккинчи жиҳатдан фойдали. Биз шу ерда бўлганимиз учун булар жилолмай турибди. Бўлмаса, булар ҳам Москвага ташланади. 119 тепалигидаги Қизил Байроқ душман армиясининг биқинига найза бўлиб санчилмоқда. Душманга бир дақиқа ҳам тинчлик бермаслигимиз лозим! Аммо мудофаада туриш — кутиб туриш, муштласагина мушт қайтариш эмас, балки актив ҳаракат қилиб, душманнинг кўзини очирмасликдир».

Черницовнинг бу сўзлари батальоннинг жанговар шiori бўлиб қолди. Ҳар кун актив операциялар олиб борилди. Варшава йўлларига пистирмалар қўйилди, миналар кўмилди, бу йўлларни патруллар назорат қилиб турдилар.

Паром кўприги тор-мор қилинган, душман дарёдан паромнинг ўзи билан ўтиб туришга мажбур бўлди. Ана шу паромларга бир неча марта ҳужум қилинди. Партизанлардан олинган хабарларга қараганда, душман карвони бугун ҳам паром кутиб Ильичёвқада тунаб қолибди.

— Карвон қўлга олинсин. Иложи бўлмаса, тор-мор қилинсин!— деб буюрди Юрьев.

Бу вазифа Куценко взводига топширилди. У взвод душманга маълум бўлмаган сўқмоқ билан ўтиб, атака

маррасига тўпланди. Карвон турган ерга разведкачилар юборилди.

Ёмғир эндигина тинган, кеча қоронғи эди. Ҳавода битта ҳам юлдуз кўринмайди. Разведкачилар Ильичёвка қишлоғини ўраб турган ўрмон чеккасида йилтиллаб кўринган ўт яқинига бориб, шу ерда икки немис солдати ўтирганини кўрдилар. Демак, бу соқчилар озиқ-овқат юкланган карвонни қўриқлаб турибдилар.

Разведкачилар шу хабарни топиб келишлари билан, Куценко ўт милтиллаб турган томонни кўрсатиб, жангчиларга ўша томонга ўт очишни буюрди.

Бир неча дақиқалик отишмадан кейин, взвод немис карвони тепасига ташланди. Тўсатдан бошланган ҳужум яхши натижа берди. Қора чодирли фургонлар, отлар олдида бир неча немис ер тишлаб қолди. Фургонларда офицер, унтер-офицер ва солдатларнинг кийимлари, этик ва ботинкалари тартибсиз сочилиб ётарди: тўсатдан ҳужумга учраган босқинчилар саросимада кийимларини киёлмай, яп-яланғоч қочган эдилар. Уч юзга яқин аравали карвон қўлга туширилди.

Куценко араваларни кўздан кечирди:

— Асал... печенье... ўқ-дорилар... этиклар... ботинкалар... қайишлар...

Ким нима топса, баланд овоз билан эълон қила бошлади. Куценко жангчиларнинг олдига бориб: «Фельдшер кўрмаган нарсани еманглар» деди. Жангчилар ўлжа олинган карвондаги озиқ-овқатларни, кийим-кечакларни, ўқ-дориларни тўплай бошладилар. Арава ичидан гулдор белорус камзуллари ҳам чиқди.

Рота фельдшери ўлжа олинган озиқ-овқатларни текшириб чиқди. Бочкалардаги асал, сут, қаймоқ, гўштларнинг ҳаммаси ҳам колхоз фермаларидан, қишлоқ аҳолисидан босиб олинган эди. Асал уяси билан кўчириб олинган...

Немис озиқ-овқат карвонига ҳужум бошланган вақтда Ваня Великан биринчи бўлиб душман тепасига ташланган, гулҳан атрофида ўтирган немисни таппа босиб, бўғиб ўлдирган эди. Жангдан кейин Ваня Великаннинг иссиғи чиқибди. Черницов шуни эшитиб, уни ўз ҳузурига чақиртирди.

Бир неча дақиқадан кейин Ваня Великан Черницов ҳузурига оқсоқланиб кирди.

— Нима бўлди?— деб сўради Черницов.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ўртоқ батальон комиссари,— деди Великан, кулимсираб,— соппа-соғман.

— Нима учун қип-қизариб кетдингиз?

— Кўпроқ асал еб қўйибман...

— Нега оқсоқланияпсиз?

— От тепди...

— От?

— Ҳа. Аравага келиб асал оламан десам... немис оти бир тепди. Мен бир муштладим. От яна бир тепди... Кейин мен ҳам тепдим.

— Борди-ю сизни старшина қилиб тайинласак, унда нима бўлади? Биронта отни тепиб ўлдириб қўйсангиз, поход кухнясини ким тортади?

— Ўзимизни от билан тепишмайман, ўртоқ комиссар,— деди Великан шошиб.

— Эплаб кетасизми?

— Эплайман, ўртоқ батальон комиссари!..

## 2

Ваня Великан старшиналикка астойдил киришиб кетди. У, ротанинг аравага қўшиладиган баъзи бир отларини ўлжа олинган немис отлари билан алмаштирди. Немис отларининг кучини синамоқ учун, уларни бир-бир тебратиб кўрди.

— Немисларнинг оти катта бўлгани билан кучи йўқ бўларкан,— деди янги старшина, отбоқарга кўз қисиб.

Ваня Великан аравакашларни ҳам янгилади. Фақат Исроилни ўз ўрнида қолдирди. «Нормат бўлса ўзимга каптинариус қилиб олардим,— деб ўйлаб кетди Великан.— Жуда шинаванда йигит эди-да. Қаерда экан-а?»

Ваня тўртта аравани карвон қилиб, атрофдаги қишлоқлардан бирига жўнади. Тонг отарда араваларни тўлдириб қайтган Великан ошпазни чақириб навбатдан ташқари овқат пиширишга буюрди. Биринчисига қўзиқорин солинган картошка шўрва, иккинчисига эзилган картошка билан бир бурдадан гўшт, учинчисига бир кружкадан сут тарқатди. У, комбатнинг ординаречини чақириб, Юрьев билан Черницовларга алоқида овқат юборди.

Черницов мазали ҳид таратиб турган хилма-хил овқатларни кўргач:

— Бу Великаннинг иши,— деди.

Штабдан келган чопар, комиссар чақираётганини айтгач, Ваня «ширин овқатим учун раҳмат билдирса керак» деб ўйлади ва штабга чопқиллаб етиб борди.

— Уртоқ батальон комиссари! Тўртинчи рота старшинаси Великанов, чақирганингизга мувофиқ ҳузури-нгизга келдим!

— Гўштни қаердан олдингиз?

— Колхоздан, ўртоқ комиссар!— деди Великанов қувониб.

— Қайси колхоздан?— деб комиссар сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Ҳозир колхоз эмас-ку... илгари колхоз бўлган...— Великан дудуқланиб қолди.— Бизники эмас.

— Кимники?

— Немисларники... йўғ-эй, немислар турган жойдаги колхоздан олдим...

— Демак, у жойдаги колхозларни ҳам немислар, ҳам великанлар талаяпти, шундайми?

Старшина ўнғайсизланди, кейин ўзини оқлаш учунми шошиб-пишиб тушунтира кетди:

— Уғирлаб олганим ҳам, тортиб олганим ҳам йўқ, ўртоқ комиссар! Колхозчилар ўзалари беришди. Йўлдан четдаги колхоз бўлгани учун немислар кам борар эмиш, борса ҳам, танкда, броневикда борармиш. Танкка нимани ҳам юклайди... Колхоз ғаллани тўла йиғиб олибди, давлат планини ҳам ортиғи билан бажарибди.

— Қандай қилиб бажарибди.

— Пешма-пеш янчилган ғаллани ўрмонга, ертўлага кўмишибди. Давлат ҳақи битгач, қолганини ўзалари бўлиб олишибди. Энди картошка мажбуриятини бажаришяпти.

Черницовнинг чеҳраси очилди.

— Совет кишилари бор жойда, Совет давлати ҳаёт! Бир кун бўлса ҳам, бир соат бўлса ҳам совет байроғи остида яшаб, совет тузини ичган киши Совет давлатини нутмайди!

Великанов комиссарнинг чеҳраси очилаётганини кўриб, фахрланиб гапида давом этди:

— Урмонда тўртта бричка турибди. «Булар қаёққа?» десам, «Москва учун, севимли Москва учун!» де-

йишди. «Қавдай қилиб ўтказасизлар?»— десам, «Ўтказамиз, ўтказиб юборамиз!» дейишди. Кейин мента: «Аравангни тўғрила!»— дейишди. Бир нафасда тўртта аравани тўлдириб беришди. «Тилхат берайми?» десам, «Йўқ, керакмас» дейишди. «Отахон» деганнинг партизан отряди бор экан. Уша отрядни ҳам шу колхоз боқармиш. Ўртоқ комиссар, интендантда муҳр босилган чеклар бор, бу чеклар давлат ордери ҳисобига ўтаверадди. Колхознинг давлат мажбуриятини ўзимиз қабул қила қолайлик-да. Нимани ўйлаб қолдингиз? Барибир, немислар колхоз сиборларини топса, ҳаммасини олиб кетишади.

— Колхозчилар ғаллани колхознинг ўзида сақлаш-яптими?

— Ҳа колхозда, ўрмонда, ер остида сақлашяпти. Мен улардан: немислар билиб қолишса, нима қиласизлар?— деб сўрасам, «Ўт қўйиб юборамиз» дейишди. Яхшиси, ўзимиз ола қолайлик. Иложи бўлса, Москвага юборамиз. Эҳтимол, Москва ишчилари ҳам нонга муҳтождир.

— У колхоз қаерда экан?

— Бу ердан 40 километр шимолда. Харитани қаранг, ўртоқ комиссар, «Победа Октябрия» колхози.

Чернишов колхоз қишлоғини харитадан қидириб топди. Ҳақиқатан ҳам, бу колхоз ўрмон ичида бўлиб, катта йўллар унинг икки ёнидан ўтар эди. Агар немислар колхоз қишлоғини эгалласа, иккала йўлнинг ҳам хўжайини бўлиши мумкин...

— Немислар бор эканми?

— Қишлоқнинг ўзида йўқ экан, аммо катта йўлда патруллар юрибди.

— Сиз қандай ўтдингиз?

— От-аравалар немисники бўлгани учун, немис плашч-палаткаларини ёпиб ўта бердик. Бир патруль бизни узоқдан кўрди-ю тўхтатмади, тўхтатганида ҳам бир мушт билан ер тишлатиб қўя қолардим, ўртоқ комиссар!

— Сизга жаноб,— деди комиссар, Великаннинг ҳушёрлигидан мамнун бўлиб.

— Есть!— деб Ваня Великан честь бериб чиқиб кетди.



Биринчи самолёт таплаган совға олянди, деб хабар берилгандан кейин, шу куни кечаси тепаликда яна бир совет самолёти пайдо булди. Самолёт дарахтлар тепасида жуда паст учиб келиб, очик жой қидира бошлади.

— Сигнал берилсин!— деди Юрьев.

Тепаликда жуда куп окоп, траншея ва бошқа истеҳкомлар қурилгани сабабли, самолёт қўнадиган текис жой қолмаган эди.

Тун қоронғи. Тепалик устида кундуз куни пайдо бўлган булутлар ҳалигача тарқалмасдан, пастга нам пуркаб турибди. Емғир томчиламоқда. Шунинг учун ҳам пастдан самолётга одатдагича сигнал бериш мумкин бўлмади.

— Ўт ёқилсин!— яна буюрди Юрьев.

Лейтенант Морозов блиндаждан чиқиб самолётга қаради. Самолётнинг тагида учта қизил лампочка кўринди-ю ўчди.

— Уч жойга ўт ёқилсин!— деди Морозов, тулхан учун шох тўплаётган жангчиларга.

Тургеневнинг бўлимаси уч жойга ўт ёқди. Исроил Азимов аланга атрофида туриб, тепада айланаётган самолётга қаради.

— «У — 2»...

Самолёт ўт атрофида бир неча минут айлаппиб юргач, пастга юмалоқ бир нарса ташлади. Морозов блиндажининг олдида тап этиб тушган қоп тарс ёрилиб кетди. Уни йиғиштириб олаётган жангчилардан бири:

— Шоколад экан...— деди.

Самолёт яна бир неча қоп ташлади. Бу қопларда концентрат, сухари ва шакар бор эди.

Морозов қопларни очирмай, батальон штабига юборди. Юрьев қопдаги шоколадлардан бирини тишлаб, оғзининг сувини келтириб сўрди.

— Ватан бизни унутмайди!

Черницов қопларнинг ичини кавлаб, шоколад солинган қопнинг тагидан бир коғоз олди. Ғарбий фронт Ҳарбий Совети номидан оқ қоғозга машинкада ёзилган хатни Черницов овозини чиқариб ўқиди:

«Жанговар ўртоқлар! Биз сизлар билан биргамиз. Сизларнинг қаҳрамонларча курашингиздан миннатдор-

миз. Душманнинг жонли кучлари ва техникасини қирингиз! Эгаллаган жойингизни қўлдан бермангиз ва Қизил Армия ҳужумга ўтгунча сақлаб турингиз!»

Хатнинг охирида радио алоқаси ўрнатиш зарурлиги ва бошқа алоқа воситаларининг сигналлари айтилган бўлиб, унда: «Ҳар куни кечқурун Москва вақти билан соат 22.00 да самолёт кутингиз» деб илова қилинган эди.

— Кўрдингизми!— деди Юрьев қувониб,— бизнинг ишимизни фронт қўмондонлиги кузатмоқда...

— Унутмапти бизни Армия. Унутмапти Ватан!..— деди Черницов, севинчдан кўзлари чақнаб.

Шу кундан бошлаб 119 тепалиги устида ҳар куни кечаси «У—2» лар учадиган бўлиб қолди. Улар фақат озиқ-овқат эмас, ўқ-дори, яроғ-аслаҳа, ҳатто пулемёт ва кичик тўплар ҳам ташлаб туришди.

Юрьев батальонига чекиниш вақтида орқада қолиб кетган, адашиб қолган қизил аскарлар, командирлар ҳар куни келиб қўшила бошладилар. Батальон кенгайиб борди. Партизанлик ҳаракати ҳам тобора кучайиб, янги-янги отрядлар пайдо бўла бошлади. Черницов олган хабарга қараганда, Ока ва Угра бўйида, Чайка атрофида қирққа яқин партизан отряди курашмоқда. Юрьевчиларга ўхшаш орқада курашаётган батальонлар ҳам оз эмас. Юрьевчилар атрофдаги халқ қасосчилари билан алоқа боғлаб, бирликда ҳаракат қиладиган бўлиб қолдилар.

Армия штаби билан радио алоқаси ўрнатилди. Генерал Погодин Юрьев батальонига: партизанлар билан биргалашиб, душманга тинчлик тармаслик ҳақида муҳим вазифалар топшириб турди.

Хуллас, вазият бутунлай ўзгариб кетди. Немислар Варшавканинг сапёрлар текширмаган жойида бир қадам ҳам олдинга жилолмайдиган бўлиб қолдилар. Йўлга қўйилган пистирмалар шу қадар чаққонлик ва усталлик билан ҳаракат қилиб турдиларки, шу туфайли бу атрофда немислар танксиз юролмай қолдилар, кечалари эса юришни бутунлай тўхтатиб қўйдилар. Мудофаа жангларининг тактикаси ва техникаси тобора такомиллаша борди. Черницов атрофдаги қишлоқларга шиша йиғиш учун жангчиларни юборди. Бу шишалар батальон қирувчилари мажақлаган душман машиналарининг бензинлари билан тўлдирилди. Ичига бензин қўйиб

бўғизига латта боғланган бу шишалар душманни титра-тадиган қурол бўлиб қолди. Ёндирувчи шишалар билан қуролланган жангчилар немисларни батальон турган участкада катта йўлдан воз кечишга мажбур қилдилар. Улар бир неча километр наридаги қишлоқ йўли билан қатнашга мажбур бўлишди. Лекин бу янги йўл ҳам немислар учун тинч эмас эди. У жойда Отахон отрядининг партизанлари ҳаракат қилардилар. Улар ҳам ёндирувчи шишалар ва танкка қарши гранаталар билан қуролланган эдилар. Хуллас, бепоён Россия немисларнинг кўзига борган сари жуда тор кўрина бошлади.

— Самолёт қўнадиган жой қилиш керак,— деди Юрьев ўша кунларда.— Ўз аэродромимиз бўлмаса, қийналадиганга ўхшаймиз.

Бу қийин иш эди. Тепаликнинг ҳамма ёғи ўйдим-чуқур бўлиб кетган. Юрьев комиссар билан тепаликни айланиб юриб, кичик бир майдончада тўхтади. Бу жой тепалик ўртасида бўлиб, кенглиги ярим гектардан ортиқ эмас эди. Бу ерга 76 миллиметрлик тўплар батареяси жойланган эди. Юрьев батареяни бу ердан бошқа жойга кўчириш ҳақида буйруқ берди.

Жангчилар окопларни текислаб, тўнгаларни кавлаб олиб, кечга яқин «аэродром» тайёрладилар.

— Биринчи самолёт кеч соат 22 да қўнади,— деди капитан ва уни кутиб олишни лейтенант Морозовга топширди.

Кеч соат 22.00 да шарқдан овозсиз учиб келган «У — 2» тепалик устига келиб қизил фонарь ёқди. «Аэродром» атрофларида унинг чегарасини билдирувчи қизил сигналларни кўргач, самолёт тепалик устида айлана бошлади. Лейтенант Морозов самолётни кутиш учун қўйилган жангчиларга қўл фонари тарқатган ва фонарнинг қизил сигнали билан чегарани билдириб, кўк сигнали билан қўнадиган жойларни кўрсатишни буюрган эди. Бир неча кўк сигнални кўрган «У — 2» бир жойда айланиб-айланиб, худди баланддан ташланган парашютдек равон пастлай бошлади. Самолёт мотори ўчириб қўйилган, қораси кўринса ҳам, овози эшитилмас эди. Учувчи самолётни пастлаб олиб келиб, моторни ишга солди ва жуда усталик билан қўнди.

Тепаликка биринчи совет самолётининг қўниши Юрьев батальонининг жангчилари учун катта байрам

бўлди. Жангчилар самолёт экипажини қучоқлаб, қўлма-қўл кўтариб юришди.

— Менга кавитан Юрьев керак,— деди самолётдан тушган учувчи.

— Мен Юрьевман.

Батальон командири учувчи билан қучоқлашиб кўришгач, уни штабга бошлади.

Самолёт тепаликка ўқ-дори ва батальон жангчилари учун хатлар келтирган эди. Бу — Юрьев батальони тепаликни мудофаа қила бошлагандан бери биринчи марта келган почта эди.

4

Юрьев штабда ўтириб, армия алоқа офицерининг «Тепалик қўлдан берилмасин!» деган сўзларини такрорлади. Генералнинг буйруғи шу эди. Душманнинг Москвага қилаётган ҳужуми шаштини қайтариш учун унинг орқа томонини бетинч тутиш керак. Бу — энг муҳим вазифа. Душман нима учундир бизни унутиб қўйди. Ҳозирча бизга эътибор қилмаётир. Афтидан Москва бўсағасида бўйни кесилаётганга ўхшайди. Демак, сен унинг оёғини кес. Бўйни узилиб, оёғи кесилган гавдани гўрга тиқиш осон бўлади... Юрьев оператив харитага қараб: «Тек ўтирганимиз йўқ, аммо ҳаракат доирамиз тор» — деди-да, ўрнидан туриб, қулоқчинини бостириб кийди ва куртқасининг устидан камарини қаттиқ боғлаб планшетини осиб олди.

— Қани, комиссар, кетдик.

Черницов аллақачон кийиниб бўлган ва армия штабидан келган янгиликларни жангчиларга етказиш учун роталарга боришга ҳозирланиб турган эди, яхши бўлди: бу вазифани у Юрьев билан бирга бажаради.

Улар окопма-окоп, блиндажма-блиндаж юриб, взводларда суҳбат ўтказишди. Черницов ҳамма жойда, «Елғиз эмасмиз, армия биз билан, бутун Ватан биз билан. Энди улуғ Ватан номидан, буюк армия номидан жанг бошлашимиз керак» — деган сўзларни такрорлади.

Юрьев билан Черницов тўртинчи ротага келиб, Морозовнинг блиндажига киришди. Морозов армия алоқа

офицерининг батальонга келтирган янгиликларидан хабардор эди. Шунинг учун у батальон раҳбарларининг ўз блиндажига кириши бежиз эмаслигини тушуяди.

— Лейтенант,— деди Юрьев, Морозовга жилмайиб қараб,— шайланиб тур, ротангни жуда хушчақчақ ишлар кутяпти.

— Хужумга ўтамизми?— деб ҳаяжонланиб сўради Морозов.

— Кутганмидингиз?— деб Черницов кулимсираб қўл чўзди-да, лейтенантнинг қўлини маҳкам сиқди.

Нега кутмасин! Лейтенант Морозов ҳарбий формани бугун кийгани йўқ. У кадровик. Ленин номидаги ҳарбий мактабни битириб бутун ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлаган ва Қизил Армия шуҳратига шуҳрат, қудратига қудрат қўшиш ниятида жанговар хизматга қадам ташлаган одам. Нега кутмасин!

— Кутганда қандоқ, ўртоқ комиссар!..

— Шайланиб турингиз,— деди Юрьев ва комиссар билан бирга бошқа роталарга йўл олди.

## 5

Морозов взвод командирларига топшириқ бергач, Ваня Великани чақирди.

— Жангчиларни тезда чўмилтириб, ички кийимларини янгилаш керак. Бунинг учун сизга 3 соат муҳлат бераман.

— Есть, 3 соатда чўмилтириб, ички кийимларини янгилайман!

Ваня Великан Морозовнинг блиндажидан ўқдай отилиб чиқди-да, каптиналиусга буюрди:

— Ротани чўмилтир!

Каптиналиус ҳайрон бўлиб қолди. Ротани ювинтириш учун бакларда сув иситиш, ҳаммомга неча-неча челак сув ташиш керак. Сув оладиган жойни немислар кузатиб, ўққа тутиб турибли..

— Нега бўшашиб турибсан, блиндажни оч, кийимларни кўтар,— деди старшина.

— Каёкка?

— Қаёққа бўларди, аюкка. Сув иситишга вақт йўқ.

Чўмилишга биринчи бўлиб сержант Тургенев бўлин-

маси борадиган бўлди. Аммо Тургенев ариққа борилишини этишиб, тажанг бўлди.

— Жангчиларни тумов қилиб қўясан. Мени ҳам шарманда қилишинг мумкин. Бу нима қилганинг?— деб ўшқириб берди у старшинага.

Ваня Великан ўз гавдасидек вазмин бўлиб турди. Сўкишни эшитиб бўлгач, Тургеневга стакан узатди:

— Мана, сенинг норманг.

— Нима бу?

— Асал. Шуниси есанг тумов бўлмайсан.

— Қойил-эй!— деб юборди Тургенев.— Буниси яхши ўйлапсан! Бу катта каллангнинг ичи ҳаммаси фаросат бўлса керак. Лекин совуқ сувда чўмилтириш яхши эмас.

Бўлинма жангчилари бир стакандан асал еб олгандан кейин ариқ бўйига бориб, апил-тапил ечиниби, чўмила бошладилар. Улар кийиниб бўлгач, сержант Тургенев жангчиларни саф қилди-да, Ваня Великанга рапорт берди:

-- Ўртоқ старшина, тайёرمىз!

— Олиб боравер!— деди старшина.

Тургенев жангчиларни взводга ашула билан олиб кетди. Бу ашулани узоқдан эшитган Юрьев билан Черников бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Бошланяпти,— деди Черников.

— Бошланяпти,— деди Юрьев ҳам.

Ҳақиқатан ҳам шу кун ва шу соатда жангчиларда ўзгариш бошланди. Окопларда, траншеяларда ҳам ҳарбий қўшиқ эшитилиб турди. Совет Информбюроси ҳам бугунги ахборотга: «Н» участкасида кеча ва бугун позицияни яхшилаш учун маҳаллий аҳамиятга эга бўлган жанглар давом этди, деб қистириб кетди...

### *Ўн еттинчи боб*

## **ЮРАК СОВҒАСИ**

### *1*

Блиндажда хат ташувчи Ласточка кўриниши ҳамон ҳамма бирданига қарсак чолиб юборди. Кимдир икки қўлини оғзига обориб, карнай қилди, чалқанча тушиб ётган жангчилардан бири қорнини дўмбира қилиб ҳсла бошлади. Ҳар гал хат ташувчининг ротага келиши ана

шундай тантана билан кутиб олинар эди. Хат ташувчининг асли номи Владимир, фамилияси Ласточкин эди, Унинг «Қалдирғоч» деган ном олиши бежиз эмас. У жуда чаққон йигит, рота жангчилари орасида ўзининг эпчиллиги, ҳамма нарсадан хабардорлиги билан ажралиб турар эди.

Тепаликка биринчи ҳаво ҳужуми бўлган куни ротанинг илгариги хат ташувчиси бомба парчасидан ҳалок бўлди. Ушандан кейин янги хат ташувчи тайинланмади. Чунки батальон ўз қўшилмасидан ажралиб, дала почталари билан алоқаси узилиб қолди. Шу сабабдан батальонга хат ҳам келмади, тепаликдан хат ҳам жўнатилмади. Хат ташувчи керак бўлмай қолди. Жангчилар кўп вақтгача «хат-хабарлар ҳам хат ташувчи билан бирга ҳалок бўлди шекилли» деб юришди.

Кунларнинг бирида окоп кавлаётган жангчилар олди-га Ласточкин югуриб келди. Жангчилар уни ҳеч вақт бунчалик шошқалоқ кўрмаган эдилар. Унинг юраги бўғизига тиқилиб қолганга ўхшарди. У югуриб келаётган йўлида фақат бир сўзни такрорлар эди:

— Йигитлар! Йигитлар!

— Упкангни бос, нима гап ўзи?— Тургенев сўради.

— Ҳамманг ўйинга туш! Ҳамманг ўйинга туш!— деди Ласточкин қичқириб.— Хат! Ҳаммангга хат! Бир қоп хат!

Ласточкин батальон штабида постда турарди. Навбати тугагач, ким биландир гаплашиб қолди. Унинг штаб атрофида айланиб юришига тепаликка қўнган самолёт сабаб бўлган эди. «Қандай янгилик келтирди бу самолёт?»— Ласточкин шу сирни билмай, дўстлар ёнига қайтгиси келмади. Бир оздан кейин комиссар уни чақириб, бир қучоқ хат топширди.

— Учинчи ротанинг хатлари. Эгаларига топширипг,— деди Черников.

Ласточкин йўл-йўлакай ўз номини қидириб, хатларни тита бошлади. Биринчи рота котиби ҳам бир даста хат кўтариб, унинг олдидан ўтиб қолди. Ласточкин: «Ротага сендан кейин бораманми» деди-да, қопчигини орқалаб милтигини елкасига осиб, ротага чопди.

Ласточкин ротага котибдан илгарироқ етиб келди ва қопчигининг оғзини очиб, хатларни қарағай тагига ардарди. Жангчилар ўртадаги хатларни бир зумда ҳар томонга тортқилаб кетишди. Ласточкиннинг ўзига ҳам хат тегмай қолди.

— Рота, смирно!— деб қичқирди Ласточкин овозининг борича.

Жангчилар турган жойларида туриб қолдилар.

— Қўлларингиздаги хатларни ўз жойига ташланглар!— деб буюрди Ласточкин.

— Дарров, дарров!— деб қўшимча қилди Тургенев ҳам.

Жангчилар тутамлаб олиб ўз номларини қидираётган конвертларни ўртага ташлашга мажбур бўлдилар.

— Мана энди ўзим тарқатаман,— деди Ласточкин ва жангчиларнинг номларини айтиб, хат улашди. У ўзига келган хатларнинг конвертларидаги адресларни ўқиб, қўйнига тиқиб қўяверди. Хатларни улашиб бўлгач, старшинага қараб:— Бир оз танаффус эълон қилсангиз, йигитлар хатларини ўқиб олишарди,— деди.

Старшина қоғоздан кўзини ўзмай, «ўқийверишсин» деб қўйди.

— Ростдан ҳам сен қалдирғоч экансан, Володя,— деди жангчилардан бири Ласточкиннинг елкасига қоқиб,— Ласточкин эмас, Ласточка...

Ана шу воқиядан кейин Ласточкинни 119 тепалигига Ватандан биринчи хушxabар келтирган Ласточка — Қалдирғоч деб атайдиган бўлдилар ва у ўз-ўзидан хат ташувчи бўлиб қолди.

\* \* \*

...Мана бугун Ласточкин яна хат олиб келди.

Уч кундан бери ёғаётган қор ҳали ҳам тингани йўқ. Жангчилар Ласточкиннинг пўстинига ёпишган қорларни қоқиб олишига ҳам имкон бермадилар, уни ўраб олиб, шовқин-сурон билан миясини қоқиб қўлига бергудек бўлдилар.

— Менга хат борми?— деди Эрали, энтикиб.

— Ёзишяпти.

— Азимовга борми?

— Йўлда, келяпти.

— Менга-чи?

— Фамилиянгиз нима?

— Ҳусейн Оға ўғли.

— Эртага оласиз.

— Қимга бор?

— Комилов!



— Мен, мен!— милтиғини қўлтиқлаб бир жангчи югуриб келди-да, хатни олиб, бағрига босди.

— Игнатьев!

— Учинчи взводда.

— Бабилов!

— Жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Ласточка бу қайғули хабарни конверт орқасига ёзиб, хатни сумкасининг ички хонасига солиб қўйди.

— Нормат Жабборов!

— У дараксиз йўқолган,— деди бир жангчи.

— Норматнинг хатини Азимовга бер,— деди Тургенев.

Жангчилар блиндажга кириб, хат ўқишга берилдилар. Ваня Великан билан ёнма-ён ўтириб хат ўқиётган Исроил ундан сўради:

— Норматдан ҳеч қандай дарак йўқми-а, ўртоқ старшина?

— Дарак йўқ,— деди Великан бошини чайқаб.

— Бечора ҳалок бўлдимикин?..

— Ҳалок бўлганини ҳеч ким кўргани йўқ,— деди Тургенев.

— Асирга тушиб кетмадимикин?

— Нормат асир бўладиган йигитлардан эмас,— деди Великан.— Мен унинг пистирмада туриб бир танкни ёндирганини кўрганимдан кейин, унга бўлакча ихлос қўйдим. Ажойиб йигит у!..

— Комиссаримиз Норматни жуда яхши кўрарди,— деди печкага ўтин ташлаб ўтирган жангчи,— у Норматни тоза қидиртиряпти. Топмай қўймайди!

— Мен ҳаммадан ҳам Норматга мана шу хатни ёзган одамга ачиняпман,— деди сержант Тургенев.— У умид билан хат ёзган, энди жавоб кутяпти. Эҳтимол, бу хатда жуда зарур гаплар ёзилгандир. Мана ўзимдан қиёс. Полтавадаги қариндошларимга, Уралдаги меҳрибон отамга ёзган 13 та хатимнинг биронтасига ҳам жавоб ололмадим. Ҳозир ҳам юрагимнинг бир парчаси ўлирилиб ётганга ўхшайди.

Исроил яна гапга аралашди:

— Жангга кираётганимизда Нормат билан бир-биринизга адресларимизни бериб қўйган эдик. Мен унинг онасига хат ёзиб юбордим.

— Нима деб ёздинг?— Тургенев сўради.

— Уёлингиз адашиб қолган эди, келиб қолади. Хат келмаяпти, деб куйманг, делдим.

— Келади. Албатта келади,— деди Великан.— Кслишига ишониб, унга ҳар куни поёк қолдиряпман...

2

Ярим кеча... Қор бўраламоқда... Пистирмада ўтирган жангчи Дронов мудофаа линиясининг нариги томонидаги ҳаракатларни кўздан кечириб турибди. Катта арча дарахти орқасида турган немис совуққа чидолмай сакрамоқда. Иккинчи немис соқчи эса арчага суяниб шумшайиб турибди. Унинг усти жуда юпун. Бошида пилотка, оёғида ботинка, эғнида эса ёзлик кўк шинели бор, холос. Дронов милтиғини немисга тўғрилади-ю отмади. «Уқ чиқарма!»— деган командир. Дронов совуқда ютиниб, ёнидаги Ҳусейн Оға ўғлига: «Нима дейсан, босмайликми фашистларни?»— деган назар билан қараб қўйди. Ҳусейн пулемётга тирсаги билан суялганча индамай тура берди. Шу вақт Дроновга қорда ғарчиллаган оёқ товуши эшитилди. У атрофига аланглаб қаради. Қоронғида ҳеч нарса кўринмас, аммо шарпа яқинлашаётгани сезилиб турарди. Пистирмачи қўл пулемётини жангга ҳозирлади, гранатасини тайёрлаб, шайланиб турди. У бетараф зонадан ўтиб келаётган номаълум кишининг қўлидаги милтиғини кўрди-да, шеригига «ҳушёр бўл» дегандек қараб қўйди.

— Олдимиздан ўтказиб юборамиз, кейин орқасидаан бориб ушлаймиз,— деб маслаҳат берди Ҳусейн.

Улар кузатиб турдилар. Шарпа дарахт панасига ўтиб, курткасига, шимига ёпишган музларни силкиб туширди. Уни немис соқчилари ҳам сезиб қолдилар ва қоронғилиққа бетартиб ўқ уза бошладилар. Номаълум киши ерга ётиб олди.

— Қизиқ... Взводга хабар қилиш керак,— деди Оға ўғли ва окопдан блиндажгача чўзилган симни тортди. Бир неча минутдан кейин пистирма ёнида Морозов пайдо бўлди.

— Нима гап?

— Номаълум шахс, ўртоқ лейтенант!— деди ҳовлиқиб Дронов.— Ана эмаклаб келяпти!..

— Жим... Ҳозир аниқлаймиз.

Номаълум шахс пистирмага яқин келиб қолди.

— Кимсан?— деб сўради ундан Морозов.

— Мен, мен шу батальоннинг жангчиси.

— Қўлингни кўтар!

— Мен Морозов ротасиданман,— деди номаълум шахс, Морозовнинг овозини таниб.— Мен Норматман, ўртоқ лейтенант!

— Нормат!..— Морозов севинганидан қичқириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.— Бошингни кўтарма! Аста эмаклаб кел! Нормат!..

Қорда эмаклаб келаётган Норматга Дропов қўлини чўзди:

— Салом, Нормат! Мен Дроновман: Кела бер!.. Омонмисан, дўстим?..

Нормат ротага келиши ҳамон старшина Ваня Великан уни блиндажда ечинтириб, қуруқ кийимларга ўради ва унга зўрлаб бир стакан асал егизди.

— Еябер, исиб кетасан!.. Ия, нега оқсоқланыпсан?

— Тикан симлар тагидан ўтишда тиззамни тўнгакка уриб олдим,— деди Нормат, яраланганини яшириб,— тузалиб кетади.

Нормат қадрдон батальонига келиб, ошна-оғайнлари билан учрашаркан, севинчини юрагига сиғдиролмаб, жуда гапдон бўлиб кетди. У, партизанлар ҳаёти, таниш қиз Раисанинг тақдири ҳақида узоқ ҳикоя қилди.

— Серёжа қани?— деб сўради ҳикоясининг охирида Нормат.— Серёжага алоҳида салом. Мен ундан суюнчи олмоқчиман.

— У ҳозир банд. Келади.

Лейтенант Морозов Норматнинг қўлидаги қўндоқлари ейлиб кетган эски милтиқни кўриб:

— Энди бошқасини оласан,— деди,— старшина сенга яхшисини беради.

— Йўқ,— деди Нормат, милтиқни кўкрагига босиб,— буни менга партизанларнинг Отахони берди. Ёдгорлик.

— Ўзингни қани?

— Ўша куни танк янчиб кетган эди.

Нормат блиндаждан чиқиши билан уни ҳаммадан олдин Исроил билан Эмин қучоқлаб олишди, кейин Отсупний бағрига босди:

— Бормисан, дўстим Нормат, бормисан? Хайрият, юзим ёруғ бўлди. Серёжа билан Великанга сўроқ беравериб чарчадим. Мана энди ўзингдан сўрашсин. Ўша куни танк орқасидан қувиб кетиб, сени йўқотиб қўйдим.

Ваня Великан Норматнинг қўлидан етаклади:

— Чарчапсан, азамат, юр энди, блиндажга кириб ухлаб ол.

— Мана сенга хат,— Исроил Азимов Норматга бир нечта конверт узатди. Нормат биринчи конвертга қарашдаёқ ўз кўзларига ишонмади, адресни қайта-қайта ўқиди-да, таниш хушхат билан ёзилган конвертни бағрига босди.

### 3

Нормат уч кундан бери кўз юлмаган бўлишига қарамай, хатларни олиш билан уйқуни бутунлай унутиб юборди. У блиндажда, кичкина шишадан қилинган жинчи-роқ ёруғида ўтириб, хат ўқиди.

Бу хат икки ойдан бери Норматни қидириб юрган эди. Она нуридийдаси ва жигарпораси Норматни жуда соғинганини, айниқса, ундан бир неча ойдан бери хат келмаётганидан ташвишда эканини ёзган эди. «Қовун пишди, анор қизарди... Сенга атаб қўйган узумларим халта ичида шира боғлаб ётибди...» деган сўзларни ўқиркан, Норматнинг кўз олдида туғилиб ўсган қадрдон қишлоғи жонланди. Канал бўйлари, янги очилган қўриқ, у ердаги дашт бригадаси хаёлидан ўтди. Она дашт бригадаси тўғрисида «пахтаси жуда мўл бўлди, териб улгуроляпмиз» деб ёзибди.

Нормат бир оз ширин хаёл сургандан кейин, яна ўқиди:

«...Бозоров деган гўрсўхта Адолатга кўз олайтириб юрибди...»

Норматнинг бутун вужудини қалтироқ босди ва кўз олдида аллақандай пилдироқчалар пайдо бўлиб, кўзи тинди. Аммо у ўзини босиб олди. Шунда унинг хаёл боғида яна Адолатнинг чеҳраси кўринди. Конверт ичида яна бир мактуб бор эди. Мактуб қизларга хос хушхат билан ёзилган, аммо жуда қисқа эди. Нормат Адолатнинг хатини таниди. У, севикли қиз мактубининг ҳар бир ҳарфини асал ютгандек ютиб ўқиди. Адолат хатида: «Сизнинг йўқлигингизни билдирмаяпмиз» дебди. Бу сўзлар Нормат юрагини тўлқинлатиб юборди. Бу — сеvimли қизнинг жангчи ёрига рапорти эди. Мактубнинг охиридаги: «Сиздан бошқани ёр демайман...»— деган сўзлар бутун бир нишқ дostonининг мазмунига тенг эди. Нормат учун.

Конвертдан Адолатнинг яна бир хати чиқди. Бир тахта қорозга ёзилган бу хатнинг фақат боши билан охири

қолган эди. Хатнинг сатрлари қора сиёҳда жуда усталлик билан ўчириб юборилган. Шу чоқ Нормат ҳарбий дала почтасига бориб, цензорлар билан ёқалашгиси, хатимни тўлаб бер, деб даъво қилгуси келди. Лекин ноилож. Адолат нима демоқчи экан-а, бу ўчирилган мисраларда?

Нормат борлиқ кўз нурини тўплаб, қора сиёҳда ўчирилган сатрларга тикилди, лекин хатдан юлиб тақиланган сўзларни ўқий олмади. Унинг ташвиш оловига мактубдан ўчирилмай қолган қуйидаги икки мисра байт сув сепгандай бўлди:

«Хат кутиб жонимда қолмади тоқат,

Бир кўрмоққа хумор бўлди Адолат!»

«Айб ўзимда,— деди Нормат кўкрагига муштлаб,— кейинги вақтда хат ёзолмадим. Мени ҳар қанча койиса арзийди!»

«Бир кўрмоққа хумор бўлди Адолат...»

Демак, у мени кутяпти. Мен унга тасалли беришим керак, ҳеч бўлмаса илиқ сўзим, қайноқ юрагим ҳарорати етиб борсин унга!

Нормат қўлига қалам олиб, юрагидаги оташ туйғуларини қоғоз бетига тўкди:

«Салом, жоним Адолат!

Мен сизга ўрмон ертўласида, жанг майдонининг қоқ ўртасида туриб ёзаяпман. Сизнинг вафоли сўзларингиз мени ҳамма нарсага ҳозир у нозир қилди. Сиз учуп, сизнинг бахтингиз ва сиз яшаган боғ-роғларнинг янада гуллаши учун бу жойларда жанг қилмоқдамиз. Кишиликнинг душманларини ер билан яксон қилиб, сизнинг ҳузурингизга соғ-саломат етиб беришга аҳд қилганман.

Агар бўлсак иккимиз ҳам саломат.

Умр бўйи сақланур чин муҳаббат!..»

Хат конвертга тушаётганда, Нормат унинг охирига яна икки сатр шеър ёзиб қўйди:

«Мен кўз тутган каби, сиз ҳам кўз тутинг,

Адолатхон, кутинг, чарчамай кутинг!»

#### 4

Жинчироқ блиндажни хира ёритиб турибди. Нормат кўзини хатдан олмайди. Унинг ёнида ўтирган Тургенев эскириб кетган қандайдир қўлланмани ўқимоқда. Эрали ўтирган еридан сурилиб келиб, Тургеневни елкаси билан туртди.

— Уртоқ сержант,— деди Эрали Тургеневга қараб,

Тургеневнинг гаши келди:

— Ҳалақит берма, ўқияпман.

— Уртоқ сержант,— деди Эрали яна бир оздан кейин, унга нимадир демоқчи бўлиб. Сержант ўшқириб:

— Нима дейсан? Етиб ухласанг-чи, ҳализамон постга борасан,— деди-да, ўқишида давом этди.

— Озгина оқ қоғоз беринг.

— Қоғоз йўқлигини билиб туриб сўрайди-я бу...

— Хат ёзмоқчи эдим.

— Йўқ дегандан кейин йўқ!— сержант тескари қараб олди.

Эрали сержант Тургенев ўқиётган китобчадан икки кўзини узмаяпти. Бу китобчанинг биринчи варағида анча оқ жойи бор бўлиб, Эрали ундан умидвор эди.

— Қўлингизда турибди-ку, нега қизғанасиз?..— деди Эрали ёпишқоқлигини қўймай.

— Мана, буни қара,— деди Тургенев ва китобнинг муқовасини очиб кўрсатди. Унинг биринчи бетида чиройли қилиб «сержант Тургеневга эсдалик учун» деб ёзилган эди.— Йиртиб бўладими шуни? Бирорта хатнинг орқасига ёза қол.

Гапга Дронов аралашди:

— Мен ҳам орқасига ёзиб юбордим.

— Уч ойда битта хат олдим у буням қайтариб юборайми?— деб Эрали Тургеневга эътироз билдирди.— Кўрагимни иситиб, белимни баққуват қилиб турган хатни-я? Хотинимдан хат йўқ. Онанинг хатини хотинга юбориб бўлмайди...

— Бошқа иложинг йўқ.

Эрали чўнтагидан эскириб кетган хатни олиб очди-да, гўё у билан видолашаётгандек бошқатдан ўқиди...

— Очиқ жойи йўқ. Орқасига ҳам ёзилган.

— Бу ёққа бер-чи, кўрамиз.

— Неча марта кўргансан, келган куни кўрсатдим-ку,— деди Эрали, қават-қават қилиб букланган хатни сержантга узатаркан.

Ҳақиқатан ҳам хат катак дафтарнинг бир варағига ёзилган бўлиб, иккала бетнда ҳам очиқ жой йўқ эди.

— Мана, кўрдингми, очиқ жойи йўқ.

— Сатрларнинг орасига ёзавер, дўстим,— деди милтиқ тозалаб ўтирган Нормат, затворга юпқа қилиб ёр тортаётди.

Эралига келган хат йирик ҳарфлар билан ёзилган ва унинг баъзи жойлари қора сиёҳ билан ўчирилган бўлишига қарамай, сатрлар орасида бир йўллик жой қолган эди. Эрали шу жойга майда қилиб ёзмоқчи бўлди-ю, лекин уруш бошлангандан бери зўрға олган биттагина хатини қайтариб юборишга сира кўзи қиймади. У бу хатни ҳар куни неча марта ўқир ва ҳар ўқиганда ундан қандайдир янги маъно топгандек ва ўз юртидаги қадрдонлар билан гаплашаётгандек бўларди. Аммо Эрали бошқа илож тополмай, севимли онадан келган хатнинг ораларига кичик ҳарфлар билан ёзишга мажбур бўлди. У хат ёзишга шундай берилиб кетган эдики, жинчиरोқдан бурқсаб чиқаётган қуюқ тутун унинг оғзи-бурнига кириб, юзини қорайтириб юборганини ҳам сезмади.

— Ласточка!

— Ура! Почтальон!

Блиндажга шамолдек учиб кирган Ласточка елкасидаги қопчиғини печканинг олдига қўйишга улгурмасдан туриб, жангчилар уни ўраб олишди.

— Ҳаммага бор! Ҳаммага заказной!— деди хат та-шувчи ва унинг атрофини ўраб, қопга кўз тикиб турган жангчиларга қаради:— Қани, ҳамманг ўйинга туш!— у қопни очмай, тепасига ўтириб олди.— Ўйинга тушмаганга ҳеч нарса йўқ!

— Блиндаж тор, ўйнаб бўлмайди,— деди Тургенев,— тарқата бер, кейин ўйнаб берамиз.

— Яхши ўйинчи битта фиштининг тепасида ҳам ўйнай беради.

— Кимга қанақаси чиқса, ўшанга қараб заказ қиласан,— деди Нормат ва қўлини чўзди.— Ке, ошнам, қопни оч!

Ласточка, қопни очиб, ичидан халтачалар ола бошлади.

— Тургенев!

— Мен, Тургенев!

— Мана, сенга,— деди ва халтача устидаги ёзувни ўқиди:— «Энг яхши жангчига»

Сержант совға халтасига қўл чўзган эди, Ласточка яна қистади:

— Ўйини қани, ўйини?

— Шошма, эҳтимол бу менга эмасдир.

— Сенга! Бу халталарни комиссарнинг ўзи тақсимлади.

— Уйна, ўйна!— дейишди жангчилар.

Тургенев кафтини ишқалаб, икки кўли билан камарини тортиб, гимнастёркасини тузатди ва чечетка ўйнай бошлади. Жангчилар давра қуриб олиб, қарсақ чолдилар.

Почтальон Тургеневга совға берганидан кейин, Дроновни чақирди-да, «Нотаниш жангчига...» деб ёзилган тугунчани кўрсатди. Дронов ҳам қўлларини тиззаларига уриб, ер депсиниб, икки марта «циганочка молада...» деб такрорлади ва халтани олиб, чироқ олдига кетди.

— Нормат Жабборов!

--- Лаббай!

— Қани, ўйна, сенинг ўйинингни ҳам кўрайлик!

Нормат умрида ўйинга тушмаган эди, ҳозир ўртага тушиб айланаётганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Жангчиларнинг қарсағи остида, у қўлларини қарсиллатиб, шўх-шўх ер тепиб ўйнади, қўллари билан қошларини қимирлатиб, Ласточкага қараб мақом қилди:

— Саргардонини узат!

Ласточка унинг бу мақоми ва саргардон талаб қилишини бошқача тушунди: «Мени ҳам ўйинга таклиф қиляпти, шекилли бу йигит» деб, қопни ташлади-да, ўртага тушди. «Русская пляска» зарбида ўйинга тушди-да, кейин Норматнинг совғасини узатди.

Блицдаждагиларнинг ҳаммасига ҳам халтача, тугунчалар улашилди. Ласточка фақат Крупеньянинг номини чақирмади. Крупенья бир чеккада хомуш ўтириб қолди.

— Крупенья!

— Мен, Крупенья,— деди у, ўрнидан ирғиб тураркан.

Крупенья фронтга келгандан бери ҳеч кимдан хат олмас, ҳеч кимга хат ёзмас ва ҳеч кимдан хат кутмас эди. Унинг юрти немислар қўлида қолган...

— Мана сенга, отангдан.

— Ҳазиллашма!— деди Крупенья ва аллақандай мудҳиш фожиани эслагандек, юзи ўзгариб кетди.— Отамни немислар ўлдириб юборган. Ҳақоратлама мени...

— Бу совға чиндан отангдан. Мана қара: «Фронтдаги ўғлимга!» деб ёзилган. Сенинг отангдан бу!

— Ол!— деди сержант, иккиланиб турган Крупеньяга.



— Олавер!— деди Нормат ва дўстлари уни қистагандан кейин халтачани олди.

— Оча бер, Крупенья, кўрайлик-чи, отанг сенга нималар юборибди.

Крупенья халтачани очди. Унинг ичидан бир шиша атир, проқи совун, устара чиқди.

— Хати ҳам бор экан,— деди халтачадан кўз олмай турган Нормат.

Крупенья хатни олиб очаркан, қўллари қалтираб, қоғоз ҳам шалдираб кетди.

— Ўқи! Ўқи-чи!— деб туриб олишди жангчилар.

Крупенья номаълум отанинг меҳрибонлигидан қаттиқ таъсирланиб, кўзлари ёшга тўлди. У хатни ютиниб-ютиниб ўқиди.

«Салом, ўғлим!— деб бошланарди хат.— Эҳтимол, сен жангдан шу соатда келгандирсан, эҳтимол, жангга бораётгандирсан, эҳтимол, окопда ота-онангни соғиниб ўтиргандирсан... Менинг шу арзимас совғамни қабул қил!..»

Крупенья бир нафас ўқишдан тўхтаб, кўзларини юмди. Унинг хаёлида бу хат ўз отасидан келгандай, хатдаги сўзлар ўз отасининг сўзларига ўхшарди. Унинг қулоғига ўз отасининг овози эшитилгандек бўлди: «Немиснинг йўлини тўс! Уни Москвага ўтказма!»

— Хўш, хат отангдан эканми?— деб сўради Лас-точка.

Крупенья бу саволга жавоб қайтармади ва ўқишда давом этди:

«Мен 72 ёшдаман, пенсионерман. Лекин, уч ой бўлди, яна заводга ишга қайтдим. Гитлернинг тезроқ янчилишини истайман.

Отанг Иван Петрович Иванов, Москва «Серп и Молот» заводининг мастери».

— Отам!— деб қичқириб юборди Крупенья ва хатни бағрига босди.— Отам!

Тургенев халтасини очди: ўрик, ёнғоқ, майиз, мағиз...

— Ура...а!— деди Тургенев.

— Нима экан?

— Буни қара,— сержант халтачадан шойи рўмолча олди. Унинг ҳошиясига: «Ушбу рўмолча ғалаба йўли-нигизга поёндоз бўлсин» деган сўзлар қизил ипак билан тикилган ва тагидаги имзо ўрнига «ЎзССР» деб ёзиб қўйилган эди.

— Ажойиб халқимиз бор-да...— деди Тургенев, шойи рўмолчанинг чиройли гулларига тикилиб.— Аммо хати йўқ экан...

— Сеникида нима бор экан?

— Колбаса...— деди Нормат, халтачани ағдариб.— Ия, чекушкаси ҳам бор экан!..

Нормат халтачадан ароқ билан колбаса олиб ўртага қўйди-да, шишанинг оғзини очди.

— Келинглар, ичамиз.

Нормат дастурхон ўрнига ерга ёзган плашч-палатка барча халталардан олинган совғалар билан тўлди. Нормат ароқни стаканларга оз-оздан қуйди.

— Ўзлари ҳар жойда бўлса ҳам, кўнгли бизда бўлганлар учун ичамиз!— деди Нормат ва биринчи бўлиб қадаҳ кўтарди.

Сержант Тургенев ароқни қўлига олиб:

— Мен, фашистларни Москва бўсағасида ерга кўмиш учун ичаман!— деди.

Ҳамма бир-бир қадаҳ айтиб, ўз кўнглидаги муддао учун ичди.

— Раҳмат, эл-юртимиз бизни унутмайди!— деди ҳаяжонланиб Нормат.

— Унутмайди!— деди Тургенев.— Совет халқи ўз фарзандларини асло унутмайди!

### *Ўн саккизинчи боб*

## Ж А Н Г

### 1

Грейдер паром-кўприкни қайтариб олиш учун бир неча марта уриниб кўрди-ю, удалай олмади. Юрьев батальони қаттиқ қаршилиқ кўрсатди, партизанлар ҳам икки ён бошдан ўт очиб турдилар. Грейдер, ниҳоят, Дашковка атрофидаги ўрмонларга отряд юборишга, ўз қанотларини мудофаа қилишга мажбур бўлди. Хуллас, унинг ҳужум ўти сўнди. Грейдернинг ёрдамчи куч сўраб берган телеграмма, радиограммаларга турлича ноаниқ жавоблар келди. Шу сабабдан Грейдер мадал келиб, кучлар нисбати ўзгаргунча ҳужумга ўтмай туришга қарор берди.

Юрьев Грейдернинг бу тактикасига тезда тушуниб олиб, унинг қисмларига тез-тез ҳужум қилиб турди.

Бугун тунда партизанлар Варшавка йўлидан немис олий офицерлари ўтишини хабар қилдилар.

Кечаси соат 3 да Куценко взводида тревога эълон қилинди. Взвод дарҳол сафга тизилди. Старшина жангчиларга икки яшик ёндирувчи шиша ва бир қутидан гугурт тарқатди.

Взвод тепаликдан тушиб, дарахтлар ораси билан Варшавкани кесиб ўтди. Катта йўл жимжит эди. Фақат узоқдаги паром пристани атрофида немис патруллари юрар, паромнинг икки томонида икки танк турарди. Немислар неча марта уриниб, паром-кўприкни юрьевичлардан қайтариб ололмагач, тепаликдан бир неча километр шимолда дарёдан паром тўхтайдиган жой тайёрлаган ва бу ерга янги йўл қуриб, уни Варшавка билан улаган эди. Бу янги кечув ҳам икки марта ҳужумга учраган, немислар уни танклар билан қўриқлашга, икки томонига дзотлар қуришга мажбур бўлган эдилар.

Куценко шу ерга яқинлашганда взводни уч группага бўлди. Биринчи группани Варшавкадан янги йўлга буриладиган жойда қолдирди; иккинчи группани янги йўлнинг қайинзор участкасига юборди; учинчи группа буларнинг ўртасида резерв бўлиб қолди. Взвод командири бу группага «керак бўлса ўқ отиб, ҳужумчи группаларга ёрдам қилиш» вазифасини топширди.

Куценко жангчиларни энди жойлаштириб бўлган эди:

— Ўртоқ командир, соқчилар,— деди, унинг ёнида ётган Азимов.

Паром томондан, янги йўлдан икки солдат келарди. Улар кўк плашч-палаткага бурканиб, оёқларини иситиш учун бўлса керак, ер тепиб, бир-бирларини туртишиб келардилар.

— Ўртоқ командир, отайми?

— Йўқ,— деди Куценко,— ўтказиб юборамиз.

— Нима учун ўтказиб юборамиз?

— Бизга енгил машина керак,— деди Куценко.

Соқчилар пистирмага юз метрча қолганда, аллақандай шарпа сездилар шекилли, автоматдан ўрмонга қараб ўқ ота бошладилар...

— Бизни кўриб қолдилар шекилли,— деди Нормат Куценкога.— Отайми?

— Йўқ! Шошилма!

Соқчилар автоматдан бир сидра ўқ узиб бўлгач, яна плашч-палаткага буржаниб, Варшавка томонга юрдилар.

— Кальт<sup>1</sup>,— деди биттаси, плашч-палатка билан бурнини артиб.

— Зер кальт<sup>2</sup>,— деди иккинчиси ва ер тепиб слкаси билан шеригини турта бошлади.

Немислар окопга рўпара келгач, Нормат ётган еридан сакраб туриб, милтиқ қўндоғи билан биринчи немиснинг бошига урди. Немис ганграб йиқилди, плашч-палаткасига ўралиб, бўйнидаги автоматининг учи ерга санчилиб қолди. Нормат мурданинг оч биқинига тепди.

— Уз кафани ўзи билан...

Иккинчи соқчи тили калимага келмай, қўлларини кўтарди. Унинг кўзлари косасидан чиқиб кетаётган даражада безовта, қўрқувдан юзи оппоқ оқарган, ҳайкалдек қотиб турарди. Нормат уни ҳам қўндоқ билан урмоқчи ва бирийўла икки ўликни ўрмонга судрамоқчи эди, Куценко уни шаштидан қайтарди.

— Штабга олиб бор!— деб буюрди Норматга командир.

— Юр!— деди Нормат, немисга милтиқ учи билан йўл кўрсатиб.

Немис қўлларини баланд кўтарганча, Нормат кўрсатган томонга юрди. Нормат уни Варшавка йўлидан ҳайдаб, ўрмонга кириши билан, немис нималарнидир валдирай бошлади. Нормат унинг тилини тушунмас ва фақат «Хенде хох!»— деб, милтиқ найзасини ёвнинг кураклари ўртасига ботирарди.

— Юр!— дер эди у.— Хенде хох!

Асир ўрмондаги чуқурликларга рўпара келгач, яна тўхтади. «Мени шў чуқурликда отиб ташласа керак» деб ўйлади шекилли, яна ялина бошлади.

— Хенде хох!— деди Нормат, овозини кўтариб,

Немис қўлларини яна баландроқ кўтарди.

Шу маҳал орқадан қаттиқ отишмалар эшитилди, Нормат ўқ товушлари келаётган томонга қараши билан немис жон-жаҳдида Норматнинг милтиғига ташланди ва уни тортиб олмоқчи бўлди. Нормат унинг тумшугига бир калла урди. Немис тилини тишлаб, оғ-

---

<sup>1</sup> К а л т — (немисча) совуқ.

<sup>2</sup> З е р к а л т ь — жуда совуқ.

зи-бурнидан қора қон келди-да, ерга думалаб тушди. Нормат унинг камарини ечиб олиб қўл-оёғини чамбар-час қилиб боғлади-да, ўзи Варшавка йўлига югурди. Отишмалар борган сари кучаярди. Тепаликдаги батареялар ҳам тилга кирди. Йўлда Куценко билан Исроил кимнидир гандираклатиб икки қўлтиғидан суяб келардилар.

— Ким бу?— деб сўради, уларнинг рўпарасидан чиққан Нормат.

— Офицер,— деди Куценко.

— Менга беринг,— деди Нормат ва ярадор немис офицерини опичлаб тепаликка, ўрмон томонга югурди. Офицер қўл-оёқларини қимирлатиб, унинг қўлидан чиқмоқчи бўлган эди, Нормат унинг биқинига муштлади. Офицер питирлашдан тўхтади.

Ярим соат ўтар-ўтмас, Нормат немис офицери билан солдатини батальон штабига келтириб топширди.

Асир офицерни капитан Юрьевнинг ўзи сўроқ қилди. Сўроқда маълум бўлишича, у обер-лейтенант бўлиб, генерал Боок штабидан бронетранспортёрда армия корпусларидан бирининг штабига муҳим топшириқлар олиб кетаётган экан. Бронетранспортёр Варшавкадан қайрилиши ҳамон, Тургенев билан Дронов отган ёндирувчи шишаларга учраган. Улар бу офицерни ёнаётган бронетранспортёр ичидан тортиб олганлар. Унинг қўриқчиларини отиб ташлаганлар.

Обер-лейтенант капитан Юрьевнинг кўп сўроқларига жавоб бермади. Аммо капитаннинг:

— Генерал Боок армияси қаёққа кетяпти?— деган саволига сурбетлик билан:

— Москвага!— деди.

— Ким уни Москвага киритармиш?— деди Юрьев кулиб.

— Узимиз кирамиз!— деди, парво қилмай обер-лейтенант.— Москвага бизни Фюрер олиб киради. Эртага сиз ҳам бу ерни ташлаб кетасиз!

— Фюреринг чучварани хом санаяпти,— деди Юрьев ғазабланиб.— Москвага кириб бўпти! Москва остонасига қўймамиз ҳаммангни!

Сўроқ шу билан тугаб, Юрьев обер-лейтенантни блиндажга қамаб қўйиш тўғрисида буйруқ берди ва немис обер-лейтенанти қўлга тушгани ҳақида рация орқали армия штабига хабар қилди. Кечқурун соат 22 да кел-

ган «У — 2» самолёти немис офицерини қўмондон ихтиёрига олиб кетди.

Обер-лейтенантнинг армия штабидаги сўроқда айтганларига қараганда, Гитлер герман қўшинларига: «6 ноябреча Москва олинсин! Ҳар қанча бўлса ҳам жон ва ҳар қанча бўлса ҳам қон аялмасин!» деб қатъий буйруқ берибди. Фюрер «7 ноябрда Москва Қизил майдонида учинчи империя қуроли кучларининг парадни ўтказиш» тўғрисида ҳам буйруқ берибди. «Парадни ўзим қабул қиламан!» депти у. Баъзи мамлакаг радиоларининг хабарларига қараганда, ефрейтор Гитлер Москва парадда киядиган формасига конкурс эълон қилибди. Унга ҳар ким ҳар хил маслаҳат берибди. Генералитет унга Гросс-Фюрер «эс-эс» формасини лойиқ топибди. Фашист партияси арбоблари, айниқса Розенберг бунга қарши чиқиб, «Гитлер Фюрерлик формасида чиқсин» дебди. Геббельс ҳам шу фикрни қувватлабди... Гитлер тарихчиларни чақириб: «Искандар Зулқарнайн Россияга ва Осиёга қандай формада кирган?» деб сўрабди.

— Бошида тож, қўлида шамшир билан,— дейишибди тарихчилар.

— Наполеон Москвага қандай кирган?

— От устида, ўт ичида кирган...

— Масала ҳал!— деб қичқирибди Гитлер тарихчиларнинг сўзини кесиб.— Мен танк устида, «Ферденанд» устида кирман; қўлимда қилич, оғзимда ўт билан кирман. Зулқарнайн билан Наполеон қилолмаган ишни мен қиламан, улар эголмаган халқни мен эгаман, қираман!— депти.

Куценко взводни тўплаб, ана шулар ҳақида гапирмоқда эди.

— Саволим бор,— деди Нормат.

— Марҳамат.

— Уша тарихчиларнинг ўзи тарихни билмас экан.

— Бу савол эмас, жавоб.

— Саволим ҳам бор. Саволим шуки: ўша тарихчилар Наполеоннинг Москвадан чиқиб кетишдаги формасини айтишмаптими? Наполеоннинг Москвадан иштонсиз қочганини айтишмаптими? Гитлерга худди ана шу форма ярашмасмикин? Шунини сўрашмаптими ўша тарихчилар?

— Гитлер ўзини «Танк устидаги худо» деб юрган эмиш,— деди Куценко.

— Чўлоқ ефрейтор ўзини лашкар боши Наполеондан ҳам юқори қўйибди-да?— деди кулиб сержант Тургенев.

Куценко унинг гапига эътироз билдирди:

— Йўқ, йўқ, Наполеон арслон бўлса, Гитлер мушук: мушукнинг ҳам чиллашири...

Жангчилар қийқириб кулишди.

— Чиллашир мушук Москвада парад қабул қилгиси келиптими?— деб Эмин Ражабов гап отди.

Унинг саволига Норматнинг гапи жавоб бўлди:

— Гитлер ҳам бир олақарға-да, қағиллайверади. Ким уни Москвага киритади?

— Албатта киритмаймиз!— деди Куценко.— Биз Ватан посбонимиз, Москва посбонимиз!

Куценко взводи 119 тепалигидан анча узоқда, эски немис паром-кўприги олдида ротанинг чап қанотини мудофаа қилмоқда. Лейтенант Морозов иккинчи взводни чап қанотга қўяётиб, бу участкага алоҳида эътибор қилиб, қўшимча «Максим» пулемёти билан 10 та граната беришни ҳам буюрди.

— Маҳкам бўл!— деди унга Морозов.— Обер-лейтенантнинг фронт штабидаги сўроқда айтишига қараганда. Грейдер эрталаб ҳужумга ўтиши керак. Унинг асосий зарбаси сенинг взводингга тушади.

— Жой-жойларингизга борингиз!— деди Куценко жангчиларга.

Солдатлар оқопларга тарқалишди.

### 3

Лейтенант Морозов айтганидек, Грейдернинг роталари ҳужумни тўртинчи ротанинг чап қанотидан бошлади.

Артиллерия отишмаларидан кейин, фашист тамғали қора танклар қайилма ёнига келиб, ҳар томонга ёйила бошлади. Шу чоқ тепаликдаги танкка қарши тўплар, зирхтешар қуроллар тилга кирди. Ут очиш позицияларини эгаллаётган танкларнинг бири ўз ўрнида тириллаб айланиб сўнгра қимирламай қолаверди. Унга артиллеристларнинг снаряди тегдими, ёки Куценко взводининг зирхтешар ўқлари тегдими — буни Нормат унча пайқаёлмади. Отишмаларнинг даҳшати ва моторларнинг шовқини остида ҳеч нарса эшитилмаганидек, юз

метр нарироқда нима ҳодиса бўлаётгани ҳам маълум эмас эди.

— Мина майдонлари энди иш беради!— деб қичқирди Тургенев.

Мудофаа районининг чор атрофига танкка қарши мишалар, фугаслар, пиёда аскарларга қарши портловчи моддалар қўйилган эди. Энди ҳеч қандай танк оқоларга яқин келолмайди. Фақат мина майдонларига душман сапёрларини яқинлаштирмаслик керак. У жойда тўхтаган танкларни-чи? Уларни ёндириш лозим! Акс ҳолда, у танклар душманнинг кичик қалъасига айланиши ва кейинчалик тепаликдан ғарбга қараб юриш бошлаган батальонни ўққа тутиши мумкин.

— Тургенев! Жабборов! Танкларни ёндиришлар!— деб қичқирди Куценко.

— Есть!— деб олдинга эмаклади Нормат.

— Есть!— деди Тургенев ва қўйини гранаталарга тўлдириб Нормат билан ёнма-ён сургала бошлади.

— Шишаларни эҳтиёт қил, Жабборов!— деб Куценко Норматни огоҳлантирди.

— Хўп бўлади, ўртоқ Сержант.

Тургенев билан Нормат биринчи танкка яқинлашганларида порохлар тутуни шу атрофдаги ҳавони қоплаб олган, ҳеч ерни кўриб бўлмасди. Занжирли ғилдираклари узилиб, парча-парча бўлиб ётган танк учинчи взвод позициясини пулемётдан ўққа тутиб турарди.

Жангчиларимиз танкка яқинлашиши билан, немислар уларни ўққа тута бошлади. Шу вақт танкка 119 тепалигидан ўқ ёғдирилди.

— Бу нима гап?— деб бўғилди Тургенев.— Бизнинг шу ёққа келганимизни-ку билишар эди... Куценко бизни ўзи юбориб, нега ўзи ўққа тутдирыпти?

— Ет!— деб бақирди Тургенев Норматга.— Жаҳаннам бошланяпти, ёт!

Шу вақт отишмалар яна кучайди. Ҳамма ёқни шовқин-сурон, бақир-чақир босиб кетди.

— Ўзингни четга ол!— деб қичқирди яна Тургенев ёнбошида эмаклаётган Норматга ўгирилиб.— Ҳозир мана бу пўлат қалъани портлатаман.

Нормат орқага тисарилди.

Тургенев танкка ўн метрча қолганда, қўлидаги шишани танк тагига иргитди. Шиша танкнинг биқинига



тегиши билан парчаланди ва унинг ичидан аланга кўтарилди. Танк ўт олиб, ловуллаб ёна бошлади, унинг экипажи ташқарига қочиб чиқа бошлади, аммо Тургенев автоматдан ўт очиб, ўт ичидаги немисларнинг ўлимни осонлаштирди.

— Нормат!— сержант чап ёнига қаради. Нормат кўринмади. Унинг нариги ёнида турган танк ҳам кўринмади.

— Нормат!

Нарироқдан келаётган иккинчи эшелон танкларни кўргач, Тургеневнинг ташвиши яна кучайди. «Нормат қани? Наҳотки...» Шу чоқ мина майдонида ялт этиб Норматнинг қораси кўриниб қолди. Нормат мина майдонида эмаклаб юрган эди. Тургенев тутоқиб кетди.

— Мина! Қоч... Мина!..— деб қичқирди у.

Нормат Тургеневга қараб, кулиб эмаклаб келмоқда эди.

— Нега ўзбошимчалик қиласан?

— Уни қара, қочиб қутулмоқчи...

Сержант нарироқдаги танк алангасини кўриб, бир оёқовуридан тушди. Аммо яна икки танк кўринди. Душмanning янги атакаси бошланди...

— Қайт, Нормат!— деди Тургенев.— Фақат менинг орқамдан юр!

#### 4

Душмanning иккинчи атакасидан кейин, Куценко взводи орқага чекиниб, тепаликдаги окопларга ўрнашди.

— Самолёт!— деди Дронов.

Самолётлар бу сафар анча баланд учиб келди. Сиреналар чинқириб, қулоқларни қоматга келтирди. Биринчи бомба тушиши биланоқ, ердан қуюқ тўзон кўтарилди. Кейинги бомбалар чийиллаб, ерга бирин-кетин гуревлаб тушиб, даҳшат билан портлай бошлади.

Куценко самолётларга ўт очишга команда берди:

— Огоны! Огоны!

Бутун взвод ўт очди. Окоплар ичидан дарахтлар оша аланга кўтарилиб турди.

Дарахтлар устида окопларга мўралаб юрган бир штурмчи самолёт калта-калта тутун чиқариб, бирдан ёниб кетди ва тумшуги билан ерга санчилди.

Куценко бу самолётга кимнинг ўқи текканини билмай қолди, эҳтимол, зенитчиларнинг снаряди, эҳтимол, окоплардан отилган ўқлар теккандир. Хар холда, унинг рўпасида бир немис самолёти куйиб ётарди.

Окоплар тепасида иккинчи самолёт айлана бошлади. Шу маҳал Куценко танкка қарши қурол овозини эшитиб орқасига қаради-ю, Ваня Великани кўрди.

— Великан! Нима қиляпсан?

Великан, портлаган бомба шамолидан калласи узилган ПТР чининг қуролини олиб, уни синган арча тўнгагага ўрнатаётганини ва ундан самолётларга ўқ узаётганини кўрган Куценко шодлигидан:

— Офарин!— деб қичқириб юборди.

— Кўрдингизми?— деб Великан куяётган самолётга ишора қилди-да, яна ҳавога қаради.

— Пиёдалар!— деб қичқирди Дронов.

Унг томондан танклар паноҳида немис солдатлари келаётганини кўрган Куценкога Грейдер бутун кучларини шу тепаликка ташлаётганга ўхшади. Бутун бир полк, ҳатто дивизия шу тепаликка келаётгандек туюлди унга.

## 5

Учинчи атака соат 4 дан 32 минут ўтганда бошланди.

— Фриц бугун ҳамма режасини бузиб юборди...

Урушнинг биринчи кунидан бери немисларнинг жанг жадвалини ўрганиб юрган Дронов бугунги жангда уларнинг жадвали ҳам, тактикаси ҳам бутунлай ўзгарганини кўриб таажжубланди. Бугун фашистларнинг қонга тўлган кўзлари катта талафотни кўрмади, ёки кўрса ҳам, бунга нечундир эътибор қилмади. Тепалик остонаси техника гўристонига айланди. Уликларнинг ҳам сон-саногини йўқ. Уст-устига ҳужумга ўтган немислар тепалик остонасида, мисоли денгизга ғарқ бўлгандек, қора тупроққа чўкиб кета бердилар. Немисларнинг янги-янги сафлари кўринар ва ўтга учраб ётиб қоларди, яна янгилари пайдо бўлар ва яна тепаликдан ёғаётган аланга ичида ғарқ бўларди.

— Немиснинг тухуми оғзига тиқилиб қолди,— деди Нормат.

— Ҳаммаси маст,— деди Эмин Ражабов.

— Тўғри, ўликларининг оғзидан ҳам ароқ ҳнди келаяпти,— деб Крупенья Эминнинг сўзини қувватлади.

— Қара, қара, уларнинг тутдек тўкилишини қара!..  
Шу чоқ бир неча немис солдати тепаликка ўрмалаб қолди.

— Диска!— деди Эмин қичқириб.— Диска!

Крупенья орқага қараб, патрончи Исроил Азимов взводнинг нариги қаторида ўқ улашиб юрганини кўрди. Фурдат зиклигини кўрган Дронов окопма-окоп бориб, тайёр дискларни келтирди.

Эмин Ражабов дискасини тўлдирар экан, азбаройи қизишиб кетганидан, шинелини ечиб ташлади-да, немисларни ўққа тутди. Бир неча немис ер тишлаб қолди.

— Диска!— деб қичқирди яна Ражабов.

Патрон пунктдан жавоб бўлмади. У ерга Крупеньянинг ўзи югурди. Крупенья патрон пунктига борганда патрончи Азимов ўқлар яшигига ёпишиб ётган эди. Унинг бир қўлида диска ва иккинчи қўлида патрон... У пулемёт дискасига сўнгги патронни солишга улгуролмай қолибди... Крупенья уни яшик устидан кўтариб олди ва снаряд ғажиб кетган, дарахт остига ётқизиб, устига шинель ёпиб қўйди...

Исроил Азимовнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги қайғули хабар бир онда оғиздан-оғизга ўтиб, барча жангчиларга маълум бўлди.

Нормат ўз ҳамқишлоғининг мурдаси устида сукутга чўмди.

— Исроил Москва учун жон берди,— деди Нормат, ёш тўла кўзлари билан ватандошига тикилиб.— Унинг поми яшайди!

## 6

Кечки пайт иккинчи рота ҳам тепаликка чекинишга мажбур бўлди. Жанг 119-тепаликдаги окопларда давом этди.

— Байроқни келтиринг!

Юрьев батальоннинг жанговар байроғини олдинги позицияга келтириш ҳақида буйруқ берди.

Байроқни энг аввал жанг майдонида кўрган лейтенант Морозов: «Рота смирно! Байроққа юз ўғир!» деб команда бергиси келди. Бироқ жангнинг ҳар ким ўз бурчини бажариш билан банд бўлган энг масъулиятли пайтида Устав талабини бажариш имкони бўлмади. Морозов

ўрнидан туриб, байроққа честь бергач, яна отишмалар қизиб кетаётган томонга қаради.

Тепаликка жанговар байроқ тикилаётганини Нормат ҳам кўрди. Унинг назарида аланга ичидаги афсонавий тепаликка аллақандай енгилмас куч келаётгандек бўлди. У, тутундан ачиган чарчоқ кўзларини байроқнинг ярқироқ туғидан сира узолмас ва бу туғ унга қандайдир қудрат бағишлаётгандек туюларди.

Эрта тонгдан бери тинимсиз жанг қилаётган батальон тепада ҳилпираётган байроқни кўриш билан яна руҳланиб кетди. Бу байроқ ҳар бир жангчи учун шон-шараф белгиси. У галабининг ёрқин нишони. Совет жангчиси қадрдон батальонининг жанговар байроғини душман кўлига топшириб қўйгунча бир марта эмас, ўн марта ўлишга рози! Ана шу руҳ ҳар бир солдатнинг тан-жонига сингиб кетган.

\* \* \*

Немисларнинг тумшуғи тагида Қизил Армия жанговар байроғининг пайдо бўлиши уларни ҳайратга солди. Бу хабар полковник Грейдерга етиб келгач, у ўйланиб қолди.

— Бу ниманинг белгиси? Юрьевнинг мақсадн нима? Аҳа... Юрьевнинг кучи тугаш олдида. У гангиб қолганга ўхшайди... Яна бир ҳамла, яна бир интилиш — русларнинг масаласи ҳал бўлади!..

Аммо Грейдер шу «яна бир ҳамла, яна бир интилиш» нинг нақадар қурбонларга сабаб бўлишини ҳам билар эди. Уни ўйлатиб қўйган нарса ҳам шу эди.

— Бу менга «Пир ғалабаси!» каби қимматга тушади-ганга ўхшайди.

У ана шундай хаёлларга бориб ўтирганда, адъютант югуриб кирди:

— Жаноб полковник! Руслар томонда оркестр янграмоқда.

Грейдернинг буришган пешонасига тираб турган бармоқлари қалтираб кетди. Чимчалоғидаги тилла узук ярқираб сўнди.

— Бу нимаси? Мен русларга ҳеч тушунолмай қолдим. Нега шу қадар қайсарлик қилишади? Беҳуда ўжарлик бу!..

---

<sup>1</sup> Пирова победа.

Батальоннинг ўнг қанотидан келаётган оркестр садосини эшитгач, Юрьев Черницовга савол назари билан қараб қўйди.

— Улсак ҳам музика билан ўлайлик. Юракларда армон қолмасин...— деди комиссар.

Оркестрни жанг майдонига Черницов чақиртирган эди. Жанг бешинчи ротанинг иккинчи траншеялари ичида давом этар, аҳвол оғир эди. Жанговар қаторларда батальон байроғининг пайдо бўлиши жангчиларнинг ҳар бир қарияч ер учун масъулиятини оширди. «Бўшашма!» деб хитоб қилди байроқ алангаси ва солдатларнинг кучига куч қўшди. Жангчилар энг сўнгги кучларини жамлаб, душманнинг янгидан-янги ҳамласига бардош бера бошладилар. Жанговар қаторларда янграган жанговар марш оҳанглари эса, жангчиларнинг руҳини янада кўтариб юборди.

Батальон оркестрининг тантанали садолари немисларга бошқача таъсир қилди. Уларга тепалик мудофаачиларига ёрдам келгандек, гўё бутун Қизил Армия ҳужумга ўтаётгандек, ана шу катта ҳужумнинг биринчи ва даҳшатли тантанаси шу жойда бошланаётгандек туюлди. Шунинг учун уларнинг руҳи тушиб кетди, сафларида парокандалик бошланди.

Шу вақт Юрьев батальонининг жангчилари учун яна бир қувончли ҳодиса юз берди. Грейдернинг орқа томонида ҳам отишмалар эшитилиб қолди. Отахов бошлиқ партизанлар отряди юрьевчиларга ёрдам бериш учун Дашковка ва Ильичёвқада ҳужум бошлади. Натяжада Грейдер полкининг кучлари икки фронтга бўлиниб кетди.

— Энди контратаканинг пайти келди,— деди Юрьев Черницовга. Контратакани Куценко взводи бошлаб бериши керак.

— Тўғри!— деди Черницов.— Мен окопларга борай!  
— Бирга борамиз!

Юрьев билан Черницов окопма-окоп юриб, жангчилардан ҳол-аҳвол сўрадилар, уларни руҳлантирдилар. Кейин, Куценко взводи контратакага ўтганда, улар жангни охиригача кузатиб бошқариб турдилар. Кечга яқин немислар чекинди. Аммо бизнинг жангчиларимиз

позициялардан кетмадилар. Улар тун оғунча душман ҳаракатини кузатиб турдилар. Немисларнинг атакалари такрорланмагач, Юрьев роталарни овқатланишга буюрди-да, ўзи снаряддан узилиб тушган қарағай шохига ўтириб, махорка ўради.

— Комиссар, келинг, бир чекайлик!

— Майли, — деди Черницов, Юрьевнинг ёнига ўтириб.

— Федор Петрович, — деди Черницов, Юрьевга мамнун қараб, — биласизми, Москвага ҳужум қилаётган Гитлер армиясининг биронта солдати ҳам Чайкадан қайтиб ўтолмайди. Мен бунга шу бугун яна бир марта ва узил-кесил ишондим!

— Бу бизга боғлиқ, — деди Юрьев, махорка тутунини оғзидан паға-паға чиқараркан.

— Тўғри! — Черницов унинг фикрини қувватлади. — Аммо бу армиянинг маънавий руҳига, маънавий кучига ҳам боғлиқ.

Юрьев бу фикрга дарҳол қўшилмади.

— Шу чоққача, — деди у ўрнидан туриб, Черницов олдида у ёқдан-бу ёққа юраркан, — бирор армия маънавий атака билан фалон давлатни йиқитибди ёки фалон қалъани олибди, деган гапни эшитганим йўқ. Агар батареяларимиз бўлмаса, самолётларимиз ёрдам қилмаса, пулемётларимиз сайраб турмаса, қуруқ асабий атака билан Грейдерни тор-мор қилолмас, фашист кўпригини мажақлай олмасдик. Кимнинг қўшини кучли бўлса, қуроли кўп бўлса — жангда ўшанинг қўли юқори бўлади. Ҳарбий ишда қўшинларнинг сони ва сифати ҳал қилувчи роль ўйнайди.

— Баракалла! — деди Черницов. — Сони ва сифати... Сон ҳам муҳим-ку, аммо сифат ундан қолишмайди. Ана шу сифат — армиянинг маънавий руҳи; қийинчиликларни енгишга, мақсад йўлида жон фидо қилишга тайёрлиги ёки тайёр эмаслиги — мана шу нарса жуда муҳим. Армиямизнинг кичик-кичик отрядлари ёвнинг катта-катта қисмларини қириб ташлаётганлиги бежиз эмас. Дарҳақиқат, урушнинг тақдирини кўпинча ана шу урушаётган кучларнинг маънавий руҳи ҳал қилади. Узоққа бормай. Ўзимиздан мисол олайлик. Бугунги жангда ҳеч кимнинг кўзига ўлим кўринмади. Жангчиларимиз тупроққа қоришса қоришдики, уларнинг бирортаси ҳам байроқ олди-дан кетмади. Оркестр янграган вақтидаги ҳолатга разм солдингизми? Жангчиларимизнинг ватанпарварлиги жўш

урди, руҳи кўтарилди, иродаси чиниқди. Шунинг учун ҳам биз бугун Грейдерни енгдик.

— Грейдерни ҳали буткул енгганимиз йўқ,— деди Юрьев, ўзига хос совуққонлик билан.— У биз билан ҳали яна олишиб кўради...

— Ўз тупроғини севган, ўз Ватанининг тақдирини ўз қўлида маҳкам ушлаб турган кишилар енгилмайди!

— Аммо бу тупроқни бизникидай оз куч билан ушлаб туриши ҳам осон эмас.

— Бизга оғир курашлар, жанглар замонида яшаш насиб бўлди,— деди Черников, ўйчан кўзларини жанговар сафдошидан олмай.— Биз қийинчиликларни енгиш учун туғилдик. Шу сабабли машаққатлардан қўрқмаймиз, ҳар қандай душманни енгамиз!

Юрьев Черниковнинг чуқур маъноли мулоҳазасидан мамнун бўлса ҳам, махоркасининг учини қип-қизил чўғ қилиб тортаркан:

— Ҳар ҳолда, техникани унутманг, комиссар!— деб қўйди.

## 7

Батальон овқатланиб бўлгач, Черников лейтенант Морозовнинг олдига борди. Морозов сакраб ўрнидан туриб, Черников томонга ўгирилди.

— Рота жангга тайёр, ўртоқ комиссар!

— Жангчи Исроил Азимов жасади учун тобут ястинг,— деди Черников унга.— Эртага Ўртоқлар мазорига музика билан қўямиз.

— Есть!

Герман фашизмига қарши курашда 119 тепалигида ҳалок бўлган жангчилар учун дарё бўйида, кўприк олдидаги кекса чинор тагида Ўртоқлар мазори қилинган эди. Юрьевчилар бу ернинг мудофаасини ўз зиммаларига олаётган куни: «Душман шу кўприк остонасида ўлигимизни босиб ўтса ўтадики, кўприкни унга бермаймиз!» деб қасамёд қилган эдилар. Шундан кейин ҳалок бўлган жангчиларнинг жасадлари шу жойга қўйиладиган бўлди. Эндilikда бу ер юрьевчилар учун муқаддас бўлиб қолди.

Ана шу ерга энди ўзбек фарзанди Исроил Азимовнинг жасади ҳам қўйиляпти.

— Азимовянинг ҳужжатларини ол, уйяга кибраммиз.— деди Тургенев Норматга.

Нормат Исроилнинг тепасига борди, шпинелини аста кўтариб, унинг жанг ўтида қорайган танчи чехрасига тикилди, ўпкаси тўлиб, кўзига яна ёш келди. Нормат ўзини тутолмай, пиқ-пиқ йиғлади. Кейин, дўстиянинг гимнастёркаси чўнтақларидан «Қизил аскар княжкасини», маориф бўлимининг гувоҳномасини ва хатларни олди. Нормат шуларнинг ҳаммасини тахлар экан, хатлардан баъзиларини кўздан кечирди. «Жоним, ғалаба билан қайтиб келянт. Тез келинг. Соғиндим» — деб ёзибди хотини.

Исроилнинг ўқувчидаридан келган хатлар худди рапортга ўхшаб бошланар ва катта ваъдалар билан тугар эди.

«Биз, ўқувчи болалар, сизнинг шоғирдларингиз, аъло ўқишдан ташқари, колхозга йиғим-теримда ёрдам бераётимиз. Биз совет жангчиларининг ғалаба қозонишлари учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиляпмиз ва ҳаракат қиламиз!»

— Бу мактубларни ҳам ўзи билан кўмамиз,— деди Нормат, ёнига келган Тургеневга.

— Нима учун?

— Эҳтимол, ҳалок бўлган жангчиларнинг қабри шулайча қолиб кетмас. Бородино қишлоғи каби, Варшавка ҳам тарихий жой бўлиб қолар. Бизнинг жасадларимизни қабрдан-қабрга кўчираётиб, кимлигимизни суриштирувчи тарихчилар шу хатларни ўқиб кўришар. Исроил ўлгани билан, унинг кўп шоғирдлари ҳаёт эканини билишар!..

— Тўғри айтасан.

Нормат блиндажга қайтаётиб, Черницовга дуч келиб қолди. Черницов ярадор жангчилар ётган блиндажларга қараб ўйланиб турарди. Блиндажлар ярадорларга тўла. Афтидан, санитарлар шошилиб қолганга ўхшайдилар.

— Оғир жанг бўлди...— деди Черницов ҳорғин бир қиёфада.— Батальоннинг учдан бири тўкилди... Ҳали бу ҳолаа. Гитлер 7 ноябрда Москвага киришига шошиляпти. Оғир жанглар ҳали олдимизда...

— Душмани ўтказмаймиз, ўртоқ комиссар!— деди Нормат.— Ҳар қандай оғир жангга тайёрмиз!

Юрьевчилар шайланиб турдилар, лекин улар кутган оғир жанглар такрорланмади. Чунки Брянск ўрмонларида, Тула атрофида ва Вязьмадан париди бўлган жанг-



ларда тинкаси қуриган герман қўшинларига ёрдамчи кучлар келмади. Фельдмаршал фон Боокнинг буйруғи билан генерал Шмидт Грейдерга берилган танкларни ва унинг яна икки батальонини олдинги позицияларга чақириб олди. Шундан кейин Грейдер паром-кўприк билан катта йўлларнинг қўриқчисигина бўлиб қолди.

*У н т ў қ қ и з и к ч и б о б*  
**БАЙРАМ ОЛДИ КЕЧАСИ**

I

1941 йил олтинчи ноябрь...

Уч кундан бери сурункасига ёғаётган қор бугун кечга бориб янада кучлироқ бўралай бошлади. Бўрон кўтарилаётганини кўрган Ваня Великан қарсак чолиб юборди. «Мана, ов энди қизийди!»

— Ёнгингарчилик — немисни блиндажга тикади, плашч-палатка ичига ўрайди,— деди Великан.— Байрам ушчақчақ ўтсин десанг, қор, бўронни тилайвер!..

Блиндажда ўтирганлар Ваня Великаннинг бу мулоҳазаларини қизгин муҳокама қилишди.

— Қор-ку майли-я, бўронига нима бор?— деди блиндаж ойнасидан қараб турган Нормат.

— Бўрон керак!— индамай турган Тургенев гапга аралашди.— Кучли бўрон керак.

— Нега бўронни бунчалик яхши кўрасан, сержант?

— Мен уни яхши кўрмайман. Билансанми, нима учун? Табиат жуда раҳмсиз нарса. Кузда ёққан ёмғир, қишда қор, экин даласи учун озуқа, лекин куздаги шамол ва қишдаги бўрон бу табиат инъом қилган намликнинг офати... Уни даладан учириб кетади.

— Ундай бўлса, нега бўрон тилаяпсан?

— Биз табиатни ўз мақсадимиз учун ишга солиб юрган одамлармиз. Агар қаттиқ бўрон турса, рус ерини депсиб юрган ёвузларни учириб кетади

Ваня Великан автоматини елкага илди:

— Мен жўнаш м керак, қулай вақтни ўтказиб юбормайин.

— Оқ йўл!— деди Нормат, блиндаждан чиқиб кетаётган старшинага.

Ваня Великан «ов»га кетди.

Оқшом қоронғилигида блиндаждан узоқлашаётган старшинани кузатиб қолган Нормат, Россиянинг қаҳратон қиш манзарасига, еру кўкни тутиб бўралаб ёғаётган қорга узоқ тикилиб қолди. Қални қор арча шоҳларини эгиб турибди, оппоқ ер лўппи-лўппи очилган пахта майдонига ўхшаб кўринмоқда.

— Худди бизнинг қийғиракка ўхшайди...

— Бугун байрам арафаси,— деди Тургенев, жангчиларга ўйчан тикилиб.— 1917 йил ноябрь кунларидек машаққатли бўлди бу кун ҳам... Байрамни жанг билан, қон тўкиб кутиб оляпмиз.

— Октябрь меваларини,— деди Тургенев сўзида давом этиб,— Гитлер тортиб олмоқчи, бизни яна зулм эндонига ташламоқчи. Йўқ, овора бўлади. Халқимиз ўзини қулликка солдириб қўядиган халқ эмас! Қизил Армиямиз бор. Ҳарбий Флотимиз, авиациямиз бор. Қаттиқ курашларда енгиб чиққан партиямиз, галабадан галабага олиб борувчи ЦЕКАмиз бор! Бу жиҳатдан бугунги 6 ноябрь 1917 йилдаги 6 ноябрга асло ўхшамайди! Аммо бугунги 6 ноябрь ўша 1917 йилдаги 6 ноябрдек ғалаба куни бўлиши турган гап!

Тургеневни Нормат қувватлади:

— Гитлернинг паймонаси тўлган кун... Паймонаси тўлмаса, 1917 йилда империализмнинг илигини қоққан Советларга ҳужум қиладими? Ун тўрт давлат биргалашиб йиқитолмаган Москвани Гитлер қўшинлари йиқита оладими? Валақлайди-да, оғзига кучи етмаган!

— Гитлер Москвани олиб бўпти!— деди Тургенев яна.— Қайси виждонли совет кишиси бунга йўл қўйиб беради?

— Ҳеч ким!— деди Нормат.

— Ҳеч ким!— деб такрорлади бошқалар ҳам.

## 2

Ваня Великан ҳар қачонгидан ҳам хурсанд ҳолда блиндажга кириб келди.

— Ҳамманг ўйинга туш! Билган ҳам, билмаган ҳам ўйинга тушадиган совға келтирдим.

— Нима келтирдинг?

Велнкан қўлларини ишқалаб ўртага тушди.

— Қани ўйин, Октябрь байрамини келтирсам ҳам ўйнамайсанларми!

— Байрам сенсиз ҳам келяпти.

— Байрам менсиз қизимайди. Мана. бунга қараб қўйинглар...

Ваня Великан ўзи олиб келган катта қора термусин ерга қўяркан, ўрта бармоғи билан томоғига чертди...

— Шнапс!..— деди у, Крупеньяга кўзипи қисиб.

Жангчилар кулиб юборишди: Великанинг ўлжаси немис рацияси эди.

— Рация!— Тургенев қувониб кетди.— Ишимиз беш! Ким билади бунинг тилини?

— Оға ўғли билади.

— Тургенев, постдан келиб ухлаб ётган Оға ўглини уйғотди.

— Техникани биласанми?—деб сўради Тургенев, уйқули кўзларини мушталари билан ишқалаётган Ҳусейндан.

— Биладан, нефть насосларини биладан,— деди шошиб Ҳусейн.

— Нефтингни қўявер. Рацияни биласанми?

— Нега билмайин? Бокуда ер ости алоқасини рация билан олиб борардик.

Ҳусейн ишга киришди. Аммо ҳар қанча уринса ҳам, рацияни гапиртиролмади ва «Бокудаги рация бунақа эмас» деб, қўл силтади. Блиндаждаги бошқа жангчилар ҳам бир-бир уриниб кўришди. Аммо немис рациясидан ақалли «тиқ» этган товуш чиқмади.

— Исроил Азимовнинг қадри айниқса ҳозир ўтяпти,— деди Великан.

— Қўли гул эди. Унинг билмаган ҳунари йўқ эди. Агар Исроил бўлганда, кўзини юмиб туриб тузатиб қўярди...

— Батальон радистини чақира қолайлик,— деди Крупенья.

— Ҳеч қандай радистнинг ҳожати йўқ, ўзимиз яна бир уриниб кўрайлик!

— Менга беринг-чи,— деди Нормат,— мен ҳам бир кавлаб кўрай! Мактабда радио дарси ҳам ўтган эдик, шояд иш берса!

Нормат бир оз урингач, азбаройи севинганидан қичқириб юборди:

— Топдим!..

— Нимани? Нимани топдинг! Қани?—деб жангчилар уни ўраб олишди.

— Шошмай тур.

Рация гувиллаб, чинқириб, блиндажни шовқин-суронга тўлдирди, шу шовқин ичида аллақандай бегона овозлар хириллай бошлади.

— Москвани тўғрила!— деди Великан.

Нормат рациянинг қулогини бураб, шкаласи устидаги стрелкасини йўрғалата бошлади. Стрелка ҳар рақамга ўтганда, овозини, шовқинини бир ўзгартириб оларди. Гоҳ станциялардан вальс, фокстрот, опера ариялари, гоҳ станциялардан фақат эркак ва хотин дикторларнинг турли-туман овозлари эшитиларди.

— Топдим!— деди Нормат, кўзлари чақнаб.

— Москвами?

— Москва!

— Менга бер!

Тургенев унинг қўлидан наушникни тортиб олиб тиғлади. Эфирдан аллақандай нотаниш овозлар билан бир қаторда, рус тилида ҳам гаплар эшитиларди.

— Тфу!— деди Тургенев, наушникни Норматга бераркан.

— Нима бўлди?

— Москва эмас, немис. Геббельснинг ит ялоқилари рус тилида вайсаяпти.

— Шошманглар, Москвани топамиз!— деди Нормат, рацияни яна гириллатиб.

— Эпложмайсан,— деди Великан.— Яхсиси, штабдан радистни айтиб келай!

Великан кетгандан кейин ярим соат ўтар-ўтмас, блиндажга Черницов ва унинг кетидан радист билан Великан кириб келди.

— Яхши бўлибди бунинг топилгани,— деди Черницов ва радистга қаради.— Москвани топинг!

Аммо шу вақт Нормат шодлигидан қичқириб юборди:

— Уртоқ комиссар, Москва!..

Москва радиоси дикторининг салобатли, босиқ овози эшитилди.

— Ура!— деб қичқирди Великан.

«Ура» садолари бутун блиндажни бошнга кўтарди, жангчилар бир-бирлари билан қучоқлашиб кетишди. Аммо тўсатдан пайдо бўлган Москва овози эфирдаги шовқин-сурон ичида кўмилиб кетди. Жангчилар нафасларини ичларига ютиб, эфирдаги ҳар бир сўзни уқиб олишга тиришардилар. Чиндан ҳам юрьевчиларнинг ҳаёти Москвага боғлиқ эди. Улар орқада Москва тургани

учунгина ўзларини кучли деб билардилар. Шунинг учун Москвадан келаётган ҳар бир сўз улар учун қимматли, қадрли эди. Душман: Москва олинди, деб ҳамма жойга варақалар тарқатган, ҳар кун рупор орқали 119 тепалигига қараб: «Сталин қочди, фюрер Москвада парад қабул қилади» деб вайсар эди. Аммо бу уйдирмага ҳеч ким ишонмади. Мана энди ўша «олинди» деб эълон қилинган Москва ўз овози билан ёвуз душманни фош қилмоқда.

Рацияда Иосиф Виссарионович Сталиннинг:

— Бизнинг ишимиз ҳаққоний иш, биз ғалаба қиламиз!— деган сўзлари равон ва аниқ эшитилди. Ишонч билан айтилган бу сўзлар Черницовга ҳам, бошқа жангчиларга ҳам енгилмас руҳ, тугалмас қудрат бағишлади. Узоқ вақтгача рациядан қарсак ва «ура» товушлари келиб турди, «Интернационал» чолинди.

Тургенев наушникда эшитилган ҳар бир сўзни такрорлаб турди. Москва орқали Кнев, Ленинград, Боку, Тошкент, Сталинобод овозлари эшиттирилди. «Эшит фронт, биз сен билан!»— дерди у шаҳарлар.

Тургенев жангчилар номдан: «Эшит мамлакат, эшит узоқдаги шаҳарлар, биз сен билан ва сен учун қурбон бўлншга тайёрмиз!» деб қичқирганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Бизнинг ишимиз ҳаққоний иш, биз ғалаба қиламиз!

Черницов ҳам, жангчилар ҳам И. В. Сталиннинг ана шу содда, аммо чуқур маъноли сўзларини такрорлаб, қалбларига жо қилиб олдилар.

### 3

Қаёқдан келди унга бу шодлик.

Тўхта хола ўзини ҳеч қаерга сиғдира олмай, қувончга тўлиб ўтирибди. Болалар ҳам кампирнинг атрофидан кетмай, ғужурлашиб, унинг шодлигига шодлик қўшмоқдалар. Катта онаси уларни ҳам ювинтириб, яхши кўрадиган кийимларини кийдириб қўйди. Тўхта холанинг ўзи ҳам оҳорлик қўйлагини кийиб, оқ дока рўмолини ўраб олган. Унинг кўзлари қувнаб, кўнгли яшнаб кетяпти. Бу байрамни унга Холматнинг: «Сизни ва болаларни Улуғ байрам билан табриклайман» деган телеграммаси олиб келди.

Эшикдан Эргашнинг кириб келиши кампирни янада шодлантириб юборди. Эргашни биринчи бўлиб Славик

қучоқлаб олди. У, Уралдан Славикка уч ғилдиракли велосипед олиб келган эди. Славик уч кундан бери укаларини, қўшни болаларни велосипедга миндириб, ўйнатиб юрибди. Бу велосипедни болалар кечалари ҳам ўртага олиб ётадилар. Ҳозир ҳам велосипед уларнинг ўртасида: Ганижон унинг орқа ғилдирагини ушлаб турибди, Холматнинг кичик ўғли қўнғирогини жаранглатмоқда, катта ўғли отининг ёлини қучоқлаб, қулоғидан ўпмоқда.

— Табриклайман, сизни, онажон!— деди Эргаш, Тўхта холага елкасини тутар экан, шодланиб.

— Умрингдан барака топ, болам!— деди кампир, Эргашдан мамнун бўлиб.— Шундай улуг айём кунларда мени йўқлаб келганинг учун минг раҳмат, болам, асло кам бўлма!

Эргаш Тўхта холага иккита қоғозни кўз-кўз қилди:

— Суюнчи беринг, суюнчи!

— Сенга ўзгинам суюнчи, болам. Қандай хушxabар келтирдинг, садағанг кетай, Эргашвой?

— Норматдан хат, Адолатдан телеграмма.

— Вой, оғзингга мой, Эргашвой! Тезроқ айт, болажонларимдан не хушxabар бор?

Она Эргашни қучиб, пешонасидан ўпди-да, сандиққа югурди ва уни очиб, Норматнинг тўйига аталган кийимликлар ичидан қўлига илинган бир чуст дўппини олиб келиб Эргашга кийдирди, яна орқасига қайтиб сандиқдан шойи қийиқ олди-да, унинг белига боғлади.

— Сенга ҳар қанча қилсам ҳам оз, болам. Сен менга фақат яхши гап келтирадиган хосиятли йиғитсан. Қурбим етса, от миндираддим сенга, болам!

Кампир Эргашнинг қўлидан уч бурчакли кўк конверт билан телеграммани олиб, бағрига босди. Шу чоқ у яна Нормат билан Адолатни ўз бағрига босгандек ва уларнинг қайноқ юзларидан ўпиб, азиз бошларини силаётгандек бўлди. Кейин у хат билан телеграммани кўзларига суртди.

— Улар бир-бири билан топишиптими, болам? Адолатхон Норматининг олдига етиб бориштимиз? Илоҳи, муроду мақсадларига етишсин!

— Адолат Москвада экан. Нормат фронтда,— деди Эргаш.— Аммо улар бир-бири билан албатта топишади.

— Уқи, ўқи, ўғлим! Нима депти Нормат? Нима деб ёзипти Адолат?

Эргаш аввал Норматнинг хатиш ўқиб берди. Унинг меҳрибон онасини соғиниб ёзган илиқ сўзларини эшитган кампирнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. У, кенжа ўғлининг бу мактубининг ҳар бир сўзини қулоғига қуйиб, кўксига битиб олаётгандек диққат билан тинглади ва тобора унга берилиб, ўзини Нормат тасвирлаган фронтда, партизанлар орасида, жангларда, сеvimли Москва мудофааси майдонида сизди-да, томаётган кўз ёши томчиларининг мишжалардан ғойиб бўлганини ўзи ҳам сезмай қолди. Мактубнинг «Адолатхон соғ-омон юриптими?» деган жойига келганда, кампир Эргашни тўхтатиб, «Норматга телеграмма бер, дарҳол хабар қил» деб ўттиди. Хатнинг охириги қисми қишлоқдаги дўстларга аталган эди.

Эргаш Адолатнинг телеграммасини ҳам ўқиб берди. Адолат Москвага етиб борганини, соғ-саломат эканини ёзибди. Тўхта холага қизгин салом йўллабди.

— Барака топсин!— деб кампир Адолатни дуо қилди.

— Энди мен кетай,— деди Эргаш, Славикнинг пешонасидап ўлиб.

— Қаёққа шошилсан, болам?

— Мана бу хатни почтага ўзим топширмоқчиман. Бугундан қолса, уч кунга кечиқиб кетади. Бу муҳим хат Бегимхондан..

— Бегимхондан?.. Яна қандақа ошиғига ёзипти у бечарор?

— Ошиғига эмас. Акасига. Соттига, мен ўзим ёздирдим. Сотти Уралда ҳам одамларни шоштиряпти. У, сингисининг «бетоблиги»ни баҳона қилиб, «кетаман»га тушиб қолипти. Бегимхон акасига: мен жуда яхши юрибман, уруш ғалаба билан тугамагунча Уралдан қайтманг, деган мазмунда хат ёзди. Қаёқдан келди экан унга бунча ботирлик?..

— Қаёқдап келарди. Сотти келиб қолса қўриқчи пайдо бўлади, Бегимхон ёлғизликнинг яллосини суролмай қолади. Бўлмаса-ю, акамни чақириб беринглар, деб нималар қилмасди.

— Ҳар ҳолда инсоф кирганга ўхшайди.

— Уғлимнинг хатини ташлаб кет, Эргашвой, келинларим ҳам ўқишсин.

Келинларингиз даладан тўғри клубга келишади. Уша ерда ўқиб бераман, эшитишади. Уларга арава юбордик.

Эргаш кетгач, Тўхта хола қайтиб уйига кирди, болаларининг кийим бошларини тузатиб, Славикка янги қизил этигини кийдириб, уларни етаклаб ҳовлига чиқди.

Куз ҳавосининг илиқ шабадаси олтин барглари учиб юрибди. Оқ ўрик, шотут, шафтоли ва ғайнолининг сап-сариқ япроқлари ҳоёли бетини кўмиб ётибди. Славик велосипедининг ғилдираклари билан хазонларни тўзатиб дарвоза томон бормоқда, унинг ўртоқлари велосипед орқасидан югуриб, ғилдиракка ёпишган хазонларни бирма-бир олиб ташламоқдалар. Кампир Славикка сандиқдан олган байроқчасини берди.

— Славик, мана, буни велосипедингга ўрнатиб ол!— деди Тўхта хола.

Болалар бу байроқчани танидилар. Уни ўтган йили 7 ноябрь куни Холмат шаҳардан келтириб берган, байрамдан кейин Тўхта хола уни «келаси байрамда ўйнайсизлар» деб беркитиб қўйган эди. Болалар байроқчани велосипеднинг рулига ўрнатиб, катта йўлнинг ўртасига тушдилар. Байроқ шабадада ҳилпираркан, Тўхта хола чексиз қувонди.

— Гиргиттонларинг бўлай, шундоқ севинсаларинг!— деди кампир, болаларининг олдига тушиб бораркан.

Колхоз клуби олдида ўйнаб юрган болалар Славикнинг велосипедини кўришлари ҳамон «ура!» деб қичқиб, уни ўраб олишди. «Менга ҳам бир миндир велосипедингни, мен ҳам минсам майлими?» деб қўярда-қўйишмади улар. Бир бола Славикка ўрик, ёнғоқ берса, иккинчи бола: «Слава, Слава, кинодан кейин бизникига борасанми, тойимга миндираман» деб уни таклиф қиларди.

— Бизникига боради, қаймоқ бераман. Кейин бузоқчани етаклаб боқиб келамиз-а, Славик?— деб, Славикнинг елкасига қўл ташлади учинчи бола.

Славик болалардан бирининг елкасида ёғоч милтиқни кўриб, велосипедини ҳам ташлади-да, унинг ёнига югуриб кетди. Велосипедга болалар ёпишган эди, Ғанижон унга миниб олди.

— Милтиқингда бир оттиргин, ўртоқ, мен ҳам велосипедимга миндираман,— деб ялинди «аскар бола»га Славик.

— Олдин сен велосипедингга миндир, кейин мен милтиқимни бераман.



— Хўп бўлади,— деди-да, Славик орқасига қаради, аммо велосипед жойида йўқ эди. Икки бола унга миниб олиб, клуб атрофида ғизиллатиб юришибди.

Уларни кўрган «аскар бола» милтиғини Славикка узатиб:

— Мана, ол,— деди-да, ўзи велосипед томонга югурди.

Славик милтиқнинг тепкисини босди, лекин милтиқ отилмади. Славик ёнидаги болалардан ҳафаланиб сўради:

— Уқи йўқ-ку?

— Кимни отасан?

— Фашистларни.

— Фашистлар бу ерда йўқ-ку?

— Узоқда бўлса ҳам, мўлжаллаб отавераман!..

Болалар қийқириб кулиб юбордилар.

Ана шу қий-чув ичида клубга араваларда даладан хотинлар келиб қолишди. Болалар ўз оналари, опалари, қариндошларининг бағрига отилдилар.

#### 4

Клубнинг катта зали одамга тўлди.

Эргаш минбарга чиқиб, доклад бошлашдан олдин залга разм солди. Биринчи қаторларда дашт бригадасининг қизлари ўтиришибди. Бегимхон Эргашнинг залга олазarak қараётганини кўриб, Шакархонни тирсаги билан секин туртиб қўйди. Шакархон: «жим ўтир!» дегандек Бегимхоннинг биқинини чимчилаб қўйди. Бегимхоннинг қитиғи зўрлигидан ўзини тутолмай «вой!» деб ёнига ташланди-да, кейин ўз овозидан ўзи уялиб, рўмолчаси билан юзини беркитиб олганича, Эргашнинг доклади бошлангандан кейингина юзини очди.

Эргаш Улуғ Октябрь социалистик революциясининг самаралари ҳақида гапирди.

Эргашнинг оғзига тикилиб, унинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаб ўтирган Тўхта хола шу чоқ узоқ ўтмишни ўйлаб кетди. «Ким эдик, ким бўлдик? Худо кўрсатмасин, ёв келса, бошимизга не қора кунлар тушарди?» У, шу қадар хаёлга берилиб кетган эдики, ёнида ўтирган катта келини уни ухлаб қолди, деб ўйлади шекилли, чал тирсаги билан секин нуқиб қўйди. Кампир чўчиб уйқудан уйғонган кишидек сесканди-да, кўзларини минбарга қадади.

Докладчи Улуф Ватан урушининг фронтларида, айниқса Москва ёнида бораётган оғир жангларни батафсил ҳикоя қила кетди.

— Халқ нияти — ғазотга отланди!— деди Эргаш, бошини баланд кўтариб, янгроқ овоз билан.

Зал сув сепгандек жимжит. Гўё ана шу нияти — ғазотга кўтарилган халқнинг ўзи шу ерда саф тортиб сукут сақлаб тургандек.

— Москвани бутун мамлакат мудофаа қиляпти. Шу жумладан бизнинг колхоз ҳам уни мудофаа қиляпти,— деб сўзида давом этди Эргаш.— Бизнинг йигит ва қизларимиз, колхозчиларимиз, звено бошлиқларимиз, бригада бошлиқларимиз ҳам ўша ерда! Мана, Нормат...

Нормат тўғрисида гап бошланиши билан Тўхта хола ўтирган ерида бир чайқалиб, стулга ёзилиброқ ўтириб олди.

— Менинг акамни гапиряпти,— деди қўнғироқдай овози жаранглаб Славик.

— Менинг амакимни мақтаяпти,— деди мағрурланиб Ғанижон.

Эргаш Норматдан келган хатни ўқий бошлади.

«Бизнинг фронтдаги муваффақиятларимиз, сизнинг фронт орқасидаги унумли ишларингизга ҳам боғлиқ!— деб ёзган эди Нормат.— Қурол қанча кўп бўлса, кийим-кечак қанча кўп бўлса, бағримиз бутун, қўлимиз узун бўлади. Биз ғалаба қиламиз...»

— Илоҳо олишсини олдиришмасин!— деди кампир овозининг борича.

— Менинг таклифим бор,— деди кимдир ўрндан туриб.

Бир енги осилиб турган бу йигитни ҳамма таниди. У даштдаги ёшлар бригадасининг бошлиғи Олимжон эди.

— Таклифим шуки, Норматга, Эралига, Адолатга, хуллас, колхозимиздан урушга кетган фронтчиларга хат ёзилсин, айтилсинки, фронтга қанча пахта керак бўлса, етказиб берамиз!

Залда қарсак янгради.

— Менда ҳам таклиф бор,— деди Шакархон, стулдан сапчиб туриб.— Қирга қайроқи буғдой экамиз. Ўзимиз емасак ҳам, фронтга юборамиз! Тўғрими, қизлар?

— Тўғри, тўғри!— дейишди қизлар.

Залда яна шов-шув кўтарилди, қарсак чолинди.

— Яна бир таклиф шуки,— деди Олимжон.— Далада пахта кўп. Кўрак узилгани йўқ. Ғўзапоя юлинмаган. Шудгорга тушганимиз йўқ. Ун беш кунлик штурм эълон қилайлик. Бўлмаса, қолган ҳосилни қорга кўмиб юборамиз.

— Тўғри!

— Жуда ҳақ гапни айтди Олимжон!

— Штурмга барча ёшу қарн чиқамиз!

— Магазин билан чойхонадаги баъзи бекорчилар ҳам чиқсин далага!— деди аллаким.

Колхозчилар чапак чолишди.

Энг олдинда ўтирган Соҳиб қори аланглаб қолди. У Бозоровни қидирди-ю тополмади. Бозоров энг охирги қаторда ўзини панага олиб ўтирарди. Норматнинг топилиб қолгани, бунинг устига, унинг фронтдаги қаҳрамонлиги ҳамманинг тилида дoston бўлиб, Бозоровнинг занг босган юрагини тилка-пора қилиб ташлаган эди. Бозоров «сеегиси»нинг ҳам миси чиқди. Энди у ҳаёсиз бошини қуйи солиб, қўл учида қарсак чолиб, лой бўлиб ўтирибди. Соҳиб қори бир печа марта орқасига қайрилиб қарагандан кейин, унга кўзи тушгач, Бозоров Қорининг нимадан безовта бўлаётганини сизди-да, унга кўз қисиб: «Майли, магазинни ёпишса ёпишар, чайқовни далада қила берамиз» дегандек ишора қилди. Соҳиб қори «тушундим» дегандек, томоғини қириб қўйди.

— Ғалаба қозониш учун қурол етарли, ўртоқлар,— деди Эргаш, гапида давом этиб,— мен буни Уралда ўз кўзим билан кўриб келдим.

Эргашнинг гапи тугамай, кимдир савол ташлади:

— Ҳамқишлоқларимиз Уралда қалай юришибди, тузукми?

— Улар сизларни мусобақага чақирдилар,— деди Эргаш.— Фронтга қанча яроғ керак бўлса, ўшанча етказиб берамиз, «гулистон»ликлар ҳам меҳнатини аямасинлар, дейишди азаматлар!

— Сотти сатангни ҳам кўрдингми, Сотти сатангни?— деб савол ташлади бир кексароқ колхозчи.— Ингитларимизни уялтирмаяптимиқан?

— Уялтиряпти,— деди афсусланиб Эргаш.— Кўплашиб ўртага олувдик, барибир, тошдек безрайиб тураверди. Сен тош бўлма, тупроқ бўл, бағрингда рағв-баранг гул-чечак унсин, дедик. Тумтайганича тумтайиб тураверди. Урик, ёвғоқ сотиб пул тўплабди. Тўвининг қавиқлари

дўппининг пилтасидек червонга тўлибди. Унинг кўзига пулдан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолган экан. Мен қайтиш олдимдан ачитиб-ачитиб гапирган эдим, торс этиб ёрилди-ю Холматлар билан байрам вахтасига жўнади. Пўлат қуювчи бўлмасанг, юртингга қайтма!— дедим.

— Жуда тўғри айтибсан!— деди ҳалиги чол.

— Пўлат қуювчиларни кўрдим,— деб гапида давом этди Эргаш.— Улар Урал бойликларини ердан суғуриб олиб, қурол ясашяпти. Мижжа қоққани қўли тегмайди уларнинг. Улар ясаган қуролларнинг ҳаммаси сайраб берса, немисга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади.

Эргаш «гулистон»лик колхозчиларнинг Уралдаги қаҳрамонлик ишлари, уларга рус мастерларининг меҳрибонликлари тўғрисида гапирганда зал яна тўлқинланиб олди.

Қодир ака ўрнидан турди. Ҳамма президиумга қаради.

— Демак, ишчилар синфи фронтни етарли таъминлаяпти,— деди колхоз раиси.— Биз деҳқонлар ҳам фронтни озиқ-овқатга, ҳарбий саноятни хом ашёга зориқтириб қўймаймиз!

— Қасамёд қиламиз!— деб қичқирди залдан Олимжон.

Бутун зал унинг сўзларини такрорлади:

— Қасамёд қиламиз!

### *Йагирманчи боб*

## 7 НОЯБРЬ, ҚИЗИЛ МАЙДОНДА

### I

Адолат Москвани тезроқ кўриш орзусида кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. Мана ҳозир у казарма ойнасидан улуғ шаҳарга қараб турибди.

Шу соатларда ҳамма жойда байрам ҳолати ва ҳаммада байрам кайфияти. Аммо Москва Адолатга уни кўрган дўстлари таърифлаган Москвага ўхшамайди: шаҳарда бутунлай ўзгача ҳолат ва ўзгача кайфият. Аввалги байрамлардагидек ҳавода ранг-баранг шарлар учиб юрмаяпти, осмонда электрда ёритилган учар портретлар кўринмайди. Уларнинг ўрнига азростатлар

сузиб юрибди. Катта биноларга ҳусн берадиган ҳар хил безаклар, иллюминациялар ўрнида ўт ўчирувчи банкалар қорайиб кўринади. Кўчаларда патруллардан бошқа ҳеч ким йўқ. Катта бинолар олдида противогазлик йигит ва қизлар у ёқдан-бу ёққа юриб туришибди.

Байрам олди кечасида Москва ухлагани йўқ. Зенитчилар сайраб чиқди. Духовой оркестрларнинг вазмин садолари уйларни, деразаларни ларзага келтириб турди.

Москваликларнинг тинч меҳнати узилиб, осойишта ҳаёти бузилганига бир юз ўттиз тўрт кун бўлди. Шу кунлар ичида Адолатларнинг ҳозирги казармаси олди-дан ўтаётган Москва-Рекадан қанча кўп сув оқиб ўтган бўлса, мамлакат ҳаётида ҳам шунча кўп ҳодисалар юз берди. Ёв қўшинлари Донбассга кирди, душман революция шаҳри — Ленинград устида қора булутдек девак-лаб турибди ва Москва остонасида Кремль деворлари-га дурбиндан тикилмоқда. Леки тўрт ойлик «блиц-криг» Гитлер учун шавкат эмас, шармандалик келтирди. Тўрт ойлик уруш унинг тўрт ярим миллион солдат ва офицерининг бошини еди. Гитлернинг ўзи ҳам тўрт марта ёлгончи бўлгач, тепа сочларини юлавериб, боши сийқаланди. 7 ноябрь куну Қизил майдонда ғалаба парадни қабул қилиб, тантанали нутқ сўзламоқчи бўлган Гитлер ҳозир қайси ҳолатда экани номаълум, ҳар ҳол-да, у ҳамон қутуриб, қолган-қутган сочларини ҳам юлиб: Одам — гуноҳкор махлуқ, уни ўлдиришдан той-ма!» деб айюҳаннос солмоқда. «Биз дунёни босиб олишимиз учун рус, поляк, чех, украин, болгар, белоруслар-ни қириб ташлашимиз керак» деб алжирамоқда у аблаҳ. Бунинг учун у бутун куч, ҳарбий машина ва қуроллари-ни Москвага ташламоқда. Герман армияси Совет Ватанининг юраги, қон томири ва ифтихори бўлган севимли Москвага тўхтовсиз ҳужум қилмоқда. Пойтахт катта хавф остида!

Москва бу даҳшатли хавфни сезиб турибди: унинг халқи, армияси, иродаси, қудрати душман йўлида ўтиб бўлмас ғовга айланган.

Кремль соати ҳар ўн беш минутда занг бериб, ғалаба яқинлашаётганидан оламга жар солмоқда.

Тонг отса — байрам. Тонг отса — Қизил майдонда ҳарбий парад.

Шаҳар шу орзу билан тонг оттирди.

Москвада қамал ҳолати эълон қилинган. Туни билан олислардан эшитилиб турган замбарак садоларя тонгга яқин яна кучайди. Адолат уруш гулдуросларини биринчи марта эшитяпти. Ҳақиқатан ҳам Москва атрофида тарих билмаган уруш бўляпти. Қизнинг хаёли ана шу жанг майдонини кезади ва ўша майдонларда жоппи жабборга бериб юрган Норматни ўйлайди.

Адолатнинг назарида, Москва буюк ҳарбий лагерь. Бу ерда ҳар бир тирик жон — солдат. Еш болалар ҳам елкасига противогаз осиб шишаларга бензин, керосин қуйиб, қўлида гугурти билан кўчаларда, катта дарвозалар оғзида, бурчакларда ўтиришибди. Уларнинг ёнидан ўтиб қолган милиционер:

— Кимсан?— деб сўраб қолгудек бўлса, улар:

— Биз танк қирувчилармиз,— деб жавоб беришади.

Москва фақат фронтгина эмас. Москва урушиш билан бир қаторда қурол ҳам ясаляпти; тўп отяпти ва тўплар, миномётлар, танклар, самолётлар ишлаб чиқаряпти. Хуллас, улуғ пойтахт мамлакатнинг ғалабасини тайёрляпти.

Кремль курантлари олти марта занг уриб, тонг отганини, Москва яшаётганини жаҳопга хабар қилди...

## 2

Тонг отса ҳам ҳаводаги туман тарқалмади.

Тонгни сабрсизлик билан кутган Адолат ўз ротаси сафида Москва кўчаларидан шахтам қадам ташлаб бораркан, севимли пойтахтга қараб тўймаляпти.

Рота Революция майдонига Моховая кўчаси билан кирди. Адолат кўчанинг икки юзидаги ҳар бир иморатни таниб, билиб, юрагига жойлаб олишга ошиқади.

— Бу нима?— деб сўрайди у, ёнидаги жангчи қиздан.— Бу қандай бино?

— Ленин кутубхонаси.

Адолат ҳашаматли бинога тикилиб қаради. У, юқорн қаватларга караганда, «бошимдан қулоқчиним тушиб кетмасин» деб, юлдузли қалпоғини қўллари билан ушлаб олди.

— МГУ қаерда?

— Мана, мана шу бино — МГУ!

— Литфак ҳам шу бинодами?

— Разговоры!— деб огоҳлантирди лейтенант.

Адолатнинг ёнидаги қиз — Нина литфак қайси бинода эканини аниқ айтиб беролмади. Бу вақт улар МГУ биносидан анча узоқлашиб кетдилар. Қизил майдонга яқинлашган сари рота текис ва жадал юрарди.

— Бу — Қизил майдон, — деди Нина.

Адолат Қизил майдонга ротанинг чап ёнбошида кирди.

— Рота, тўхта!

Лейтенантнинг командаси билан рота Қизил майдоннинг Октябрь кўчасига кира бериш ерида, ГУМ биноси бурчагида тўхтади. Ўнгда ҳам, чапда ҳам, орқада, олдинда ҳам қўшинлар... Адолат Мавзолей минбарларидан узоқда тўхтаганига ачинди. У солдатлар тепасидан шунча бўйин чўзиб интилса ҳам, ҳеч нарса кўролмади.

— Аттанг, биз узоқда қолдик... — деди Адолат афсусланиб.

— Ташвишланма, яқиндан ҳам кўрасан, — деди Нина уни юпатиб. — Ҳали минбарлар ёнидан ўтамин.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир Олий Бош Қўмондан нутқ сўзласа керак.

Адолат Қизил майдонни кўздан кечирди. У суратларда тасвирланганидан ҳам каттароқ, кенгроқ, салобатлироқ эди. Ана, кекса Кремлнинг қадимги тишдор деворлари юксалиб турибди. Майдон тўла аскар. Василий Блаженный храмидан то Тарих музейигача қўшинлар саф тортиб турибди. Мавзолей минбарларини партия ва ҳукумат раҳбарлари, стахановчилар, мухбирлар, фотографлар, ёзувчилар, кинооператорлар, чет элларнинг вакиллари ҳар қачонгидек тўлдириб турибдилар.

Халқ кутяпти.

Спасск башнясидаги соат саккиз марта жаранглади... Адолат ҳамма қараган томонга қаради. Бутун майдон ҳаракатга келди. Спасск дарвозасидан оқ отда мўйловли Будённый чиқди. Адолат маршалнинг парад қабул қилиш маросимини биринчи марта кўраётгани учун ҳам ўзига сизмай севинар, қора кўзлари нурланиб чақнади.

Бутун майдон тўлқинланиб кетди. ВКП(б) Сиёсий Бюросининг аъзолари суратлардагидек қўлларини баланд кўтариб турибдилар. Улар халқ оломонини оралаб, турли қисмлар орқасидаги регулировщиклар ротасида турган Адолатга, фақат Адолатга қараб қўл кўтараётганга ўхшайдилар!

Ҳар бир солдат, ҳар бир совет кишиси бу тантанали дақиқаларда ўзини шундай сезади.

Ана шу дақиқаларда бутун Москвани, бутун мамлакатни тантанали жимлик қоплайди.

Олий Бош Қўмондон И. В. Сталин микрофон олдига келиб нутқ бошлади. У оғир кунларни эсга солди: ўн еттинчи... ўн саккизинчи ва йигирма биринчи... Россия кечирган оғир йиллар... Уша йилларда ҳам совет халқи бутун қийинчиликни енгди, улуғ Ленин йўлидан бориб, ғалаба қилди.

— Улуғ Ленин сизларни бундан 23 йил илгаригидек Ватан урушига руҳлантирсин!— деди Сталин. Ҳаммининг кўзи Ленин ухлаб ётган қизғиш бинога — Мавзолейга қадалди.

— Ленин тирик турганга, биз билан гаплашаётганга ўхшайди...— деди Адолат Нинага секингина.

Нина бошини қимирлатиб, аста жилмайиб қўйди.

Олий Бош Қўмондон нутқини тамомлагач, Москва-Река қирғоқларидаги тўплардан артиллерия салюти берилди. Еру кўк ларзага келди. «Интернационал» чолинди.

Парадни жанг майдонларининг ҳукмрони — совет пиёда қисмлари бошлади. Бу қўшинлар шу тарихий майдондан тўғри фронтга йўл оладилар. Олий Бош Қўмондон уларга оқ йўл тиламоқда:

— Бу урушда сизларга паҳлавон авлодларимиз Александр Невский, Дмитрий Донской, Кузьма Минин, Дмитрий Пожарский, Александр Суворов, Михаил Кутузовлар руҳи мададкор бўлсин! Буюк Лениннинг енгилмас байроғи мададкор бўлсин!..

Найзаларни ярқиратиб, мардона қадам ташлаётган жангчилар улуғ рус халқи паҳлавонларини эслатиб, уларнинг ғалабасини яна бир марта такрорлашга кетмоқдалар.

Регулировщик қизлар ротасига навбат келганда, ҳарбий техника гулдуриси майдонни ларзага келтирди.

Рота Тарих музейи олдидан айланиб ўтиб, минбарларга яқинлашди. У марказий минбар ёнидан ўтаётганда, минбарда турган кекса маршаллардан бири:

— Яшасин қудратли Қизил Армия!— деб хитоб қилди.

«Бу хитоб менга ҳам айтилди,— деб фахрланди Адолат.— Бу хитобни Нормат ҳам эшитаётгандир... Қудратли Қизил Армия!»

Адолатнинг кўзларига севинч ёшлари тўлиб, ҳеч нарсани кўролмай қолди...



Октябрнинг охири, ноябрнинг киришида бошланган қиш шу кунларда айниқса зўрайиб кетди.

Адолат Россия қишини биринчи мартаба синаяпти. Уларнинг ротаси 7 ноябрь кунин Москва Қизил майдонидан ўтганидан кейин, шу жойга келиб тўхтади. Адолат бу жойнинг номини ҳам билмайди. Яқин ўртада ҳеч қандай қишлоқ ҳам йўқ, атрофлари ўрмон ва кенг дала. Шу ердан катта йўл ўтган. У қишлоққа хат ёзай, адрес берай деса, нима деб ёзишини билмайди. «Катта йўлдаман» деб ёзсинми? Жанг майдонларидан ўтган бундай катта йўлларнинг сон-саногини йўқ.

— Шу ерга шлагбаум қурамыз,— деди рота командири.

Адолат умрида шлагбаум қурмаган. У Москвадан келаётиб, бир неча марта контроль пунктлардан ўтган бўлса ҳам, кечаси шлагбаумларни яхшилаб кўриб ололмади.

Шлагбаум биринчи кунидек йўл устига қуриб битказилди, ёнига будка қўндирилди. Нина шлагбаумни оққора қилиб бўяди. Ўрмон чеккасига брезентлардан чодир — палаткалар тикланди. Адолат қандай ном билан аташни билмаган жойга «ВАД — 25» деган ном қўйилди.

Ҳамма нарса тахт бўлгандан кейин сарғиш шинелли қизлар навбатма-навбат постда тура бошладилар. Лейтенант биринчи кунлари Адолатни постга қўймади. «Иш ўрган, тартиб ўрган, ҳарбий ҳаётга кўник» деди у. Ҳар кунин ўрмонда машғулот бўлиб турди. Адолат сержантнинг командаси билан қизил байроқчани кўтариб, тушириб, яна кўтариб машқ қилди. Аммо ҳар кунин бир хил нарсани такрорлайвериш унинг кўнглига тегди. У, лейтенантнинг ижозати билан шлагбаум олди-га чиқиб, навбатчилик қилишни ўргана бошлади.

Кунлар, ҳафталар ўтди. Адолат ҳарбий вазиятдаги йўл қондалари ва қонунларини ўрганиб олди. У биринчи марта постда турган кунин қатнов унча кўп бўлмади. Шунинг учун ҳам у контроль постдан ўтадиган ҳар бир машина ва ҳар бир кишининг ҳужжатини текширишга улгуролди.

- Сизнинг ҳужжатингиз?
- Путёвкани кўрсатинг!
- Колонна бошлиғи ким?

Шлагбаумдан ўтаётган колонналар, солдатлар, командирлар кулранг шинель, кубанка кийиб олган қизил юзли, қора кўзли, ўрта бўйли қиздан кўз узолмас, агар ишлари шошилишч бўлмаса, шу ерда бир оз дам олиш пайига тушиб қолар эдилар. Колонналарда кетаётган баъзи бир солдатлар Адолатга яқинлашгач:

— Смирно! Чап ёнга қара! Смирно! Уяғ томонга қара!— деб, ҳар хил командалар бериб, унга тегажағлик қилиб ўтардилар.

Адолат бир неча кунгача бу хил ҳазилларга кўни-колмади, ғашни келди ва ҳатто жаҳли чиқиб, баъзи солдатларга ўшқириб берди ҳам.

Аравалар, машиналар, танклар Адолат олдидан секинлаб ўтардилар. Шофёрлар, танкистлар кабинкалардан бошларини чиқариб, регулировкани қизга сигнал билан салом берар, ҳарбий честь бериб ўтардилар. Баъзи бир шофёрлар шлагбаумга яқинлашганда машиналарини тўхтатиб, моторни ўчириб, ҳар хил нарсаларни баҳона қилиб йўл сўрабми, гап сўрабми, гўзал қиз олдидан кетолмасдилар. Агар Адолат: «Ўртоқ шофёр, машинани йўлдан олинг!» деса, улар «мотор қизиб кетди» дер эдилар. Баъзи шофёрларнинг машиналари албатта «ВАД — 25»га келганда атайлаб «бузилиб» қолар эди...

— Тезроқ жўнанг, бўлмаса машинангизни ВАД га топшириб, ўзингизни командир олдига олиб бораман,— деб қичқирарди Адолат.

Адолатнинг бу талабига баъзи шўх йигитлар:

— Майли, сиз билан бирга нариги дунёга боришга ҳам тайёрман!— деб жавоб қиларди.

Адолат бўш машиналарни, албатта, орқасига қайғариб, шлагбаумни тоннажига лойикча юки бор машиналаргагина очар эди. Неча-неча шофёрлар унга атир-упа, ироқи совун, крем келтириб совға қилмоқчи бўлардилар. Адолат уларга «раҳмат» дер, лекин ҳар қанча ялиниб-ёлворсалар ҳам, совғани олмас эди.

— Шу қизнинг ҳам севгани бормикин?— дерди баъзи солдатлар.

— Шу ўжар қиз ҳам севишни билармикин?

Адолатга кўзи тушган, иши тушган ва ишқи тушган

Йигитларнинг ҳаммаси ҳам ана шундай хаёлнинг асири эди.

Аммо номи тилдан тилга ўтиб, бутун фронтга довуғи кетган бу қизнинг ўйида фақат Нормат кезарди. Адолат фронтга кетаётган ва фронтдан келаётган кишилар орасидан биргина Норматни қидирарди. Шлагбаумдан ўтадиган командирларга, солдатларга ва шофёрларга биринчи марта берадиган саволи: «ҳужжатингиз? путёвкангиз?»— бўлса, иккинчи саволи: «қисмингизда ўзбеклар борми?»— деб сўрашдан иборат эди. Улар «бор» ёки «билмадим» деб қисқа жавоб қайтарар, аммо ўша ўзбекларнинг исми-фамилияларини айтиб беролмас эдилар.

— Қанақа ўзбеклар? Қасрлик?..

— Олов йигитлар экан. Хўп иш кўрсатишяпти. Баъзилари орден ва медаллар олдилар... Аммо қасрлик эканини билмаймиз,— дерди солдатлар.

Адолат йўловчилардан бир неча марта: «Нормат Жабборов деган солдат борми?» деб сўрамоқчи ҳам бўлди-ю, лекин тилни бормади.

— П-Я 11 698 деган адресни биласизми?

— Адреслар ўзгарган...

— Сиздан бир нарсани сўрасам айтасизми?

— Жоним билан, сўранг, яхши қиз,— деди шлагбаум олдида тўхтаган машина кабинасидаги майор.

— Қисмингизда ўзбеклар борми?

— Ўзбеклар йўқ. Аммо грузин армани, озарбайжонлар кўп. Қўшни полкда қозоқлар ҳам бор.

— Ўртоқ майор, биринчи батальоннинг ошпази ўзбек,— деди майорнинг ёнида ўтирган шофёр, Адолатга кулиб қараб.

— Мен сўраётган одам ошпаз эмас.

Бу машина ҳам ўтиб кетди.

Хуллас, Адолат Норматдан хабар тополмади...

Эрталаб постга кетаётганларга рота командирининг шахсан ўзи йўл-йўриқ берди.

— Бугун айниқса ҳушёр бўлинглар!— деди лейтенант.— Вязьма, Юхнов ва Можайск атрофларига душман ҳўпарувчи парашютчилар туширибди. Ана шу парашютчиларнинг баъзилари катта йўлларда фронтга бораётган қисмлар ҳақида радио орқали сигнал бериб турибдилар. Битта ҳам машина, битта ҳам одам текширилмай қолмасин!

Адолат постга келиши билан командир айтган парашютчилар, жосулар ҳақида ўйлай бошлади. У одамлар ва техниканинг бир жойга тўпланиб қолишига йўл қўймаслик учун битта ҳам машина, битта ҳам одамни тўхтатмай, ҳужжатини текшириб, шлагбаумдан тез-тез ўтказиб туришга ҳаракат қилди.

Қор учқунлаб турибди. Совуқ шамолда Адолатнинг юзи янада қизариб, қўллари ёрилиб кетди. Машиналар бир оз сийраклашиб қолди. Адолат будкага кириб, қўлини челақда алангаланиб турган кўмир чўғига тутган эди, совуқда тарапг бўлган териси торсиллаб ёрила бошлади, бармоқ суюқларида оғриқ пайдо бўлди. Шу чоқ устма-уст сигнал эшитилди. Адолат югуриб будкадан чиқди. Шлагбаумнинг икки томонида машиналар тўпланиб қолган эди. Адолат дастлаб фронтга кетаётган машиналарнинг ҳужжатини текширишга тушди. Фронтдан келаётган машиналар тоқатсиз сигнал бера бошладилар. Адолат уларнинг ҳам ҳужжатларини текшириб бўлгач, шлагбаум ёғочини кўтарди. Машиналар икки томонга физиллаб ўта бошладди.

Адолат Москва томонга бораётган машиналар колоннасини синчиклаб кузатиб турди. Колоннанинг охирироғида шлагбаумдан физиллаб «Виллис» ўтиб қолди. Адолат колоннани текшираётганда бу «Виллис»ни кўрмаган эди. Адолат қизил байроқча билан сигнал берди:

— Тўхта!

«Виллис» Адолатнинг сигналини кўрмагандек, визиллаб келаверди. «Виллис»да икки киши ўтирарди: бири шофёр, иккинчиси майор. Адолат ўз ҳукмининг ўтказиш учун машинанинг командирга қараб қичқирди.

— Уртоқ майор!

Машина тўхтади ва Адолат ҳужжат сўраши ҳамон майор планшетидан қоғозлар олиб узатди. Майор Гороховнинг шахсий гувоҳномаси, Москвага командировка, путёвка...

Адолат ҳужжатларга қаради-да, «бир оз туринг» деб будка томон юра бошладди.

— Нега бизни тўхтатасиз!— деди майор жаҳл билан.— Иш зарур.

— Путёвкани аниқлаш керак. Муддати ўтиб кетибди.

— Э, шундайми, адаш бериб қўйгандирман,— деди майор, планшетни қидириб,— мана бу ёқда экан.

Адолат иккинчи путёвкани синчиклаб қаради, буниси эртаги куннинг числоси билан ёзилган эди. Адолат: «Тўхтаб туринглар, ҳозир келаман!» деди-да, командирга хабар қилиш учун будкага борди. Шу вақт «Виллис» тўсатдан ўрнидан жилиб қолди. Адолат трубкани ташлаб, «Виллис»га «Тўхта!» деб сигнал бера бошлади.

Майор Адолатга қараб: «ишимиз зарур, вақт йўқ» дегандек ишора қилди-да, қўлини силкитиб кетаверди.

— Тўхта!— деди Адолат, овозининг борича қичқириб.

«Виллис» тўхтамади. Адолатнинг хаёлига лейтенант айтган гаплар келди... Адолат елкасидан автоматни олди-да, осмонга қараб ўқ узди. «Виллис» тўхтамади. Узининг сигналига итоат қилмаганини кўргач, Адолат автоматни «Виллис» га тўғрилаб туриб икки-уч бор ўқ узди. «Виллис» нинг баллони ёрилиб, ўрта йўлда кўндаланг бўлиб тўхтаб қолди. Майор машина кабинасидан йиқилиб тушди...

— Регулировкачи қиз майорни ўлдирди,— деб қичқирди шлагбаум олдида турганлардан бири.

Шу вақт шлагбаум олдидаги юк машинасидан калта пўстинли бир солдат тушиб, Адолатнинг қўлидаги автоматга ёпишди.

— Бу ёққа бер, сенга ким берди бу қуролни?

— Қоч, яқинлашма!— деди Адолат жаҳл билан.— Мен постда турибман.

— Постда турган кўринганни отаверадими?

— Мен Москвани қўриқлаяпман! Қоч, яқинлашма менга!

— Москвани қўриқлагинг келса, фронтга бор, бу ерда нима қиласан?

Адолат унга овозининг борича бақириб берди:

— Қоч, қуролга тегь.

Пўстинли солдат Адолатнинг автоматини тортиб олмақчи бўлган эди, Адолат унинг биллагини тишлади ва солдатнинг қўлидан чиқиб, «Виллис» томон югурди. Пўстинли солдат юк машинасининг кузовидан милтигини олиб, Адолатнинг орқасидан югурган эди, можаро чиққан жойга тўпланган командирлар уни тўхтатиб қолишди.

Автомат товуши эшитилгач, регулировкачилар рота-  
сида тревога кўтарилиб, навбатчи взвод қизлари югу-  
риб келишди. Рота командири ҳам пайдо бўлди.

— Нима гап?— деб сўради лейтенант Адолатдан.

Адолат командирга рапорт бериш учун қаддини  
ростлаган эди, шлагбаумга кўзи тушиб қолди. Шлаг-  
баум посбонининг постдан кетгани ва ҳамманинг можа-  
ро билан банд бўлганидан фойдаланиб, кимдир ола  
ёгочни кўтариб қўйибди. Катта йўлга терилган маши-  
налар ўзбошимчалик билан ўта ётибди. Энг олдинги  
машинанинг қанотида ҳалиги пўстинли солдат Адо-  
латга мушт ўқталиб келмоқда.

Адолат жуда тезлаб келаётган яна бир машинанинг  
йўлини тўсди. Унинг ёнига Нина қўшилди, кейин бош-  
қалар... Қизлар машиналарни тўхтатиб қолдилар.

— Хужжатларини текширинглар!— деди Адолат  
қизларга ва ўзи рота командирининг олдига борди.

Лейтенант ерда чўзилиб ётган новча қотмадан кел-  
ган майорни кўздан кечирди. Афтидан, у машинадан  
бошини чиқариб кетаётган бўлса керак, автомат ўқи  
қулогининг оғқасидан тегиб, қаншаридан ёриб чиқиб-  
ди, сочи қонга беланиб, ивиб кетибди. Шофёр соғ, аммо  
майорнинг тепасида тирик мурдадек гезариб турибди.

— Уртоқ лейтенант, ижозат этинг!— деди Адолат,  
ҳодисани ҳикоя қи тоқчи бўлиб.

— Автоматни топшир!— деди лейтенант унга ўшқи-  
риб.

Адолат қўлидаги автоматини рота командирига уза-  
таётган эди, лейтенант қўли билан Нинани кўрсатди:

— Жангчи Михайловага топшир!

Адолат автоматини Нинага узатди.

— Энди камарингни еч!

Адолат маҳкам боғланган камарини ечиб, узатди.

— Сўроқ бўлгунча блиндажга қамаб қўй бун!—  
деб буюрди лейтенант Нинага.

Нина Адолатни катта йўлдан ўрмон ичига — сўқ-  
қал да ҳайдаб кетди.

### 3

Адолат ротадаги қизлар орасида Нинани севиб қол-  
ган эди; у билан бир жойда ўтириб, бирга овқатла-  
нарди. Энг яқин дўсти, сирдош дугонаси Нина энди  
уни блиндажга қамаб, эшикда соқчилик қилиб турибди.

— Нина, а Нина!

— Мен Нина эмас, сержант Михайловаман!— деди Нина жаҳл билан.

— Дугонангни шу қадар тез унутасанми-а, ўртоқ сержант?..

Нина бир нуқтага қараб турганча, пинагини бузмай жавоб қилди:

— Мен сенга ўртоқ эмасман. Сен маҳбус, мен соқчи. Адолат жимиб қолди.

Блиндаж қоп-қоронғи. Унинг туйнуги ҳам, ойнаси ҳам йўқ. Гаупвахта учун қилинган бу зах хонада Адолатни қалтироқ босди. Маҳбус... Ватан олдидаги бурчини бажариш учун фронтга келиб энди ҳоли шуми? «Майорни отиб ўлдирдим. Ростдан ҳам мен совет офицерини ўлдирдимми? Эҳтимол, у муҳим топширик билан кетаётган эди. Эҳтимол, уни фронтда кутишиб тургандирлар. Унинг ҳам севган ёри, соғиниб кутаётган болалари бордир. Нима қилдим мен? Энди мени суд қилдилар, жазолайдилар...»

Адолат хўрлиги келиб, пиқиллаб йиғлади. Кейин кўз ёши фойда бермаслигини англаб, яна Нинага гапира бошлади.

— Сен ҳам ўшанинг ёнини оляпсанми, сержант?— деди Адолат.— Мен қонуний иш қилдим-ку, менга раҳминг келмайдими?

Нина индамади. Шундан кейин Адолат ўзининг ҳақиқий банди бўлганига ишонди-да, ерга чўққайиб ўтириб олди. Шу чоқ унинг кўз олдидан туғилиб ўсган қишлоғи, далалар, йўллар, Москва, шлагбаум, юз берган ҳодиса, чўзилиб ётган мурда бир-бир ўтди... Кейин, энди бўладиган воқиаларни кўз олдига келтиришга уринди. «Мени сўроқ қиладилар... Нима део сўроқ қиладилар, қандай айб қўядилар?..»

Адолат юраги сиқилиб, тоқати тоқ бўлиб, ўр идан турди ва блиндаж эшигининг ёруғидан ташқарга қаради. Ҳармон ўз жойида турибди, қор ҳамон ёғмоқда, катта йўлдан боягидек машиналар қисқа-қисқа сигнал бериб ўтаётибди. Ана, котелогини тарақлатиб поход кухняси томон ўтган икки қизнинг қораси кўриниб қолди. Ҳаёт тўхтагани йўқ, ҳаёт эскича лавом этмоқда. Фақат биргина Адолат шу ҳаётдан четда. У маҳбус...

Кўнгилсиз ҳодиса юз берган жойга ВАД бошқармасидан, Смерчдан вакиллар келишди. Смерч вакили

«Виллис» кузовидаги чамадонни олмоқчи бўлди. Чамадон жуда оғир эди. У, машинанинг шофёрига қараб, ёрдамлаш, деган эди. шофёрнинг юзи кесакдек гезариб кетди.

— Нима бу?..

— Майор... майорники...

Смерч вакили шофёрга буюрди:

— Чамадонни оч!

— Калити йўқ,— деди у,— калити майорда эди...

ВАД вакили майорнинг ёнини қарамоқчи эди, уни Смерч вакили тўхтатиб қолди:

— Қўйинг, калитсиз очамиз.

Смерч вакили чамадонни очишга уринаётганини кўрган шофёрнинг ранги яна ҳам оқариб кетди.

Смерч вакили чамадонни жойига қўйди-да, сиденияни ағдариб, тагини қаради. Ундан бир қутича топилди.

— Радиопередатчик,— деди Смерч вакили.

— Ўликни машинага сол,— деб буюрди Смерч вакили шофёрга.

Шофёр мурданинг белидан кўтарди-да, чўзилтириб кузовга ташлади. Мурда икки букилиб қолди. Икки автоматчи шофёрни ўликнинг ёнига ўтқазиб, ўзлари унинг икки ёнига ўтиришди.

— Текширишни фронт штабида давом эттираемиз,— деди Смерч вакили. рота командирига.

Лейтенант Адолатни ертўладан чиқариш учун одам юборди.

Адолат қоронғи ертўлада ётиб димиқиб кетди.

— Сержант, а, сержант!— дерди ялиниб Адолат.— Битта яхшилик қил менга!

Нина анча вақтгача индамай турди. Аммо дугонанинг ноласи кўксини тилгудек бўлди-да, сўради:

— Нима қилай?

— Ариза ёздим, шуни штабга юбор, бу ишни тезроқ ҳақиқат қилишсин.

Нина атрофга қаради, гаупвахт олдида ҳеч ким кўринмагач, эшикни қия қилиб. қўлини чўзди.

— Узат.

Адолат аризани тўрт буклаб Нинага узатаётган эди, югуриб келаётган кишининг дупур-дупур оёқ товушлари эшитилди.

— Сержант, сержант!..



Гўё Нинанинг қилаётган ишини лейтенант кўриб қолгану унга қарши жазо чопари юборгандек бўлди-да, Нина эшикни тақ эткизиб ёлиб, орқаси билан унга тираниб олди.

Югуриб келган жангчи қиз шошилганидан дудуқла-ниб гапирарди:

— А-а... Адолат... Адолатни чиқар!..

— Чиқарганим йўқ,— деди Нина унинг сўзини англамасдан,— қани чиқарганим?

— Чиқар, чиқариб юбор! Мана камари! Улдирилган майор бизники эмас экан. Фашист экан. Чиқар уни!..

Нина гаупвахт эшигини катта очиб юборди. Адолат отилиб чиқиб, хушxabар келтирган жанговар дугонаси билан, Нина билан қучоқлаша кетди.

— Айтмадимми!— деб қичқирди Адолат.— Кўнглимга келган иш тўғри чиқмай қолмайди. Афсус...

— Ҳа, нега афсусланасан!

— Шофёри тирик қолди.

— Уни штабга олиб кетишди.— деди жангчи қиз.— Соғ қутулмайди!

Адолат камарини боғлаб, Нинага қаради:

— Автоматни бер, постга бораман!

#### 4

Адолат яна постда. У кечаги воқиядан кейин яна ҳам хушёр бўлиб қолди. Бугун Москва — Минск йўли-да ҳаракат кечагидан ҳам зўр. Кечаси билан ҳамма ёққа ларза солиб, танк колонналари, оғир тўплар ўтди. Мотопехота колонналарининг ҳам кети узилмаётди.

Адолат қизил байроқчасини баланд кўтариб, фронтга кетаётганларга оқ йўл тилаб қолаётди.

— Ана у қизни қаранг, ана у қизни қаранг!— деди, машинадаги солдатларнинг бири.

— Ким? Қани?

— Ана, олдимизда. Шлагбаумда.

Ҳамма шлагбаум томонга қаради.

— Адолат! Адолатхон!..

Адолат бу овознинг қаёқдан чиққанини билмади ва узундан-узоққа чўзилган колонна машиналаридаги солдатларга олазарак бўлиб қаради.

— Адолатхон! Адолатхон!— деб Аллақайси машинадаги жангчи овози борича қичқирарди. Машина шлаг-

баум олдига келганда, ҳалиги қичқирган солдат ўзини машинадан отмоқчи бўлди-ю отолмади: машина шлагбаум олдидан физиллаб ўтиб кетди.

Адолат овоз эгасини танимади. Унинг юраги дукиллаб уриб кетди. Нормат эмасмикин?.. У, постда турганини ҳам унутиб, машинанинг орқасидан анча жойгача югурди. Лекин етолмади. «Ким бўлди экан мени таниган солдат?— деб ўйларди Адолат.— Нормат бўлса, шунчалик бир қичқириб, қўл силтаб ўтиб кетавермас эди. Ҳамқишлоқларимданми?.. Ким? Қаёққа боряпти у? Норматнинг ёнигами, уни кўрадимиз? Кўрса кошки эди...»

Эртаси кунни Адолат яна постга чиқди, яна одатдаги ишини бошлади.

— Тўхта!

Солдат қиз қўлидаги қизил байроқча кўтарилганини кўрган шофёр эвакуационани контроль пунктдан юз қадам нарироқда тўхтатди.

— Нима учун бизни тўхтатяпсан? Машина эвакуационани, оғир ярадорларни олиб кетяпмиз, Тезроқ Москвага етказишимиз керак!— деб кабинада ўтирган хотин Адолатга тушунтира кетди.

— Машинанинг командири ким?

— Мен, ўзим,— деди ҳарбий формадаги хотин.

— Ҳужжатингиз?

— Қандай ҳужжат? Мен эвакуационанидан,— деб такрорлади у ва Адолат ушлаб турган қўл фонарининг нурига қарай олмай, кўзини яширди.

— Путёвка керак. Қанча ярадорни қаёққа олиб кетаётганингиз ҳақида ҳужжат керак.

Машина командири, кекса ҳарбий врач аёл регулировкани қизнинг талабчанлигидан ранжиди.

— Элиги ёшлар оқ сочингни ҳам ҳурмат қилмайди,— деди ҳарбий врач.— Қизим, совқотдим. Кел, қўйиб юбора қол!

— Хафа бўлманг, онажон...

— Мен онанг эмасман!— деди жаҳли чиққан хотин.— Мен ҳарбий врачман, командирман!

— Кечирасиз, ўртоқ ҳарбий врач, ҳужжатингизни кўрсатинг, мени ушламанг, яна машиналар келяпти.

— Мана, командировка қоғози.

Адолат командировка қоғозини қўл фонарининг ёруғига солиб ўқиди.

— Энди машинадаги кишиларнинг рўйхатини кўрсатинг.

— Нега тиқилинч қила берасан?— Кекса ҳарбий врачнинг тоқати тоқ бўлди-да, совқотган оёқлари билан кабинани тепкилади.— Юр! Юравер!— деди у, шоферга қараб.

Адолат машинани ўтказиб юборди. Аммо нечундир кўнгли тўлмади. Унинг назарида, Нормат шу машинада ярадор ётган эди-ю, Москвага кетиб қолди. Адолат уни кўролмай қолгандек бўлди...

### *Йигирма иккинчи боб*

## ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА

### I

Бегимхон Октябрь байрамининг эртасига никоҳ тўйимиз бўлади, деб 6 ноябрда даштдан кетганича, мана беш кун бўлди, ҳали қайтиб келгани йўқ. Комсомол ёшлар бригадаси колхозда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажаргандан кейин, давлатга яна қўшимча беш тонна пахта бериш мажбуриятини олган эди. Далада пахта тугади, энди кўрак узиляпти. Ёнгингарчиликдан пайкалга кириб бўлмай қолди. Олимжон қўшимча мажбуриятни ҳар бир кишига бўлиб берди. Бунинг учун ҳар бир теримчи, энг ками ярим тоннадан кўрак узиши лозим. Қизлар Олимжонни ўртага олишиб: «Нега Бегимхонга жавоб бериб юбордингиз?» деб қисталанг қилдилар.

— Тўй қиламиз, деб эди...

— Уйнашга ишониб эрсиз қолади у Бегим,— деди Шакархон ачитиб.— Тўйдан жар солганига икки ой бўлди. Ишонмаймиз унинг гапига!

— Кўсагини узсин, унинг учун токайгача биз лой кечамиз!— деб бобиллаб берди яна бир қиз.— Бўлмас Бегимнинг хуржунини ҳам сизнинг бўйингизга иламиз...

Қизлардан ҳадеб дакки ейберган Олимжон Бегимхонни қидириб қишлоққа кетди. Бегимхон ўз уйида йўқ эди. Қўни-қўшнилари Бегимхоннинг қаердалигини аниқ айтиб беролмадилар. Кимдир: «Бегимхонни Бозоровнинг ҳужрасидан топасиз» деди.

Олимжон гузарга келиб, Бозоровни ҳам, Бегимхонни ҳам тополмади. Бозоровнинг ҳужрасида бегона хотин ўтирарди. Уй бесаранжом...

- Бозоров қаерда?— деб сўради Олимжон.
- Кўчага чиқиб кетди. Нима ишингиз бор эди?
- Зарур ишим бор эди.
- Эргаш ака деган сиз бўласизми?
- Йўқ.
- Менга Эргаш ака керак эди,— деди бегона хотин.— Уни кўрсангиз, айтиб қўйинг, колхозчиларини тийиб олсин. Ҳамма жон бериб, жон олаётган пайтда унинг колхозидаги баъзи хотинлар бировларнинг эрини йўлдан уриб, бахтини ўғирлаяпти.
- Олимжон гап нима ҳақида ва ким тўғрисида бораётганини тушунди-да, лабини тишлади.
- Қани ўша, бировнинг бахтини ўғирлаган хотин?
- Менинг устимдан арз қилгани кетди. Бировнинг эрини қўйнидан суғуриб олиш учун, болаларини тирик етим қилиш учун арз қилгани кетди. Қаёқдан чиқди бундай зўрлик? Бу уруш бошимизга бир бало бўлди. Ҳамма ёқ остин-устин...
- Олимжонни тер босиб кетди. У бегона хотинга нима деб жавоб қилишини билмай, секингина орқасига қайтди.

## 2

Саккизинчи ноябрь куни кечқурун бўлиб ўтган воқиа қуйидагича эди.

Бозоров Аравондаги хотинини «Гулистон»га кўчириб келаман деб, унга кўп ваъда қилган бўлса ҳам, лекнин орадан ҳафталар, ойлар, йиллар ўтиб кетишига қармай, унинг ваъдаси ваъдалигича қола берган. Хотин унинг ваъдасини эслатиб, бир неча бор хат ёзди. Бозоров бу хатларга: «Ниманг кам сенинг? Емак-ичмагингни юбориб турибман, кийим-кечагинг етарли. «Гулистон» да ётар жойим йўқлиги учун сени чақира олмаяпман. Бундан ташқари, иш шу қадар кўпки, бош қашлагани қўл тегмайди. Нима қилай, уруш... Яхшиси, худога шукур қилиб ўтиравер» деб жавоб ёзди. Байрам арафасида хотинидан: «Болалар соғинди, сизни кўришга интизор!» деган хатлар келавергач, Бозоров уларни тикчителиш учунми, «6 ноябрь куни кечаси бораман, болалар билан байрамни бирга ўтказиб қайтаман» деган жавоб юборди. Болалар икки кунгача дарвоза тагида, катта кўчада йўл пойладилар. Она хуноб бўлиб, болаларини

қўшнисига қолдирди-да, ўзи йўловчи машина билан «Гулистон»га жўнади.

«Гулистон»га келган куни база қоровули уни ўз эрининг ҳужрасига киритмай, тўппа-тўғри омборга олиб кирди ва «Шу ерда ўтириб туринг, мен Бозоров акамни топиб келаман» деб чиқиб кетди. Омборчи ҳадеганда келавермади. «Ишм кўп, бош қашлагани қўл тегмайди» деганича ҳам бор экан, бечора байрамда ҳам бир жойда туролмас экан» деб эрига ачинган бўлди. Унинг қорни оч эди. Омбордаги қопларни, яшикларни қидириб егулик нарса тополмай, эшикнинг ёриғидан қаради. Базанинг ҳовлисида ҳар хил овозлар эшитилди. Унинг назарида, мастлар бир-бири билан айтишаётгандай кўринди, кейин жанжал кучайиб, қий-чув бошланди. Кимдир «дод!» деб қичқирди. Эрақак кишининг овози эшитилгач, дод солган хотиннинг уни ўчди. Улар бир-бирига осилиб, шу ердаги уйларнинг бирига кириб кетишди.

Можарони Бегимхон бошлаган эди.

Саккизинчи ноябрь куни Бегимхонни Бозоровнинг ҳужрасига киритмадилар. Қоровул унга: «Бозоров Аравонга кетди» деди. Бегимхон бунга ишонмади. Унинг ишонмасликка асослари бор эди. Биринчидан, Бозоровнинг ўзи унга: «Саккизинчи ноябрь куни келинг» деб айтган... Иккинчидан, Бозоров миниб юрадиган сельпо извоши яқиндагина қўнғироқларини жаранглатиб база саройига кириб кетди. Ҳаммадан ҳам шубҳалиси шуки, қозонда шўрва қайнаб турибди. Кавоб пиширилган кўрачадаги чўғ ҳам ҳали ўчиб битгани йўқ. Демак, Бозоров ҳужрада. Аммо ёлғиз эмас...

Бегимхон ҳужра эшигини дастлаб бармоғи билан чертди, кейин қўли билан тикиллатди; ичкаридан садо чиқа бермагандан кейин, оёғи билан тепа бошлади. Афтидан, ичкаридагилар «очмасак қутулмаймиз» деб ўйлашди шекилли, эшикни очишга қарор қилишди, лекин Бозоровнинг ўзи унга рўпара бўлишдан қочди. У меҳмонига: «мени йўқ денг» деди-да, ўзи каравот тагига бекинди.

Эшикни нотаниш жувон очди.

— Ким керак сизга?

Бегимхон уни кўриш билан ранги бўзариб, лабини тишлаб қолди, кейин: «Сен ўзинг кимсан?!» деди унга кўзларининг пахтаси чиқиб.

— Меҳмонман..

— Кимнинг меҳмонисан, бузуқ?

— Вой, вой, шўрим қурсин, нима деяпсиз?

— Нима қиляпсан бу ерда?

— Меҳмонман деяпман-ку, Бозоров акам байрамга чақирган эдилар. Бозор бошидан меҳмон бўлиб келдим.

Бегимхон ўзини тутолмади. «Мана сенга меҳмондорчилик» деди-да, эшикни паналаб турган жувоннинг юзига бир тарсаки солди.

— Қани ўзи, қани ўша бойвачча?— деб бақирди Бегимхон.— Топ, мочағар, бўлмаса, гўштингни тилкапора қиламан!

— Ана, ана...— деди меҳмон жувон, Бегимхоннинг авзойидан қўрққанидан, Бозоров яширинган жойни кўрсатиб.

Бозоров каравотнинг тагидан судралиб чиқди.

— Нега мени уйғотдинг, Бегим?— деди у пинагини бузмай.

— Ошингиз ҳалол бўлса кўчада ичинг! Қачондан бери каравотнинг тагида ухлайдиган бўлиб қолдингиз, бойвачча!

— Секинроқ гапир, Бегим, секинроқ..

— Нега секин гапираман. Ваъда қани? Вафо қани?

— Ҳеч кимдан қарзим йўқ.

Бегимхон Бозоровга чақчайиб қаради. Бозоров индамай этигини кийди ва беқасам тўнни елкасига ташлаб, кўрпачага ёнбошлади-да, дастурхондаги шишани олиб, бир пиёла тўлдириб ароқ қуйиб ичди.

— Сен ҳам ичасанми?

— Ичмайман. Севганингизга беринг.

Бозоров Бегимхонга парво ҳам қилмай, ўзини ўзи сийлаб, овқатланаверди. Тобора фиғони фалакка кўтарилаётган Бегимхон ҳужра бурчагида қисилиб турган атлас кўйлакли хотинга ёпишди.

— Сен мочағарнинг ишинг бу!..

Атлас кўйлакли хотин қочиб эшикка чиқди. Орқасидан қувлаб чиққан Бегимхон айвонда унинг сочидан бураб, юз-кўзини юмдалай бошлади. Бозоров уларни ажратгани чиққан эди, Бегимхон унга ўшқириб берди:

— Киринг ичкарига!..

Олишувда енгиб чиққан Бегимхон ҳужрага кирди. У ҳужрада тўкилиб-сочилиб ётган царсаларни йиғиш-

тириб, жой-жойига қўйди, Бозоровнинг каравотидаги рўжони йиғиб олди-да, юмалоқлаб, даҳлизга ташлади, кейин шкафдан янги оқ рўжо олиб каравотга ёзди.

— Мана бу ишинг жойида, Бегим,— деди Бозоров кулиб.— Ахир, шу ишингни жанжалсиз қилсанг бўл-масмиди?

Бегимхон Бозоровнинг қаршисига ўтириб, энди гап бошлаган эди, кимдир деразани жонининг бориचा икки қўллаб тақиллата бошлади. Бегимхон бўзрайиб, Бозоров бақрайиб турганда унинг хотини кириб, Бегимхонга отилди.

— Кимсан? Нега менинг эримнинг олдида ўтирибсан?— деди у муштини ўқталиб.

— Сен ўзинг кимсан?— деб Бегимхон унга қараб ўшқирди.— Ҳозиргина бирингни қувган эдим, энди яна бирингга йўлиқдимми!

— Нега эримга эга чиқдинг, бетинг сидирилса бўлмайдими, беор! Болаларимни тирик етим қилиб, нима авзим топасан, беҳае?..

Бегимхон нимадир демоқчи эди, Бозоровнинг хотини унинг гажжакларидан тортиб юла бошлади. Ҳеч қачон бировга сўз бермаган Бегимхон, энди исилож қолиб: «войдод!» деб бақирди-да, ўзини Бозоровга отди.

— Дод! Дод! Мени қутқазинг бу кундошлардан!..

Шу вақтгача лол бўлиб турган Бозоров энди тулкилик қилишга ўтди:

— Ййи, ййи, ке, хотин. Қачон келдинг!? Нимага келдинг?..

Хотин эрига танбиҳ бера кетди:

— Иш кўп, бош қашлагани қўлим тегмайди, деб ёзмабмидингиз? Кўрдим, нима иш билан банд эканингизни... Болаларингизнинг кўз ёши кўр қилмайдими сизни? Одамлар қон кечаётган чоғда сиз мойга ботиб, нон тепиб ётибсиз. Уволидан қўрқмайсизми бу исрофгарчиликнинг? Бу ўйнашни қайдан топдингиз?

— Ўйнаш эмас, оқсоч. Кир-чир, об-овқатимга қараб туради...

— Нега мени оқсоч, дейсиз?— деб Бегимхон бобиллаб берди.

— Ҳа, кундошман дегин ҳали?— деб Бозоровнинг хотини Бегимхонни яна юмдалай кетди.

Бегимхон чумчуқдек пир этиб айвонга чиқди-да,

орқасидан оташкурак кўтариб қувлаган хотиндан кўчага қочди.

— Арз қиламан устингдан... Кунингни кўрсатаман!.. Дод!..— деб пўписа қилди у.

Бегимхон гузардан тезлаб ўтиб, катта йўлдан бедана юриш қилиб кетди.

### 3

Бегимхон йўл-йўлакай ўзи-ўзига панд бериб борди... «Шу чоққача бировга сўзини бермаган, бировдан гап эшитмаган Бегим, нотаниш хотиндан дакки едингми, у алвастининг ола-кула кўзларидан кўрқиб, калтагидан қочдингми? Одамлар нима дейди, даладаги қизлар нима дейди, мабодо Адолат эшитиб қолса: «Ўла, ҳолинг шу экан-ку» демайдими? Ҳу, яшшамагур Бозоров... Ҳар қишлоқда биттадан хотини бор экан унинг. Кенжасини катта хотинига калтаклатиб қўйиб ётишини қаранг-а, у гўрсўхтанинг! Мен оқсоч эмишман унга, вай бемаъни-ей... Кир-чир ювиб юргани хизматкор қилиб олган эмиш мени... Тилинг кесилса бўлмайдими, йигит ўлгур!..»

Тўсатдан девор орқасидан ит ҳуриб қолди, Бегимхоннинг хаёли сочилиб кетди. У, кўйлагининг ёқасини очиб, кўксига «туп, туп» деб қўйди-да, қадамини тезлатди.

Йўл сув сепгандек жимжит. Бегимхоннинг хаёл ипи яна чўзилиб кетди. Айб Бегимнинг ўзида эмасми? Нега ўзини ўзи калтаклатиб қўйди? Нега ўзини ўзи Бозоровга ҳақоратлатиб қўйди? Оҳ-воҳ, деган хушомадларни айтиб, ширин ваъдалар қилган кишининг оғзи сасиган чоғида нега тек турдинг, Бегим? Нега қочдинг у ердан? Қайтиб бормасликни бўйнингга олиб қочдингми? Ҳолинг шу экан, нега унга ёпишдинг, нега эртага тўй, деб эълон қилдинг. Энди одамларнинг юзига қандай қарайсан? Қайт орқанга, ўзингни кўрсат, Бегим!

Бегимхон орқасига қайтмоқчи бўлиб қайрилиши ҳамон, йўл устида шарпа сезилди ва аллаким яқинлашиб кела бошлади.

— Қори... Соҳиб қори келяпти... Кўзи қурсин унинг, тили қурсин. Чиён нима-ю у нима!..

Бегимхон Қорига кўринмаслик учун девор паналаб тез юриб кетди-да, қия очилиб турган эшикка ўзини урди.



Бу Норматнинг ҳовлиси эди. Айвон олдида майда-чуйда иш билан ивириб юрган Тўхта хола бемаҳалда бош яланг кириб келган Бегимхонни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсан, Бегимхон?

— Маслаҳатга кирдим, хола.

Тўхта хола Бегимхоннинг феълини яхши билар эди. Шу ёшга етиб, бировдан маслаҳат сўрамаган, ўз билгича иш тутадиган бу ўжар жувоннинг бугун, қоронги кечада қандай маслаҳати чиқиб қолибди?..

«Илоҳим, яхшиликка кўринсин унинг тунги қада-ми...» — Тўхта хола шу гапни кўнглидан ўтказди.

— Ҳа, тўйга айтиб келдингми?

— Тўйнинг азаси чиқди,— деди Бегимхон, айвон пешига ўтираркан.— Бозоров мени лақиллатиб юрган экан.

— Тақдир, айланай, тақдирга бир нима деб бўладими... Энди нима қилмоқчисан?

— Адабини бермоқчиман!

— Чакки қиласан. Бемаслаҳат иш бўлипти. Энди бу ёғини маслаҳат билан қилганинг маъқул. Айб ўзингда. Энди ҳеч нарсани кўрмагандек, ишингни қилавер. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади.

— Нега айб менда бўлади, хола, мен ўғирлик қилибманми? Одам ўлдирибманми?

Тўхта хола Бегимхоннинг бетга чопарлигини билгани учун, «эсиз сенга маслаҳат» дегандек, тилини тия қолди. Аммо Бегимхоннинг очилган оғзи ёпилавермагач, тек туролмади.

— Бировнинг эрини кулла-кундуз куни тортиб олмақчи бўласан-ку, тагин бу ўғирлик эмасми?!— деди Тўхта хола ачитиб.— Сенга ўхшаш, эри фронтга кетганлар камми қишлоқда? Ёш чоғида тул қолганлар йўқми сендан бошқа? Ҳеч ким «қора қоғоз» қўлига тегиши билан сенга ўхшаб эр қидираётгани йўқ-ку?

Бегимхон гезарган лабини буриб, тескари қаради:

— Ақлим бўлса, келиб-келиб сизга ёрилармидим? Норматнинг доғида доғланиб, жизғанагингиз чиққанини билардим-ку...

— Норматни ўртага солма, Бегим. Нормат жон бериб, қон кечиб юрипти. Газетада ўқидингми ўзинг? Душманнинг учта ҳужумини тўхтатиб қолишипти бо-

лаларим. Москвадан нари қувлашиб юборишипти ёвни, билдингми?! Норматни ўртага солма!

Бегимхон мулазам бўлиб, бўшашиб ўрнидан турди-да, бир аҳволда кўчага чиқиб кетди. Умрида эшигига занжир солмаган Тўхта хола унинг орқасидан кўча эшикни занжирлаб, ҳалқасига чўп тикиб қўйди.

— Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга!..— деди кампир, шум оёқдан тезроқ қутулганига севиниб.

### *Йигирма учинчи боб*

## ТОР-МОР

### 1

1941 йил 6 декабрь кечаси Москва вақти билан соат 11 дан 45 минут ўтганда взвод жангчилари Тургев-нев блиндажига рация ёнига тўпландилар.

— Биласизларми,— деди Ваня Великан,— гоҳо музика эшитгинг, қўшиқ тинглагинг келади. Келинлар, ҳордиқ чиқариш учун ҳам шу рацияни сақлаб юрайлик. Блиндажда занглаб кетяпти киши.

— Эрта-индин ҳужумга ўтсак, уни ким кўтариб юради?— деди Отступний.

— Кўтариб юраверамиз!

— Мен сизларга кўтартириб қўймайман,— деди Великан.— Узим аравада олиб юраман.

Шундай қилиб, иккинчи взвод жангчилари бу рацияни Берлингача кўтариб боришга қатъий қарор қилдилар. Ҳар куни эрталаб, кечқурун блиндаж рациядан ахборот, музика эшитувчиларга тўладиган бўлди.

Совет Информация бюросининг бугунги ахбороти немисларнинг Москвани қуршаб олиш, уни ишғол қилиш планининг тор-мор этилганлигига бағишланган эди. Хушxabар ўқиган дикторнинг ҳар бир сўзини жангчилар қарсак билан кутиб олдилар.

— Жим! Шовқин қилманглари!— деди Великан.

— Шунча хурсандчиликни қандай қилиб блиндажга сиғдириб бўлади?

— Эшитишга ҳалал берма!

Бугунги хабар оғиздан оғизга, тилдан тилга кўчиб, бир нафасда ёйилди. Чиндан ҳам, буюк зафар қозонил-

ган эди. Герман қўшинларининг Москвани ўраб олиш ва ишғол қилиш учун 16 ноябрда бошлаган учинчи ва охирги ҳужуми тўхтатилган. Фашистларнинг бу ҳужумда қатнашган 13 танк дивизияси, 33 пиёда дивизияси, 5 мотодивизияси, жуда кўп бошқа хил қўшинлари тормор қилинди. 777 танк, 534 замбарак мажақланди. 57 минг 170 фашист қирилди.

— Бу рақамларга ҳеч қандай изоҳнинг кераги йўқ,— деди Тургенев.

Қизил Армия қўшинларининг умумий қарши ҳужумга ўтиши учун катта имконият, қулай фурсат туғилган эди. Шу имконият ва фурсатдан фойдаланиб, Қизил Армиянинг Москва атрофидаги қўшинлари декабрда қарши ҳужумга ўтдилар. Москва мудофаачилари ғарбга йўл олдилар. Гитлерчилар фронт бўйлаб тартибсиз чекиндилар.

Ҳужумнинг тўртинчи куни генерал Лелюшенко қисмлари Рогачевни озод қилди ва Клинини қуршаб олди. Генерал Кузнецов дивизиялари Яхромани ишғол этди. Генерал Погодин полклари Истрага кирди. Генерал Белов отличлари Солнечногорскни эгаллади, генерал Говоров қисмлари ҳам икки шаҳарни душмандан тозалади. Хуллас, Қизил Армия бутун салобати, қудрати билан қўзғалди!

Немислар Чайка дарёсининг Ғарбий қирғоғига жонжаҳдлари билан ёпишиб, шу ерда мудофаада туриб қолишга уриндилар.

Генерал Погодиндан: «Тепалик қўлдан берилмасин! Кўприкни сақлангиз!» деган радиограмма келгач, Юрьев билан Черницов тепалик мудофаасини янада кучайтирдилар. Самолётларимиз чекинаётган немисларнинг дарёдан ўтишини қийинлаштириш мақсадида, уларнинг кечувларини, кўприklarини бомбардимон қилиб турди. Партизанлар дарё музларини портлатиб, душмanning ғарбга ўтишини қийинлаштирдилар.

## 2

Москва атрофидан чекинаётган немис қўшинлари дарёга яқинлашгач, сўнгги вақтларда тикланган паромкўприк олдида катта техника: танклар, артиллерия, автомашиналар, фургонлар ва пиёда қисмлар тўпланиб қолди. Уч томондан келаётган колонналар шу жойда уюла бошлади.

Совет бомбардимончи, штурмчи ва қирувчи самолётлари ердаги оломон устида пайдо бўлиб, душман техникаси ёа аскарларини тинимсиз олов ёмғири билан ерларчин қилиб ташлай берди. Немисларнинг кўприги бузилиб, йўл кесилди. Қий-чув, дод-фарёд Тургенев взводи блиндажларидан ҳам эшитилиб турди.

Кундуз куни шундай ўтди.

Душман сапёрлари тун бўйи кўприк тузатиш билан овора бўлдилар. Эрталабгача дарё бўйида бутун бир армиянинг сон-саноқсиз техникаси тўпланиб қолди. Кўприкна полклар кўприкнинг битишини кутмай, дарё кечиб ўта бошладилар. Кўп солдатлар совуқ сув қаърига чўкиб кетди.

Эрталаб Москва вақти билан соат бешда шарқий қирғоқдаги немис қўшинлари Юрьев қўлидаги кўприкни эгаллаш ҳақида буйруқ олдилар. Чайка дарёсининг бу кўприги темир-бетондан қурилган, атрофи темир панжара билан ўралган эди. Юрьев бу кўприкка жуда катта эътибор бериб, унинг атрофларини душман танклари ва пиёдаларини портлатиш учун мина майдонлари билан ўраб олган эди.

Немисларнинг кўприкка ҳужумини танклар колоннаси бошлаб берди. Ҳужум ҳеч қандай разведкасиз бошланди. Авангардда бораётган танклардан иккитаси минага учраб портлагач, бутун колонна йўли тўсилиб, тўхтаб қолди. Шундан кейин душман қўмондонлиги шарқий қирғоқдаги тўплар билан минамётларни ишга солди. Юрьевничлар мудофаа қилиб турган тепаликдаги батареялар душман тўплари тингунча индамай турди. Немислар тепаликни ярим соат тўпга тутгандан кейин, Юрьев батареялари ёпиқ позициялардан туриб ёв устига жаҳаннам оташи ёғдирди. Ҳар икки томон ҳам кўприкка зарар етказишни истамас, кўприк ҳар икки томонга ҳам зарур эди.

Немис қўмондонлиги кўприкни олиш учун икки томонлама ҳужум бошлади. Дарёни кечиб ўтган пиёда қисмлардан бир неча батальон шимол томондан, яна бир неча батальон шарқдан атака қилди. Тепалик мудофаачилари душманнинг икки томондан қилаётган сиқувига бардош бердилар.

Юрьевнинг:

— Сабот сақланглар! Қизил Армия келяпти!— деган сўзлари жангчиларни руҳлантириб турди. Окопма-окоп

тарқалган бу хушхабар жангчиларнинг кучига куч қўшди.

Тонг отиши билан немисларнинг атакаси қайта-қайта такрорланиб турди. Улар катта талафот бериб, кўприкнинг шарқий чеккасидаги тикан симли говларни эгалладилар. Аммо йўлдаги миналарни тозаламасдан туриб танкларни кўприкдан олиб ўтиш мумкин эмас эди.

Ҳавода яна моторлар гуриллаб қолди. Самолётлар кумушдай ярқираб, кўкда парвоз қила бошлади. Окопдан қараб турган Нормат уларнинг қанотларидаги қизил юлдуз тамғаларини кўриб қолди.

— Самолётларимиз!— деб қичқирди Нормат.

Немис қўшинлари тўпланган йўл устида бирин-кетин шўнғиб, бомба ташлаётган самолётларимиз ўз ишни тугатгач, шарқдан танклар овози эшитилди.

— Танкларимиз!

Бу танклар ҳужум қилётган Қизил Армия қўшинларининг олдинги отрядлари эди. Немислар совет танкларига қаршилиқ кўрсатолмади. Душманнинг орқароқдаги баъзи танклари ва тўплари бир-икки марта ўқ чиқаришга улгурди, холос. Талвасага тушган немислар техника ва қуролларни ташлаб, ўзларини дарёга ота бошладилар. Дарёдан фақат бир неча юз немисгина сузиб ўтолди, қолганлари эса, парча-парча муз тагига чўкиб ва тепаликдан отилган пулемётлар ўқиға учраб, ҳалок бўлдилар.

Немис қўмондонлиги рациялар орқали: «Кўприкни кўпориб ташла! Кўприкни кўпориб ташла!» деб эфирга хитоб қила бошлади.

Совет танкларининг кўприк олдиға келиш йўли тўсилган эди. Фашистларнинг ташлаб кетган танклари, машиналари, тўплари уюм-уюм бўлиб ётарди. Уларнинг баъзилари миналардан портлаган, бошқалари артиллерия снарядлари билан ёндирилган эди.

— Қочаётган немисларға қараб залл!— деди Армия авангард отрядининг командири ва ўзи танк башнясидан тушиб, кўприк томонға югурди. У немис машиналарини оралаб бораркан, ҳар қадамда ўлик ва ярадор немислар устидан ҳатлаб ўтишға мажбур эди. Авангард отряд командири Юрьев қисмиға етиб олишға шошиларди. Шу маҳал бирин-кетин икки марта кучли портлаш эшитилди. Командир ўзини бир немис танкининг орқасига олди. Портлов зарбасидан ҳора крестли танк тебраниб кетди.

Портлаган кўприк олдида совет танклари кўриниши билан окоп ва блиндажлардан чиқиб келаётган тепалик мудофаачилари милтиқларини баланд кўтариб: «ур-ра!» деб қичқира бошладилар. Дарё бўйидаги окоплардан бир неча жангчи кўтарилиб чиқиб, кўприкнинг букилган ва йиқилган қанотларига тирмашиб, дарёдан ўтди ва совет танкчилари билан қучоқлашиб кўриша кетди.

Юрьев блиндаждан чиқиб, дарё бўйига келди. Танк экипажи авангард отрядининг командири Юрьевни кўриши билан, танкдан чиқиб унга отилди. Икки офицер бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришиб, рус одати бўйича, уч мартадан ўпишдилар.

### 3

Соат йигирма тўру ноль-ноль минутгача ҳамма тай-ёргарлик кўрилиб бўлди. Роталарда партия ва комсомол йиғилишлари, взводларда қисқа-қисқа суҳбатлар ўтказилди. Энди жангчилар бир оз ором олиши керак. Эрта тонгда Грейдер истехкомига штурм бошланади... Шунча вақтдан бери немис қўшинларининг сиқувига бардош берган батальон Қизил Армия қисмлари билан бирга ҳужумга ўтади.

— Ётингиз, ором олингиз,— деди Куценко жангчиларга, аммо ўзи ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа югуриб, ҳадеганда блиндажга киравермади.

— Ётингиз, бир оз мизғиб олингиз,— деди блиндаж навбатчиси Дронов ва ўзи милтигини тиззалари орасига олиб, махорка тутатди... Унинг катта-катта кўк кўзлари сигарета чўғига қўшилиб ёнар ва қоронғи блиндаж ичида йилтиллаб кўринарди.

Жангчилар қатор тизилишиб ётган бўлсалар ҳам, бироқ ҳеч кимнинг уйқуси келмайди. Эртага тонгда кўпдан бери кутилган ҳужум бошланади...

— Махорканг борми?— деди Тургенев ёнида ётган Оға ўғлига ўгирилиб.

— Йўқ.

— Кимда бор? Хумор бўлиб кетяпман...

— Эминда бор,— деди Отступний,— махорка халқасини Ўзбекистонга қайтариб олиб кетадигандек, қўйнига тижиб олипти.

— Ол, дўстим!— деди Тургенев, Эминнинг елкасини туртиб.

Эмин унга тамаки халтасини узатди.

— Хуморингни ёз, ошнам, қўл бола тамаки...

— Менга ҳам,— деди Оға ўғли, ётган ўрнидан туриб.

— Мен ҳам бир тортай,— деди яна бир жангчи.

Нормат чекмагани учуни, чекувчиларнинг маишати-дан четда, хаёл суриб ётибди. У Адолатни ўйлапти. У эрталаб жангга боради, душман истеҳкомини ёриб ўтади, эҳтимол, ёв ўқига учиб, ҳалок бўлади ёки яна яраланади. Қани энди Адолат шу ерда бўлса! Нормат унга эрта тонгда ҳужумга кетаётганини айтарди, уни қучиб-қучиб ўпарди ва хайрлашарди...

Норматнинг кўз олдида бугун бўлиб ўтган комсомол йиғилиши жонланди. Черницовнинг оташин нутқи, Тургеневнинг ўткир сўзи, Крупеньянинг ғазабга тўла овози унинг қулоғида ҳамон жаранглаб турибди. Оға ўғли ҳам бирам гапирдики!.. Нормат унинг бунчалик нотиқлигини биринчи марта кўриши. Эмин ҳам гапни эшиб болади. Йиғилиш шундай қизидики, ҳамма мартенга тушган пўлатдек товланиб кўринди. Командир: «Олға!» деса, бутун йиғилиш душман устига ташланишга тайёр. Қани, энди тезроқ тонг отса-ю, ўша қайноқ жанг бошлана қолса!..

— Нормат, сен ҳам бир тортсангчи,— деди Тургенев.

— Келинг,— деди Эмин, Норматга қараб,— қатордан қолманг!

Нормат ётган жойидан туриб, чекувчилар даврасига қўшилди. Тамакини қўлига олиб қаради-да, чекди. тутуни томоғига кетиб, ўхчиб йўталди.

— Урганмагансиз-да,— деди Эмин.— Мен ҳам оқопда ўргандим. Хумор бўлганда иш беради бу тамаки. Уни тортсанг, ёзиласан киши.

Эмин оғзидан паға-паға тутун чиқараркан, урушдан аввалги тинч, фаровон кунларни эслаб кетди.

— Қандай яхши яшар эдик,— деди у, Норматга ўйчан тикилиб.— Яна ўшандай яшармикинмиз?

— Яшаймиз!— деди Нормат.— Яшаш учун кураш-япмиз-да. Аввалгидан ҳам яхшироқ яшаймиз!

Аччиқ тамакидан хуморини ёзаётган Крупенья ҳам гапга тушиб кетди.

— Мен,— деди у,— 1941 йилнинг 16 июлидан бери фронтдаман. Тупроғимизга немис бостириб кирган кун-ниёқ военкоматга бордим. «Ешсан» деб олишмади.

Кўчадан ўтаётган қисмларнинг командирларига ёлвордим. Улар ҳам қабул қилишмади: «Военкоматга бор» дейишди. Душман Полоцкка кирган куни ҳаракатдаги Қизил Армия қисмлари турган ерларга йўл олдим. Йўлда бир таниш капитан учраб қолди. У, поход кунлари бизникида сут ичган ва ўтга кўмиб пиширилган картошка еган эди. У мени кўриб қолиб: «Ҳа, йигитча, қаёққа?» деб сўради. «Жангга!» дедим. У мени ўзининг ўқчи батальонига кўшиб олди. Яхши капитан эди, бир жангда ҳалок бўлди. Ўша жангда батальонимиз чекинди... Ушандан бери на онамни, на синглимни кўрдим. Уларнинг нима бўлганликларини билмайман. Синглимнинг Поля деган бир ўртоғи бор эди. Унинг сурати менинг кўнглимга ўрнашиб қолган... Шаҳаримиздан катта дарё ўтади. Биз Поля билан қайиқда сайр қилиб юрардик. Дунёда чиройлилар кўп, аммо Поля бошқа олам. Сочининг ҳар бир толаси, қошидаги ҳар бир тук, мижжасидаги ҳар бир киприк кўз ўнгимда турипти...

Блиндажда ётган жангчилар секин-секин ўричларидан туриб, Крупеньянинг ҳикоясини тинглай бошладилар.

— Поля немислар қўлида қолди... 7 ойдан бери фақат тушимда кўраман уни...

— Ваъдасини олганмидинг?—деб сўради Эмин ундан.

Крупенья блиндаж печькасидан йилтиллаб чиқаётган ўт ёруғига тикилганича, хаёл суриб кетди.

Жангчиларнинг кўзлари Крупеньянинг оғзида эди.

— Бир кўрсам эди, лабларидан, кўзларидан тўйиб-тўйиб ўпсам эди...

Нормат беихтиёр хўрсиниб, «эҳ, бевафо фалак!» деб юборди. «Зар қадрини заргар билар» деганларидек, ҳижрон дардини тортаётган ошиқнинг ўртанишлари Норматнинг юрак яраларини қайтадан янгилагандек бўлди.

— Мен севгилимнинг ҳатто билагини ҳам ушлай олганим йўқ,— деди Нормат.— Агар ҳозир кўриб қолгудек бўлсам, рухсат ҳам сўрамай, бағримга босардим-у...

— Хатига қараганда, жуда вафодор қизга ўхшайди,— деди Дроиов, Норматга қараб.

— Мен ҳам, қасамимга қанча вафодор бўлсам, Адолатга ҳам шунчалик вафодорман!

— Сеннинг севганинг юртингда-я. Меники...



Крупеньянинг тамаки тутунлари орасидан ярқираб турган кўзлари Норматга кимнидир эслатгандай бўлди. Унинг кўзлари Ильичёвка қишлоғида бомба парчаси тегиб ҳалок бўлган хотиннинг кўзларига ўхшамайдими? Худди ўша! Фамилияси ҳам бир. Нормат ўша хотиннинг ҳикояларини, армиядаги ўғлини эслаб айтган гапларини эслади.

— Онангнинг номи нима эди?

— Ракишна Егоровна...

— Онанг бомба тагида ўлди...— деди Нормат ва ўзи гувоҳ бўлган мудҳиш воқеани бирма-бир айтиб берди.— Онангни фашистлар ўлдирди...

Крупеньянинг ҳозирги аҳволини тасвирлашга қалам ожиз. У пиқ-пиқ йиғлар, кўз ёшлари булоқдай қайнаб чиқарди. Бу ёшлар — алам ёшлари, ғазаб ёшлари эди.

— Бечора онам...— деди Крупенья, аламда ўртаниб.— Бечора онам... Эҳ, тезроқ тонг отса, жанг бошланса эди... Битта фашистни ўлдирсам ҳам, онам учун қасос олган бўлардим. Бир қадам олдинга юрсам ҳам, немислар тепкилаётган юртимга яқинлашган бўлардим...

— Онанг учун душмандан ҳаммамиз ўч оламиз,— деди Нормат.— Кечир, дўстим, қайғули хабар айтдим сенга. Иложим қанча? Кулфатларга бардош берайлигу, ёвларга шафкатсиз бўлайлик!

Тонг яқинлашмоқда. Ҳавода юлдузлар чарақлаб, тўлин ойни ўраб турибди. Қалин ўрмон тепаси янги йил байрамида ясатилган арчадек зарга кўмилганга ўхшайди. Тепа ён бағирлари эса, сутдай оқариб, қалин қор кўрпаси остида ётибди. Онда-сонда пулемёт ва автоматлар «сайраб» қолади. Немислар ўзларининг «уйғоқ» эканликларини билдириш учун ўқ чиқармоқдалар...

Жангчилар энди ётган эди, штабдан чопар келиб, Нормат Жабборов, Крупенья, Дронов ва Оға ўғлини капитан Юрьев чақираётганини айтди. Нормат блиндаждан чиқаётиб, бу ерда қолаётган ўртоқлари билан хайрлашди ва қадрдон бўлиб қолган блиндажга: «яхши қол», деб маънос тикилиб қаради.

Тонг ёриша борган сари кўкдаги юлдузлар бирин-кетин сўна бошладилар. Ерни туман қоплаб олди. Қисм жангчилари траншеяма-траншея ўтиб, ҳужум маррасига тўплана бошладилар.

Эрта тонгда артиллерия тайёрлигидан кейин ҳужумга ўтилади.

Нормат шериклари билан штабга келганида комбат уларга парча-парча хариталарни елим билан ямаб, кўк, қизил чизиқлар чизиб қўйилган жойларини кўрсатди.

Қизил қалам билан қўрғон қилиб қўйилган жойларни «бу ер дзот» деди, кўк қалам билан хол-хол қилиб қўйилган ерларни эса «бу мина майдонлари» деди.

— Йўлларни миналардан тозалайсизлар. Сизга сапёрлар ёрдам қилишади.

Юрьев жангчилар билан оталарча мулоим гаплашди, уларга ҳатто юз граммдан ароқ ҳам қуйиб берди.

— Бу группага ефрейтор Нормат Жабборов бошчилик қилади,— деди комбат.— Муваффақият тилайман.

Нормат Жабборовга ефрейторлик унвони бериш ҳақидаги буйруққа Юрьев бугун кечаси қўл қўйган, лекин ҳали ротада ўқиб эшиттирилганича йўқ эди. Бу қувончли воқияни Нормат комбатнинг ўз оғзидан эшитяпти.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!— деди Нормат.

Улар блиндаждан чиқиб, энди йўлга тушганларида, хат ташувчи Ласточка кўришиб қолди.

— Сени шу ерда эканингни эшитиб келаётган эдим, ўртоқ Жабборов!

— Нима гап!

— Хат бор.

— Қани? Қани?

Ласточка папкасидан қизил конверт чиқарди. Нормат конвертга қараб, Эргашнинг қўлини таниди. Ласточка турли-туман конвертлар ичидан яна ниманидир қидираётган эди, Нормат кутмади.

— Кейин берарсан, иш зарур.

— Мана, мана, олиб кет. Қизиқ экансан, хат деса ўзини томдан ташлайдиган одам...

Нормат биринчи конвертни очиб, ўқий бошлади ва хатнинг ярмига борар-бормас:

— Офарин!— деб қичқириб юборди.

— Нима? Нима гап?

— Қолхозимиз пахта планини бажарипти... Яшасин, менинг бригадам энг олдинда эмиш!.. Ийи! Ийи! Буни қара, Адолат... «Адолат фронтга кетган эди, сени топ-

дими?..»— Нормат ўз кўзига ишонмай, хатнинг шу сатрларини қайта-қайта ўқиди:—«Адолат фронтга кетган эди, сени топдимиз?» деб такрорлади Нормат. «Адолат фронтда... Қайси фронтда?.. Солдат бўлиб-а? Наҳотки, эркаклар қолмай қизларга навбат келган бўлса!.. Қишлоқда одам қолмадимиз?.. Ёки, вакил бўлиб келдимикин? Йўлдош Охунбобоев билан бирга келган бўлса эҳтимол. Тунов кунги совғаларни Адолат олиб келдимикин... Уша рўмолчаларнинг кашталари худди «гулистон»лик қизларнинг чокига ўхшарди... Нега совға халтасига икки энлик хат ташлаб, ўзини билдирмади у? Қаерга келди? Қаерда экан ҳозир у?..»

Вақт зиқ. Узоқ ўйлаб ўтирадиган пайт эмас. Уларни жанговар иш кутяпти. Бутун рота уларнинг сигналига қараб турибди. Хаёлингни сочма, Нормат. Рўпарада ўрмон, ўрмонда душман...

Бу ўрмон айниқса Крупеньяга таниш. У орқага чекиниш вақтидаги тўп ўқларидан шохи синган дарахларни, ёндирувчи ўқлардан куйган арчаларни таниди. Крупенья бу жойлардан чекинаётиб, шу арчаларга қараб: «қайтиб келаман», деган. У энди ваъдасига вафо қилиб келди. Бир оздан кейин унинг ўртоқлари ҳам келадилар. Ҳозир эса шу атрофларда немислар изғиб юрибди.

— Сапёрлар келишмаптими?

— Йўқ,— деди Тургенев,— келишмаяпти.

Немис қисмлари бир неча бор ҳужум қилиб, 119 тепалигини ололмагач, қонига бўялди, тинкаси қуриб, резервларидан ажралди ва бу тепаликка атака қилишдан воз кечди. Генерал Шмидтнинг буйруғи билан дарё бўйларига, тепалик атрофига катта мудофаа линияси қурди; ўттиз кечаю ўттиз кундуз ер кавлатиб, темир-бетонли дотлар, қарағай ёғочлардан дзотлар қурдирди. Уч-тўрт қаторли сеткадан иборат тиканли симлардан ғов ясади. Кўзга илинмас симлардан тузоқлар ўрнатди. Уларнинг ораларига танкка ва пиёдаларга қарши миналар кўмилди.

Юрьевчилар немисларнинг ана шу хатарли линиясини ёриб ўтиши ва дарёнинг ғарбий қирғоғидаги плацдармни кенгайтириши керак.

— Бундай ўйлаб қарасак,— деди Нормат,— бутун батальоннинг тақдири бизнинг ишимизга боғлиқ экан..

— Бутун дивизиянинг дегин...

— Бутун армиянинг, фронтнинг, ҳатто Москванинг!  
— Сапёрлар!..

Улар келаётган сапёрлар орасида Ласточкани кўриб, ҳайратда қолишди.

— Ласточка, сен ҳам сапёрми?

— Сапёр!

Нормат ўзини тутолмай, кулиб юборди.

— Сенинг сапёрлигинг менинг созандалигимга ўхшаса керак. Мен ҳам патефон бўлса ҳар қандай куйни нотасиз чалаверамаман.

— Кулма, дўстим, сен қандай сапёр бўлсанг, мен ҳам шундай сапёрман. Сен билан биз жангчимиз. Жангчининг қўлидан ҳар қандай иш келиши керак.

— Бошлайлик!— деб Нормат команд берди.— Бизни бутун взвод қўриқлаб туради. Батальон учун йўл очишимиз керак, ўртоқлар!

## 5

Нормат «Йўл очувчи группа» ни яна иккига: таёқчи минёрлар ва байроқчиларга бўлди. Крупенья раҳбарлигидаги минёрлар ўзлари ўрнатган мина майлонида энига ўн метрлик йўл очдилар. Байроқчилар очилган йўлнинг чегарасини белгилаш учун шу йўл чеккаларига қизил байроқчалар ўрнатдилар.

Душманнинг мина майдонига келганда, Нормат команда берди:

— Таёқчилар олдинга ўтсин!

— Есть!— деди Крупенья, олдинга ўтаркан.

Душман эгаллаб турган ўрмонда, йўлларда шубҳали жимжитлик ҳукм сурмоқда. Рўпарада немис соқчилари кўринмайди. Аммо улар албатта бор. Мина майдони ҳеч маҳал соқчисиз қолдирилмайди.

Таёқчилар узун таёқлар билан мина майдонини титиб, пиёдаларга қарши қўйилган миналарни икки ёққа суриб, ўртадан йўл оча бошладилар. Бу жуда оғир вазифа эди. Майдон таёқ билан савалай бошланса, душман билиб қолиши мумкин. Аммо бошқа илож йўқ. Чунки шу чоққача инструкцияларда фақат ана шундай усул тавсия қилиниб, қўлланиб келинган. Аммо немисларнинг пиёдаларга қарши қўйган миналари қалин қор тагида қолган. Таёқда савалаган билан, қор қатламлари тагидаги минани четга суриб ёки портлатиб бўлмаяпти.

— Вақт ўтяпти. Бир оздан кейин артиллерия ишга тушади.

— Шошилиш керак.

Нормат уч метрлик узун таёғини чўзиб, мина майдонинг қирғоғига ётди.

— Сен беш метр кейинроқда юр,— деди у, Крупеньяга.

Нормат қор қатламларини савалаб, ерда сурғалиб олдинга силжий бошлади. Бир метр... икки метр... уч метр... Қалин қор қатламлари тагида оғир металл-миналар турибди-ю, аммо битта ҳам мина портламапти. «Музлаб, ер қатламига қўшилиб кетипти миналар» деб ўйлади Нормат. Нормат пиёдаларга қарши қўйилган кичик «қутича»ларни қидиришда давом этди. Шу билан бир қаторда у, минёрлар группасининг ишини енгиллатиш учун, йўлда учраган танкка қарши миналарнинг ҳам устини очиб, ёки тепасига белги қўйиб ўта бошлади. Мина майдонининг тўртинчи метрига борганда, биринчи мина портлаб, полк замбарагидан отилган снаряднинг портлашига ўхшаш садо берди. Бу гумбурлаш немис пистирмаларидаги солдатлар ва соқчилар диққатини мина майдонига жалб қилди. Нормат оқ халатига бурканиб, қорга ётиб олди.

Аммо немислар: «рус минамёт отаётипти» деб ўйладилар шекилли, бу томонга келмадилар. Энди бошқа усул топиш керак бўлиб қолди. Агар яна мина портласа, немислар албатта шубҳага тушарди. Дushmanни огоҳлантириб қўйиш — ҳужум муваффақиятини қийинлаштириш ва ортиқча қон тўкиш демакдир.

Нима қилиш керак? Вақт зиқ. Бир оздан сўнг тонг отади. Штурм бошланади. Йўл зарур. Йўлни таёқчилар очиб бериши керак.

Нормат, орқасидан эмаклаб келаётган Крупеньяни таёғининг учи билан туртди.

— Нима гап?

— Ҳув ана, қаршимизда бир немис тикилиб турипти. Ҳозирча тапирлатма. Совқатганга ўхшайди, ер тепинапти. У кетиши билан бошлаймиз.

Лекин немис ҳадеганда кета бермади.

— Менга қара,— деди Нормат Крупеньяга,— пичофинг борми?

— Бор.

— Таёғингни кес! Қалта қилиб кес!

— Нима учун?

— Таёғингнинг учини йўн. Қорни у ёқ-бу ёққа суравер. Кичик миналарни қор билан чеккага чиқарамиз. Одам юра оладиган сўқмоқ очилса бўлгани. Қолганини Хусейнлар бажаради.

-Норматнинг ўзи ҳам таёқ учини йўниб, қор қатламларини худди канал кавлаётган экскаватордек икки томонга суриб, ҳеч қандай шарпа чиқармай, олдинга силжий бошлади. Унинг орқасидан бораётган Крупенья ҳам икки метр чапроқда қорда таёқ билан ариқча кавлай бошлади.

— Энди бошлаймиз!— деди, орқадан етиб келган Хусейн ва энгларини шимариб, ерга энгашди.

Хусейн билан Дронов Норматлар қазиб кетган «ариқча»га ётиб, қор остидан танкка қарши миналарни қидира бошладилар. Улар ҳар бир қарич ерни тинтиб қарашди; қўлга уринган миналарнинг пистонларини суғуриб олиб, мина корпусларини орқадаги байроқчиларга узатиб туришди, байроқчилар эса, уларни «хирмонга» тўплай бошладилар.

Душманнинг биринчи мина майдонида қизил байроқчалар ҳилпиллади.

— Ҳеч ким кўринмайди,— деди Нормат, шерикларига қараб.

— Бошлаймиз.

Саккиз қаторлик катта қозиқларга ўргумчак уясига ўхшатиб тортилган тиканак симларга биринчи бўлиб Нормат қайчи урди.

— Қайчини ёглаб олмансан,— деди Крупенья.

Нормат чўнтагидан милтиқ ёғин олиб, қайчига суртди ва Крупеньяга узатди.

— Мана, ёглаб ол.

Таёқчилар таёқларини белга қистириб, қайчиларни ишга солдилар. Улар биринчи қозиқларнинг симларини икки томонга суриб, иккинчи қозиқлар симига қайчи уришлари билан, ҳар томондан қўнгироқ чолиниб кетди. Немислар тиканли симларга консерва қутилари ва снаряд гильзаларини осиб қўйган эканлар. Симлар кесилиши билан гильзалар бир-бирига урилиб, жанглади.

Минёрларнинг ишини бутун рота кузатиб турган эди. Немис солдатларининг қўзғалиб қолганини сезган Морозов Куценкога буюрди:

— Пулемётларни жангга ҳозирла!

— Есть!— Куценко пулемётчилар олдига югурди.

— Рота миномётлари жангга ҳозирми?— деб сўради Морозов миномётчилар взводи жангчиларидан.

— Жангга ҳозирмиз, ўртоқ лейтенант!— деб миномётчилар командири жавоб берди.

— Огонь!

— Огонь!

Тўртинчи рота ёғдирган оташ Норматлар теласига келаётган немисларнинг йўлини тўсди. Орадан сал ўтмай, артиллерия кононадаси бошланди...

Нормат группаси икки ўт ўртасида қолди. Ана шу отишма пайтидан фойдаланиб, Нормат ишни давом эттиришга қарор берди.

— Встать!— деди Нормат ўз жангчиларига қараб.— Вперед!

Нормат сакраб ўрнидан турди-ю, яна дарҳол энгашиб, ўртоқларига: «ёти!»— деб қичқирди. Уларнинг яқинида портлаган мина парчалари визиллаб тепадан ўтиб кетди.

— Встать!— деб команда берди яна Нормат.— Бўш келма, азаматлар! Яна бир неча минут, яна бир неча қадам!.. Бизни рота қўриқлаяпти, бизнинг ишимизни бутун батальон кузатиб турибди!

Улар яна тикан симли ровга ёпишдилар. Тўртинчи қатор симлар қирқилиб, бешинчи қаторга ўтганларида, немисларнинг тумшуғи тагида ишлашга тўғри келди. Бу қаторни немислар ўққа тута бошладилар. Ўқлар сим тўсиққа аридек ёпиша берди. Бир ўқ Норматнинг каскасига тақиллаб тегиб, қайтиб ерга тушди. Крупеньянинг шинели тутай бошлади. Бош кўтаришнинг иложи бўлмади...

— Граната!

Нормат белндаги гранатларни олиб, тўғрисидаги окопга ташлади.

— Граната!

Крупенья ҳам, Эрали ҳам, Оға ўғли ҳам душман окопларига граната ташлай бошладилар.

Ана шу дақиқада батальон жангга кўтарилди. Ҳужум бошланди...

— Проходчилар орқага қайтсин!

Юрьевнинг буйруғи билан лейтенант Морозов одам юбориб, Норматларни чақириб олди.

— Қолган йўлни артиллерия очади. Рота районига битта-биттадан қайтингиз! — деди эмаклаб келган жангчи.

Нормат қисмига қайта туриб, Морозовга дуч келди:  
— Йўл очиқ! Пехота ўтса бўлади, ўртоқ лейтенант!

6

Юрьев ўзининг кузатиш пунктини тўртинчи рота районига кўчирди. Взводлар, алоҳида роталар, артиллерия батареялари ва минамёт ротасини комбат билан боғловчи телефон симлари ҳам Морозовнинг илгариги блиндажига тортилди. Бу блиндаж ён бағирликда бўлса ҳам, катта дарахтларнинг остига қурилгани учун, унга снаряд тушмас эди. Унинг яна бир фазилати шундаки, катта дарахт тепасига чиққан кузатувчига бутун атроф, ҳатто немис траншеялари ҳам кўриниб турарди.

Юрьев жанг операциялари планини кўздан кечиратганда алоқачилар командири кирди.

— Ўртоқ капитан, барча роталар билан телефон алоқаси ўрнатилди.

Юрьев картадан бош кўтарди-да, қисқагина қилиб:

— Алоқа соат механизмидек ишласин! — деди.

— Есть, соат механизмидек ишлатамиз!

Старший лейтенант блиндаждан югуриб чиқиб кетди.

— Роталарни чақир! — деди Юрьев радистга қараб.

Паст бўйли, ингичка ва қотма радист рация микрофонни пуфлаб қичқира бошлади:

— Ленинград, Ленинград, Ленинград! Мен Москва, мен Москва! Мен Москва, қабул, қабул, қабул: бир, икки, уч, тўрт, беш, беш, тўрт, уч, икки, бир, қабул...

Радистнинг кичкина кўзлари ёниб, қотма юзига мулоим табассум ёйилди:

— Тайёр, ўртоқ капитан.

— Ким бу? Хўжайинни чақир! — деди Юрьев ва бир оздан кейин гапира бошлади. — Ишлар қалай? Жойида дейсанми? Овқат пишдимми? Жуда соз, кут! Беш минутдан кейин бодринг юбораман.

Юрьев микрофонни яна радистга узатди.

— Иккинчи, учинчи роталарни чақир.

— Урал! Урал! Мен Москва... Тайёр, ўртоқ капитан.



Юрьев учинчи ротанинг ҳам жангга тайёрлигини сўради ва топшириқлар берди.

— Энди тўртинчи ротани ҳам рация билан таъмин қилсак, ошиқ олчи бўлар эди.

— Бўлмаса, ошиқ олчи!— деди комиссар.

Юрьев Черницовга қараб мамнун жилмайди.

— Радист,— деди капитан,— тўртинчини чақир!

— Тўртинчида рация йўқ, ўртоқ капитан, рация мажақланиб, радист ҳалок бўлган.

— Рация ҳам, радист ҳам бор. Чақир, «Нормат» деб чақир,— деди Черницов.

Бу янгиликдан ҳайрон бўлган радист микрофонга оғзини тутиб: «Нормат! Мен Москва!»— дейиши билан, эфирдан жавоб келди.

— Мен, Нормат, Москвани эшитаяпман, қабул...

— Ўртоқ капитан, жуда қизиқ, янги рация, нота ниш радист...

— Менга бер,— деди капитан ва микрофонни олди.— Кимсан? Ефрейтор Нормат? Хўжайинни чақир! Ким бу? Ҳа, менга қара, хўжайин, ана шу радистни, «Жасурлик учун» медалига тақдим қилиб материал юбор.

— Нега шошилсан, капитан? Жанг тугасин!— деди Черницов унга.

— Арзийди. Норматдек жангчиларнинг бошидан оёғигача олтин медаль тақсанг ҳам арзийди!

— Тўғри!— деб Черницов унинг сўзини маъқуллади.— Эсингдами, капитан, Варшавкадаги бомбардимон вақтида бузилган тягач тагига кириб олиб, чалама-чати ўқ узиб ётган солдат? Уша шу эди. Энди у жуда яхши солдат бўлиб етишди. Ротада ҳамма ҳурмат қилади уни. Морозов ҳам «Норматдан умидим катта» деяпти.

— Биз,— деди капитан,— кишиларга баҳо беришда кўп маҳал адашамиз. Одамнинг ички дунёсини, характери ни дарҳол билиш қийин. Мана, жангчи Азимовни ол. Биз Азимовдан яхши жангчи чиқиши кийин деб ўйлаган, обозга қўйган эдик. У бошқача бўлиб чиқди. Жангда ҳақиқий ботирлик кўрсатди. Сўнги қони қолгунча жанг қилиб ҳам «яраландим» демабди...

— Ўртоқ капитан, вақт яқинлашди.

— Телефонист, арtdивизионни чақир!

Телефонист новча бўйини аппаратга эгиб, узун панжалари билан трубкани ушлади-да, чақира бошлади.

— Зарба, зарба! Мен Москва, хўжайинингни хўжайин сўраяпти.

Артдивизион командири аппаратга келиши билан телефонист жойни бўшатди ва трубкини Юрьевга узатди.

— Алло! Учинчи кухняга нонушта учун бодринг керак. Меҳмондорчиликни бошлайвер! Ҳа, ҳа, тўкиб-сочиб меҳмон қил!

Кейин телефонист роталардан рапорт қабул қилаётиб, комбатга айтиб турди:

— Ленинград тайёр.

— Урал сигнал кутаяпти.

— Олға! Олға!— деди Юрьев.

Телефонист Юрьевнинг буйруғини роталарга етказиши билан, жангчилар олға ташландилар. Икки томондан отилаётган ўқлар тонг қоронғилигида тепаликда ва пастликда қозондаги бодроқлардек сачрай бошлади.

— Уртоқ капитан,— деди радист,— тўртинчи рота сигнал беряпти, немисларнинг охириги тикан симли ғовларини ҳам босиб ўтибди...

— Сўра, батафсилроқ хабар сўра!

Радист комбатнинг саволини етказиши ҳамон, Нормат жавоб қайтарди:

— Тикан симли ғовларга ва кўринмас симлардан қўйилган тузоқларга солдатлар шинелларини ёпиб, қозикларини суғуриб, кўприк қилиб ўтишди...

— Менга бундай деталларнинг кераги йўқ!— деб ўшқириб берди Юрьев радистга.— Бу деталларни кейин ўрганамиз. Менга қайси траншеяларга кирганини ва қайси нуқталар қўлга олинганини айтсин.

— Биринчи траншеяларга кирдик, лекин қайси нуқта олинганини билмайман. Номини билмайман... Мана, мана, рўпарамиздаги пулемёт нуқтасини олсак учта бўлади...— деган хабар келди.

Юрьев трубкини қўлига олди.

— Кимсан ўзинг?

— Уртоқ капитан, мен, мен, ефрейтор Норматман, бўлинма командирининг ўринбосари.

— Морозов қани?

— Биринчи взводга кетди.

Юрьев Черницовга қаради:

— Тек қўйиб берсанг, бу Норматинг ротага ҳам команда бера бошлайди...

— Унинг ана шу хусусияти менга ёқади. Мина майдонидан қайтиб келибоқ, ўлжа рацияни ишга солиб, ўзи радистлик қияпти азамат!

Оғир тўпларнинг даҳшатли гумбурлашлари эшитилди. Бу — дивизия ва армия артиллерияси, плацдармга кирувчи қўшинларнинг шарқий қирғоқдаги батареяларининг айюҳанноси эди.

— Биласанми, комиссар, Норматни радистликдан кўра кўприкка юбориш керак.

— Тўғри, капитан, мен қарши эмасман.

### *Йиғирма туртинча боб*

## БЕГИМХОННИНГ БЕДАРАК КЕТИШИ

### 1

Бегимхон ўша шармандалиқдан кейин анча вақтгача ўзини ҳеч қаерга сиғдиrolмай юрди: осмон узоқ, ер қаттиқ. Одамлар бераҳм, эркаклар алдамчи, хотинлар бир-бирига кундош. Уларнинг ҳаммаси сени — Бегимхонни кўролмайди. Тўхта холадай худоғўй одам ҳам сени олдига солиб уйидан ҳайдади. Соҳиб қорининг сени кўргани кўзи йўқ. Қишлоқдан ҳайдаганлари бу? Қишлоқ сенга торайиб қолди. Ҳайдамасалар ҳам унга сиғмайсан. Далага қайтганинг маъқул. Даланинг бағри кенг, осмони бепоён. Фақат қизлар... Уларнинг тилини кесиб бўладими! Гўрингга фишт тўлдириб ўтиришгандир. Қарға қақимчи, қизлар чақимчи. Ғағиллашавермайдиларми. Бўшашгани бўри ейди. Қулоғингни кар қилиб ол. Кўпириб, кўпириб сўнишади.

Даштда ҳақиқатан ҳам Бегимхон ўйлагандай гап кўпайиб қолган эди. Бозоровнинг уйида юз берган ҳодиса аллақачон қизларнинг оғзида чайналиб юрибди. Олимжондан бу гапни эшитиб, қизларнинг бири дарғазаб бўлса, иккинчиси унинг ҳолига ачиниб, яна бири бетараф бўлиб, боринги, қападаги қизларнинг ҳаммаси Бегимхон тўғрисида гапирар ва ўйлар эди. Бегимхон қапага кириб келган чоқда ҳамма кўрпага бурканиб ухлаб ётгани сабабли, у бу гапларни эшитмади.

Совуқданми, қизлар жуфт-жуфт бўлиб маҳкам қучоқлашиб ётишибди. Бегимхоннинг кўрпаси йўқ, кимдир ёлиниб олибди. Бегимхон ўз кўрпасини қидириб ўтирмади. Тинч ётган қизларни қўзғатиб, гапни кўпайтириб нима қилади? Яхшиси, тишингни-тишингга қўйиб ўтиравер. Бегимхон қизларнинг оёғида, кўрпанинг учи-га чўнқайиб ўтирди-да, тиззасига жағини тираб олди. Изғирин унинг кўзларини юмдирмаяпти. Шу сабабдан ҳам у қапа ёруғидан мўралаётган юлдузлардан кўз узолмайди. Саноғи борми бу юлдузларнинг?

Тонг қоронғисида уйғонган қизлар Бегимхонни кўриб қий-чув кўтаришди.

— Вой, Бегимхон келибди...

— Бугун кўрак узиш плани ортиб кетади денглар..

Бегимхон қизларнинг ҳазилига ҳам, қочирим пичингларига ҳам қулоқ солмай бепарво тура берди, аммо у аввалгидай эмас, шахди паст, камгап эди. У, қизларнинг юзига сув илитиб, нонуштага икки қумғон чой қайнатиб қўйибди... Қизлар сандиқчаларидан, ёстиқларининг остларидан тугунчакларини келтириб, нонларини ўртага тўкиб, нонуштага ўтирганларидан кейин ҳам, ўз-ўзи пичирлаш тугамади.

— Қаёқдан кун чиқди?

— Нечук, Бегимхоннинг қўли совуқ сувга тегибди?..

Бегимхон қизларнинг кўзига тик қарай олмаса ҳам, уларга сўз бергиси келмади:

— Ҳа, нима, Бегимхон бадарға бўлиб кетди, деб ўйлабмидинг, Бодомхон?— деди у, ёнидаги қизга қараб.

— Пичирлаётганимнинг сабаби — тўйнинг қатламаридан ўртага ташлармикинсиз, деяпман.

— Пичинг қилма менга, Бодомхон, билдингми, мен тўй қилганим йўқ. Тўй қилсам дастурхон боши ўзинг бўласан.

Қизлар бир-бирларига қараб олишди.

— Тўйни қачон қиласиз бўлмаса?

— Насиб қилган кунда...

Қизлар яна бир-бирларига маънодор қараб қўйишди.

— Нега иржаясизлар? Ҳозир тўй қиладиган замонми?

Шу чоққача бетараф ўтирган Шакархон, қўлидаги пиёлани ерга қўйиб, Бегимхонга хўмрайди.

— Нега бўлмаса, эринг туриб, эрга тегдинг?

— Эрим ўлган мени. Еш бошим билан тул қоламанми?

— Эринг тирик бўлса-чи?

— Тирик бўлса хат ёзиб, хабар берарди...

— Бу урушда «йўқолиб» топилганлар, «ўлиб» тирилганлар озми? Нормат акани ҳам ўлдига чиқаришмабмиди! Тирик экан-ку! Топилибди-ку! Адолатга офарин, «ўлди»сига ишонмай, уни қидириб кетди.

Қизлар ярқ этиб Бегимхонга қараб қўйдилар. Бегимхон Адолатнинг номини эшитибми, бир қизариб олди. Кейин ўзини ўнглаб, Шакархонга жавоб қилди.

— Ҳамма ҳам Адолат бўлавермайди. Адолатга ўхшаганимда мен ҳам бошимни олиб, фронтга кетиб қолар эдим.

— Фронтга бормасанг ҳам, фронтчи бўлишинг мумкин. Қўй, ўша Бозоровни ташла!

Бегимхон тўсатдан ғазабланиб кетди.

— Нега ташлайман уни! Мен ҳали уларга кўрсатаман!

## 2

Эртасига Бегимхоннинг яраси янада янгиланди. Олимжон қишлоқдан қайтиб, тўппа-тўғри Бегимхоннинг олдига борди. Бегимхон ўйчан бир ҳолда кўсак узарди. «Келдингми?»— деди Олимжон, унга маънодор қараб. Бегимхон юзини ўгириб олди. «Кўзини кўзимдан яширишида бир гап бор» деб ўйлади Олимжон.

— Мусофир хотинни нега ранжитдинг, Бегим?— деб сўради Олимжон.

Бегимхон унга ёв қараш қилди.

— Нега мусофир бўлсин, Бозоров менга ёлгон гапирпти, мени алдапти.

— У хотинда нима гуноҳ, нега уни юмдаладинг? Устингдан арз қилиб юрибди.

Бегимхоннинг кўзлари чақчайиб кетди.

— Арз қилиб юрибди, дейсизми? Арз қилишни мендан кўрсин! Аравонлик хотинни ҳайдатиб, ўзимни ҳалоллаб олмасам, номимни бошқа қўяман.

Олимжон унинг чақнаб турган кўзларига қараб, қайнаётган ғазабини сўндириш йўлини қидирди.

— Ҳовурингдан туш. Эралининг ҳурматини қил. Лоп этиб келиб қолса, юзинг шувут бўлади.

Бегимхон увотга ўтириб йиғлашга тушди. «Илоё уруш чиқарган Гитлернинг оғзи-бурнидан лахта-лахта қон оқсин. Шу уруш чиқмаса, бахтим қораймас эди...»

— Беҳуда кўз ёши тўкаверма,— деди Олимжон эркакларга хос тошжораклик билан,— йиғлаганинг билан, аравонлик хотин эрини «ма, ол!»— деб сенга бериб қўймайди...

— Бурнини ерга ишқайман унинг. Мени ҳақорат қилиши етмай, яна устимдан арз қилиши ҳам борми!

— Уйлаб кўр, яна кейин пушаймон еб юрма!..

Олимжон кетиши билан Бегимхон этагидаги кўракларни қанор қопга тўкди-да, йўл таралдусига тушиб қолди. Унинг бу ҳаракати қизларни, айниқса Шакархонни ташвишга солмай қўймади.

— Қаёққа отланяпсиз, Бегимхон?— деб сўради у дугонасининг кўзига тикилиб.

— Районга. Қўшхотинни тусаган Бозоров номимни оқлаб берсин.

Шакархон унинг қўлидан ушлаб, увотга ўтқизди.

— Бегимхон! Бегимхон!— деб қичқирди биров. Бегимхон ўрнидан туриб, хат ташувчи тўппа-тўғри шу томонга келаётганини кўрди.

— Уйинга тушинг, Бегимхон, сизга бир қучоқ салом олиб келяпман.

Бегимхоннинг юраги жиг этди-ю, дармони қуриб, ўтириб олди.

— Мени калака қилма!

— Сизга! Ўз-ўзингизга. Мана, Уралдан. Сотти акамлардан. Мана буниси фронтдан...

— Кимдан?

— Суюнчисиз айтмайман. Бунисига катта суюнчи берасиз!

— Адолатдандир-да.

— Йўқ-йўқ! Бошқадан...

— Мендан кулмаган сен ҳам бормидинг...

— Нега куламан?— деди хат ташувчи.— Мана, Эрали акамдан. Бир эмас, икки хат.

— Эралидан?!— деб қичқирди Бегимхон.

Бир зумда қизлар югуриб келиб, уни ўраб олишди. Бегимхон Эралининг хатларини чапгаллаганча, конвертларни очишга ботинолмай, атрофини қуршаб олган қизларга қараб: «Нега тикиласизлар менга!» деганича, уларнинг кўзидан йироқлашди.

Кишининг ҳаётида шундай дақиқалар ҳам бўладики, бундай чоқларда гўё осмон билан ернинг фарқи, масофанинг ҳожати ва аҳамияти қолмайди. Хаёл қанотлари кишини бир нафасда кўкларга кўтариб, самода сайр қилдириши ёки етти қават осмондан қора ерга ташлаб юбориши мумкин.

Бегимхон ўзини худди ана шундай хаёл дақиқаларининг қанотида учаётгандек сезди.

Бу сирли хатларни очсинми, очмасинми? Қандай хабар келтирди бу кирлаб кетган конвертлар?.. Бегимхоннинг қўллари қалтираб, кўзлари беихтиёр жавдирамоқда. У, қиаларнинг кўзидан йироқлашиб олгани билан, уларнинг назар найзалари тек қўярмиди. Бегимхон конвертларни яна бир бор аста ушлаб кўрди ва гўё уларнинг ичидан нимадир отилиб чиқиб, унинг ёқасига ёпишаётгандай, юраги орқасига уриб кетди. «Нима бўлса ҳам оч!» деди унинг юраги. У биринчи конвертни очиб, хатни кўрди-ю боши гангради. Унинг кўзига хат эмас, аллақандай чўкарлар, мунчоқлар, кесаклар, тиканлар, панжалар кўринди.

— Эрали... Эрали акамдан,— деди у ўз-ўзига ва дарҳол атрофига қаради.— Ҳеч ким йўқми? Қизлар пойлаб туришмаяптими? Дод, шўринг қуриди Бегимхон. Белинг синди, Бегимхон!..

Унинг кўзлари янада қамашиб ўзини қора панжара ичида кўрди. Эринг тирик, эринг жанг қилмоқда. У сени унутмаган. Аввалгидай севади... Хатидан илиқ нафаси келяпти. У, ғалаба билан ёнингга келмоқчи. Кўзига қандай кўринасан? Булар сени унга тутиб берадилар... Соҳиб қоридан тортиб, Тўхта холагача сенга душман. Улар Адолат учун ҳам сендан ўч олишади... Ана, қизларнинг пичирлаган товушлари эшитилапти, улар сенинг ҳали қазилмаган гўрингга гишт ташияптилар... Уларнинг кўзига кўринма. Оч қорнинг, тинч қулоғинг...

Дала қоронғилашиб кетди. Қоронғида унинг кўзига гоҳ иржайган Бозоров, гоҳ кўкраги тўла орденли қучоғини очиб турган Эрали кўрина бошлади... Кейин уларнинг ўрнига «инс-жинс»ларга ўхшаш бетартиб алланималардир кўринди. Ваҳима босган Бегимхон атрофига қараб олди. «Худога шукур, ҳеч ким йўқ. Қизлар узоқда...» деб қўйди ўз-ўзига. Энди унинг кўзи елвизак кўз-

лардан нари, қулоғи фисқ-фасотдан холи. Энди унинг боши очиқ, тўрт томони қибла, ҳамма сўқмоқ, ҳамма йўл-йўлак унинг ўз-ўзиники...

4

Бегимхоннинг бедарак кетиши ҳақида «Гулистон»да ҳар хил гаплар тарқалди. Дашт бригадасининг қизлари кечаси билан шоариқ, ариқчаларнинг бўйларидаги тут дархтларининг ост-устларини тинтиб чиқдилар. Олимжон қайтармагача бориб, чиғир атрофларини ҳам сиичиклаб қараб келди. Қизлар далани бошларига кўтариб, чақира бошладилар. Қизларнинг овози тоғ-тошларга урилиб, уфқда янграб, узоқ-узоқларда жаранглар эди. Аммо жавоб йўқ. «Бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бермаса кошки эди» деб ўйлашди қизлар. Шакархон Олимжонни қишлоққа жўнатди. Олимжон тўппа-тўғри Бозоровнинг ҳужрасига келди. Ҳужрада Бозоров билан унинг хотинидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Олимжон изига қайтиб, Тўхта холанинг дарвозасини тақиллатди. Тўхта хола ҳовлида идиш-товоқ ювиб юрган экан, Олимжонни кўриб, юраги ёрилиб кетгудек бўлди.

— Нима гап, болам? Яхшиликми?

— Бегимхонни кўрмадингизми?— деб сўради Олимжон, кампирнинг ташвишини сезиб.

Кампир кўжрагига тупуриб олди.

— Норматданми, Холматданми гап очасан, деб юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Норматнинг сурати келди. Командирлари билан тушибди. Эрали ҳам бор. Бегимхон шошқалоқлик қилиб олди...

— Демак, Бегимхон келгани йўқ, денг?— деб Олимжон яна қайта сўради.

— Йўқ. Тақ этиб ёпган эшикни қайси юзи билан очади. Сочимнинг оқини ҳурмат қилмай, юзимга тик гапириб кетди.

Олимжон кампир билан хайрлашиб, яна бир неча эшикни қоқди. Бегимхон ҳеч қаерда йўқ...

Олимжон яна ноилож, дашт бригадасига қайтди.

Кунлар, ҳафталар ўта бошлади, аммо Бегимхондан дарак бўлмади.



## КЎПРИК КЎРМАНАСИ

1

Дарёнинг шарқий қирғоғидаги фашист қисмлари Москвадан келган янги полкларнинг сиқуви билан ғарбий қирғоққа қочиб ўтишга мажбур бўлдилар. Улар ғарбий қирғоқда истеҳкомлар қурдилар. 119 тепалигидан шарқда турган немис дивизияси ўрнидан жилаётиб, дарё кўпригининг бир қанотини портлатиб кетган эди. Немис қўмондонлигининг планида бутун кўприкни портлатиш кўзда тутилган ва бу ҳақда махсус буйруқ чиқарилган бўлса ҳам, икки ўртадаги кўприкни портлатиш жуда қийин бўлди. Фашистларнинг инженерлик қисмлари уч кунгача кўприк томонда ўрмалади-ю, аммо кўприкка етолмай, ўққа учраб, ер тишлаб қолаверди.

— Нима қилиб бўлса ҳам кўприкни қўпориб керак!— Немис қисмлари қўмондонликдан ҳар соатда ана шу хил телеграмма ва радиограммалар олиб турдилар.

«Нима қилиб бўлса ҳам кўприкни қўлда сақлаш керак!»—Юрьев ана шундай қатъий радиограмма олди.

Дарё кўприги ҳужумга ўтган Қизил Армия қисмлари учун айниқса керак эди.

Кўприкни портлатолмагани учун аламига чидай олмаган немис қўмондонлиги икки кундан бери кўприк районини артиллериядан ўтга тутиб турибди. Немисларнинг қаттиқ отишмасига қарамай совет сапёрлари кўприкнинг портлатилган шарқий қанотини тузатдилар. 11 декабрь кечқурун бошланган қурилиш 12 декабрь эрталаб соат 6 да танкларни қабул қилишга тайёр бўлди.

Нормат Жабборов бу ерга эрталаб соат чоракам олтида келди.

— Командиринг қани?

Норматнинг бу саволига кўприк ҳўриқчиси — қора ёқали сапёр жавоб бериш ўрнига:

— Кўприк берк!— деб Норматнинг йўлини тўсди.

— Менга сапёрлар командир керак.

— Барибир, командир ҳам сенинг араваларингни ўтказмайди. Йўл берк. Генералнинг буйруғи шу!

— Сен билан комендант гаплашяпти,— деди Нормат.— Кўприк менинг ихтиёримда!

Сапёр, кўприк ёнидаги телефон трубкасини олди:

— Ноль ўн беш! Бу ерга бир ефрейтор келиб, кўприкнинг комендантга бўламан деяпти...

Дарё қирғоғига яқиндагина қурилган блиндаждан чиққан инженер-капитан Норматнинг қаршисига келди:

— Хужжатингиз?

Нормат таажжубланди.

— Қандай хужжат?

— Ким эканлигингиздан гувоҳлик берувчи хужжат.

— Мана,— деди Нормат.— Чўнтагидан бир дафтарча олиб узатаркан. Бундан бошқа хужжатим йўқ.

— «Қизил аскар дафтарчаси»... Сен,— деди инженер-капитан аччиғланиб,— ефрейтор бўла туриб, нега ўзингни комендант деб эълон қиласан?

Инженер-капитан кўприк қўриқчисига буюрди.

— Буни ўтказма! Қочоқ бўлса керак...

Норматнинг кўзлари қинидан чиқаёзди.

— Ким қочоқ? Оғзингизга қараб гапиринг! Мени Юрьевнинг ўзи тайинлаган. Мен комендантман!

— Қимирламай тур, мен ҳозир телефон қиламан!

Инженер-капитан Юрьев билан телефон орқали гаплашгандан кейин Норматга мулоҳим гапира бошлади:

— Ўртоқ младший сержант, сизнинг вазифангиз кўприкдан ўтган танклар ва артиллерия батареяларини мина майдонларидан очилган йўлларга жўнатиб туришдан иборат экан.

Ўзига младший сержант унвони берилганлигини Нормат биринчи марта инженер-капитандан эшитди ва хурсандчилигини яширолмай илжайди.

— Айтмадимми?— деди Нормат.— Оз бўлмаса, мени ёлғончи қилиб қўяёздингиз-а, ўртоқ капитан!

Эрталаб роса соат 6 да кўприкка қўйилган тўсиқлар олинди... Энг олдин артиллерия дивизионлари ўтди. Улар Норматнинг йўл кўрсатишига ҳам қарамай, уч йўлга бурилиб тарқалишаверди. Енгил тўплар олдинги позициялар томонга кетди. Оғир тўп батареялари Норматнинг кўз олдида тарқалиб, артиллеристлар тўплар учун окоп қазий бошладилар. Аммо шу маҳал немис артиллерияси кўприкка ўт ёғдира бошлади. Икки снаряд кўприк ўртасида ёрилиб, кўприкнинг устки ёғочларини тўзитиб юборди. Устма-уст яншиб келаётган снарядлар гоҳ қирғоққа тушар, гоҳ сувга чўкиб, дарё сувини чайқар ва катта фонтан ҳосил қилар эди.

— Сапёрлар!— деди инженер-капитан.

Блиндажларда ҳозир турган сапёрлар олдиндан тайёрлаб қўйилган ёғочларни кўтариб, кўприкка келишди ва душман тўпларининг ҳужумига қарамай, снаряд тушган жойларни ямаб, яна қирғоққа чиқишди. Ҳозиргина кўприкдан ўтган оғир тўпларимиз тилга киргач, немис батареялари жимиб қолди.

Танклар колоннасини «КВ»лар бошлаб келди. Уларнинг оғир гусеничалари ёғочга тегиши билан, бутун кўприк ларзага келди. Нормат биринчи танкни кўприкдаги колонна йўлига бурди.

— Тўппа-тўғри боравер, бизнинг батальондан чиқасан!— деди у фахрланиб.

— Нима деясан?— деб сўради танк командири.

Еру кўкни моторларнинг шовқини, артиллерия кононадасининг даҳшати қоплаб олди.

Нормат танкчиларга:

— Тўғри боравер, мина майдонидан йўл очилган!..— деб бақирарди.

## 2

Бир танк йўл устида тўхтаб қолди.

— Ут!— деб қичқирди Нормат.— Утавер!

Танк командири шовқинда ҳеч нарса тушунмади-да, йўл кўрсатиб турган ефрейторга қичқирди:

— Утир, танкка ўтир!

Нормат танк тепасига чиқиб олди. Танк қуюқ сарғиш тутун чиқариб олға юрди. Нормат кўприк олдидаги сапёрга қараб:

— Ҳаммасини менинг орқамдан юборавер!— деб қичқирди.

Нормат танкка таёқ билан йўл кўрсатиб, тўртинчи рота душман мудофаасини ёриб ўтган жойга бошлади. Куценко взводининг блиндажлари олдига борганда «тўхта!» деб команда берди.

— Нима гап?

— Бизнинг старшина кўчиб кетибди..

Танк командири Норматнинг нима деяётганини тушунмади, Нормат танкдан ирғиб тушди ва блиндажларни, кухня учун қилинган капани титиб чиқди.

— Нима гап?— деб бақирди танк командири тоқатсизланиб.

— Аравакашлар хомутни эслан чиқаришибди. Старшинага элтиб берсам хурсанд бўлади.

— Ҳозир хомут қидирадиган вақтми!— деди танк командири ўшқириб.— Олға!

Танк эллик метрча юргандан кейин, аввал чапга, кейин ўнгга, яна чапга бурилди... Сўнгги ярим чақирим йўл илон изи, эгри-бугри ва танклар учун жуда ҳам чалкаш йўл эди.

— Яхши ҳам ўзинг келганинг, бўлмаса, биз адашиб қолар эканмиз,— деди танк командири.

Танк командири гапга қизиқиб, харитага қарашни эсидан чиқарган эди. Норматнинг:

— Мана энди душман мина майдонига келдик,— деганидан кейин, у шошилиб қолди.

— Тўхта! Тўхта!

— Нега тўхтаймиз?— деди Нормат.

— Биз танклар тўпланадиган жойдан ўтиб кетиб-миз.

Нормат ўрмон орқасида жанг қилаётган батальонга тезроқ ёрдам кўрсатиш учун шошилар эди. Душманнинг иккинчи мудофаа линияси ўрмон орқасидаги қишлоқда эди. Эҳтимол, юрьевчилар очиқ далани босиб ўтолмай, қийналаётгандирлар.

— Ўртоқ командир, бу ерда тўхтаб бўлмайди,— деди Нормат.— Бу ернинг ҳар бир қаричида мина бор. Ундан кейин, бу ер — немиснинг қорага олиб қўйган жойи. Яхшиси, шу мина майдонларидан ўтиб, ўрмон орқасида тўхташ керак. Орқага қайтмайлик!

Нормат командирнинг розилигини ҳам кутмай, таёқ билан «Олға!» деган ишора қилди. Танкчи қаттиқ газ бериб, олдинга юрди. Катта танклар колоннаси унинг орқасидан тизилиб, ғарбга йўл олди. 119 тепалиги тутун ичида, моторлар ҳайқириги остида қолди.

Нормат тўртинчи рота ва бутун батальон босиб ўтган жанг майдонини кўздан кечирди. Немисларнинг тўплари, пулемётлари мажақланиб ётибди. Шамдай қотган немис мурдаларининг ҳисоби йўқ...

Танклар душманнинг окопларни босиб ўтди. Юрьев батальони кўринмади. Шу маҳал ўнг томондан тўплар нидоси келди. Демак, немис батареяси танкларни кўриб қолиб, ўт очаётибди.

— Душман батареясига қараб залп!— деди танк командири.

«КВ» экипажи тўпдан, пулемётдан ва ҳавога отувчи зенит пулемётидан залп берди. Бошқа танклар ҳам бу-

тун алангасини немис батареясига қаратди. Душман батареяси мажақландими, йўқми, ҳар ҳолда унинг овози ўчиб қолди.

Танк командири полк командиридан радиограмма олди ва унга: «Душман батареясини тор-мор этдик» деб жавоб қилди.

Полк командирининг тажанг овози микрофондан барала эшитилди.

— Нима учун менинг ижозатимсиз жанг бошладинг?!

— Вазият шуни талаб қилди. Ҳозир ялангликка чиқиб, олдинга юришга ижозат этинг?

Нормат танклар полки командирининг буйруғини тоқатсизланиб кутар эди. Борди-ю у: «Орқангга, танклар тўпланадиган жойга қайт!» деса унда нима бўлади?..

Танкдаги рация сигнал бера бошлади.

— Ўртоқ лейтенант, «Танклар жанговар сафга!»— деб қичқирди рация.

— Тезроқ олға!

Нормат орқасига қараб, қуюқ сарғиш тутун чиқариб бир-бирини қувалаб ўтаётган ва чапга, ўнгга тарқалиб, кенг далани тўлдираётган танкларни кўрди. Гуё бутун дала танклар ўтида куюётгандек тутун ичида эди. Танклар жанговар тартибда қишлоқ томон бурилиши билан, немис батареялари танклар frontiга қарата ўт оча бошлади. Бизнинг жанговар қуроолларимиз ҳам тилга кирди. Нормат ҳеч маҳал бундай дуэлни кўргани йўқ эди. Лекин бу дуэль узоққа чўзилмади. Танклар душман батареяларининг ўтини ўчириб, сўнгра уларнинг позицияларини мажақлай бошлади. Пиёда қисмлар танкларнинг паноҳида олға интилдилар. Шу чоғ Нормат ўз ротасининг жангчиларини кўриб қолди. У, танклар группасининг командирига қичқирди:

— Хайр энди, ўртоқ лейтенант. Мен ротамга етиб олдим.

Нормат танкдан ерга сакради. Танклар душман тепасига бостириб кетди.

Нормат танклар орқасидан жанг билан бораётган ўз бўлинмасига қўшилди. У ҳаммани кўрди-ю, Тургеневни тополмади.

— Сержант қани? Эрали қани?

— Яраланди... санитарлар олиб кетишди,— деб жавоб қилди Эмин.

— Яраси оғирми?— деб ташвишланиб сўради Нормат.

Уларнинг гапини ротадан келган чопар бўлди.

— Нормат, сени лейтенант Морозов чақиряпти. Тезроқ юр!

Нормат рота командирини колонна бошида учратди.

— Младший сержант Жабборов ҳузурингизга келдим...— деди Нормат, баланд овоз билан.

— Бўлинмани қабул қил!— деди Морозов каскасини бошидан олиб, пешона терларини артаркан.

— Есты!— деди Нормат, честь бериб.

У бўлинмага келгач, жангчилар ундан танклар жангини айтиб беришни сўрашди.

Танклар ҳужуми даврида душманнинг иккинчи мудофаа линиясида юз берган манзарани тасвир қилишга ва бу воқияларни дўстларига айтиб беришга Нормат ожиз эди. У «тегирмон қилиб эзди», «толқон қилиб туйди», «анжир қилиб ташлади», «қирон келтирди...» деган сўзларни тилга олди. Аммо бу сўзлар ҳам совет танкларининг даҳшатли ҳужуми ва голиб жангини тўла ифода қилолмас эди.

### 3

Эрталаб бошланган қор-бўрон тобора кучаймоқда. У дарахт шохларидаги қор қўноқларини қўзғатиб, ҳавони оппоқ чангга кўймоқда, ҳатто ер юзидаги қалин қор қатламларини ҳам кўчириб, ғарбга томон учирмоқда. Гўё Россиянинг қиши ҳам ёв юзига қор билан уриб, қон юқи кўзларига муз парчалари тикаётганга ўхшайди. Бўрон қандай зўрайса, жанг ҳам шундай кучайиб бормоқда.

Сержант Тургенев бўлинмаси ротанинг олдида эди, эрталаб Зуево қишлоғига киргач, у яраланди. Энди у биринчи ёрдам пунктининг аравасида. Уни санитарлар бошқа ярадорлар билан бирга госпиталга олиб кетяптилар. 119 тепалигидан жўнаётиб, Тургенев ғарбга, қадрдон дўстлари жанг қилаётган томонга қарагиси келарди. У: «Дўстларим кўринармикан... Ҳеч ким билан хайрлашолмадим... Хайр десам, яна келаман, кутинглар, десам... Лейтенантни кўрсам, мени госпиталдан чақиртириб олинг, деб сўраб эдим...» деб ўй суриб борарди. Лекин қадрдон батальон, семимли рота узоқда қолди. Эрталаб шу ерда тўп отаётган батареялар ҳам окопларини ташлаб кетдилар.

«Жанг тамом бўлдимикин?.. Йўқ! Жанг ҳали-бери тугамайди. Солдат қониқиб қасос олмагунча тўхтамайди» — Тургенев санитар аравасининг кўприкка етиб келганини ҳам билмай қолди. Кўприк олдида нотаниш кишилар бир-бирлари билан айтишиб, жанжаллашиб турардилар. Сержант уларнинг нима деб тортишаётганини эшитолмади. Унинг оппоқ бинт билан бойланган яралари ёняпти, оёқ томирлари тортишиб, кўзларини лўқиллатиб оғритмоқда.

— Нега тўхтаб қолдик? — деб сўради Тургеневнинг ёнида осмонга қараб ётган Эрали санитардан.

— Кўприк банд. Колонна ўтяпти.

— Узоқ турамизми?

Колонналар жуда кўп. Бутун армия ўтяпти.

Кўприкдан ўтаётган колонналарнинг баъзилари ҳарбий ашулалар айтиб ўтмоқда.

— Санитар, чу де отингни! — деди бир командир. — Тезроқ ўт, йўлни банд қилма.

Санитар отига қамчи бериб, кўприк олдига келганда, от кўприкдан юрмай, туриб олди.

— Чу де, санитар!

Санитар отни қамчилай бошлади. От фақат орқасига тисарилиб, кўприкда ҳуркиб турганича тура берди.

Санитар аравадан тушиб, отининг бошини силади ва бир кунлик норма қандини тутди. От қандни қарсиллатиб чайнади ва кўприк тепасига қадам қўйди.

Санитар дарёдан икки чақирим нарироқдаги кичик бир дарахтзорликка кириб тўхтади.

— Медсанбатга келдик.

Оқ халатли икки санитарка Тургеневни замбилга солишди.

Палаткага кириш олдидан докторлар унинг бинтларини ечишди, яраларини кўришди ва нималарнидир пичирлашиб гаплашишди. Ҳарорати тобора ошиб, кўзинини, қулоғи ғувиллаётган Тургенев уларнинг нима дейишганини тушунолмади.

Медсанбатда Тургеневни узоқ ушлаб ўтиришмади. Унинг яраларини бошқатдан бинтлаб, кийимларини ечтириб, янги оқ кийим кийинтиришди ва яна аравага солишди.

— Бизни қаёққа олиб боради?

Тургеневнинг ёнида ётган шериги сира индамас, кўзини ҳам очмас эди. У саволга жавоб қайтармади.

Медсанбатнинг санитар араваси катта йўлга чиққанда кимнингдир свози эшитилди:

— Санитар аравасига йўл бўшатишлар!

— Санитар аравасини ўтказиб юборинглар!

Катта йўл аскарга тўла эди. Буларнинг ҳаммаси кўприкка, гарбга, жангга кетишяпти. Тургенев машиналардаги снаряд яшикларинигина кўряпти. Пиёда аскарлар чалқанча тушиб ётган ярадорга кўринмаяпти. Тургенев бинтларни йиртиб, шу аскарлар билан яна олдинги позицияга, қадрдон дўстлар ёнига учгуси келди, бироқ, у дармонсиз...

Армия эвакогоспитали катта йўл бўйидаги ўрмонга жойлашган эди. Санитар араваси йўлдан бурилиши билан, шлагбаумга рўпара келди.

— Пропуск!

Санитар ҳужжат кўрсатиб, госпиталь территориясига кириши билан аравани оқ халатли икки қиз ўради.

— Қанақа ярадорлар?

— Оғир ярадорлар.

Санитаркалар аравани катта палаткага бошладилар.

Тургенев билан Эрали бу жойда фақат бир неча соат ётди. Уларни бир неча доктор келиб кўрди. Бинтларини ечиб, яна бинт ўрашди. Ечинтириб, яра атрофларини оқ пахтага спирт қўйиб артишди. Янги кийимлар кийинтириб, хушбўй атир сепишди.

Тонг отиши билан яна докторлар кириб, алланималарни ўз тилларида гапиришди ва Тургеневни замбилга солиб, эвакомашинага ётқизишди. У фақат «Москва» деган сўзни пайқадди, аммо уни Москва госпиталига олиб кетишяптими, ёки ўрмонма-ўрмон айлантириб юришадими — у бунинг маъносига етолмади.

Машина Варшавка йўлидан Москва — Минск трассига чиқиб, изғирив ҳавони кесиб олға интилди.

*Йигирма олтинчи боб*

## ИНТИЛИШ

### I

Эрта тонгда бошланган жанг кеч тунда тугади. Кечгача совет қўшинлари плацдармни йигирма километр энига ва ўн беш километр узунасига кенгайтирдилар. Душман мудофаасини ёриб ўтган ва немис қисмларини



қувлаб бораётган қюмлар Авражное қишлоғида тунаш учун тўхтади. Норматнинг бўлинмаси қишлоқ чеккасида бутун қолган ҳаммомга жойлашди. Жангчилар ҳаммомнинг деворини тешиб, милтиқ отишга мослаштирдилар.

— Агар фриц контратакага ўтиб қолса, адабини берамиз,— деди Нормат.

Юрьев батальони тунаш учун тўхтаган қишлоқ аланга ичида эди. Чекинаётган немислар қишлоққа ўт қўйиб, аҳолини қаёққадир ҳайдаб кетишган эди. Яшириниб қолган кишиларнинг айтишларига қараганда, немислар шу яқиндаги қишлоқларнинг аҳолисини тўплаб, орқа томонда истеҳкомлар қураётган эмишлар. Еш йигит ва қизларнинг кўпи мажбурий равишда Германияга жўнатилган эди. Қишлоққа Қизил Армия қисмлари келганини эшитгач, ўрмонларда немисларга чап бериб, қочиб-писиб юрган кишилар, тугунларни, еш болаларини кўтариб, қайтиб кела бошладилар.

Нормат эски ҳаммом олдида жангчиларнинг отиш секторини текшираётганда, бир жангчи югуриб келиб:

— Уртоқ сержант, сизни комвзвод чақиряпти,— деди.

— Мана бу дарахтларни кесиб ташлаш керак!— деди Нормат Отступнийга.— Қўл пулемётининг ўқлари йўлини тўсяпти...

Нормат взвод командири Куценко ҳузурига келди.

— Чап қанотга ҳушёр бўл!— деди унга Куценко.— Душман контратака қилиб қолиши мумкин.

— Есть!

Нормат югуриб бўлинмасига етиб келди.

Ҳавода гувиллаган моторлар овози эшитилди ва бир оздан кейин душманнинг зенит пулемётлари, зенит тўплари акиллай бошлади. Ҳавода снарядларнинг ёрқин излари кўринди. Бомбаларнинг даҳшатли портлаши эшитилгач, ғарбда, анча олисда катта аланга кўтарилди.

— Фашист эшелонлари ёняпти,— деди Нормат.

Шу вақт Ласточкиннинг қувноқ овози эшитилди.

— Ўйинга тушмаганга хат йўқ.

Крупенья унинг йўлини тўсди:

— Хат кутаётганлар ўйинга тушаверсин, менга газеталарни бер!

Крупенья бугунги газеталарни бирин-кетин кўздан кечирди.

— Нормат, мана бу қизни танийсанми?— деди Крупенья қичқириб.— Мана буни қара, худди сенинг чўнтагингдаги суратга ўхшайди-я! Фронтга келиб сени қидираётган қиз шу эмасмикин-а?

Нормат «Красноармейская правда» газетасининг биринчи бетига Адолатнинг портретини кўрдн-ю:

— Адолат!— деб қичқириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Бир зумда бутун бўлинма Норматни қуршаб олди.

— Жуда чиройли қиз экан!— деди Отступний.

— Севинганингча ҳам бор экан!— деди Крупенья.

Нормат тушимми, ўнгимми, дегандек ўз кўзларига ишонмай ҳайронликда турарди.

— Езувини ўқичи, нима депти?— Эмин илтимос қилди.

Кимдир сурат тагидаги ёзувни ўқиди.

— Ўзбек халқининг содиқ қизи регулировщик қизил аскар Адолат Соҳибованинг жасорати...

Нормат суратни бағрига босди. У шу чоқ гўё Адолатнинг нафаси билан нафас олаётгандек, унинг ҳарорати билан қизийётгандек жўшқинланиб кетди.

— Қаерда у? Уни қандай топаман? «Адолат!» деб қичқирсам эшитармикин?..

— Редакцияга хат ёзамиз, қизни топиб беради!— деди Дронов, Норматга маслаҳат бериб.

Нормат қувониб кетди. Гўё у қидирган қанот топилгандек, дили шодликка тўлди. Дарҳол қўйнидан дафтар, пахтали шим чўнтагидан қалам олиб хат ёзди:

«Ҳурматли редакция! Газетангизнинг 15 декабрь сонига, биринчи бетда босилган сурат менинг севгилимининг сурати. Уша Адолатхон қаерда? Шу қизнинг адресини, агар малол келмаса, (малол келмасин, ўтинаман!) менга дарҳол маълум қилсангиз. Мен Погодин қўшилмасининг Юрьев қисмида эканини Адолатнинг ўзинга ҳам айтингизлар!»

Мана энди Ласточка келиши билан бу хат фронт газетасининг редакциясига етиб боради. Адолат эшитади. Қувонч устига қувонч!

Норматнинг назарида Адолат билан учрашиш йўли, Адолатга етишиш йўли мана шу қорайиб турган ўрмон, ёнаётган қишлоқ, портлаётган станция орқали ўтар эди.

Гўё унн Адолат ана шу жанглар йўлида кутиб тургандек...

\* \* \*

Юрьев батальони қаршисида фашист қўшинларининг арьергард қисмлари тўхтовсиз оқ ракеталар отиб, ўртадаги очиқликни ва ўрмон йўлини ёритиб турибди. Ражабов ракетанинг ёруғи билан ўрмон қирғоғида ва очиқликда мажақланиб ётган икки танкни кўрди... Буларни душман артиллерияси ёндирган.

Авражное қишлоғи икки ўрмон ўртасидаги жарликнинг кун чиқар қирғоғида. Жарликнинг бу томони ғарбий қирғоқдан бир неча метр баланд, пастликдаги ўрмон 250 метрча нарида — сайхонлик орқасида. Ўрмон нарёғида катта темир йўл станцияси, бир неча аҳоли пункти бор. Генерал Погодин қўшинлари эртага эрталаб ўрмондаги душман қисмларини янчиб, станцияни эгаллаши ва ундан кейин кечгача район маркази ва унинг атрофидаги аҳоли пунктларини ишғол қилиши керак.

Майор Юрьев (унга янги унвон берилгани ҳақида кечаси радиogramма олинган эди) рота, взвод командирларини чақриб, жар бўйида рекогносцировка ўтказди, командирларга биринчи навбатдаги вазифаларни тушунтирди. Кейин рота командирлари ҳам ўз навбати билан кичик командирларни тўплашди ва мўлжалларни кўрсатиб, ҳар бир бўлинмага оғзаки буйруқ беришди.

— Учинчи бўлинма,— деди Куценко, Норматга қараб,— ҳов анови ерда турган катта қарағайни кўряпсанми, ўша дарахт томонга бориб, темир йўлга чиққач, стрелка будкасини эгаллайсан.

— Есть!— Нормат командирнинг буйруғини такрорлади.

Одатдагидек бугунги ҳужум: эрталаб соат 6 ноль-нолда полк ва дивизия артиллерияси бошлаб берди. Немис арьергардлари кечаси билан истеҳком қуришга улгуролмагани учун артиллерия тайёрлиги жуда қисқа бўлди.

Қишлоқ ўртасидаги ғиштин уйдан отилган қизил ракета тонг туманини ёриб, жарлик тепасидан ўтди ва най — камалакка ўхшаб эгилиб ўрмон чеккасига тушди.

Нормат каскасини бостириб кийди ва уни жағи аралаш маҳкам боғлади. Қўйнидан газетани олиб, Адолатга тикилиб қаради-да, камарини тортиб, яна бир кўз пастроқдан боғлади.

— Атакага, олғал

Нормат жангчилари гоҳ энгашиб, гоҳ эмаклаб, душман ўқларига чап бериб, ўрмон қирғоғидаги якка қарағай томонга интилдилар. Отступний атака бошлангандан кейин ҳам бир неча дақиқа окопдан чиқолмади. Унинг кўзига гўё бутун отилаётган ўқлар фақат Отступнийнинг йўғон гавдасини қидираётганга ўхшайди. Аммо ўқ қаршисндаги ялангликда бутун ротани кўргач, окопдан сакраб турганини ва уларнинг орқасидан юрганини ўзи ҳам билмай қолди.

Отступний бир оз эмаклаб юрди, тиззалари оғриб, қўли толгач, ўрнидан туриб, энгашиб югурди: бир оздан кейин ҳансираб, юраги бўғизига тиқилгандек бўлди. У, шуьча ҳаракат қилиб юурса ҳам, бўлинма жангчиларига етолмади. Нормат ҳамон орқасига қараб, унинг югуришини кузатмоқда. Отступний «жаҳли тез янги командир»нинг юзига қаради. Норматнинг икки бети қип-қизил, кўзлари ҳам қизарган эди. У ҳужум алангаси билан ёнарди. Отступний бошини кўтариб, милтиқни қўлига ушлаганча, Норматнинг орқасидан югурди.

## 2

Юрьев батальони темир йўл изига куннинг қоқ ярмида чиқди. Станцияда кечаси бошланган ёнғин туггани йўқ эди.

Нормат темир йўлнинг қўпорилган изларини кўриб, Отахон партизанларини эслади. Улар қаерда экан? Совет қўшинлари Чайкадан ўтаётганда, улар Ильичёвка, Авражное атрофларида, ўрмонда, темир йўлда жанг қилаётган эдилар. Улар Варшавкани ўраб олиб, душмanning чекинишини қийинлаштириш вазифасини бажараётган эдилар. Энди уларнинг отишмалари ҳам эшитилмаяпти. Қаерда экан улар? Учрашармикинмиз?

Эрталаб танклар станцияда душмanning қаршилигини синдириб, ўтиб кетди. Пиёда қисмлар станцияга яқинлашган чоқда танклардан яширинган фашист солдатлари уларнинг йўлини тўсиб, танклардан айириб қўйди. Атрофдаги ўрмонлардан станцияга қайтиб кел-

ган немис қисмлари Юрьев батальонига қарши атакага ўтди. Бир оздан сўнг унинг чап қанотида ҳам немислар пайдо бўлиб қолди. Юрьев илғорлаб кетган қисмларга қўшилиш учун станцияни босиб ўтиши керак. Кечки пайт Юрьев Морозовни телефонга чақириб:

— Бир одим, бир қарич бўлса ҳам, олға юр!— деб буюрди.

Рота икки марта темир йўл изидан ҳатлаб ўтиб, яна орқасига қайтди. Туни билан жанг тинмади. Эрталаб ротанинг бир взводи яна атакага ташланди. Бу сафар душман кечагидан кўра қаттиқроқ қаршилиқ кўрсатди. Стрелка будкаси орқасидан минамётлар отила бошлади. Кеча қўл пулемётлари турган жойларда ҳозир станкали пулемётлар акилламоқда, кечқурунги окоплар бўйида дзотлар қорайиб қолибди. Демак, душман кечаси билан бу қанотга тўпларини келтиришга ҳам улгурибди. Фашистларнинг бу жойдан кетгиси йўқ. Взвод неча-неча марта темир йўл дўнглигига кўтарилиб, яна пастга қайтишга мажбур бўлди.

— Қувурдан ўтилсин!— деб буюрди Морозов.

Авангард взводнинг биринчи бўлинмаси темир йўл рельслари тагидаги қувурнинг сувини бўғиб, бирма-бир нариги томонга оқа бошлади. Қувурга дастлабки жангчининг боши суқилиши ҳамон, қувур апрофида ўқлар визиллаб қолди.

— Ўт, ўтавер!— деди Морозов, жангчига далда бериб.

Қувурга уч жангчи эмаклаб кирди. Олдингиси қувурдан бош чиқариши билан, ўқ ёғини кучайди, миналар ҳам портлай бошлади. Бош кўтариб бўлмай қолди.

— Нега тўхтаб қолдинг?! Нега ўтмаяпсан?!

— Йўл берк, ўртоқ лейтенант,— деди қувурда ётган жангчи,— йўл берк...

Қувурдан биринчи бўлиб бош чиқарган жангчи ҳалок бўлган эди. У икки қўлини чўзганча чалқанча ётибди. Морозовнинг буйруғи билан жангчилар уни орқага тортиб олишди. Иккинчи жангчи ҳам қувурдан бош чиқариши билан бошидан ўқ еди. Уни ҳам тортиб олишди. Шундан кейин қувурдан бош чиқариш у ёқда турсин, унга бош суқиш ҳам мумкин бўлмай қолди. Немис пулемётлари қувурни нишонга олиб, узлуксиз ўқа тутиб турдилар.

Юрьев лейтенант Морозовни яна телефонга чақирди.

— Нега қимирламаяпсан? Нега тўхтаб қолдинг?

— Кўз очиб бўлмайди, ўртоқ майор,— деди Морозов,— кўп қон тўкиляпти.

— Қонга қарама!— деди Юрьев.— Юқоридан буйруқ шу. Қандай бўлса ҳам будка олиниси керак!

Морозов взвод командирини чақириб: «қувурнинг тепасидан сакра!» деди. Взводнинг биринчи бўлинмаси кўтармага чиқиши ҳамон, пулемётлар ҳақирлаб, миномётлар патирлаб қолди. Икки жангчи шу ондаёқ орқасига ағанаб тушди. Кимдир бошини рельсга қўйганича ёнбошлаб қола қолди.

— Қайтма, бир эллик ҳам орқага қайтма!— деди Морозов қичқириб.

Взвод темир йўл шпаллари олдида ерга ётиб олди.

— Қайтма!— деб такрорлади Морозов.

Жангчилар белкуракчалари билан шағални ёриб, шпаллар тагига юмронқозиқсимон суҳилиб кира бошладилар. Кечгача рота ўт остида ётди. Кечқурун немислар бутун темир йўлни ракеталар билан ёритиб, кундузи мўлжалга олинган жойларни методик ўққа тутиб турдилар. Икки танк темир йўл ёнидан ўтадиган йўлга чиқиб, қувур атрофини навбатма-навбат тўпга тутиб турди. Миномётлар, замбараклар ҳам тактикасини ўзгартириб, йўлнинг орқа томонини яна ўтга буркади. Морозов ротаси яна олов ичида қолди.

— Душман контратака қиляпти, кўп қон тўкилмоқда,— деди Морозов телефонда комбат Юрьевга.

Юрьев бошқа роталардан ҳам худди шундай хабарлар олди. Вазият кечагидан кўра бугун оғирроқ. Чекинаётган немис қисмлари кучларини тўплаб, Қизил Армия ҳужумини тўхтатиш учун қаттиқ қаршилиқ кўрсатмоқдалар. Душман контратакалари натижасида бутун дивизиянинг ҳужуми тўхтаб қолди. «Нега тўхтаб турибсан? Нега ерга ётиб олдинг?» деган телеграмма, радиogramмалар дивизия штабига, дивизиядан полкка, полкдан батальонга, батальондан роталарга тўхтовсиз оқиб турди. Ҳужумнинг тўртинчи кунини эрталаб дивизия командири Юрьевни телефонга чақириб: «нега ётиб олдингиз?» деб ниқтаб қолди. Бу пичинг унинг қайноқ юрагига найзадек санчилди. У, анчагача ўзини ўнглай олмай, гаранг бўлиб юрди. Кейин Морозовни телефонга чақириб: «будка олинса ҳам олинсин, олинмаса ҳам олинсин!» деб буюрди. Морозов унга бирор сабаб кўр-

сатди, шекилли, Юрьевнинг жаҳли чиқди: «Нега ер бағирлаб олдинг», Морозов. Ёки ротангни ўзим ердан кўтариб берайми?»

Юрьев тўртинчи рота командирининг кузатиш пунктига йўл тополмади. Батальонни рота билан улайдиган траншеялар тинимсиз тўпга тугилмоқда, Юрьев эмак-лаб, неча жойда тўхтаб, қувур олдига келди.

— Морозов қани? Қани Морозов?

Қувурдан берироқдаги окопда ётган жангчилардан бири қўлини баландга кўтариб, бармоғи билан ғарбга имо қилди.

— Уша ёқда...

Юрьев эмаклаб келиб, жангчилар ётган окопга кирди. Бу ерда оғир ярадорлардан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Морозов комбатдан аччиқ таъна эшитгандан кейин ўлимяга ҳам рози бўлиб кетди. Енгил ярадорларни тўплаб, темир йўл изидан пастга бошлади. Буни кўрган немислар: «большевиклар будка районида асабий атакага ташландилар» деб рупорларда қичқира бошладилар. Оқибатда атака тўхтатилди. Морозов темир йўл кўтармасининг нариги бағрида, снаряд ўйган чуқурчага ётиб олди. Бош кўтариб бўлмаё қолди. Морозов ётган чуқурча атрофида кечгача жанг давом этди. Қоронғи тушгач, жангчилар уни қувур ичи билан ўз томонларига судраб ўтдилар.

— Уртоқ майор, топшириқ бажарилмади,— деди Морозов, тепасида турган комбатга қараб.

— Ерга чуқурроқ кириб олингиз!— деди Юрьев жангчиларга қараб.— Бир қарич ҳам орқага чекиниш йўқ. Оғир ярадорларга ҳам ўқ берилсин. 119 тепалигини унутмангиз, шерларим!

Эртасига эрталаб янги кучлар келди. Бир неча танк темир йўлни кесиб ўтиб, станция томонга йўналди. Биринчиси будкага яқинлашгач, занжирлари сочилиб, қийшайиб тўхтаб қолди. Иккинчи танк ҳам ёна бошлади.

Морозов яраларини боғлаб, ротани айланиб чиқди. Жангчиларнинг соғларини тўплади, аммо улар бир взводдан ошмади. Лекин Морозов сир бой бермади. У, одатдагидек, дадил команда берди:

— Рота, жангга ҳозирлан!

Шу чоқ ўрмон томондан «КВ» келиб тўхтади-да, танклар жанг олиб бораётган станция томонга тўп оғзини тўғрилади. Танк люкидан кўк комбинезон кийган,

хушрўй киши чиқиб, темир йўл кўтармасидан сакрашга ҳозир бўлиб турган жангчилар олдига келди.

— Сержант Жабборов ким?

— Мен!— деди Нормат.

— Пичоғинг борми?

— Йўқ.

— Штикни ол, гимнастёрканинг кўкрагини теш.

— Нега? Нега тешаман?

Комбинезонли киши планшетидан кичкина қутича олиб, уни оча бошлади.

— Сени орден билан табриклайман!

Норматнинг юраги дукиллаб уриб, кўзлари чақнаб кетди. У гимнастёркасини ечмоқчи бўлиб шошилиб қолган эди. Отступний унинг ёнига оқсоқланиб келди.

— Шошма, ўртоқ сержант, менда пичоқ бор,— деди у, Норматнинг тугмаларини ечаркан.

— Қўйвор ёқани!— деди Нормат жаҳл билан.

— Ноз қилма, келавер, кўкрагингга орденни ўзим тақиб қўяман!

Комбинезонли киши «Қизил Юлдуз» орденини Норматнинг кўкрагига ўз қўли билан тақиб қўйди.

Норматнинг кўзи уни табриклаб кулиб турган Крупеньяга тушиб қолди-да, комбинезонли кишига уни таърифлай кетди:

— Ўртоқ генерал, жуда яхши бир жангчимиз бор. Ғазабидан ўт чақнайди. Оғир ярадор бўлса ҳам, милтигини ташлагани йўқ. Мана, шу Крупеньяни ҳам мукофотлаш даркор..

— Бутун бўлинма мукофот олади,— деди комбинезонли киши.

— Ўртоқ генерал!— (Крупенья комбинезонли кишини танимаса ҳам, унга шундай деб мурожаат қилишни лозим топди.)— Менинг бир дўстим бор. Ҳусейн Оға ўғли. Жуда яхши пулемётчи. Ҳозир ҳам ярадорларни қўриқлаб турибди. Бу медални..

Комбинезонли киши темир йўл кўтармасига қўл пулемётини ўрнатиб олиб станция томонга мўлжал билан ўқ узаётган Ҳусейн Оға ўғлини кўриб унинг олди-га борди.

— Жангчи Оға ўғли, сизни «Жанговар хизмат учун» медали билан табриклайман!

Ҳусейн Оға ўғли қувониб медални олди-да, овозининг борича қичқириб:



— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!— деди.

Комбинезонли киши жангчилар билан илиқ хайрлашиб, танк олдига бораркан, чуқурликдаги ярадорларга кўзи тушиб қолди.

— Нега жўнатилмади булар?— деб сўради у Морозовдан.

— Ҳозир жўнатамиз, ўртоқ генерал,— деди Морозов,— транспорт йўқ эди...

— Танкка ўтқизинглар буларни!

— Есть!

Ярадорлардан уч кишини бирма-бир «КВ»га чиқариб, люк атрофига ўтқазиб қўйишди.

— Бир-бирларингни ушлаб олинглар!— деди генерал уларга.

Комбинезонли киши дурбин билан станция томонга қаради. Шиддатли танклар жанги бормоқда эди.

Оғир ярадорлар ортилган танк жўнаётганида, Морозов генералдан сўради:

— Ҳужумга ўтаверайми, ўртоқ генерал?

— Йўқ!— деди комбинезонли киши.— Тўпга ем бўлишнинг ҳожати йўқ. Тактикани ўзгартириш керак!

Танк жўнаб кетди.

Фарбий фронт Ҳарбий Совети аъзосининг тактикани ўзгартириш ҳақида айтган сўзлари Морозовни ҳам, Норматни ҳам, бошқа жангчиларни ҳам ўйлатиб қўйди.

Нормат генерал танкининг орқасидан мамнун тикилиб қолди.

Кечаси Юрьев батальони станцияни ўнгда қолдириб танклар орқасидан жанг билан яна Варшава йўлига чиқди.

Бир оздан кейин Юрьевга янги буйруқ топширилди.

Совет қўшинларининг янги ҳужум тактикасини қўллаши натижасида орқада қолган душман қўшинлари шошилиш равишида станцияни ташлаб ўрмонларга қочмоқда эди. Юрьев батальони бошқа батальонлар билан ҳамжиҳатликда ана шу ёв қисмларининг йўлини тўсиб, аскарларини асир олиши ёки қириб ташлаши керак.

Буйруқ роталарда ўқиб эшиттирилди. Бир неча минутдан кейин батальон қўзғалди. Енгил танклар Варшавкани кесиб ўтиши ҳамон, Нормат бўлинмасига қичқириб команда берди:

— Олга!

Норматнинг кучли овози ўрмонда мағрур янгради. Жангчиларга унинг овози замбарак овозидан ҳам қудратлироқ бўлиб туюлди. Чиндан ҳам уни ҳужум, ғалабага интилиш руҳлантириб юборган. Ҳарбий Совет аъзосининг шахсан ўзи келиб, унга ва унинг жангчиларига орден тақиб қўйганлиги Норматнинг кўнглини тоғдай кўтариб юборди. У фақат олдинга юриш, сира тўхтамай, туну кун олдинга юриш орзусида ёниб, қичқирарди:

— Олга!..



## М У Н Д А Р И Ж А

|  |     |
|--|-----|
| <i>Биринчи боб. Ёрим, яхши қол!</i> . . . . .                      | 3   |
| <i>Иккинчи боб. Пўлат изларда</i> . . . . .                        | 13  |
| <i>Учинчи боб. Адолатнинг ақли</i> . . . . .                       | 21  |
| <i>Тўртинчи боб. Ғазабнинг туғилиши</i> . . . . .                  | 28  |
| <i>Бешинчи боб. Дастлабки хабар</i> . . . . .                      | 39  |
| <i>Олтинчи боб. Тунги тўқнашув</i> . . . . .                       | 60  |
| <i>Еттинчи боб. Славик — Тўхта холатининг кенжаси</i> . . . . .    | 76  |
| <i>Саккизинчи боб. Дастлабки тўқнашув</i> . . . . .                | 87  |
| <i>Тоққизинчи боб. Норматнинг ғойиб бўлиши</i> . . . . .           | 97  |
| <i>Унинчи боб. Даштдаги ҳангома</i> . . . . .                      | 109 |
| <i>Ун биринчи боб. Душман орасида танҳо</i> . . . . .              | 119 |
| <i>Ун иккинчи боб. Дил хоҳламаган тўй можароси</i> . . . . .       | 124 |
| <i>Ун учинчи боб. Бегимхоннинг беорлиги</i> . . . . .              | 140 |
| <i>Ун тўртинчи боб. Эргаш Уролда</i> . . . . .                     | 147 |
| <i>Ун бешинчи боб. Партизанлар орасида</i> . . . . .               | 159 |
| <i>Ун олтинчи боб. Хушхабар</i> . . . . .                          | 171 |
| <i>Ун еттинчи боб. Юрак совғаси</i> . . . . .                      | 183 |
| <i>Ун саккизинчи боб. Жанг</i> . . . . .                           | 194 |
| <i>Ун тоққизинчи боб. Байрам олди кечаси</i> . . . . .             | 209 |
| <i>Йигирманчи боб. 7 ноябрь, Қизил Майдонда</i> . . . . .          | 220 |
| <i>Йигирма биринчи боб. Фронт йўли</i> . . . . .                   | 225 |
| <i>Йигирма иккинчи боб. Гапни гапир ўққанга</i> . . . . .          | 235 |
| <i>Йигирма учинчи боб. Тор-мор</i> . . . . .                       | 242 |
| <i>Йигирма тўртинчи боб. Бегимхоннинг бедарак кетиши</i> . . . . . | 259 |
| <i>Йигирма бешинчи боб. Кўприк кўрманаси</i> . . . . .             | 265 |
| <i>Йигирма олтинчи боб. Интилиш</i> . . . . .                      | 272 |

*На узбекском языке*

**ИБРАГИМ РАХИМ**

## **НАСТОЯЩАЯ ЛЮБОВЬ**

*Р о м а н*

**ВТОРОЕ ИЗДАНИЕ**

**Гослитиздат УзССР — 1960 Ташкент**

**Редактор А. Ражабова**

**Рисом В. Венедиктов**

**Размлар редактори Г. Бедарев**

**Техн. редактор Т. Скиба**

**Корректор И. Қабиллов.**

• • •

Босмахонага берилди 2-VI-1960 й. Босишга рухсат этилди  
24/II 1960 й. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 8,625. Шартли  
босма л. 14,15. Нашр л. 15,0. Индекс б/а. Тиражи 15 000.  
УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30. Шартнома № 24—60

• • •

УзССР Маданият министрлиги Узглавиздатнинг 1-босмахо-  
наси, Тошкент, Ҳамза кўчаси 21. 1960 й. Заказ № 282.  
Баҳоси 6 с. 1961 йил 1 январдан баҳоси 60 т.

